ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ
СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ

МАШКУРОВ ҒАЙРАТ АБДУЖАЛИЛОВИЧ

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГИНИ ЎТКАЗИШ ТИЗИМИ

М о н о г р а ф и я

Тошкент – 2025

УЎК 340.115(575.1)
КБК 67.022.1
М38

Машкуров, Ғайрат Абдужалилович
Қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тизими. Монография.// Ғ.А. Машкуров. – Т.: “Dimal” нашриёти, 2025 й. – 262 б.

Ушбу монография қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказишнинг илмий-назарий таҳлилига бағишланган бўлиб, унда қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторинги тушунчаси ва моҳияти, қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш усуллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, хорижий давлатларда қонун ҳужжатлари ижроси ҳуқуқий мониторингининг ўзига хос жиҳатлари, қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторинги объектлари ва субъектлари, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тизимининг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш масалаларига оид таклиф ҳамда тавсиялар берилган.

Монография қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторинги субъектлари, амалиётчи мутахассислар, талабалар, тадқиқотчилар, шунингдек кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
Ф.Отахонов,
юридик фанлар доктори, профессор

Тақризчилар:

З.Амиров	– Судьялар олий мактаби доценти, юридик фанлар доктори;
У.Сайдахмедов	– Тошкент вилояти суди судьяси, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби Кенгашининг 2025 йил 4 июндаги 7-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9910-562-90-7

© Машкуров Ғайрат Абдужалилович
© “Dimal” нашриёти, 2025

МУНДАРИЖА

Кириш 5

I БОБ. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

1.1-§. Қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторинги тушунчаси ва моҳияти 8
1.2-§. Қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш усуллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....30
1.3-§. Хорижий давлатларда қонун ҳужжатлари ижроси ҳуқуқий мониторингининг ўзига хос жиҳатлари.....52

II БОБ. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГИ ОБЪЕКТЛАРИ

2.1-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳуқуқий мониторингини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари 70
2.2-§. Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунлари ва қонунлари ижросининг ҳуқуқий мониторинги.....86
2.3-§. Олий Мажлис палаталари қарорлари ижросининг ҳуқуқий мониторинги 96

III БОБ. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГИ СУБЪЕКТЛАРИ

3.1-§. Ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби ва босқичлари.....106
3.2-§. Суд ҳокимиятининг қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингида иштироки 129
3.3-§. Прокуратура органлари томонидан қонун ҳужжатлари ижроси ҳуқуқий мониторингини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари.....145

4-БОБ. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГИНИ ЎТКАЗИШ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

4.1-§. Қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингида фуқаролик жамияти институтлари иштироки 160
4.2-§. Қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказишга таъсир кўрсатувчи қонун ижодкорлиги ва қонунни қўллаш амалиётидаги омиллар 176
4.3-§. Қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторинги қонуний асосларини такомиллаштириш истиқболлари 198

ХУЛОСА..... 217
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... 240

КИРИШ

Дунёда қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашда ишлаб чиқилаётган ва қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторинги йўлга қўйилганлиги, давлат органлари томонидан мунтазам равишда ҳуқуқий мониторинг ўтказилиши, мониторинг ўтказишнинг тартиб-таомиллари ишлаб чиқилганлиги, ушбу жараёнга фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқароларнинг жалб қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқий мониторингни ташкил этиш ва ўтказишда қонун ҳужжатлари талаблари ижросининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида барча давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар томонидан тўлақонли таъминланиши, доимий равишда қонунчилик ҳужжатларидаги “оқ доғлар”нинг аниқлаб борилиши ва улардаги қарама-қаршиликларнинг бартараф этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш таъсирини баҳолаш, ҳуқуқий мониторингни амалга оширувчи давлат органлари фаолиятини янада жонлантириш, мониторинг жараёнига нодавлат нотижорат ташкилотларни роли ва ўрнини фаоллаштириш, мониторингни илмий-назарий асосларини кучайтириш, мониторинг усул ва шаккларини кенгайтириш, ривожланган хорижий давлатларнинг ҳуқуқий мониторинг ўтказишга доир қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини қиёсий жиҳатдан таҳлил қилиш, мониторинг ўтказишда рақамли технологиялар, хусусан сунъий интеллект технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш, қонун ҳужжатлари турлари, хусусан, Конституция, конституциявий қонунлар, парламент палаталари қарорлари мониторингини ташкил қилиш ва ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳуқуқий мониторинг ўтказишга таъсир кўрсатувчи салбий омиллар ҳамда уларни бартараф қилиш усулларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳуқуқий мониторингни ташкил этиш ва ўтказишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Қонунчиликни таҳлил қилиш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтига қонунчиликдаги муаммоларни таҳлил қилиш, ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғланиши, комплекслиги ва уйғунлиги мониторингини ўтказиш, вазирлик ва идоралар марказий аппаратларида тузилган стратегик режалаштириш ва методология бўйича таркибий бўлинмаларга қонунчилик ҳужжатлари ижроси мониторингини ўтказиш вазифалари юклатилди. Шу билан бирга, ҳуқуқий мониторингни ташкил этиш ва ўтказиш борасида бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолаётган бўлиб, бу ўз навбатида мамлакатда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигига, қонун устуворлиги борасидаги ижобий имижига салбий таъсир кўрсатмоқда, халқаро рейтинг кўрсаткичларида юртимиз позициясини етарлича яхшилаш имконини бермасдан келмоқда. Хусусан, давлат органлари томонидан қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ташкил этиш ва ўтказишга етарлича эътибор қаратилмасдан келинмоқда, мониторинг натижаларидан норма ижодкорлиги жараёнларида фойдаланилмаяпти. Давлат органлари томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш амалиёти таҳлил қилинганида аксарият ҳолатларда давлат органлари томонидан қонунлар ижроси мониторинги ташкил этилмаётганлиги ва ўтказилмаётганлиги ёки улар томонидан ҳуқуқий мониторингга етарлича эътибор қаратилмаётганлиги аниқланди. Қолаверса, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўлланилиши бўйича ҳуқуқий мониторинг ўтказиш амалиётининг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги охирги йилларда амалдаги қонунчилик ҳужжатларига тез-тез ўзгартиришлар киритилишига сабаб бўлмоқда.

Мазкур монографияда қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказишнинг илмий-назарий таҳлили, мониторинг объектлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, субъектлари ҳамда улар томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказишдаги алоҳида жиҳатлар батафсил таҳлил қилинган.

Монографияда ҳуқуқий мониторингнинг илмий назарий асосларини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, монографияда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқий мониторинг билан тартибга солиш таъсирини баҳолашни қиёсий жиҳатдан ўрганилиб, бунда ҳуқуқий мониторинг билан тартибга

солиш таъсирини баҳолаш вазифаларидаги такрорийликнинг қонунчилик ҳужжатларида учраши уларни ўтказувчи субъектлар вазифаларининг чалкашиб кетиши, ҳуқуқий мониторингда фойдаланиладиган усулларнинг асоссиз равишда кенгайиб кетиши ва натижада мониторинг якунида хилма-хил натижаларнинг қўлга киритилиши, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун кўплаб ресурс ва вақтнинг сарфланиши, кутилган натижага ёки ҳуқуқий мониторингнинг асосий мақсадларига эришилмаслиги билан боғлиқ салбий оқибатларни келтириб чиқариши ҳақидаги хулосалар асослантириб берилган.

Ушбу монографияда қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тизимини такомиллаштириш масалаларининг назарий-методологик асослари ёритиб берилган.

I БОБ. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

1.1-§. Қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторинги тушунчаси ва моҳияти

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда кўплаб ислоҳотлар амалга оширилиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқ ижодкорлиги борасидаги ташаббуслари фаоллашмоқда. Бунда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари ўзларига ишониб топширилган соҳаларни ислоҳ қилиш орқали такомиллаштиришга эътиборни кучайтиришлари натижасида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Чунончи, Қонунчилик маълумотлари миллий базасининг маълумотларига кўра, биргина Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сони 2015 йилдан кейин кескин ортганини кузатиш мумкин. Танлов асосида 2013-2015 ва 2019-2024 йиллар кесимида мазкур субъект томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сон кўрсаткичини таҳлил қилганимизда бу ҳолатга яна бир бор гувоҳ бўламиз.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йилда 356 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган бўлса[1], бу кўрсаткич 2014 йилда 378 тани[2], 2015 йилда эса 372 тани ташкил қилган.

2016 йилдан кейинги даврда эса, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони кескин ортганлигига гувоҳ бўламиз. Ўз навбатида бундай ҳолатни 2019-2024 йиллар оралиғида кўриб чиқадиган бўлсак, 2019 йилда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1 060 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган бўлса[3], 2023 йилда уларнинг сони 725 тани[4], 2024 йилда 919 тани[5] ташкил қилган.

2016 йилдан кейинги йилларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишдаги фаолликни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъектларда ҳам кузатиш мумкин.

---

[1] https://lex.uz/search/nat?lang=3&form_id=3972&body_id=819&nature=1&from=01.01.2013&to=31.12.2013
[2] https://lex.uz/search/nat?lang=3&form_id=3972&body_id=819&nature=1&from=01.01.2014&to=31.12.2014
[3] https://lex.uz/search/nat?lang=3&from=01.01.2019&to=31.12.2019&body_id=819
[4] https://lex.uz/search/nat?lang=3&from=01.01.2023&to=31.12.2023&body_id=819
[5] https://lex.uz/search/nat?lang=3&from=01.01.2024&to=31.12.2024&body_id=819

Мамлакатимизда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сон кўрсаткичининг 2016 йилдан кейинги даврда ўсиши ва юқори кўрсаткични сақлаб қолишини қуйидаги омиллар орқали изоҳлаш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2016 йилдан бошлаб ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ қилишни назарда тутувчи "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси", "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси" ҳамда "Ўзбекистон – 2030" стратегияси каби стратегик ҳужжатларнинг қабул қилиниши, давлат органларига турли соҳалар бўйича вазифалар белгилаб берилиши ҳамда уларнинг доимий янгиланиб борилишида;

халқ билан мулоқотнинг янги шакллари (Виртауал халқ қабулхонаси, Бизнес омбудсман ва б.) йўлга қўйилиши натижасида фаол фуқаролар қатлами томонидан ўтган давр мобайнида тўпланиб қолган турли муаммоларнинг кўтарилиши ва уларни ҳал этишга қаратилган тегишли ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишида;

қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига улар ижроси самарадорлигини баҳолашга қаратилган мониторингни турли шаклларининг кириб келишида.

Мамлакатимизда кўплаб қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилиниши бир вақтнинг ўзида илмий изланувчилар, экспертлар ва ҳуқуқни қўлловчи давлат органлари ҳамда ташкилотлари олдига уларнинг сифати ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётига самарали ва тўлақонли татбиқ этилишини баҳолаш вазифасини қўймоқда.

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиниши, уларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишда тутган роли, таъсир даражаси ва ҳукумат томонидан юритилаётган ҳуқуқий сиёсат ҳамда жамият ҳаётидаги турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигига баҳо беришда ҳуқуқий мониторинг муҳим аҳамиятга эга бўлган институтлардан бири ҳисобланади.

Гарчи ўтган давр мобайнида юртимизда ҳуқуқий мониторингни жорий этиш ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида кўплаб ислоҳотлар амалга оширилган бўлсада, ҳуқуқшунослик назариясида ҳуқуқий мониторинг тушунчаси борасида ҳалигача ягона ёндошув мавжуд эмаслигини, олимлар

ўртасида турлича баҳс-мунозаралар давом этиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳуқуқий мониторинг тушунчасига тўғри таъриф беришда унинг моҳиятини тўғри тушуниш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунга келиб ҳуқуқий мониторинг моҳиятини тушуниш бўйича 5 та асосий назарий доктрина мавжуд бўлиб, уларни қуйидагилар ташкил қилади:

Ҳуқуқий ишончлилик доктринаси. Бундай доктринал ёндошув тарафдорлари ҳуқуқий мониторингнинг асосий моҳияти фуқароларнинг давлатдаги ҳуқуқий тизимга бўлган ишончини оширишдан иборатлигини таъкидлайдилар[1].

Ижтимоий ҳуқуқ доктринаси. Мазкур доктрина тарафдорлари ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг моҳияти қонунга риоя этиш ва уни қўллаш жамиятдаги ижтимоий нормалар ҳамда маданий омилларга қандай таъсир кўрсатишини ўрганишдан иборатлигини қайд этадилар[2].

Ҳуқуқни қўллаш доктринаси. Мазкур доктринал ёндошув тарафдорларининг қайд этишича, ҳуқуқий мониторингнинг моҳияти қонунлар нормалари ҳуқуқни қўллаш амалиётида давлат ҳокимиятининг турли тузилмалари (ижро этувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, суд органлари ва б.) томонидан қанчалик даражада самарали қўлланилишини ўрганишда намоён бўлади[3].

Ҳуқуқнинг иқтисодий доктринаси. Мазкур ёндошув тарафдорлари ҳуқуқий мониторингнинг моҳияти қонуннинг қўлланилишида иқтисодий омилларнинг таъсири, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётида иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлган механизмлар ёки суистеъмол қилиш ҳолатлари таҳлил қилинишини таъкидлайдилар[4].

Ҳуқуқ ва технологиялар доктринаси. Бошқа доктринал ёндошувларга нисбатан ёш бўлган бундай ёндошув замонавий тадқиқотларга асосланган бўлиб, унинг намоёндалари ҳуқуқий мониторинг моҳияти йирик маълумотлар базасидан тортиб сунъий

[1] Jean-Robert Tyran (University of St.Gallen, Department of Economics, Bodanstr. 1, CH-9000 St. Gallen, Jean-Robert) and Lars P. Feld (University of St.Gallen, Department of Economics, Dufourstr. 48, CH-9000 St. Gallen). Why People Obey the Law Experimental Evidence from the Provision of Public Goods., Princeton University Press, 2006, 299 P.

[2] Roger Cotterrell. Law's Community: Legal Theory in Sociological Perspective. Oxford socio-legal studies, Clarendon Press, 1995, 381 P.

[3] Donald J. Black. The Behavior of Law, Academic Press, 1976. 175 P.

[4] Posner, Richard A. Economic analysis of law / 2nd ed., Boston: Little, Brown, [1977], 572 P.

интеллект тизими томонидан қонунлар қўлланилишини таҳлил қилишга асосий эътибор қаратадилар[1].

Гувоҳ бўлганимиздек, назарияда ҳам ҳуқуқий мониторинг моҳияти борасида хилма-хил доктринал ёндошувлар мавжуд бўлиб, биз ушбу тадқиқотимиз доирасида ҳуқуқий мониторингга таъриф беришда ва уни таҳлил қилишда ҳуқуқни қўллаш доктринаси нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда ёндошамиз.

Ҳуқуқни қўллаш доктринасидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий мониторинг тушунчасига таъриф беришда назариётчи олимлар унинг турли жиҳатларига эътибор қаратадилар.

Жумладан, таниқли ҳуқуқшунос олим Ю.А.Тихомиров ҳуқуқий мониторинг тушунчасига ҳуқуқ вужудга келадиган ва амал қиладиган барча босқичларда намоён бўладиган ташкилий, бошқарув хусусиятига эга, ахборот-баҳолаш ҳуқуқий институти сифатида таъриф беради[2].

Ушбу таърифга эътибор қаратадиган бўлсак, бунда ҳуқуқшунос олим Ю.А.Тихомиров ҳуқуқий мониторинг тушунчасини ахборот-баҳолаш институти сифатида изоҳлар экан унинг асосий моҳиятига, яъни нимага қаратилганлигига эътибор қаратмайди.

Яна бир гуруҳ олимлар ҳуқуқий мониторинг қонунчилик самарадорлигини ошириш, ундаги бўшлиқлар ва зиддиятларни бартараф этиш усули сифатида изоҳлайдилар[3].

Мазкур таърифда эса, ҳуқуқий мониторинг тушунчасини изоҳлашда ундан кўзланган асосий мақсадга эътибор қаратилсада, унинг юридик табиати билан боғлиқ масалага етарлича эътибор берилмайди.

Ҳуқуқшунос Я.Е.Наконечный ҳуқуқий мониторинг тушунчасига таъриф беришда ушбу институтнинг мақсадига асосий эътиборни қаратар экан, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёнини тўлақонли мақбуллаштириш мақсадида норматив ҳужжатлар шакли, мазмуни ва амалга оширилишини илмий ва методологик жиҳатдан асосланган баҳолаш тизими сифатида эътироф этади[4].

---

[1] Zarsky T.Z. Incompatible Goals? Privacy, Technology and National Security. The Yale Law Journal Forum, 2016.

[2] Тихомиров Ю.А. Организация и проведение правового мониторинга // Право и экономика. – 2006. – № 10. – С. 11–15.

[3] Малько А.В., Соломатин А.Ю. Социально правовой мониторинг как инструмент продвижения российской правовой реформы // «Черные дыры» в российском законодательстве. – 2007. – № 6. – С. 463–464.

[4] Наконечный Я.Е. Значение и роль мониторинга нормативных актов для систематизации российского законодательства // Государственная власть и местное самоуправление. – 2009. – № 9. – С. 14–17.

Ушбу олимнинг ҳуқуқий мониторинг тушунчасига берган таърифи юқорида келтирилган таърифлардан тўлиқлиги билан ажралиб турсада, бизнингча, ундан кўзланган мақсад батафсил ёритиб берилмаган. Хусусан, ҳуқуқий мониторингдан кўзланган асосий мақсад сифатида ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёнини тўлақонли мақбуллаштириш эканлиги баён этилади. Бунда мақбуллаштириш деганда қандай жараён назарда тутилаётганлигига аниқлик киритилмайди.

Бошқа бир гуруҳ олимлар ҳуқуқий мониторинг тушунчасини таърифлашда кузатувлар тизими эканлигини қайд этадилар. Бунда ушбу олимларнинг фикрига кўра, ҳуқуқий мониторинг деганда қуйидаги жараёнларни таҳлил қилиш ва баҳолаш имкониятини берувчи маълумот кузатувлари тизимини тушуниш мақсадга мувофиқ: қонун ижодкорлиги фаолияти (ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни) натижалари, ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида берилган ваколат асосида муайян ҳуқуқ ижодкори бўлган орган томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг сифати, уларни ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги самарадорлиги[1].

Мазкур олимларнинг юқорида келтирган таърифдаги ҳуқуқий мониторинг фақатгина кузатув тизими эканлиги ҳақидаги қарашлари унинг табиатини тўлақонли очиб бера олмайди. Зеро, ҳуқуқий мониторинг комплекс усул ва бир қатор босқичлардан ташкил топган бўлиб, унга фақат кузатув тизими сифатида таъриф бериш ушбу ҳодисани фақат бир томонлама тушунишга олиб келади.

Ҳуқуқий мониторинг бўйича махсус тадқиқотлар олиб борган олима Л.А.Иванова ҳуқуқий мониторинг тушунчасига ваколатли субъектларнинг ҳуқуқий нормалар сифати ва уларни қўллашда кузатиш, таҳлил қилиш, баҳолаш орқали ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда режалаштирилган мақсад ва натижаларга эришиш, шунингдек норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш усулларини прогнозлаш мақсадини кўзловчи комплекс тизимли фаолияти сифатида таърифлайди[2].

Баъзи муаллифларнинг тадқиқотларида ҳуқуқий мониторинг тушунчаси доираси кенгайтирилиб, унга назорат, прогнозлаш, ҳуқуқ амал қиладиган доиранинг мақсадга мувофиқ ҳолатини таъминловчи

---

[1] Горохов Д.Б., Спектор Е.И., Глазкова М.Е. Правовой мониторинг: концепция и организация // Журнал российского права. – 2007. – № 5. – С. 25–38.

[2] Иванова Л.А. Определение эффективности нормативных актов в процессе правового мониторинга: автореф. дис. … канд. юрид. наук. М., 2011. С. 8–9.

усуллар ва шаклларни ишлаб чиқиш, қонунчиликда исталмаган жараёнлар ривожланишининг олдини олиш каби институт ва ҳодисалар ҳам киритилади[1].

Бизнингча, ҳуқуқий мониторинг тушунчасига таъриф беришда уни назорат, прогнозлаш ва бошқа ҳодисалар билан бирга тушунтиришга уриниш мазкур институтнинг ҳақиқий маъносини тўғри англашга имкон бермайди.

Ҳуқуқий мониторинг тушунчаси борасида махсус доктринал тадқиқотлар олиб борилган хорижий давлатлар манбаларида ушбу тушунчага ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлиги ҳамда сифатини баҳолаш тарзида таъриф берилади[2].

Россия Ҳуқуқий тадқиқотлар ва қонунчиликни ривожлантириш маркази томонидан ишлаб чиқилган Услубий тавсияларда ҳуқуқий мониторинг тушунчасига концептуал нуқтаи-назардан келиб чиқилган ҳолда таъриф берилган. Бунда ҳуқуқий мониторингга давлат тараққиётининг стратегик мақсадларига амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мувофиқлиги таҳлили, ҳуқуқ ижодкорлигининг самарадорлиги, қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг сифати, уларни ҳуқуқни қўллашда татбиқ этилиши (ҳуқуқни қўллаш амалиёти), ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмидаги камчиликларни бартараф этиш учун доимий, тизимли кузатиб боришни таъминловчи ахборот-баҳолаш аҳамиятига эга бўлган комплекс институтдир[3].

Ҳуқуқий мониторинг тушунчаси борасида миллий ҳуқуқшунослар ўртасида ҳам турлича ёндошув мавжудлигини таъкидлаш жоиз.

Хусусан, ҳуқуқий мониторинг борасида махсус тадқиқотлар олиб борган профессор Ш.Рўзиназаров ҳуқуқий мониторинг тушунчаси кенг маъноли эканлигини қайд этади.

Бунда профессор ҳуқуқий мониторинг ўз ичига бир қатор соҳаларни қамраб олишини таъкидлайди. Шу билан бирга, ҳуқуқий мониторинг соҳалари сифатида миллий-ҳуқуқий тизим

---

[1] Иванова О., Чалих И. Правовой мониторинг в современной россии: подходы к интерпретации и перспективные направления реализации. Вестник КГУ им. Н.А.Некрасова № 6, 2015. – С. 145. https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoy-monitoring-v-sovremennoy-rossii-podhody-k-interpretatsii-i-perspektivnye-napravleniya-realizatsii/viewer

[2] Ҳуқуқий мониторинг концепцияси, тушунчаси ва принциплари тўғрисида батафсил қаранг: Горохов Д.Б., Спектор Е.И., Глазкова М.Е. Правовой мониторинг: концепция и организация // Журнал российского права. 2007. №5. С. 30 – 34.

[3] Правовой мониторинг. Научно-практическое пособие. – М.: ИД “Юриспруденция”, 2009. – С.406.

мониторинги, юридик фан мониторинги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, қонун ҳужжатлари мониторинги, юридик таълим мониторинги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторинги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви ҳамда иқтисодиёт тармоқларида ҳуқуқий ишларни ташкил қилиш мониторинги, ҳуқуқий тарғибот ишлари мониторинги, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мониторинги кабиларни келтиради[1].

Бизнингча, ҳуқуқий мониторингни турли соҳаларга ажратиш ушбу йўналишда изланиш олиб бораётган ҳар қандай тадқиқотчининг субъектив қараши ҳисобланиши ҳамда назарий ёки амалий жиҳатдан бирор-бир аҳамият касб этмаслигини инобатга олиш лозим.

Махсус тадқиқот олиб бораётган изланувчи Р.Сайидовнинг фикрича, ҳуқуқий мониторинг – қонунчилик тизими тўғрисида тасаввурга эга бўлиш учун доимий равишда режалаштирилган асосда олиб бориладиган фаолиятдир[2].

Фикримизча, юқоридаги таърифда ҳам ҳуқуқий мониторинг тушунчасининг мазмун-моҳияти етарлича очиб берилмаган. Жумладан, ҳуқуқий мониторинг қандай субъектлар томонидан амалга оширилишига аниқлик киритилмаганлиги юқоридаги таърифда эътибор қаратилмаган жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, ҳуқуқий мониторингни фақатгина қонунчилик тизими тўғрисида тасаввурга эга бўлиш учун амалга ошириладиган фаолият сифатида эътироф этиш мазкур институтнинг асосий мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниш имконини бермайди.

Юқоридагилардан гувоҳ бўлганимиздек, ҳуқуқий мониторинг тушунчаси борасида хорижий ва миллий ҳуқуқшунос олимлар ўртасида ҳалигача турлича таърифларнинг мавжудлиги унинг моҳиятини тўғри тушуниш имконини бермасдан бу борадаги баҳс-мунозараларни кучайишига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда сўнгги йилларда ҳуқуқий мониторингнинг қонунчилик асосларини яратиш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

---

[1] Рўзиназаров Ш.Н. Ҳуқуқий мониторинг ва хавфсизлик асослари. Масъул муҳаррир Раҳмонқулов Ҳ.Р. – Тошкент, 2007. – Б.153-154.

[2] Сайидов Р. Ҳуқуқий мониторинг институтининг назарий-ҳуқуқий асослари. “Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар” мавзусидаги республика 28-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 май 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 77 б. https://conferences.uz/plugins/themes/bootstrap3/pdf/conf_28_2021/1.Huquqiy_tadkikotlar_yunalishi_1_qism.pdf

Бунда 2021 йил 20 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунида мониторинг билан боғлиқ алоҳида модда киритилганлиги ҳам эътирофга моликдир. Хусусан, мазкур Қонуннинг 53-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги ва назорати деб номланувчи алоҳида модда киритилган бўлиб[1], бундай модда 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган олдинги таҳрирдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда мавжуд эмас эди[2].

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–111-сон Фармони қабул қилиниши ҳуқуқий мониторинг тушунчасига бўлган миллий ёндошувда туб бурилиш бўлганлигига эътибор қаратиш жоиз[3].

Йиллар давомида ҳуқуқий мониторингга мустақил ҳуқуқ институти сифатида қараб келинган анъанавий қонунчилик ҳужжатларидан[4] фарқли равишда юқорида қайд этилган Фармонда қонунчилик ҳужжатларининг ҳуқуқий мониторинги фақатгина тартибга солиш таъсирини баҳолаш доирасида ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Ундан ташқари, юқорида қайд этилган Фармон билан тасдиқланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда ҳам ҳуқуқий мониторинг бевосита тартибга солиш таъсирини баҳолашга боғлиқ бўлган механизмлар назарда тутилди.

Фикримизча, ҳуқуқий мониторинг ўтказишга нисбатан назарда тутилган бундай тартиб унинг нафақат мустақиллигини чеклайди, балки долзарб ижтимоий муносабатлар учун муҳим аҳамиятга эга

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни, 20.04.2021 йилдаги ЎРҚ-682-сон. https://lex.uz/docs/5378966

[2] Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги 160-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 8-модда);

[3] Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.08.2024 йилдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–111-сон Фармони. https://lex.uz/docs/7069968

[4] Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.11.2019 йилдаги “Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4505-сон қарори. https://lex.uz/docs/4577546

бўлган масалалар юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказишга ўзига хос тўсиқ бўлиб ҳам хизмат қилади.

Шу муносабат билан, ҳуқуқий мониторинг тушунчасига таъриф беришда уни тартибга солиш таъсирини баҳолаш билан боғлаш мақсадга мувофиқ эмас.

Юқорида қайд қилинган моддада “ҳуқуқий мониторинг” тушунчаси ўрнига “норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги” атамаси қўлланилган. Бунда ушбу моддада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ва бошқа ташкилотлар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси билан боғлиқ масалалар бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторингини амалга ошириши назарда тутилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги “Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5025-сон қарори билан Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланган бўлиб, унда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш тартиби, мониторинг ўтказилишини назорат қилиш билан боғлиқ масалалар тартибга солинган[1].

Аммо, юқоридаги иккала ҳужжатда ҳам “ҳуқуқий мониторинг” тушунчасига таъриф берилмаган.

Шунга кўра, “ҳуқуқий мониторинг” тушунчаси борасидаги ёндошувларни таҳлил қилган ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, ҳуқуқий мониторингнинг моҳияти борасида асосан 5 та доктринал ёндошув кенг тарқалган бўлиб, уларни ҳуқуқий ишончлилик, ижтимоий ҳуқуқ, ҳуқуқни қўллаш, иқтисодий, ҳуқуқ ва технологиялар доктриналари ташкил қилади;

иккинчидан, хорижий ва миллий ҳуқуқшунос олимлар ўртасида “ҳуқуқий мониторинг” тушунчаси борасида ягона қараш ҳамда ёндошув мавжуд эмаслиги ушбу атаманинг таърифи бўйича

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги «Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5025-сон қарори. https://lex.uz/docs/5331912

тадқиқотчилар ўртасида турли баҳс-мунозаралар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда, ҳуқуқий мониторингни моҳияти ва мазмунини тушунишда турли хил талқинларни келтириб чиқармоқда;

учинчидан, амалдаги қонунчиликда “ҳуқуқий мониторинг” тушунчаси борасида ҳам ўзаро номувофиқ ёндошувлар мавжудлиги сақланиб қолиши билан бирга унинг таърифи берилмаган бўлиб, бу ўз навбатида ушбу йўналишда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, хусусан ҳуқуқий мониторинг моҳиятини очиб бериш, унинг юридик табиатига аниқлик киритиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Бизнингча, ҳуқуқий мониторинг тушунчасига таъриф беришда ундан кўзланган асосий мақсадга аниқлик киритиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги ПҚ–5025-сон қарорида белгиланган ҳуқуқий мониторинг вазифаларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, қайд этилган қарор билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 42-бандида ҳуқуқий мониторингнинг асосий вазифалари сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш мақсадларига эришилишини таҳлил қилиш, унинг ижроси ва натижаларини мунтазам ҳамда тизимли равишда кузатиб бориш, тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш учун статистик маълумотларни тўплаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш мақсадларига мувофиқлигини, улар ижросига тўсқинлик қилувчи ҳолатларни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш назарда тутилган.

Албатта, юқорида санаб ўтилган вазифаларининг барчасини ҳам соф ҳолда ҳуқуқий мониторингга тегишли деб бўлмайди. Хусусан, тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш учун статистик маълумотларни тўплаш вазифаси моҳият жиҳатдан ҳуқуқий мониторингни тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтининг таркибий элементига айлантириб қўймоқда.

Шунга қарамасдан, юқорида қайд этилган ҳужжатда санаб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш мақсадларига эришилишини таҳлил қилиш, унинг ижроси ва натижаларини мунтазам ҳамда тизимли равишда кузатиб бориш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросига тўсқинлик қилувчи ҳолатларни ва ҳуқуқни

қўллаш амалиётини ўрганиш каби вазифаларни ҳуқуқий мониторингнинг асосий вазифалари сифатида эътироф этиш мумкин.

Яна бир масала. Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган 30 йилдан ортиқ даври мобайнида миллий қонунчиликка ҳуқуқий мониторинг билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган мониторинг шакллари пайдо бўлганлигини таъкидлаш жоиз.

Бундай мониторинг шаклларини биз шартли равишда қуйидаги 3 гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ:

а) қонун ҳужжатлари ижроси билан чекланадиган ҳуқуқий мониторинг турлари. Ушбу гуруҳга мансуб мониторинг шаклларининг ўзига хос хусусияти шундаки, мониторингни бундай шаклини амалга ошириш жараёнида фақатгина қонунчилик ҳужжатининг ижроси юзасидан мониторинг ўтказилади. Жумладан, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 50 ва 53-моддасида, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни 8-моддасида “норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги” шакли назарда тутилган.

Шунингдек, мониторингни ушбу гуруҳга мансуб шаклларига “қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторинг[1]”, “ички назорат қоидаларига риоя этилиши устидан мониторинг”[2], “жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан мониторинг”[3] ва бошқа шаклларни киритиш мумкин;

б) қонун ҳужжатлари ижроси билан чекланмайдиган ҳуқуқий мониторинг турлари. Мониторингни ушбу гуруҳга кирувчи шаклларига хос асосий жиҳати сифатида бошқа гуруҳдаги шакллардан амалга ошириш жараёнида фақат қонунчилик ҳужжатлари ижроси билан чекланмаслигида намоён бўлади. Бундай мониторинг турларига “нотариат тўғрисидаги қонунчиликка, Нотариуснинг касб этикаси қоидалари ва касбий мажбуриятларга хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан риоя

[1] Ўзбекистон Республикасининг 12.12.2002 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги 434-II-сон Конституциявий Қонуни. https://lex.uz/docs/51961

[2] Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2004 йилдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги 660-II-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/283717

[3] Ўзбекистон Республикасининг 04.09.2015 йилдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-394-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/2742233

этилиши устидан мониторинг”[1], “пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларнинг мониторинги”[2], “радиациявий мониторинг”[3], “маиший-рўзғор чиқиндиларини тўплаш, ташиш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш ҳолати мониторинги”[4], “атроф табиий муҳитнинг глобал мониторинги”[5], “экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш мониторинги”[6] ва бошқаларни мисол сифатида келтириш мумкин;

в) қонун ҳужжатлари ижроси билан боғлиқ бўлмаган мониторинг турлари. Мониторингнинг ушбу шаклини амалга оширишда қонун ҳужжатлари ижросига риоя этилиши назарда тутилмаслиги билан ажралиб туради. Қонун ҳужжатларида қўлланилган бундай мониторингни асосий шакллари сифатида “баҳоловчилар малакасини ошириш тизими мониторинги”[7], “миллий хавфсизликка бўлган аниқ ва потенциал таҳдидлар мониторинг”[8], “эпизоотик мониторинг”[9] ва бошқаларни санаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳуқуқий мониторинг тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ:

“**Ҳуқуқий мониторинг – давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар томонидан ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тўлиқлигини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция, қонунлар ва халқаро мажбуриятларга мувофиқлигини таъминлаш, қонунчилик ҳужжатларидаги зиддиятлар, бир-бирини такрорловчи нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида амалга ошириладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда**

[1] Ўзбекистон Республикасининг 26.12.1996 йилдаги “Нотариат тўғрисида”ги 343-I-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/54458

[2] Ўзбекистон Республикасининг 15.12.2000 йилдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги 167-II-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/29526

[3] Ўзбекистон Республикасининг 31.08.2000 йилдаги “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги 120-II-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/26166

[4] Ўзбекистон Республикасининг 05.04.2002 йилдаги “Чиқиндилар тўғрисида”ги 362-II-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/42423

[5] Ўзбекистон Республикасининг 03.12.2004 йилдаги “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги 710-II-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/415135

[6] Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2004 йилдаги “Экспорт назорати тўғрисида”ги 658-II-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/262949

[7] Ўзбекистон Республикасининг 19.08.1999 йилдаги “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги 811-I-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/24703

[8] Ўзбекистон Республикасининг 11.05.2001 йилдаги “Мудофаа тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 211-II-сон Қонуни

[9] Ўзбекистон Республикасининг 29.12.2015 йилдаги “Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-397-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/2854720

ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўзаро уйғунлигини баҳолашга қаратилган фаолиятдир”.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–111-сон Фармони 3-бандининг “б” кичик бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“б) қонунчилик ҳужжатларининг ҳуқуқий мониторингини ҳар йили тасдиқланадиган режага мувофиқ ўтказилиши йўлга қўйилади;”

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда, мамлакатдаги қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар таклифлари асосида ҳуқуқий ислоҳотларни илмий-амалий жиҳатдан ўзаро уйғун ҳолда амалга оширишда, шунингдек ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатли бўлишини таъминлашда ҳуқуқий мониторинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу ўринда бир масалага тўхталиб ўтсак. Юқорида ҳуқуқий мониторинг тушунчасига келтирилган муаллифлик таърифида ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатини баҳолашга қаратилган фаолият эканлигини таъкидладик. Шу билан бирга, ҳақли равишда бугунги кунда миллий қонунчилигимизга қонун ҳужжатлари сифатини баҳолашга қаратилган кўплаб институтлар кириб келганлигини, тадқиқотчилар томонидан эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни баҳолашнинг янги турларини жорий этиш ҳақидаги таклифлар илгари сурилаётганлигини қайд этиш жоиз.

Жумладан, бугунги кунга келиб, амалдаги қонунчиликда ҳуқуқий мониторингдан ташқари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни баҳолаш бўйича ҳуқуқий экспертиза, коррупцияга қарши экспертиза, ҳуқуқий эксперимент, тартибга солиш таъсирини баҳолаш каби турли институтлар жорий этилган[1]. Гарчи, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга, тартибга солиш предмети ва усулларига эга бўлсада уларни барчасининг асосий мақсади ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги 20.04.2021 йилдаги ЎРҚ-682-сон Қонуни

солинганлигини баҳолаш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга қаратилган.

Масалан, амалдаги қонунчиликка мувофиқ тартибга солиш таъсирини баҳолашда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида тартибга солиш мақсадларига эришилишини, уни муносабатларга таъсирининг самарадорлиги ва натижадорлигини аниқлаш ва баҳолашга қаратилган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасида эса, улар қабул қилинишининг коррупция ҳолатлари учун имконият яратувчи оқибатларини умумий баҳолаш кўзланган асосий мақсадлардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, бир қатор тадқиқотчилар томонидан ҳам ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни баҳолашнинг қонун ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш[1], криминологик экспертиза[2] сингари янги институтларни қонунчиликка жорий этиш таклифлари илгари сурилаётганлигини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз.

Шу муносабат билан, ҳуқуқий мониторингнинг юқорида санаб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни баҳолаш бўйича ҳуқуқий экспертиза, коррупцияга қарши экспертиза, ҳуқуқий эксперимент, тартибга солиш таъсирини баҳолаш, қонун ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш, криминологик экспертиза каби юридик технологиялар тизимидаги ўрни қандай, унинг асосий моҳияти нимадан иборат деган ҳақли савол пайдо бўлади.

Махсус тадқиқотларда ҳуқуқий мониторингга у ёки бу юридик фаолиятнинг барча иштирокчилар (ҳуқуқ ташаббускорлари, ҳуқуқни қўлловчилар, ҳуқуқни шарҳловчилар ва б.) ҳаракатларини ягона алгоритмга шакллантиришга имкон берувчи юридик технологияларнинг алоҳида шакли эканлиги таъкидланади. Бунда юридик технологияларнинг бошқа шакллари сифатида юридик прогнозлаш, режалаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизаси, ҳуқуқ ижодкорлиги

[1] У.М.Алоев Коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш масаласи. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. 2-сон, - Тошкент, 2022 й. https://tadqiqot.uz/index.php/law/article/view/4948

[2] Т. Кенжаев. Антикоррупционная экспертиза проектов актов законодательства: сравнительно-правовой анализ 12.00.12 – Проблемы коррупции (юридические науки) автореферат диссертации доктора философии (PhD) по юридическим наукам. – Ташкент, 2022. – С. 12. https://proacademy.uz/uploads/tinymce/sodapdf-converted.pdf

краудсорсинги, тартибга солиш ва фактик таъсирини баҳолаш келтириб ўтилади[1].

Ўз навбатида юридик технологиялар турли мезонларга асосан таснифланади. Бунда юридик технологиялар таснифининг энг кенг тарқалган турларидан бири академик Т.Я.Хабриева томонидан таклиф этилган тегишли жараёнларга жалб қилинганлик даражасидан келиб чиқиб таснифлаш ҳисобланади. Таснифлашнинг ушбу турига мувофиқ юридик технологиялар қуйидаги турларга ажратилади:

а) қонун сифати ва ҳуқуқни қўллаш самарадорлигини таъминловчи умумтизимли юридик технологиялар (юридик техника, ҳуқуқий мониторинг, юридик прогнозлаш, ҳуқуқий экспертиза ва б.);

б) коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этувчи махсус юридик технологиялар (коррупцияга қарши мониторинг, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг махсус коррупцияга қарши экспертизаси, хатарларни баҳолаш);

в) мувофиқлаштирувчи юридик технологиялар (тартибга солиш таъсирини баҳолаш, қонунчиликни тизимлаштиришнинг ахборот-ҳуқуқий технологиялари, ҳуқуқий маълумотларни қайта ишлаш).

Юқоридаги таснифдан келиб чиқадиган бўлсак, ҳуқуқий мониторинг ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ўзгартириш, ушбу нормалар ҳамда уларни амалиётда қўллашда кўзланган мақсадга ва ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг режалаштирилган натижаларига эришишга қаратилган фаолиятни кузатиш, таҳлил қилиш ва сифатини баҳолаш бўйича ваколатли субъектларнинг методик асосланган, шунингдек ҳуқуқ ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш йўлларини прогнозловчи комплекс тизимли фаолияти бўлиб ҳисобланади.

Айнан юқорида санаб ўтилган жиҳатлари билан ҳам ҳуқуқий мониторинг юридик технологияларнинг бошқа турларидан ажралиб туради.

Ҳуқуқий мониторингнинг моҳияти ҳақида сўз кетганда тадқиқотчи Р.Сайидов ҳуқуқий мониторинг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш даражасини доимий

[1] Залоило М.В. Мониторинг законодательства о противодействии коррупции. Научно-практическое пособие. https://books.google.com/books?hl=ru&lr=&id=RX9YEAAAQBAJ&oi=fnd&pg=PT2&dq=

кузатиш, ҳуқуқий тизимнинг ҳолатини танқидий баҳолаш натижасида уни мақбул ҳолатга келтириш усул ва услубларини ишлаб чиқиш, уларни амалиётга жорий қилишга хизмат қилишини таъкидлайди[1].

Ўз навбатида ҳуқуқий мониторингнинг моҳиятини тўғри тушуниш орқали унинг юқорида кўриб ўтилган юридик технологияларнинг бошқа турларидан фарқини ажратиб кўрсатиш мумкин. Қуйида ҳуқуқий мониторингни айрим юридик технологиялар билан фарқли жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Аввало, ҳуқуқий мониторингни юридик техника билан фарқли жиҳатига тўхталиб ўтсак. Умумэътироф этилган қоидага мувофиқ юридик техника деганда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тизимлаштиришда қабул қилинган қоидаларга мувофиқ қўлланиладиган усуллар, воситалар ҳамда услублар мажмуи тушунилади[2].

Демак, юридик технологиянинг алоҳида тури сифатида юридик техниканинг моҳияти ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштиришга оид техник хусусиятга эга бўлган талабларга риоя этилишини таъминлашдан иборатдир.

Юридик техникада асосий эътибор муайян ғоянинг тегишли тарзда расмийлаштиришга қаратилса, ҳуқуқий мониторинг ўтказишда бирор-бир ижтимоий муносабатнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлик самарадорлигига эътибор қаратилади.

Шу билан бирга, юридик техника ҳуқуқий мониторинг доирасида эътибор қаратилиши мумкин бўлган ўзига хос кичик бир детал ҳисобланишини ҳам таъкидлаш жоиз.

Ундан ташқари, ҳуқуқий мониторинг ўтказишда юридик техника ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини қайд этиш лозим. Бу орқали юридик техниканинг ҳуқуқий тартибга солишдаги муҳим ролини пасайтирмоқчи эмасмиз.

Юридик технологияларнинг бошқа турларидан фарқли равишда юридик прогнозлаш ҳуқуқий мониторинг билан ташқи жиҳатдан муайян ўхшашликка эгадир. Жумладан, юридик прогнозлашда ҳам ҳуқуқий мониторингда қўлланиладиган кузатув, баҳолаш ва бошқа бир қатор усуллардан фойдаланилиши мумкин.

---

[1] Сайидов Р. Ҳуқуқий мониторинг: барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим бўлган институт. “Ўзбекистон ва БМТ: ўзаро ҳамкорлик ва барқарор тараққиёт”онлайн илмий-амалий конференция материаллари. https://lpri.uz/014391/

[2] https://ru.wikipedia.org/wiki

Бунда юридик прогнозлаш билан ҳуқуқий мониторингни бир-биридан фарқловчи асосий жиҳат сифатида уларнинг мақсадига эътибор қаратиш керак.

Юридик прогнозлаш давлат бошқарув жараёнларини ҳуқуқий таъминлашга қаратилган бўлиб, қонунчилик тизими, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқий онг сингари ҳуқуқий тизимнинг барча элементларини қамраб олиши лозим. Юридик прогнозлашда ҳуқуқий тизим ривожланиш тенденцияларини кўриб чиқиш орқали қонунчилик фаолиятини прогнозлаш марказий ўринни эгаллайди.

Юридик прогнозлашнинг ҳуқуқий мониторингдан яна бир фарқли жиҳати шундаки, ҳуқуқий мониторингда мониторинг натижаларидан келиб чиқиб, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратилса, юридик прогнозлашда келгусида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар диққат марказида бўлади.

Ҳуқуқий экспретиза ҳам моҳият жиҳатдан ҳуқуқий мониторингдан фарқ қилишини таъкидлаш жоиз. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқий экспертизадан кўзланган асосий мақсад норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Конституция ва қонунларга, унга нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг талабларига мувофиқлиги, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлигини аниқлашдан иборатдир[1].

Албатта ҳуқуқий мониторинг ўтказилганда ҳам ҳуқуқий экспертизада ўрганилиши лозим бўлган масалалар кўрилиши мумкин. Лекин, муайян қонун ҳужжати юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилганда мазкур ҳужжат қабул қилгунга қадар у ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши ва мониторинг доирасида ҳуқуқий экспертиза ўтказишга зарурат қолмаслиги ҳам мумкин.

Шу билан бирга, ҳуққий мониторинг билан ҳуқуқий экспертизадаги яна бир фарқли жиҳат ҳуқуқий экспертизада асосан қонун ҳужжатининг формал талабларга жавоб беришига эътибор қаратилиб, унда белгиланган қоидаларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш даражаси ёки ҳужжат қабул

[1] Ўзбекистон Республикасининг 20.04.2021 йилдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/5378966

қилиниши муносбати билан жамиятда келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий, сиёсий ва бошқа оқибатларга эътибор қаратилмайди.

Ҳуқуқий мониторинг ўтказилганда эса, муайян қонун ҳужжати нормаларини такомиллаштириш жараёнида янги тартибнинг белгиланиши келгусида жамиятда юз бериши мумкин бўлган турли оқибатлар ҳам инобатга олинади.

Масалан, ҳуқуқий мониторинг натижасида таклиф этилаётган қонунчилик ҳужжатининг қабул қилиниши натижасида Ўзбекистоннинг келгусида халқаро рейтинглардаги позицияси яхшиланишига қанчалик таъсир кўрсатиши прогноз қилиниши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ёки улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси моҳият жиҳатдан ҳуқуқий мониторингдан фарқ қилади. Бунда коррупцияга қарши экспертиза ўтказишдан кўзланган асосий мақсад коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиш имкониятини яратувчи коррупцияни келтирувчи омилларни аниқлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси эса улар қабул қилинишининг коррупция ҳолатлари учун имконият яратувчи оқибатларини умумий баҳолаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупция хусусиятига эга хавфларнинг юзага келиши эҳтимолини прогноз қилишдан иборатдир[1].

Ўз навбатида ҳуқуқий мониторинг доирасида ҳам ҳуқуқий экспертизада бўлгани сингари тегишли қонун ҳужжатидаги коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларга баҳо берилиши, уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиши ҳам мумкин.

Бошқача айтганда, ҳуқуқий мониторинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ёки улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасига нисбатан кенглиги билан юридик технологиянинг ушбу туридан фарқ қилади.

Шу билан бирга, ҳуқуқий мониторинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ёки улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини тўлдиришини ҳам таъкидлаш жоиз. Жумладан, муайян қонун ҳужжати қабул қилинишидан олдин коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш жараёнида аниқланмаган

[1] Ўзбекистон Республикасининг 20.04.2021 йилдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/5378966

коррупциявий омил кейинчалик ҳуқуқий мониторинг ўтказиш жараёнида ҳам аниқланиши мумкин.

Юридик технологиялар тизимида тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳам ҳуқуқий мониторинг усуллари, олдига қўйган мақсади ва бошқа жиҳатлари билан ҳуқуқий мониторингга шаклан ўхшаш бўлиб кўриниши мумкин. Чунончи, бундай ўхшашлик тартибга солиш таъсирини баҳолашда ҳам ҳуқуқий мониторинг сингари норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатларни ва унинг тартибга солиш мақсадларига эришилишини, шунингдек амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солувчи муносабатларга таъсирининг самарадорлиги ва натижадорлигини аниқлаш ва баҳолашга қаратилган чора-тадбирлар кўрилишида намоён бўлади[1].

Бироқ, ҳуқуқий мониторинг билан тартибга солиш таъсирини баҳолаш ўртасида бир қатор фарқли жиҳатлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, тартибга солиш таъсирини баҳолашда асосан иқтисодий аҳамиятга эга бўлган масалаларга эътибор қаратилади. Чунончи, тартибга солиш таъсирини баҳолаш бевосита иқтисодий, ижтимоий ва атроф-муҳитга таъсири даражаси юқори деб топилган лойиҳалар ўрганилади.

Ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун эса, муайян масаланинг иқтисодий аҳамиятга эга эмаслиги тўсиқ бўла олмайди;

иккинчидан, ҳар қандай масала юзасидан ҳам тартибга солиш таъсирини баҳолаш ўтказилмайди. Хусусан, жисмоний ва юридик шахсларга мажбурият, талаб, тақиқ, жавобгарлик ёки бошқа чекловларни белгилаш, ўзгартириш ёхуд қўллаш билан боғлиқ лойиҳалар; тадбиркорлик субъектларига тақдим этилаётган имтиёз, преференция ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа турларини жорий қилиш, уларнинг таъсир доирасини кенгайтириш ёки қисқартириш билан боғлиқ масалалар юзасидан тартибга солиш таъсири баҳоланади[2];

[1] Ўзбекистон Республикасининг 20.04.2021 йилдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/5378966

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.08.2024 йилдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–111-сон Фармони. https://lex.uz/docs/7069968

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳуқуқий мониторинг уни ўтказувчи субъектнинг ташаббусига кўра исталган ижтимоий муносабат доирасида ўтказилиши мумкин;

учинчидан, тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш ваколатига эга бўлган субъект доираси чекланган бўлади. Хусусан, амалдаги қонунчиликда лойиҳалар ишлаб чиқилишидан олдин соддалаштирилган тартибда тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилиши, бунда лойиҳаларни ишлаб чиқувчи баҳолаш натижалари бўйича соддалаштирилган ҳисобот тайёрлаши назарда тутилган. Бу ўз навбатида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ваколатига эга, бошқача айтганда "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган органлар ёки мансабдор шахслар (*Олий Мажлис палаталари, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари)* субъектлар лойиҳаларни тартибга солиш таъсирини баҳолаш ваколатига эга эканликларини назарда тутади[1].

Ҳуқуқий мониторинг ўтказишда уни ўтказувчи субъектнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ваколатига эга бўлиши ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Хусусан, амалдаги қонунчиликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатда унинг мониторинги ўтказилишига бевосита масъул этиб белгиланган ҳар қандай давлат органи, масъул орган белгиланмаган ҳолларда тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга оширувчи вазирлик ва идоралар томонидан ҳуқуқий ммониторинг амалга оширилиши назарда тутилган.

Ўз навбатида ҳуқуқий мониторинг қуйидаги бир қатор ўзига хос хусусиятларга эгалигини ҳам таъкидлаш жоиз:

ҳуқуқий мониторинг юридик прогнозлаш ва ҳуқуқ ижодкорлигини режалаштириш учун тегишли шарт-шароит яратиб, ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали механизмини жорий этишга, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўлловчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек яхлит ҳолда давлат ва жамият ўртасида тескари алоқани таъминлашга қаратилган бўлади;

ҳуқуқий мониторингнинг асосий моҳияти ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг самарадорлиги, яъни муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадга эришилиши,

[1] Ўзбекистон Республикасининг 20.04.2021 йилдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги ЎРҚ–682-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/5378966

қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамланиши, ҳуқуқбузарликларнинг камайишига эришиш, коррупциявий, иқтисодий, молиявий ва бошқа турли хатарларни минималлаштириш ҳамда олдини олиш, аҳоли ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини, бутун жамият ҳуқуқий онгини юксалтиришдан иборатдир;

ҳуқуқий мониторингда асосий эътибор бутун ҳуқуқий жараёндаги барча, яъни муайян ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш зарурати пайдо бўлган вақтдан бошлаб, ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликларни ҳамда уни такомиллаштириш эҳтиёжини аниқлашгача бўлган даврда ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солувчиси сифатида ҳуқуқ амал қилишининг самарадорлигини таъминлашга қаратилади;

муайян соҳанинг ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлиги бўйича ҳуқуқий мониторинг ўтказишда баҳолашнинг коррупцияга қарши экспертиза, тартибга солиш таъсирини баҳолаш, кузатиш, ижтимоий тадқиқотлар каби усулларидан ҳам фойдаланилади.

Шу ўринда турли адабиётларда ҳуқуқий мониторинг билан бир вақтда ҳуқуқни қўллаш мониторинги ва қонун ҳужжатлари мониторинги тушунчалари қўлланилишини, улар бир-биридан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туриши ҳақида хилма-хил ёндошувлар учрашини алоҳида таъкидлаш лозим.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида қонун ҳужжатлари мониторинги тушунчаси қўлланилмаган бўлсада, 2018 йил 3 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида айнан шундай ном билан алоҳида институт фаолият юритган[1].

Бунда Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти тугатилгунга қадар бугунги кунда ўз кучини йўқотган бир қатор қонунчилик ҳужжатларида “амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги” атамаси қўлланилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4305-сон Фармони ва бошқа

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.04.2018 йилдаги ПФ-5395-сон “Амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. https://lex.uz/docs/3608660

ҳужжатларда бевосита амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги тушунчаси қўлланилган[1].

Бу эса ўз навбатида амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги тушунчаси бевосита ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ фаолият эканлигини, лекин ҳуқуқий мониторинг атамаси билан бир хил тушунча эмаслигини англатади.

Адабиётларда қонун ҳужжатлари мониторинги тушунчасига тегишли фаолият соҳаларида давлат назорати ва маҳаллий назорат самарадорлигини кузатиш, баҳолаш, таҳлил қилиш ва прогнозлаш тизими сифатида таъриф берилади[2].

Гувоҳ бўлганимиздек, қонун ҳужжатлари мониторинги ва ҳуқуқий мониторинг тушунчалари мазмунан бир-бирини тўлдирсада, қамров жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Бунда амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги бевосита амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси асосида амалга оширилса, ҳуқуқий мониторингни ўтказишда тегишли қонунчилик ҳужжати ҳали қабул қилинмаган бўлиши ҳам мумкин.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш мониторинги ҳам ўзининг табиатига кўра ҳуқуқий мониторингдан ажралиб туради. Ушбу масала юзасидан алоҳида тадқиқот олиб борган ҳуқуқшунос Е.Никифорова ҳуқуқни қўллаш мониторингининг асосий вазифалари қуйидагилар эканлигига эътибор қаратди:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўллаш амалиёти тўғрисида маълумотларни тўплаш;

тўпланган маълумотлардан келиб чиқиб, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш[3].

Айрим тадқиқотларда ҳуқуқни қўллаш мониторинги тушунчаси ҳуқуқий мониторингга ўхшаш бўлган бошқа тушунчалар билан ҳам боғланилади. Жумладан, ҳуқуқшунос И.В.Жужгов ҳуқуқни қўллаш мониторингини ҳуқуқий макон мониторингининг элементларидан бири ҳисобланишини таъкидлаб ўтади. Бироқ,

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.05.2011 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4305-сон Фармони. https://lex.uz/docs/1792696

[2] Мониторинг правоприменения в судебной практике. https://pravoprim.spbu.ru/yurisprudentsiya/osnovy-pravovoj-sistemy/item/416-monitoring-pravoprimeneniya-v-sudebnoj-praktike.html

[3] Е.Н. Никифорова. Правовой мониторинг как комплексный механизм оперативной оценки действующего законодательства. Евразийская интеграция: Экономика, Право, Политика. 2013, № 13. https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoy-monitoring-kak-kompleksnyy-mehanizm-operativnoy-otsenki-deystvuyuschego-zakonodatelstva

ҳуқуқий макон мониторинги деганда нимани тушунилиши ҳақидаги масалага аниқлик киритмайди[1].

Ҳуқуқшунос А.И.Гунин ҳуқуқни қўллаш мониторингини мониторингни бошқа турларидан ажратиб турадиган хусусиятларидан бири сифатида уни амалга оширишда маълумот олинадиган манбаларнинг хилма-хил деган хулосага келади[2].

Мазкур нуқтаи-назардан келиб чиқиб, айрим олимлар томонидан эътироф этилган ҳуқуқий мониторинг тушунчаси ҳар қандай ҳуқуқий тартибга солиш механизмида ҳуқуқ нормаларининг сифатли амал қилишига таъсир кўрсатиши туфайли ҳуқуқий восита сифатида бевосита қонун ҳужжатлари мониторинги билан ҳуқуқни қўллаш мониторингининг асосий жиҳатларини ўз ичига қамраб олади деган қарашларни қўллаб-қувватлаймиз[3].

1.2-§. Қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш усуллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан самарали тартибга солинганлигини аниқлашда қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказишда қўлланиладиган усуллар муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, ҳуқуқий мониторинг натижасида аниқланаётган ҳолатларнинг ишончлилиги, қўлга киритилаётган натижаларнинг аниқлиги ва ишлаб чиқилаётган таклиф ҳамда тавсияларнинг пухталиги, уларнинг мавжуд муаммоларни келгусида тўлақонли бартараф этишга хизмат қилиши, ечимларнинг жорий этилиши натижасида бошқа ижтимоий аҳамиятга молик бўлган оғирроқ салбий оқибатларни келтириб чиқармаслигида ўтказилаётган ҳуқуқий мониторингнинг усуллари алоҳида ўринга эга ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос олимлар ўртасида ҳуқуқий мониторинг ўтказиш усуллари борасида хилма-хил ёндашувлар учрашини таъкидлаш жоиз. Хусусан, ҳуқуқшунос А.С.Фадеева ҳуқуқий мониторингнинг

[1] Н. В. Прокопьева, И.В. Иванов Понятие и принципы мониторинга правоприменения: теоретико-правовой аспект. Актуальные проблемы экономики и права. 2015. № 2. https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-i-printsipy-monitoringa-pravoprimeneniya-teoretiko-pravovoy-aspekt

[2] Гунин А.И. Мониторинг правоприменения. URL: http://www.novodar.ru/index.php/crimes/214-lawlaw/4548-mpe-09-2011 (дата обращения: 22.04.15).

[3] А.Русская, Т.Бутенко. Мониторинг законодательства и правоприменения как правовое средство в системе права. Вестник АмГУ Выпуск 98, 2022. https://cyberleninka.ru/article/n/monitoring-zakonodatelstva-i-pravoprimeneniya-kak-pravovoe-sredstvo-v-sisteme-prava/viewer

таҳлилий функциясини амалга ошириш учун ижтимоий тадқиқотлар усули муҳим аҳамиятга эгалигини қайд этади. Шу билан бирга, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш жараёнида жамоатчилик фикрини ўрганиш, экспертлар ўртасида сўровлар ўтказиш, ҳуқуқий нормаларни қўллаш устидан кузатувлар ўтказиш, экспериментал таҳлил қилиш, параллел эксперимент ўтказиш каби усуллардан фойдаланилишини таъкидлайди[1]. Аммо, олима ўз тадқиқотларида ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг санаб ўтилган усулларини қандай тартибда амалга оширилиши ҳақидаги масалаларни ёритиб бермайди.

Яна бир тадқиқотчи И.В.Жужгов ҳуқуқий мониторинг ўтказишда қўлланиладиган усуллар сифатида макротаҳлил, макробаҳолаш, қиёсий ва статистик таҳлил, баҳолаш, экспертлардан хулоса олиш, ҳисобга олиш, қонунчилик ҳужжатларининг қўлланилишини кузатиш, анкета ўтказиш, ишонч тармоқларини ташкил этиш, давра суҳбатлари ўтказиш, жамоатчиликни жалб қилган ҳолда конференциялар ўтказиш, ҳужжатларни ўрганиш, ижтимоий сўровлар ўтказиш, интервью олиш, эксперимент ўтказиш, гуманитар-ҳуқуқий экспертиза каби усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келади[2].

Ҳуқуқшунос олимлар Ю.Г.Арзамасов ва Я.Е. Наконечныйларнинг таъкидлашларича, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш жараёнида ҳуқуқни қўллаш амалиётини тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, статистик тадқиқотлар ва ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни мониторинг баҳолаш, қонун ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш каби усуллар қўлланилади[3]. Ушбу олимлар ҳам ҳуқуқий мониторинг ўтказишда фойдаланиладиган усулларнинг зарурати нимада намоён бўлиши, улар ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборатлиги ҳақидаги масалага аниқлик киритмайди.

Айрим ҳуқуқшунос олимларнинг асарларида ҳуқуқий мониторинг ўтказишда унинг усулларини бевосита функцияларидан келиб чиққан ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқлиги таъкидланади. Жумладан, О.М.Казакевич ҳуқуқий мониторингнинг прогнозлаш

---

[1] А.С. Фадеева Правовой мониторинг: средства, приемы и способы анализа. Социология власти. № 4. 2011, - с. 167. https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoy-monitoring-sredstva-priemy-i-sposoby-analiza

[2] Жужгов И.В. Мониторинг правового пространства Российской Федерации. Ставрополь. 2006. – С.53–56 ,66 – http://www.lib.ua-ru.net/diss/cont/199483.html

[3] Ю.Г. Арзамасов, Я.Е. Наконечный. Техника правового мониторинга в нормотворческом процессе. https://www.hse.ru/data/2012/02/10/1263474219/2012_

функциясидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий нормаларни баҳолашнинг юридик воситалари, усулларидан фойдаланиш ғоясини илгари суради[1].

Ҳуқуқий мониторинг ўтказиш усуллари билан боғлиқ миллий манбаларни таҳлил қилар эканмиз уларда ҳам хилма-хил ёндашувлар мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Масалан, Тошкент шаҳрида 2006 йил 24 мартда қонун ҳужжатлари мониторингининг назарий ва амалий масалалари бўйича ўтказилган илмий-амалий семинар тавсияларида қонун ҳужжатлари мониторинги жараёнида илмий билишнинг кўплаб усулларидан фойдаланиш мумкинлиги ва улардан энг асосийларига кузатиш; таҳлил қилиш ва умумлаштириш (анализ ва синтез); қиёслаш; социологик сўровлар (анкета, интервью ва ҳ.к.) мантиқийлик; прогнозлаш кабиларни киритиш жоиз деган хулосага келинган[2].

Тўғри, баҳолашнинг ҳар қандай турида илмий билишнинг исталган усулидан фойдаланиш мумкин. Бироқ, муайян давлат органлари ёки ташкилотлари фаолиятида қўлланиладиган усулларининг қатъий белгиланмаслиги келгусида муайян масала юзасидан ўтказиладиган ҳуқуқий мониторингнинг асоссиз равишда чўзилишига, бир-бирини инкор қилувчи турли хулосаларнинг илгари сурилишига, ходимлар ёки экспертларнинг тушунмовчилигига олиб келиши мумкин.

Профессор Ш.Рўзиназаров ҳуқуқий мониторинг ўтказишда кўплаб усуллардан фойдаланиш мумкинлигини таъкидлар экан, улардан асосийлари сифатида анкета сўровлари; интервью бериш; ҳужжатларни тизимли ўрганиш; статистик таҳлил; қиёсий таҳлил; ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили; тарихий-ҳуқуқий таҳлил; ҳуқуқий ахборотларни тўплаш ва тизимли таҳлили; хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш кабиларни келтириб ўтади[3].

Яна бир миллий ҳуқуқшунос А.Ғофуров мониторинг ўтказишнинг усуллари сифатида қонунчилик базасини таҳлил қилиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, статистик ва бошқа

---

[1] Казакевич О.М. Механизм реализации прогностической функции правового мониторинга. Актуальные проблемы российского права. 2015. № 9 (58) сентябрь. – С. 16. https://cyberleninka.ru/article/n/mehanizm-realizatsii-prognosticheskoy-funktsii-pravovogo-monitoringa

[2] Қаранг: Қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари / Илмий-амалий семинар материаллари. – Тошкент, 2006. – 376 б.

[3] Рўзиназаров Ш.Н. Юридик фанларнинг ривожланиши ва замонавий муаммолари./ Масъул муҳаррир Раҳмонқулов Ҳ.Р. – Тошкент, 2007.– Б.263.

маълумотларни таҳлил қилиш, социологик сўров ўтказиш кабиларни келтириб ўтади[1].

2005-2018 йилларда фаолият юритган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан ўтказилган қонун ҳужжатлари мониторингида ҳам кўплаб усуллардан фойдаланилган. Масалан, мазкур институт томонидан 2008 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни мониторингини ўтказиш жараёнида илмий билишнинг умумий ва махсус усуллари, хусусан, кузатиш, тизимли таҳлил этиш (статистик, қиёсий ва ҳ.к.), умумлаштириш, социологик усуллар (анкета сўровлари, интервью ва ҳ.к.), мантиқийлик, тарихий ёндашув, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили кабилардан кенг фойдаланилганлиги таъкидланган[2].

Бироқ, эътибор қаратадиган бўлсак ҳуқуқий мониторинг ўтказиш мураккаб жараён бўлганлиги, илмий билишнинг турли усуллари қўлланилиши, кўплаб ресурс ва вақт сарфланиши туфайли ҳам Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаолият юритган қарийб 13 йил давомида жами бўлиб 20 та қонунларнинг амалиётда қўлланилиши юзасидан мониторинг ўтказилган[3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги ПФ–111-сонли Фармон асосида ўз кучини йўқотган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида низомда мониторинг ўтказишда фойдаланиладиган усуллар сифатида тегишли маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш назарда тутиш билан чекланилган[4]. Бироқ, ушбу ҳужжатда таҳлил қилиш ва баҳолашда қандай усуллардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилишига аниқлик киритилмаган. Бу ўз навбатида субъектларга муайян масала юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш усулларини нохолис ёки ўз ихтиёрларига кўра

[1] Гафуров А. Мониторинг законодательства в контексте обеспечения прав человека. // Жамиятни демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш – Ўзбекистон тажрибаси. – Тошкент, Chashma Print, 2009. –Б. 196.

[2] Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни мониторинги / Масъул муҳаррир Ш.Х.Файзиев. – Т.: 2009. – 17 б.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти 2005-2010 фаолияти асосий йўналишлари (2005-2010 йиллар) / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. Ш.Х.Файзиев. – Т.: 2010. – 56 бет.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.08.2024 йилдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–111-сон Фармони. https://lex.uz/docs/7069968

исталган усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширишларига олиб келиши мумкин.

Гувоҳ бўлганимиздек, миллий ва хорижий олимлар ўртасида ҳуқуқий мониторинг ўтказишда фойдаланиладиган усуллар борасидаги ёндашувлар хилма-хил бўлиб, уларнинг деярли барчасида бундай усуллардан фойдаланиш зарурати етарлича асосланмаган.

Шу ўринда муайян қонун ҳужжатлари ҳуқуқий мониторингини ўтказишда қандай усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ? қўлланилаётган усуллар орқали қандай натижаларни қўлга киритишга қаратилган бўлиши керак? деган ҳақли савол туғилади. Зеро, амалдаги қонунчиликда ҳам ҳуқуқий мониторинг ўтказишда қўлланиладиган усуллар тизимлаштирилмаган бўлиб, бу ҳолат келгусида қандай натижаларни қўлга киритиш борасида турли тушунмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Фикримизча, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш жараёнида танланадиган усуллар унинг олдига қўйилган асосий мақсад ва вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим. Айнан шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий мониторинг усуллари қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқий мониторингни мақсади борасида тадқиқот ишларида ҳам бир-биридан фарқ қилувчи қарашлар учратиш мумкин. Масалан, махсус монографик тадқиқот ишида ҳуқуқий мониторингнинг асосий мақсадлари сифатида ҳуқуқий тизим самарали амал қилишини баҳолаш, амалдаги қонунчиликни тизимлаштириш, ҳуқуқ ижодкорлик субъектлари ва ҳуқуқни қўлловчилар ўртасида доимий амал қилувчи тескари алоқани йўлга қўйиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш келтириб ўтилади[1].

Бошқа бир гуруҳ олимларнинг фикрича, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш ҳолатини ўрганиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалга оширилиш самарадорлигини баҳолаш ҳуқуқий мониторингдан кўзланган асосий мақсадларни ташкил қилади[2].

Ҳуқуқий мониторинг ўтказишдан ягона мақсад кўзланган деган қарашни илгари сурувчи олимлар ҳам йўқ эмас. Масалан,

[1] Правовой мониторинг. Научно-практическое пособие. Коллектив авторов. Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации, 2009 г, ИД «Юриспруденция», 2009. – С. 15.

[2] З.Казиев, А.Есимова Отраслевой правовой мониторинг: общее понятие, задачи и возможности проведения. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=38465077&pos=6;-106#pos=6;-106

Н.Н.Черногор, М.В.Залоилонинг қайд этишларича, ҳуқуқий мониторинг ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини оширишдан иборатдир[1].

Юқоридагига айнан ўхшаш ёндашувни Ю.Г.Арзамасова ва Я.Е.Наконечнода ҳам учратиш мумкин. Уларнинг фикрича, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар самарадорлигини ошириш ҳуқуқий мониторингнинг ягона мақсади ҳисобланади[2].

Бизнингча, ҳуқуқий мониторингнинг мақсади амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини ёки самарадорлигини ошириш деган қараш билан тўлиқ келишиб бўлмайди. Бундай мақсад ижтимоий муносабатларнинг норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган турлари бўйича ҳуқуқий мониторинг ўтказиш имконини бермайди.

Ҳуқуқшунос В.С.Елисеева ҳуқуқий мониторингдан кўзланган асосий мақсад ҳуқуқий тизимни такомиллаштиришдан иборатлигини таъкидлар экан соҳадан келиб чиққан ҳолда улар ўзгариши мумкин деган хулосага келади. Бунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳуқуқий мониторингнинг мақсади шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуққа хилоф тажовузлардан ҳимояси таъминланганлик ҳолатини аниқлаш, ижтимоий хусусиятга эга бўлган криминоген омилларни прогнозлаш, баҳолаш ва аниқлаш, стратегик режалаштириш ҳужжатларини амалга ошириш мониторингининг мақсади стратегик режалаштириш тизимининг самарали фаолият юритишини ошириш ҳисобланишини таъкидлайди[3].

Ҳар бир соҳадаги ҳуқуқий тартибга солиш ўзига хос хусусиятларга эгалигини, ҳуқуқий мониторингни режалаштириш ва ўтказиш жараёнида бундай хусусиятлар албатта инобатга олиниши лозимлигини эътироф этган ҳолда ҳуқуқий мониторинг мақсади турлича бўлиши ҳақидаги В.С.Елисеевaнинг юқоридаги фикри билан келишиб бўлмайди.

---

[1] Черногор Н.Н., Залоило М.В Правовой мониторинг: инструментальная ценность и векторы развития. Вестник Московского государственного областного университета. Серия: Юриспруденция 2018 / № 3. – С. 10. https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-pravovom-monitoringe-mezhdunarodnyh-pravovyh-aktov-mezhgosudarstvennyh-obedineniy-1

[2] Арзамасов Ю. Г., Наконечный Я. Е. Концепция мониторинга нормативных правовых актов. М.: Юрлитинформ, 2011. С. 10.

[3] В.С. Елисеева. Технологии правового мониторинга в современной России. Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2017, № 6, с. 92–98. https://cyberleninka.ru/article/n/tehnologii-pravovogo-monitoringa-v-sovremennoy-rossii

Бизнингча, ўтказилаётган соҳадан қатъий назар ҳуқуқий мониторинг умумий мақсадга эга бўлиб, унга мониторингни ташкил этиш ва режалаштириш жараёнида турли вазифалар орқали эришиш мумкин. Масалан, биринчи ҳолатда Конституциянинг 55-моддаси иккинчи қисмида белгиланган ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши ҳақидаги нормаси юзасидан мониторинг ўтказилганда ундан кўзланган асосий мақсад фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, судга шикоят қилиш ҳуқуқларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида тўлақонли таъминланишига эришиш ҳисобланади. Ушбу йўналишда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш жараёнида турли вазифалар белгиланади ва ҳар бир вазифадан келиб чиқиб тегишли усуллар танланади.

Иккинчи ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–409-сон қарорига мувофиқ жорий этилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари билан боғлиқ қонунчилик ижроси устидан мониторинг ўтказилганда ҳуқуқий мониторингнинг мақсади биринчи ҳолатдагига мазмунан ўхшайди[1]. Чунончи, мазкур мониторингдан кўзланган асосий мақсад ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларининг ҳуқуқий жиҳатдан самарали тартибга солинишига эришиш ҳисобланади.

Ташаббусли бюджетлаштириш жараёни мамлакатимизда жорий этилган янги институт бўлганлиги сабабли, табиийки бундай вазиятда биринчи ҳолатдаги сингари ҳуқуқни қўллаш амалиётида тўлақонли бюджетлаштиришга эришиш билан боғлиқ мақсад қўйиб бўлмайди. Шу билан бирга, иккинчи ҳолатдаги ҳуқуқий мониторингнинг вазифа ва усуллари ҳам биринчи ҳолатдаги вазифа ва усуллардан ҳам фарқ қилади.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, иккала ҳолатда ҳам ҳуқуқий мониторинг олдига турлича мақсадлар қўйишни тақозо этиши

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.10.2022 йилдаги “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–409-сон қарори. https://lex.uz/docs/6251478

мониторинг мақсадини умуман белгиламаслик лозим ёки фақат ягона мақсадни белгилаш керак деган қарашдан йироқмиз.

Шу ўринда амалдаги миллий қонунчиликда ҳуқуқий мониторинг мақсади такомиллаштиришга муҳтожлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторингига бағишланган 53-моддасида фақатгина мониторинг қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши, ушбу жараён кимлар томонидан ўтказилиши каби умумий масалаларни ёритиш билан чекланилган.

Ҳуқуқий мониторинг мақсадига оид нормалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–111-сон Фармонида учрашини таъкидлаш жоиз. Бунда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш мақсади этиб норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш мақсадларига эришилишини таҳлил қилиш, унинг ижросини таъминлаш ҳамда баҳолаш учун статистик маълумотларни йиғиш назарда тутилган[1].

Бироқ, юқорида санаб ўтилган мақсадлар қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида бўлиб, муайян ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ҳақидаги масала мавҳумлигича қолган. Бу ўз навбатида ҳуқуқий мониторинг табиати ва моҳиятини тўғри англаш имконини бермайди.

Бизнингча, ҳуқуқий мониторингнинг умумий мақсадлари доирасини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ. Зеро, ҳуқуқий мониторинг мақсадининг аниқ белгиланмаслиги келгусида уни ўтказувчи субъектлар томонидан ҳуқуқий мониторингни турлича талқин этилиши ва ўтказилишига олиб келиши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий мониторингга бағишланган аввалги тадқиқот ишида ҳуқуқий мониторинг мақсадига қуйидагича таъриф берилган эди:

ҳуқуқий мониторингнинг мақсади – ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш даражасини кузатиш, миллий ҳуқуқий тизим ҳолатини баҳолаш, унинг ривожланиш истиқболини башорат (прогноз) қилиш, мониторинг объектини

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.08.2024 йилдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–111-сон Фармони. https://lex.uz/docs/7069968

мақбул ҳолатга келтириш усул ва услубларини ишлаб чиқиш, шунингдек аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кузатиш орқали мавжуд зиддиятлар, номутаносибликлар, эскирган нормаларнинг ҳаракатланиши, улардаги бўшлиқларни аниқлаш, ушбу ҳолатларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш орқали ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларни амалга оширишга кўмаклашишдан иборат.

Фикримизча, юқоридаги таклифда ҳуқуқий мониторинг усуллари ҳам унинг мақсадига киритилган.

Ўз навбатида эса, ҳуқуқий мониторинг мақсадига оид қарашларимизни янада такомиллаштирган ҳолда унинг асосий мақсади қуйидагиларда намоён бўлади деган хулосага келдик:

а) ҳуқуқий мониторингдан кўзланган асосий мақсад энг аввало, янги таҳрирдаги Конституциянинг 1-моддасида мустаҳкамланган **ҳуқуқий давлат принципини** тўлақонли рўёбга чиқаришга қаратилиши лозим. Бунда Асосий Қомусимизда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлат сифатида эътироф этилар экан, амалга оширилаётган ҳар қандай ҳуқуқий мониторинг биринчи навбатда ана шу принципни таъминлаш мақсадини кўзлайди;

б) ҳар қандай соҳада ҳуқуқий мониторинг ўтказилар экан, биринчи навбатда **амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш** мақсади назарда тутилади. Ушбу мақсад энг аввало, амалда бўлган қонунчилик ҳужжатлари қўлланилишини ўрганиш орқали уларни янада такомиллаштиришни кўзлайди;

в) қонунчилик ҳужжатлари талаблари ҳуқуқни қўллаш амалиётида тўлиқ татбиқ этилишини таъминлашга эришиш, шунингдек маънан эскирган, амалиётда қўлланилмаётган қонун ҳужжатлари нормаларини аниқлаш ва бартараф этиш. Бу орқали шиддат билан ўзгариб бораётган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, ислоҳотлар руҳига ва замон талабларига жавоб бермайдиган нормалар аниқланиб, уларни бартараф қилиш чоралари кўрилади;

г) ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солинишига эришиш. Бунда асосий эътибор янги ёки ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган, лекин тартибга солишга эҳтиёж мавжуд бўлган соҳаларни аниқлаш ва тегишли қонунчилик ҳужжатини ишлаб чиқиш назарда тутилади;

д) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўлланилиши, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича аҳолининг фикрини ўрганиш. Ҳуқуқий мониторингнинг мазкур мақсади орқали жамиятда қанчалик даражада қонун устуворлиги таъминланганлиги, ҳуқуқий давлат принципи рўёбга чиқарилаётганлиги аниқланади.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб ҳуқуқий мониторингнинг асосий мақсадига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ:

Ҳуқуқий мониторингнинг мақсади – ***Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқий давлат принципини тўлақонли рўёбга чиқариш, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, қонунчилик ҳужжатлари талаблари ҳуқуқни қўллаш амалиётида тўлиқ татбиқ этилишини таъминлаш, маънан эскирган, амалиётда қўлланилмаётган нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш, ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишига эришиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўлланилиши, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича аҳолининг фикрини ўрганишдан иборат.***

Яна бир масала ҳуқуқий мониторингнинг қонунчиликда белгиланган вазифалари билан боғлиқ. Амалдаги қонунчиликда ҳуқуқий мониторингнинг асосий вазифалари этиб норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш мақсадларига эришилишини таҳлил қилиш, унинг ижроси ва натижаларини мунтазам ҳамда тизимли равишда кузатиб бориш; тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш учун статистик маълумотларни тўплаш; ҳуқуқни қўллаш амалиётининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш мақсадларига мувофиқлигини ўрганиш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросига тўсқинлик қилувчи ҳолатларни аниқлаш; норматив-ҳуқуқий ҳужжат ижроси бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш белгиланган[1].

Юқорида санаб ўтилган ҳужжатда ҳуқуқий мониторингни асосий вазифалари назарда тутилган бўлиб, бунда унинг қандай қўшимча вазифалари борлигига аниқлик киритилмаган.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.08.2024 йилдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–111-сон Фармони. https://lex.uz/docs/7069968

Шу билан бирга, юқорида санаб ўтилган ҳуқуқий мониторинг вазифалари ҳам фақатгина муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан боғланган бўлиб, бу ўз навбатида тегишли ҳуқуқий тартибга солувчи ҳужжат бўлмаган ҳолларда ижтимоий муносабатлар юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш имкониятини бермайди. Шу муносабат билан, ҳуқуқий мониторинг ўтказишда қўлланиладиган асосий усулларга аниқлик киритиш мақсадида унинг қонун ҳужжатларида белгиланган мақсади ва вазифалари доирасини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда ушбу тадқиқот иши доирасида ҳуқуқий мониторинг ўтказиш усулларини аниқ белгиламасдан, уни бевосита ўтказувчи органларнинг ўзига ҳавола этиш билан чекланиш мақсадга мувофиқ эмасми деган ҳақли савол туғилади. Зеро, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш усулларининг аниқ рўйхатини белгилаш уни ўтказувчи субъектларнинг мустақиллигини чеклаши ёки мониторинг натижалари самарадорлигига таъсир кўрсатиши мумкин деган ҳақли эътироз ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Бизнингча, бу эътирозга амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳуқуқий мониторингни ўтказувчи субъектлар доирасидан келиб чиққан ҳолда жавоб бериш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун 53-моддасига биноан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ва бошқа ташкилотлар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси билан боғлиқ масалалар бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторингини амалга ошириши белгиланган.

Шу билан бирга, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирларига бағишланган ПФ–111-сонли Фармонда ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи субъектлар доираси янада аниқлаштирилган. Унда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатда унинг мониторинги ўтказилишига масъул бўлган давлат органи томонидан амалга оширилиши ҳақидаги норма белгиланган.

Демак, ҳуқуқий мониторинг бевосита масъул давлат органлари томонидан ўтказилар экан мониторинг ўтказиш усуллари доирасини ҳам ушбу тадқиқот иши доирасида аниқ белгилаб бериш мақсадга мувофиқ. Зеро, давлат органлари ўтказадиган ҳуқуқий мониторинг усуллари доирасининг аниқ белгиланмаслиги, улар ресурс ёки

маблағларнинг беҳуда сарфланишига, мониторингдан кўзланган мақсадга эришилмай қолишига олиб келиши мумкин.

Сўнгги вақтларда айрим тадқиқотчилар томонидан мониторинг усуллари ўрнига мониторинг технологиясидан фойдаланиш ғояси илгари сурилаётганлигини таъкидлаш жоиз. Бунда мазкур тадқиқотчилар мониторинг технологиясининг ташкилий ва мазмун жиҳатдан етарлича кўп томонлама ва мураккаб ҳодиса эканлиги, ҳали уни жиддий ўрганиш ва тадқиқ этишни талаб қилиши ҳам қайд этиб келинмоқда[1].

Шу билан бирга, мониторинг технологияси тушунчасига мониторинг фаолиятини режалаштириш, зарур маълумотларни қўлга киритиш, уларни қайд этиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, расмийлаштириш ва чоп этиш, шунингдек мониторинг натижасида қўлга киритилган таклифларни амалга ошириш воситаларини қўллаш усуллари ва воситалари, қоида ва услублари сифатида таъриф берилади.

Ундан ташқари, мониторинг технологияси доирасида қўлланиладиган англаш воситаларини аниқлаштириш, улардан фойдаланиш усул ва услубларининг мажмуини, ушбу ҳодисани ўрганиш учун фойдаланадиган методологик ёндашувларни аниқлаш мониторингнинг тадқиқот предмети, таҳлил қилинадиган вазифаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этлиши ҳақидаги хулосага келинади[2].

Бундай ёндошув ҳам мониторинг технологияси доирасида қўлланилиши мумкин бўлган усулларни аниқлаштириш имконини бермайди. Бу эса, давлат органлари олдидаги ҳуқуқий мониторинг ўтказиш вазифасини янада мураккаблашувига олиб келади.

Бошқа юридик манбаларда эса, мониторинг технологиялари хилма-хил бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, уларни қуйидаги бир нечта асослар бўйича таснифланиши таъкидланади:

мониторинг босқичлари бўйича режалаштириш, зарур маълумотларни тўплаш, уларни қайд этиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, баҳолаш, расмийлаштириш ва чоп этиш, шунингдек натижаларни амалиётга жорий этиш технологиялари;

---

[1] Зражевская Т.Д. Выступление на Межрегиональном научно-практическом семинаре «Мониторинг законодательства и правоприменительной практики в субъектах Российской Федерации: опыт и пути совершенствования» // Сборник материалов конференции. М., 2008. 101–107.

[2] Т.Д. Зражевская Выступление на Межрегиональном научно-практическом семинаре «Мониторинг законодательства и правоприменительной практики в субъектах Российской Федерации: опыт и пути совершенствования» // Сборник материалов конференции. М., 2008. 101–107.

мониторинг роли бўйича (функционал юкламасидан келиб чиқиб) ҳужжатларни (режаларни, маърузаларни, қонуний далиллар ва б.) тузиш, мониторинг объекти ва у тўғрисидаги маълумотларни баҳолаш (самарадорлик мезонлари ва кўрсаткичлари) технологиялари;

мониторинг таркибий элементларининг сифатидан келиб чиқиб, оқилона мақсадга эришиш ва мониторинг вазифаларини ҳал этиш учун юридик-техник воситалардан фойдаланишни таъминловчи технологияларни стратегиялар ёки тактикалар, усуллар ёки услублар, қоидаларга ажратилади[1].

Бизнингча, ҳуқуқий мониторинг технологияларидан фойдаланишни қуйидаги асосларга кўра бевосита давлат органлари фаолиятида жорий этишда эмас, балки илмий-тадқиқот ташкилотлари, эксперт ва мустақил тадқиқотчилар фаолияти доирасига ҳавола этиш мақсадга мувофиқ:

ҳуқуқий мониторинг технологиялари янги ва мураккаб институт бўлганлиги сабабли уни назарий жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш, ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб бориш талаб этилади;

айни пайтда ҳуқуқий мониторинг технологияларидан фойдаланиш мезонлари ёки асослари ишлаб чиқилмаган бўлиб, бу мониторинг ўтказувчи тегишли субъектларга ундан фойдаланиш имконини бермайди;

ҳуқуқий мониторинг технологияларини қўллаш бўйича тажриба мавжуд эмаслиги сабабли, ушбу йўналишга оид хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганиш талаб этилади;

ҳуқуқий мониторинг технологияларини амалиётда қўллай оладиган малакали кадрларга бўлган талаб мавжуд бўлиб, уни қондириш заруратини ҳал этиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагиларга кўра, давлат органлари фаолиятида ҳуқуқий мониторинг технологиялари билан боғлиқ назарий қарашларга нисбатан мониторинг усулларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқий мониторингнинг вазифалари бевосита унинг мақсадига эришишга қаратилган бўлишини таъкидлаш жоиз. Ушбу масалага тўлақонли ёндошиш учун хорижий давлатларнинг ҳуқуқий

[1] И.В. Колесник Мониторинг в механизме правового регулирования. https://cyberleninka.ru/article/n/monitoring-v-mehanizme-pravovogo-regulirovaniya

мониторинг ўтказиш билан боғлиқ бўлган қонунчилик ҳужжатларига мурожаат қиламиз.

Белоруссия Вазирлар Кенгашининг 2019 йил 30 январдаги қарори билан тасдиқланган “Ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Қарорида ҳуқуқий мониторингнинг вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

қонунчилик ҳужжатлари нормалари самарадорлигини баҳолаш;

ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликларни, улар сабабларини, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллаш жараёнида вужудга келган оқибатларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни лозим даражада амалга ошириш бўйича чоралар кўриш[1].

Қозоғистон Ҳукуматининг 2016 йил 29 августда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган “Ҳуқуқий мониторинг ўтказиш қоидалари”да ҳуқуқий мониторинг мақсади назарда тутилган бўлсада, унинг вазифалари санаб ўтилмаган[2].

Россия Федерацияси Президентининг 2011 йил 20 майдаги Фармони билан тасдиқланган “Россия Федерациясида ҳуқуқни қўллаш мониторинги тўғрисида”ги низомда мониторингнинг вазифалари сифатида қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, Президент, Ҳукумат, ижроия ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш, уларга қўшимчалар киритиш ёки уларни ўз кучини йўқотган деб топиш қайд этилган[3].

Амалдаги қонунчиликда ҳуқуқий мониторингнинг асосий вазифалари жумласига қуйидагилар киритилган:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш мақсадларига эришилишини таҳлил қилиш, унинг ижроси ва натижаларини мунтазам ҳамда тизимли равишда кузатиб бориш;

---

[1] Постановление Совета Министров Республики Беларусь “О порядке проведения правового мониторинга” от 30 января 2019 г. № 65. https://pravo.by/document/?guid=12551&p0=C21900065&p1=1&p5=0

[2] Постановление Правительства Республики Казахстан от 29 августа 2016 года № 486 Об утверждении Правил проведения правового мониторинга. https://adilet.zan.kz/rus/docs/P1600000486

[3] Указ Президента РФ от 20.05.2011 N 657 (ред. от 06.02.2023) "О мониторинге правоприменения в Российской Федерации".
http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_114147/ed640895f0e782690391f2ea4905382b09a28189/

тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш учун статистик маълумотларни тўплаш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш мақсадларига мувофиқлигини ўрганиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросига тўсқинлик қилувчи ҳолатларни аниқлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ижроси бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш[1].

Юқорида санаб ўтилган вазифаларнинг барчаси қанчалик ҳуқуқий мониторингга хос деган савол пайдо бўлади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–111-сонли Фармонда ҳуқуқий мониторинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш доирасида ўтказилиши ҳақидаги қоида белгиланганлиги ҳуқуқий мониторингни мустақил институт сифатида мавжудлигини шубҳа остига қўймоқда.

Ҳуқуқий мониторингни фақатгина тартибга солиш таъсирини баҳолаш жараёнида амалга оширилиши билан боғланганлиги унинг юқорида кўриб ўтилган вазифаларида ҳам намоён бўлади. Чунончи, тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш учун статистик маълумотларни тўплаш ҳуқуқий мониторинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган. Эътиборлиси, ҳуқуқий мониторинг билан статистик маълумотларни тўплашнинг ўзаро алоқадорлиги нимада намоён бўлиши тушунарсизлигича қолмоқда.

Шу билан бирга, қонунчиликда ҳуқуқий мониторингнинг асосий вазифаларидан бири этиб тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш учун статистик маълумотларни тўплаш белгиланган бўлсада, тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг вазифалари нималардан иборатлигига аниқлик киритилмаган. Хусусан, амалдаги қонунчиликда тартибга солиш таъсирини баҳолаш тушунчасига лойиҳанинг қабул қилиниши натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатларни аниқлаш ва баҳолаш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш мақсадларига эришилганлигини, самарадорлигини ҳамда тартибга солиш усулини қўллашда юзага келган оқибатларни аниқлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи сифатида таъриф

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги «Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5025-сон қарори. https://lex.uz/docs/7069968

берилган бўлсада, баҳолаш мақсадига эришишга қаратилган вазифалар нималарда намоён бўлиши мавҳум бўлиб қолмоқда.

Бу ҳолат ўз навбатида ҳуқуқий мониторинг билан тартибга солиш таъсирини баҳолаш вазифалари ўртасидаги фарқ нимада намоён бўлади деган ўринли саволни келтириб чиқаради.Табиийки, бундай саволга амалдаги қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қилиш орқали аниқ жавоб беришнинг имкони йўқ.

Бизнингча, ҳуқуқий мониторинг билан тартибга солиш таъсирини баҳолаш такрорланиши қуйидаги салбий ҳолатларнинг келиб чиқишига олиб келади:

биринчидан, субъектлар вазифаларининг чалкашиб кетишига. Амалдаги қонунчиликда ҳар бир ҳуқуқий институтни амалга оширувчи субъект аниқ белгиланган бўлиб, уларга бир вақтнинг ўзида бир хил вазифаларнинг юклатилиши келгусида тегишли вазифаларнинг бажарилмаслигига ёки лозим даражада бажарилмаслигига ёхуд сансалорликка олиб келиши мумкин;

иккинчидан, ҳуқуқий мониторингда фойдаланиладиган усулларнинг асоссиз равишда кенгайиб кетишига ва натижада мониторинг якунида хилма-хил натижаларнинг қўлга киритилишига. Хусусан, ҳуқуқий мониторинг вазифалари қанчалик кўп бўлса, шунчалик уларни бажариш мақсадида бошқа усулларга шу жумладан, ўхшаш институтлар фойдаланадиган усуллардан ҳам фойдаланилади. Бу ўз навбатида ҳуқуқий мониторингнинг моҳияти ўзгаришига олиб келиши мумкин;

учинчидан, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун кўплаб ресурс ва вақтнинг сарфланишига олиб келади. Қанчалик ҳуқуқий мониторинг олдига кўп вазифалар қўйилса, уни ўтказувчи субъект ўз вақти ва ресурсларини шунчалик биринчи даражали аҳамиятга эга бўлмаган бошқа вазифаларни бажаришга сарфлайди;

тўртинчидан, кутилган натижага ёки ҳуқуқий мониторингнинг асосий мақсадларига эришилмаслигига. Ҳуқуқий мониторинг мақсади билан бевосита боғлиқ бўлмаган вазифаларнинг юкланиши келгусида ундан кўзланган мақсадларга эришилмаслигига олиб келади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ҳуқуқий мониторингнинг вазифалари сифатида қуйидагиларни белгилаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги ПФ–111-сон Фармони билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни

тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 42-бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“2. Қуйидагилар ҳуқуқий мониторингнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барқарорлигини баҳолаш, уларни қўллашнинг ягона амалиётини жорий этиш;

ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликларни, уларнинг сабабларини, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллаш жараёнида вужудга келган салбий оқибатларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш”.

Юқорида таъкидлаганимиздек, қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторинг ўтказишда унинг олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб тегишли усуллардан фойдаланилади.

Таклиф этилаётган вазифаларни ҳал этиш мақсадида мониторингнинг қуйидаги усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барқарорлигини баҳолаш, уларни қўллашнинг ягона амалиётини жорий этиш;

Ушбу вазифа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барқарорлик даражасини баҳолаш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти материалларини таҳлил қилиш усулларидан фойдаланиш орқали ҳал этилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда ҳуқуқий мониторинг ўтказишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барқарорлик даражасини баҳолаш усули назарда тутилмаган.

Бироқ, ҳуқуқий мониторинг ўтказишда қонунчилик ҳужжатларининг барқарорлик даражасини баҳолаш усулидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу қуйидагиларда кўринади:

биринчидан, ушбу усулдан фойдаланиш орқали ҳуқуқий мониторинг ўтказилаётган соҳа ёки ижтимоий муносабатларнинг қанчалик даражада ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлиги аниқланади;

иккинчидан, мазкур усул ёрдамида ҳуқуқий мониторинг ўтказилаётган соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қанчалик даражада самарадорли эканлигини аниқлаш мумкин бўлади;

учинчидан, ушбу усул воситасида ҳуқуқий мониторинг ўтказилаётган соҳа ёки ижтимоий муносабатларда қандай масалаларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигини билиш мумкин бўлади;

тўртинчидан, мазкур усул орқали ҳуқуқий мониторинг ўтказилаётган соҳа ёки ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг комплекслиги ва ўзаро уйғунлиги аниқланади.

Шу ўринда ҳуқуқий мониторинг ўтказишда қонунчилик ҳужжатларининг барқарорлик даражасини баҳолаш усулидан Қозоғистон қонунчилик тажрибасида фойдаланилишини таъкидлаш жоиз[1].

Фикримизча, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барқарор-лигини қуйидаги 3 та тоифа бўйича баҳолаш мақсадга мувофиқ:

1) барқарор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

2) нисбатан барқарор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

3) барқарор бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Барқарор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мониторинг ўтказилаётган йилдан олдинги бир йил давомида бирорта ҳам қўшимча ва ўзгартириш киритилмаган ҳужжатларни тушуниш мумкин.

Нисбатан барқарор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мониторинг ўтказилаётган йилдан олдинги бир йил давомида 2 мартадан кўп бўлмаган, таҳририй тузатишлар, шунингдек юридик техника билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилган ҳужжатлар тушунилади.

Барқарор бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мониторинг ўтказилаётган йилдан олдинги бир йил давомида икки ёки ундан ортиқ маротаба қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган ҳужжатларни тушуниш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби

[1] Постановление Правительства Республики Казахстан от 29 августа 2016 года № 486 Об утверждении Правил проведения правового мониторинга. https://adilet.zan.kz/rus/docs/P1600000486

тўғрисидаги низомни ҳуқуқий мониторинг ўтказишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар барқарорлик даражасини баҳолашни назарда тутувчи қуйидаги мазмундаги 42^1-банд билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“42^1. Ҳуқуқий мониторинг ўтказишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барқарорлиги қуйидаги 3 та тоифа бўйича баҳоланади:

1) барқарор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

2) нисбатан барқарор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

3) барқарор бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Барқарор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар деганда мониторинг ўтказилаётган йилдан олдинги бир йил давомида бирорта ҳам қўшимча ва ўзгартириш киритилмаган ҳужжатларни тушуниш мумкин.

Нисбатан барқарор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар деганда мониторинг ўтказилаётган йилдан олдинги бир йил давомида 2 мартадан кўп бўлмаган, таҳририй тузатишлар, шунингдек юридик техника билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилган ҳужжатлар тушунилади.

Барқарор бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар деганда мониторинг ўтказилаётган йилдан олдинги бир йил давомида икки ёки ундан ортиқ маротаба қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган ҳужжатлар тушуниш мақсадга мувофиқ”.

Ҳуқуқий мониторингнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллашнинг ягона амалиётини жорий этиш вазифасини ҳал этишда ҳуқуқни қўллаш амалиёти материалларини таҳлил қилиш усули муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, сўнгги йилларда ижтимоий муносабатларнинг кўплаб соҳаларида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини жорий этиш муаммосига Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6243-сон Фармони билан ташкил этилган Ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг асосий вазифаларидан бири этиб ер тўғрисидаги

қонунчилик ҳужжатлари бўйича ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини шакллантириш вазифаси қатъий белгиланган[1].

Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5438-сон Фармонида ҳам Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясига қонунчиликни такомиллаштириш ва ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш бўйича илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган[2].

Шунга ўхшаш вазифани Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги ПҚ–4096-сон қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби зиммасига ҳам юклатилганлигига гувоҳ бўламиз[3].

Юқорида келтирилган қонунчилик ҳужжатлари нормалари ҳам мамлакатимизда қонунийликни таъминлаш учун масъул бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар фаолиятида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиёти қанчалик долзарб масала эканлигини кўрсатиб турибди.

Албатта, ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантиришда ҳуқуқни қўллаш амалиёти материаллари таҳлилига асосий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартибига оид нормалар акс этган амалдаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом нормаларини таҳлил қилар эканмиз, унда ҳуқуқни қўллаш амалиёти материаллари таҳлилини амалга ошириш имконини бермайдиган қуйидаги бир қатор ҳуқуқий бўшлиқлар сақланиб қолганлигига гувоҳ бўламиз:

1) низомда ҳуқуқий мониторинг ўтказишга оид бирорта усул белгиланмаган бўлиб, бундай ҳолат ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 08.06.2021 йилдаги ПФ-6243-сон Фармони. https://lex.uz/docs/5450176

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.05.2018 йилдаги “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5438-сон Фармони. https://lex.uz/docs/3727063

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4096-сон қарори. https://lex.uz/docs/4141425

давлат органи ва унинг ходимларига ҳуқуқни қўллаш амалиёти усулидан фойдаланиш имконини бермайди;

2) қонунчилик ҳужжатларида ҳуқуқий мониторингни амалга оширишда қандай манбалардан фойдаланилиши белгиланмаган бўлиб, бу ваколатли давлат органларига мониторингни ишончли маълумотлар асосида ўтказиш имконини бермайди.

Фикримизча, ҳуқуқий мониторинг ўтказишда ҳуқуқни қўллаш амалиёти материалларини таҳлил қилиш усулида муайян даврдаги қуйидаги маълумотлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ:

а) суд амалиёти материаллари;

б) ижро этувчи давлат органлари фаолияти ва уларнинг ҳужжатлари;

в) прокуратура органлари, назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг маълумотлари;

г) фуқаролик жамияти институтлари, илмий-тадқиқот муассалари, тегишли соҳа бўйича мутахассис ёки экспертлар маълумотлари ва умумлашмалари;

д) оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар маълумотлари;

е) фуқаролардан олинган маълумотлар;

ж) ижтимоий сўровлар натижасида олинган ёки илмий тадқиқотларда келтирилган маълумотлар;

з) бошқа манбалардан олинган материаллар.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни қуйидаги мазмундаги 43^1-банд билан тўлдириш таклиф этилади:

“Ҳуқуқий мониторинг ўтказишда ҳуқуқни қўллаш амалиёти материаллари таҳлил қилиш усулида муайян даврдаги қуйидаги маълумотлар тўпланади ва ўрганилади:

а) суд амалиёти материаллари;

б) ваколатли давлат бошқаруви органлари фаолияти ва уларнинг ҳужжатлари;

в) прокуратура органлари, назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг маълумотлари;

г) жамоатчилик ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассалари, тегишли соҳа бўйича мутахассис ёки экспертлар маълумотлари ва умумлашмалари;

д) оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар маълумотлари;

е) фуқаролардан олинган маълумотлар;

ж) ижтимоий сўровлар натижасида олинган ёки илмий тадқиқотларда келтирилган маълумотлар;

з) бошқа манбалардан олинган материаллар.”

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти материаллари таҳлил қилиш натижаси бўйича таҳлилий маълумотнома тузилади.

б) ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликларни, уларнинг сабабларини, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллаш жараёнида вужудга келган салбий оқибатларни аниқлаш ва таҳлил қилиш.

Мазкур вазифа ҳуқуқий мониторингни амалга оширишда муҳим ҳисобланади. Бунда ушбу вазифа бир қатор алоҳида масалаларни ўз ичига олади ва уларнинг ҳар бири қуйидаги маълумотларни таҳлил қилиш орқали аниқланади:

1) ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликлар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис палаталарига тақдим қилган мурожаатномалари ва бошқа муҳим саналардаги маърузалари;

оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда ёритилган масалалар;

илмий-тадқиқот институтлари томонидан ўтказилган тадқиқот ишлари материаллари;

қабул қилиниши юқори юридик кучга эга ҳужжатларда назарда тутилган қонуности ҳужжатларнинг мавжудлиги;

ҳуқуқий тартибга солишнинг тўлиқлиги;

қонуности ҳужжатлари қабул қилинишида қонун ҳужжатлари нормалари маъноларининг бузилиши.

2) **ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликларнинг сабаблари:**

умумий характердаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида қарама-қаршиликлар мавжудлиги;

турли даврларда қабул қилинган бир хил муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда зиддиятларнинг мавжудлиги;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда юридик техника билан боғлиқ хатоларнинг мавжудлиги;

3) норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллаш жараёнида вужудга келган салбий оқибатлар:

мурожаатлар сони ва мазмуни (таклифлар, аризалар, шикоятлар);

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллашнинг ягона амалиёти мавжудлиги (йўқлиги);

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллашда унинг маъноси бузилиши;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллашда ноқонуний ёки асоссиз қарорлар, ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг мавжудлиги;

ижро этувчи давлат органларининг ваколатини кенг талқин қилиш имконини берадиган меъёрларнинг мавжудлиги;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш соҳасидаги қайд этилган ҳуқуқбузарликларнинг сони ва характери, шунингдек, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш ҳолатлари;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги камчиликлар мавжудлигини кўрсатувчи бошқа кўрсаткичлар.

1.3-§. Хорижий давлатларда қонун ҳужжатлари ижроси ҳуқуқий мониторингининг ўзига хос жиҳатлари

Ҳуқуқий мониторингдан кўзланган асосий мақсад ижтимоий муносабатларни қонун ҳужжатлари ёрдамида самарали тартибга солиш ва улар ушбу ҳужжатларнинг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Хорижий давлатлар амалиётида ҳам ҳуқуқий мониторингдан кенг фойдаланилади. Чет мамлакатларнинг ҳуқуқий мониторингга оид тажрибасини таҳлил қилиш ва ўзига хос жиҳатларини аниқлаш биринчи навбатда улардаги мавжуд ушбу соҳадаги ижобий ютуқларидан унумли фойдаланиш имконини беради.

Шу билан бирга, хорижий давлатларда мавжуд бўлган ҳуқуқий мониторингнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш орқали амалдаги миллий қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, айрим олимлар томонидан бир қатор давлатлар ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчилигида “ҳуқуқий мониторинг” атамаси ўрнига устувор равишда “тартибга солиш

таъсирини баҳолаш” термини кенг қўлланилиши, ушбу институт ҳам ҳуқуқий мониторинг сингари ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини аниқлашга қаратилганлиги алоҳида қайд этилади[1].

Шу ўринда ҳуқуқий мониторинг билан тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти бир-биридан нимаси билан фарқ қилади деган ҳақли савол пайдо бўлади.

Қозоғистонлик ҳуқуқшунос олимлар С.Айсин ва З.Казиевлар қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш тажрибасини таҳлил қилар экан ушбу давлатда бир вақтнинг ўзида иккала институт – ҳуқуқий мониторинг ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш амал қилишини, мазкур институтлар жорий этилишидан олдин экспертлар томонидан жаҳон тажрибаси чуқур ўрганилганлигини, ушбу иккала институт ҳам мамлакатдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлайдилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда хорижий мамлакатларда ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш самарадорлигини аниқлашда нафақат ҳуқуқий мониторинг балки, кўплаб институтлар қўлланилмоқда.

Хорижий давлатларнинг бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчилиги таҳлили бундай институтлар мазмун-моҳият жиҳатдан бир-бирига ўхшаши билан бирга, уларнинг ҳар бирини бошқасидан ажратиб турадиган бир қатор ўзига хос хусусиятларга ҳам эгалиги аниқланди.

Қуйида хорижий давлатларда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш самарадорлигини ҳуқуқий мониторинг ўтказиш орқали аниқлашда қўлланиладиган ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Бунда дастлаб хорижий давлатларнинг ҳуқуқий мониторингга оид тажрибасини улардаги ҳуқуқий мониторингнинг умумий жиҳатлари ва бир-биридан фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятлари доирасида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили натижасида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш самарадорлиги баҳоланадиган моделлар қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

[1] С.Айсин, З.Казиев. Опыт зарубежных стран по изучению эффективности законодательства. №4 (40) 2015 ж. Қазақстан Республикасы Заңнама институтының жаршысы. https://cyberleninka.ru/article/n/opyt-zarubezhnyh-stran-po-izucheniyu-effektivnosti-zakonodatelstva/viewer

1) Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш самарадорлигини асосан битта институтни қўллаш орқали баҳолайдиган хорижий давлатлар. Таъкидлаш жоизки, аксарият ривожланган мамлакатларда қонун ҳужжатлари ижроси самарадорлиги турли усуллар орқали аниқланади. Бунда аксарият мамлакатларда ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини битта усул орқали аниқлайдилар. Ана шундай усуллардан бирини тартиб солиш самарадорлигини баҳолаш усули ташкил қилиб, у ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини аниқлашга қаратилган. Бу усулдан Австралия, Канада, Буюк Британия ва бошқа давлатлар кенг фойдаланади[1].

АҚШ ва Канада тажрибасида ижро ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқилган қонунчилик ҳужжатлари фактик таъсирини баҳолаш усулидан фойдаланилади.

Юқорида санаб ўтилган усуллар бизнинг тадқиқот мавзумизга бевосита алоқаси йўқлиги сабабли уларни батафсил таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

2) Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш самарадорлигини бир вақтнинг ўзида ҳуқуқий мониторинг ва бошқа институтлар орқали баҳолайдиган хорижий давлатлар.

Ушбу гуруҳга кирувчи хорижий давлатларда бир вақтнинг ўзида ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг самарадорлик даражасини аниқлашда ҳуқуқий мониторингдан ташқари бошқа институтлардан ҳам фойдаланилади.

Бунда ҳар бир институт олдига турли вазифалар қўйилса-да, уларнинг умумий мақсади ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш самарадорлигини оширишга қаратилган бўлади.

Шу билан бирга, ушбу гуруҳга мансуб давлатларда ҳуқуқий мониторинг институти ҳам бир қуйидаги бир қатор умумий жиҳатларга эга бўлиб ҳисобланади:

I. Хорижий мамлакатларда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартиби муайян қонунчилик ҳужжати билан тасдиқланган бўлади.

Хусусан, Беларусьда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартиби 2019 йил 30 январдаги Вазирлар кенгашининг 65-сонли қарори

[1] С.Ж.Абдрахманова, К.К.Сабиров Правовой статус и текущее состояние развития анализа регуляторного воздействия в Республике Казахстан. https://adilet.zan.kz/rus/wniobzor/text001

билан тасдиқланган “Ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартиби тўғрисида”ги қарорида назарда тутилган. Бунда ушбу қарор билан Ҳуқуқий тартибга солиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланиб, унда ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг батафсил тартиби белгилаб берилган[1].

Қозоғистонда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш билан боғлиқ масалалар 2016 йил 29 августдаги Ҳукуматнинг 486-сонли “Ҳуқуқий мониторинг ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида тартибга солинган. Бунда мазкур қарор билан “Ҳуқуқий мониторинг ўтказиш қоидалари” тасдиқланган бўлиб, унда ҳуқуқий мониторингни ўтказиш тартиби батафсил белгиланган[2].

Россияда ҳуқуқий мониторинг билан боғлиқ масалалар Россия Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Россия Федерациясида ҳуқуқни қўллаш мониторинги тўғрисида”ги 657-сонли Фармони билан тасдиқланган “Россия Федерациясида ҳуқуқни қўллаш мониторинги тўғрисида”ги низомда ўз ифодасини топган[3].

Юқорида гувоҳ бўлганимиздек, ҳуқуқий мониторинг қўлланиладиган мамлакатларда уни ўтказиш тартиби билан боғлиқ масалалар қонунчилик ҳужжати билан тартибга солинган бўлиб, бу бир жиҳатдан мониторинг ўтказувчи субъектларга уни ўтказиш жараёнини аниқ белгилаб беришни назарда тутса, иккинчи томондан мониторинг ўтказиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўлган қоидаларни ҳам белгилайди.

II. Хорижий мамлакатларда ҳуқуқий мониторинг ўтказиладиган объектлар доираси бир-бирига ўхшайди. Бунда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш объекти сифатида муайян давлатда амал қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими намоён бўлади.

Хусусан, **Беларуснинг** Ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномасида ҳуқуқий мониторинг объекти бўлиб, қабул қилинган (чоп этилган) ва қонуний кучга кирган норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг алоҳида қоидалари), бундан техник қоидалар ва стандартлаштириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мустасно, техник нормалаш ва стандартлаштириш

[1] Постановление Совета министров Республики Беларусь “О порядке проведения правового мониторинга” от 30 января 2019 г. № 65. https://pravo.by/document/?guid=12551&p0=C21900065&p1=1&p5=0

[2] Постановление Правительства Республики Казахстан “Об утверждении Правил проведения правового мониторинга” от 29 августа 2016 года № 486. https://adilet.zan.kz/rus/docs/P1600000486

[3] Указ Президента РФ от 20.05.2011 N 657 (ред. от 06.02.2023) "О мониторинге правоприменения в Российской Федерации" (вместе с "Положением о мониторинге правоприменения в Российской Федерации"). http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_114147/ed640895f0e782690391f2ea4905382b09a28189/#dst100030

соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш, уларга ўзгартиришлар киритиш, бундай ҳужжатларни шарҳлаш, уларни амал қилишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш ёки кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қарорлар (буйруқлар) ҳисобланиши белгиланган.

Қозоғистоннинг ҳуқуқий мониторинг ўтказиш қоидаларида ҳуқуқий мониторингнинг объекти сифатида қуйидагилар намоён бўлиши мустаҳкамланган: янги конституциявий қонунлар, кодекслар, тизимлашган қонунлар, қонунлар; бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Бунда конституциявий қонунлар, кодекслар, тизимлаштирилган қонунлар, қонунлар, янги таҳрирда қабул қилинган қонунлар, шунингдек янгидан қабул қилинган конституциявий қонунлар, кодекслар, тизимлаштирилган қонунлар, қонунлар, қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонунлар улар қабул қилинган пайтдан бошлаб беш йилгача бўлган муддатда янги қонунлар ҳисобланиши белгиланган.

Шу билан бирга, ҳуқуқий мониторинг ўтказилиши лозим бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар деганда қуйидагилар тушунилиши қайд этилган:

1) конституциявий қонунлар, кодекслар, тизимлаштирилган қонунлар, қонунлар, бундан янги конституциявий қонунлар, кодекслар, тизимлаштирилган қонунлар мустасно;

2) Қозоғистон Республикаси Президентининг норматив-ҳуқуқий тусдаги фармонлари;

3) Қозоғистон Ҳукуматининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари;

4) Қозоғистон Марказий сайлов комиссиясининг, Қозоғистон Миллий банкининг, Қозоғистон вазирлари ва давлат марказий органларининг бошқа раҳбарларининг норматив-ҳуқуқий тусдаги буйруқлари, Қозоғистон марказий давлат органлари ҳузуридаги идоралари раҳбарларининг норматив-ҳуқуқий тусдаги буйруқлари;

5) маслиҳатларнинг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари, ҳокимиятларнинг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари ва тафтиш комиссияларининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари.

Россияда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш объектлари сифатида қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар назарда тутилган:

а) қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича – Россия Конституциявий судининг қарорларини бажариш мақсадида;

б) Россия Президенти, Ҳукумати, ижроия ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари, Россия Федерацияси субъектлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари бўйича – қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда;

в) Россия Ҳукуматининг, ижроия ҳокимияти органларининг, бошқа давлат органлари, Россия Федерацияси субъектлари давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва маҳаллий ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича – Россия Президенти ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда;

г) Россия норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бўйича – Россия Президентининг Россия Федерал йиғинига қиладиган ҳар йиллик мурожаатлари, бошқа дастурий ҳужжатлар, Россия Президенти ва Ҳукуматининг топшириқлари, Россия Ҳукуматининг тегишли давр ва давлат тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларининг асосий фаолият йўналишларига мувофиқ;

д) Россия норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бўйича – коррупцияга қарши сиёсатни амалга ошириш ва аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш мақсадида;

е) Россия норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бўйича – тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш мақсадида.

Юқорида гувоҳ бўлганимиздек, аксарият ҳолатларда ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг объектлари сифатида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар намоён бўлади. Эътиборли жиҳати шундаки, бирорта хорижий давлатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилмайди.

Бизнинг фикримизча, бундай ёндошув тўғри бўлиб, уни бевосита ҳуқуқий мониторинг амалдаги қонун ҳужжатларининг ижросига қаратилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ушбу ҳолатда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳали лойиҳа босқичида эканлиги у бўйича ҳуқуқий мониторинг ўтказиш имкониятини йўққа чиқаради.

III. Хорижий давлатларда ҳуқуқий мониторингдан асосан ўхшаш мақсадларни кўзлайди.

Масалан, **Беларусь** қонунчилигига мувофиқ ҳуқуқий мониторинг қонунчилик сифатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини,

ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш самарадорлигини тизимли равишда таҳлил қилиш ва баҳолаб бориш мақсадини кўзлайди.

Қозоғистон қонунчилигида белгиланишича, ҳуқуқий мониторинг Қозоғистон қонунчилигидаги қарама-қаршиликларни, такрорлашларни, ҳуқуқий бўшлиқларни, самарасиз қўлланилаётган, маънан эскирган ва коррупциявий ҳуқуқ нормаларини аниқлаш ҳамда прогноз қилиш, таҳлил қилиш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўлланилиш самарадорлигини баҳолаш орқали уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилиши қатъий белгиланган.

Россия қонунчилигида ҳам юқоридагига ўхшаш ҳолатга гувоҳ бўлиш мумкин. Унга мувофиқ ҳуқуқий мониторингни ўтказиш мақсади Россия ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш эканлиги назарда тутилган.

IV. Ҳуқуқий мониторинг асосан давлат органлари томонидан ўтказилиши қонунчиликда аниқ белгиланган.

Қозоғистон қонунчилигида ҳуқуқий мониторингни давлат органларининг таркибий бўлинмалари томонидан ўзлари қабул қилган ва (ёки) асосий ишлаб чиқувчи бўлган, улар ваколатига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича ўтказилади.

Беларусь қонунчилигида ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи органларга аниқлик киритиб ўтилган. Унга биноан ҳуқуқий мониторинг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ҳуқуқ ижодкори бўлган органлар (мансабдор шахслар) томонидан амалга оширилади.

Бунда Беларусь қонунчилигига мувофиқ ҳуқуқ ижодкори бўлган органлар жумласига Президент, Вазирлар Кенгаши, Миллий йиғин, Олий суд, Бош прокуратура ва бошқа органлар киритилган[1].

Шунингдек, тегишли соҳада давлат сиёсатини юритувчи, тартибга солиш ва бошқарувни амалга оширувчи давлат органлари ушбу йўналишдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, бошқа давлат органлари эса – ўзлари ишлаб чиққан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий мониторингини ўтказадилар.

[1] Закон Республики Беларусь от 17 июля 2018 г. № 130-З “О нормативных правовых актах”. Источник: https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=H11800130 – Национальный правовой Интернет-портал Республики Беларусь

Россия қонунчилигига мувофиқ ҳуқуқий мониторинг ижроия ҳокимияти органлари ва Россия Федерацияси субъектларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилиши назарда тутилган.

V. Хорижий давлатлар қонунчилигида ҳуқуқий мониторингни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар бевосита адлия органлари томонидан мувофиқлаштирилиши назарда тутилган.

Қозоғистон қонунчилигида давлат органларининг ҳуқуқий мониторинг билан боғлиқ фаолияти адлия органлари томонидан амалга оширилиши бевосита қайд этилган.

Шу билан бирга, ҳуқуқий мониторинг ўтказиладиган қонунчилик ҳужжатлари ва Ҳукуматнинг норматив-ҳуқуқий қарорларининг ягона электрон реестри ҳам адлия органлари томонидан юритилиши, бунда электрон реестрни тузиш Адлия вазирлигининг таркибий тузилмаси зиммасига юклатилиши белгиланган.

Россияда ҳам ҳуқуқий мониторинг ўтказишда адлия органлари етакчи ролга эга ҳисобланади. Хусусан, қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режаси Россия Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади. Ишлаб чиқилган ҳуқуқий мониторинг режаси 1 августга қадар Ҳукуматга тасдиқлаш учун киритилади.

Ундан ташқари, Россияда адлия органлари ҳуқуқий мониторинг ўтказиш жараёнида ҳам ўзига хос ўринга эгадирлар. Қонунчилик ижроия ҳокимияти органлари ва Россия Федерацияси субъектларининг давлат ҳокимияти органларига ҳар йили 1 июнга қадар улар томонидан ўтказилган мониторинг натижалари тўғрисида Адлия вазирлигига маърузани тақдим этишлари белгиланган.

Бунда Адлия вазирлиги тақдим этилган маърузалар асосида Россия Президентига мониторинг натижалари тўғрисидаги маърузани тайёрлайди ва 1 сентябрга қадар тақдим этади.

Эътиборли жиҳати, Россияда Адлия вазирлиги томонидан тайёрланган мониторинг натижалари тўғрисидаги маъруза Президент кўриб чиққанидан сўнг оммавий ахборот воситаларида чоп этилади, шунингдек Россия Президенти ва Адлия вазирлигининг интернетдаги расмий веб-сайтида ҳамма танишиб чиқиши учун жойлаштирилади.

Гувоҳ бўлганимиздек, юқорида кўриб ўтилган хорижий давлатлардан Россияда ҳуқуқий мониторинг ўтказишда Адлия

вазирлигининг ўрнига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бунда ушбу орган ҳуқуқий мониторинг режаси ишлаб чиқишдан бошлаб, давлат органлари томонидан ўтказилган мониторинг натижаларини Давлат раҳбарига тақдим этишга қадар бўлган босқичда нафақат иштирок этадилар балки, ушбу жараёнларда асосий мувофиқлаштирувчи ваколатли давлат органи сифатида намоён бўладилар.

VI. Хорижий давлатлар қонунчилигида ҳуқуқий мониторинг ўтказишга жамоатчиликни кенг жалб қилиш билан боғлиқ механизмлар назарда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий мониторинг мавжуд бўлган давлатларда уни ўтказишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш бир қатор ижобий жиҳатларга эга бўлиб, бу қуйидагиларда намоён бўлади:

а) давлат органлари томонидан қайси соҳаларга оид қонунлар ижроси ўрганилаётганлиги борасида жамоатчилик хабар топади ва бу уларга ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича ўзларига маълум ҳолатлар тўғрисида мониторингни ўтказувчи давлат органларига мурожаат қилиш имконини беради, уларининг фикрлари ҳамда позицияларини билдиришга шароит яратади;

б) мониторинг ўтказаётган давлат органига тегишли қонуннинг ижросини ўрганиш, танқидий қайта кўриб чиқиш орқали ҳуқуқни қўллаш амалиётида вужудга келаётган қонун нормаларини нотўғри талқин қилишлар, қарама-қарши ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этиш, умуман олганда муайян соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга шароит яратади.

Ҳуқуқий мониторинг амал қиладиган хорижий давлатлар қонунчилигида мониторинг ўтказиш ҳақидаги маълумотни тегишли манбаларга жойлаштириш ҳақидаги қоида белгиланган.

Жумладан, Қозоғистон қонунчилигида ҳуқуқий мониторинг ўтказиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ва бу бўйича масъул давлат органи, шунингдек ҳуқуқий мониторинг ўтказиш муддатлари “Е-заңнама” ахборот тизимида шакллантирилиши белгиланган.

Беларусь қонунчилигига мувофиқ ҳуқуқий мониторинг ташкилотчиси ҳуқуқий мониторинг ўтказиш бошланишидан 5 иш кунидан кам бўлмаган муддатда ўзининг Интернетдаги расмий веб-сайтида фуқароларнинг, шу жумладан ҳуқуқий мониторинг объектига нисбатан якка тадбиркорлар ва юридик шахсларнинг

таклифларини ўрганиш мақсадида ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тўғрисида хабар беради. Бундай хабар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши лозим:

– ҳуқуқий мониторинг объекти;

– ҳуқуқий мониторинг ўтказиш муддатлари ва фуқаролар, шу жумладан ҳуқуқий мониторинг объектига нисбатан якка тадбиркорлар ва юридик шахслар таклифларини тақдим этиш муддатлари;

– фуқаролар, шу жумладан ҳуқуқий мониторинг объектига нисбатан якка тадбиркорлар ва юридик шахслар таклифларини тақдим этиш усуллари.

Бунда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш жараёнида фуқаролардан, шу жумладан ҳуқуқий мониторинг объектига нисбатан якка тадбиркорлар ва юридик шахслардан келиб тушган таклифларга, шунингдек расмий веб-сайтдаги “Электрон мурожаатлар” махсус бўлимига ёки ҳуқуқий мониторинг ташкилотчисининг электрон манзили орқали келиб тушган мурожаатларга жавоб ёхуд хабар бериш талаб қилинмайди.

Россия қонунчилигида ҳам ўхшаш тажрибани учратиш мумкин. Унга мувофиқ мониторинг ўтказиш режаси ҳар йили 1-сентябрга қадар Россия Ҳукумати томонидан тасдиқланади. Бунда Ҳукумат тасдиқлаган йиллик мониторинг режаси унинг интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида (http://government.ru/) эълон қилиб борилади.

Мониторинг режасида қуйидаги маълумотлар акс этади:

а) мониторинг ўтказиш режалаштирилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар гуруҳи ёки қонунчилик соҳаси (тармоғи);

б) мониторинг ўтказишда иштирок этувчи ижроия ҳокимияти органлари, Россия субъектлари давлат ҳокимиятининг органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;

в) мониторинг ўтказиш муддатлари;

г) бошқа маълумотлар.

Хорижий давлатларда ҳуқуқий мониторинг ўхшаш жиҳатлар билан бир қаторда бир-биридан ажралиб турувчи ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлиб, булар қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, айрим хорижий давлатларда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш жараёнига нодавлат ташкилотларни жалб қилишлари мумкинлиги назарда тутилганлиги билан ажралиб туради.

Масалан, Қозоғистон қонунчилигига мувофиқ давлат органлари ҳуқуқий мониторинг ўтказишда жамоат ва илмий ташкилотларни, фуқароларни қонунчиликда белгиланган тартибда жалб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Худди шундай ҳуқуқни Беларусь қонунчилигида ҳам учратиш мумкин. Унга мувофиқ ҳуқуқий мониторинг ўтказишда уни ўтказувчи ташкилотчилар томонидан ўз ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда бошқа давлат органлари (ташкилотлари)дан ташқари илмий ташкилотлар, жамоат бирлашмалари (уюшмалар, жамоат бирлашмалар ассоциациялари) бошқа манфаатдор шахсларни жалб қилишлари мумкинлиги назарда тутилган.

иккинчидан, хорижий давлатлар қонунчилигида ҳуқуқий мониторинг олдига турлича вазифалар қўйилганлиги билан бир-биридан ажралиб туради.

Масалан, Беларусь қонунчилигига мувофиқ ҳуқуқий мониторинг олдига қуйидаги вазифалар қўйилган:

қонунчилик нормалари самарадорлигини баҳолаш;

ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш камчиликларини, уларнинг вужудга келиш сабабларини, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллаш жараёнида вужудга келган оқибатларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни лозим даражада амалга ошириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Россия ва Қозоғистоннинг амалдаги қонунчилигида эса, ҳуқуқий мониторинг олдига бирорта вазифа қўйилмаган.

учинчидан, айрим хорижий давлатларда ҳуқуқий мониторинг ўтказилмайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доираси белгиланганлиги билан ажралиб туради.

Қозоғистон қонунчилигига мувофиқ ҳуқуқий мониторинг ўтказилмайдиган қонун ҳужжатлари доираси аниқ белгиланган.

Шу ўринда ҳуқуқий мониторинг ўтказилмайдиган қонунлар рўйхатини амалдаги қонунчиликда қатъий белгилашга ҳуқуқни қўллаш амалиётида қанчалик зарурат бор деган ҳақли савол туғилиши мумкин.

Ваҳоланки, Россия ва Беларусь қонунчилигида ҳуқуқий мониторинг ўтказилмайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

доираси аниқ белгиланмаганлигига, бу ҳақда бирор-бир сўз ҳам юритилмаганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Шу нуқтаи-назардан келиб чиқиладиган бўлса, Қозоғистон қонунчилигида ҳуқуқий мониторинг ўтказилмайдиган қонун ҳужжатлари рўйхатини келтириш орқали бизнингча, қуйидаги икки мақсад кўзланган:

а) ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи субъектлар томонидан келгусида номигагина, расмиятчилик учун мониторинг ўтказлишининг олдини олиш;

б) ҳуқуқий мониторинг ўтказишни режалаштириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай савол жавобини амалдаги қонунчиликда мукаммал белгилашга интилиш.

Бунда Қозоғистон қонун чиқарувчиси ҳуқуқий мониторинг ўтказилмайдиган қонун ҳужжатлари рўйхатини аниқ белгилаган ҳолда юқорида санаб ўтилган мақсадларга қанчалик даражада эришаётганлигини аниқлашнинг имкони йўқ.

Шу билан бирга, ҳуқуқий мониторингни режалаштириш босқичида юқорида қайд этилган мезонга Россия ва Беларусьда қанчалик даражада риоя этилаётганлигига, ўтказилаётган мониторинг қай даражада сифатли эканлигига айни дамда баҳо бериш мураккаб масала эканлигига эътибор қаратиш лозим.

Зеро, ҳар қандай давлатда ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигига ёки қонунларнинг ижроси таъминланиши, қонун устуворлигига энг одил баҳони жамоатчилик бера олиши мумкин. Бунда жамоатчилик деганда тегишли давлатда истиқомат қилаётган аҳоли ёки турли мезонларни ўз ичига олувчи халқаро ташкилотларнинг рейтинг кўрсаткичларини тушуниш мумкин.

Қозоғистон қонунчилиги қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича ҳуқуқий мониторинг ўтказилмаслигини назарда тутади:

1) қонунда белгиланган тартибда ўз кучини йўқотган деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича;

2) қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича, бундан кучга кирган пайтдан бошлаб беш йил мобайнида ҳуқуқий мониторинг ўтказилаётган қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарорлар мустасно;

3) давлат органларининг ички ташкилий масалаларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича;

4) Қозоғистон Республикаси Конституциявий кенгашининг, Қозоғистон Республикаси Олий судининг норматив қарорлари бўйича;

5) Қозоғистон Республикаси Миллий жамғармасидан кафолатланган трансферлар, республика ва вилоятлар бюджетлари, республика аҳамиятидаги шаҳарлар бюджетларини, пойтахтларни тасдиқлаш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек уларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

6) халқаро шартномаларни ратификация қилиш ва бекор қилиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Юқорида санаб ўтилган ҳужжатлардан ташқари, давлат сири ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сир, шунингдек “Хизматда фойдаланиш учун”, “Чоп этилмасин”, “Чоп этиш учун эмас” деган қайдларга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича ҳуқуқий мониторинг давлат органи биринчи раҳбарининг қарорига ва у белгилаб берган тартибга кўра ўтказилади.

тўртинчидан, баъзи хорижий давлатларда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш бўйича йиллик режалар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши билан ажралиб туришини таъкидлаш жоиз.

Ҳуқуқий мониторингни олдиндан режалаштириш уни ўтказишга тайёргарлик кўришнинг муҳим босқичи эканлигини қайд этган ҳолда барча давлатлар қонунчилигида ҳам ушбу масалага эътибор қаратилмаган. Масалан, Беларусь қонунчилигида ҳуқуқий мониторинг ўтказиш қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари (мансабдор шахслар), бошқа давлат органлари (ташкилотлари) томонидан доимий асосда қоида тариқасида, ҳар йили улар томонидан тасдиқланадиган ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режалари (алоҳида ёки йиллик иш режаларига киритилган ҳолда) амалга оширилиши белгиланган.

Шу билан бирга, ҳуқуқий мониторинг ташкилотчиси томонидан ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти муаммоларини тезкор равишда аниқлаш ҳамда ҳал этиш мақсадида ҳуқуқий мониторинг амалга оширилиши мумкинлиги ҳам Беларусь қонунчилигида назарда тутилган. Гувоҳ бўлганимиздек, Беларусьда қонун чиқарувчи ҳуқуқий мониторинг

ўтказишни режалаштириш вазифасини бевосита уни ўтказувчи давлат органлари ва ташкилотларига ҳавола этган.

Бироқ, ушбу ўринда давлат органлари ўзининг тизимидаги зиддиятли ҳолатларни ёки ўз манфаати доирасидаги масалаларни ташаббус кўрсатган ҳолда ҳуқуқий мониторингини ўтказиб, уларни бартараф этиш чораларини кўриши мумкин деган ўринли савол пайдо бўлади.

Ваҳоланки, ҳар бир давлат органи ўз фаолиятини ёки унга ишониб топширилган соҳани ҳуқуқий мониторингини ўтказар экан биринчи навбатда ўзига қулай бўлган ракурсдан ёндошишга бошқача айтганда, кўрпани ўзига қараб тортишга ҳаракат қилади. Шу нуқтаи-назарда ҳуқуқий мониторингни режалаштириш босқичи ягона давлат органи томонидан мувофиқлаштирилиши, бунда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чоралари кўрилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқий мониторингни режалаштириш борасидаги Россия қонунчилик тажрибаси юқоридаги муаммоли масалаларга ўрин қолдирмаганлиги билан аҳамиятлидир. Унга мувофиқ Россияда ҳуқуқий мониторинг мониторинг режасига мувофиқ ўтказилиши, Россия Президенти ёки Ҳукуматининг тегишли топшириғи мавжуд бўлган ҳолларда Россия Ҳукумати томонидан тасдиқланган мониторинг режасига ўзгартириш киритилмаган ҳолда ўтказилиши белгиланган. Бу орқали қонун чиқарувчи бир вақтнинг ўзида режали мониторинг билан бирга режадан ташқари ҳуқуқий мониторинг ўтказиш имкониятини яратган. Бу ўз навбатида ҳуқуқий мониторингнинг мослашувчанлигини таъминлашга хизмат қилади. Ундан ташқари, ижроия ҳокимияти органлари, Россия Федерацияси субъектларининг давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ташаббуслари билан мониторинг ўтказишлари мумкинлиги ҳам қонунчиликда белгиланган. Эътиборли жиҳати бундай субъектлар томонидан мониторинг ўтказиш уларнинг ихтиёрига ҳавола этилган.

Қонунчиликда ҳуқуқий мониторинг режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш асослари санаб ўтилган бўлиб, унга кўра қуйидагилар асосида мониторинг режаси лойиҳаси ишлаб чиқилади:

а) Россия Президентининг Россия Федерал Йиғинига ҳар йиллик мурожаатлари;

б) Россия Конституциявий суди ва Россия Олий судининг қарорлари (таклифлари);

в) Россия Бош прокуратураси, Россияда инсон ҳуқуқлари бўйича вакил, Бола ҳуқуқлари бўйича Россия Президенти ҳузуридаги вакил, Россия Ҳисоб палатаси, Россия Марказий сайлов комиссияси, Россия Марказий банки, Россия Жамоатчилик палатаси, Россия қонунлари асосида ташкил этилган давлат корпорациялари, жамғармалар ва бошқа ташкилотларнинг таклифлари;

г) Россия Тергов қўмитасининг, ижроия ҳокимияти органлари ва Россия Федерацияси субъектларининг давлат ҳокимияти органлари таклифлари;

д) коррупцияга қарши курашиш миллий дастури, бошқа дастурий ҳужжатлар, Россия Президенти ва Ҳукуматининг топшириқлари;

е) муайян даврдаги Россия Ҳукуматининг асосий фаолият йўналишлари;

ж) давлатдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари;

з) фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг таклифлари.

бешинчидан, айрим хорижий давлатларда ҳуқуқий мониторинг ўтказиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг алоҳида рўйхатини юритиш тартиби жорий этилган.

Жумладан, Қозоғистонда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, ҳисобга олиш ва сақлаш мақсадида давлат органларининг юридик хизматлари ҳуқуқий мониторинг ўтказиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг алоҳида рўйхатини юритишлари лозимлиги белгиланган. Унга кўра, марказий давлат органлари ўз ваколатларига киритилган масалалар бўйича ишлаб чиқилган қонунчилик ҳужжатларининг, Қозоғистон Ҳукуматининг норматив-ҳуқуқий қарорлари, давлат ва рус тилларида электрон шаклда қабул қилинган марказий давлат органларининг ҳужжатларининг реестрини юритадилар. Маслихатлар, ҳокимиятлар ва тафтиш комиссиялари маҳаллий давлат бошқарув органларининг давлат ва рус тилларидаги ҳужжатларининг электрон шаклдаги реестрини юритадилар. Реестрларга ўзгартириш киритиш тегишли давлат органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат кучга киргандан сўнг 10 иш кунидан кам бўлмаган муддатда амалга оширилиши лозим.

Бунда мазкур реестр қуйидаги ҳужжатлар кесимида алоҳида юритилади: а) Қозоғистоннинг қонунчилик ҳужжатлари, бундан кучини йўқотган, қўшимча, ўзгартиш ва/ёки тўлдиришлар киритиш

халқаро шартномаларни ратификациялаш ва бекор қилиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мустасно; б) Қозоғистон Ҳукуматининг норматив-ҳуқуқий қарорлари, бундан халқаро шартномаларни қабул қилиш, тасдиқлаш ва уларга қўшилиш тўғрисидаги қарорлар мустасно; в) Марказий сайлов комиссияси, Ҳисоб палатасининг республика бюджетининг ижроси устидан назорат қилиш, Миллий Банкнинг ва бошқа марказий давлат органларининг норматив-ҳуқуқий қарорлари; г) Қозоғистон вазирлари ва марказий давлат органлари бошқа раҳбарларининг норматив-ҳуқуқий буйруқлари; д) давлат органлари марказий идоралари раҳбарларининг норматив-ҳуқуқий буйруқлари; е) маслихатларнинг норматив-ҳуқуқий қарорлари, ҳокимиятларнинг норматив-ҳуқуқий қарорлари, ҳокимларнинг норматив-ҳуқуқий қарорлари, тафтиш комиссияларининг норматив-ҳуқуқий қарорлари.

Шу билан бирга Қозоғистон қонунчилигида реестрларнинг ягона рўйхатини юритиш ҳам назарда тутилган бўлиб, бунинг учун Адлия вазирлиги масъул орган ҳисобланади.

олтинчидан, баъзи хорижий давлатлар қонунчилигида ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг барча босқичлари назарда тутилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий мониторинг ўтказишда уни ўтказиш тартибини, хусусан мониторинг ўтказишнинг барча босқичларини қонунчиликда белгилаш муҳим аҳамиятга касб этади. Россия ва Қозоғистон қонунчилигида ҳуқуқий мониторинг ўтказиш босқичлари кўрсатилмаган бўлсада, Беларусь қонунчилигида ушбу масалалар ўз ифодасини топган.

Беларусь қонунчилигига мувофиқ ҳуқуқий мониторинг ўтказиш этаплари қуйидагилар ҳисобланади: тайёргарлик босқичи; асосий босқич; якуний босқич.

Ҳуқуқий мониторингнинг **тайёргарлик босқичида** мониторинг объекти, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш бўйича муддатлар ва тадбирлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг махсус кўрсаткичлари, шунингдек ҳуқуқий мониторингни ташкил этиш ва ўтказишнинг бошқа масалалари белгиланади.

Бунда ҳуқуқий мониторингнинг тайёргарлик босқичида белгиланадиган бошқа масалаларга аниқлик киритилмаган. Шу билан бирга, ҳуқуқий мониторинг ўтказишда турли қонунчилик ва соҳаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда

мониторинг ўтказишдаги бошқа масалаларга ҳам аниқлик киритилмаган.

Беларусь қонунчилигида ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг **асосий босқичида** қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти сифати, ижтимоий муносабатларни яхлит ёки алоҳида масалалар бўйича ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлиги, умумий кўрсаткичларга мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг таҳлили баҳоланиши белгиланган.

Бизнинг назаримизда асосий босқичда ҳал этиладиган масалалар ҳам умумий ёндошиш билан чекланилган. Бу ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи давлат органларига уни ўтказишда қийинчиликларга дуч келишига олиб келиши мумкин. Масалан, Беларусь қонунчилигида асосий босқичда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлиги қандай аниқланиши тартиби назарда тутилмаган. Шу сабабли, ҳар бир қонунчилик ташаббусига эга бўлган давлат органи идоравий манфаатидан келиб чиқиб, ҳуқуқий мониторинг ўтказишда ўзи ишлаб чиққан норматив-ҳуқуқий ҳужжатни самарали, ҳуқуқни қўллаш амалиётида муваффақиятли қўлланилмоқда деб топишидан манфаатдор бўлади.

Беларусь қонунчилигига мувофиқ ҳуқуқий мониторингнинг **якуний босқичи** мониторингнинг асосий босқичида ишлаб чиқилган хулосалар умумлаштирилади, унинг натижалари расмийлаштирилади, шунингдек қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилади, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни лозим даражада амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинади.

Беларусда ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг барча босқичларини амалга оширишда қуйидаги чора-тадбирлар кўрилади: манфаатдор давлат органлари ва бошқа ташкилотларга ўз ваколатлари доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллаш амалиёти тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш ҳақида сўровлар юбориш; оммавий муҳокамалар ўтказиш, шу жумладан Интернет тармоғидаги “Беларусь ҳуқуқий форуми” веб-сайтида ва (ёки) расмий веб-сайтлардаги махсус бўлимларда муҳокама қилиш учун махсус мавзулар яратиш; ишчи гуруҳлар ташкил этиш, шу жумладан идоралараро фокус-гуруҳлар тузиш; анкета ўтказиш; жойларга чиққан ҳолда учрашув ва йиғилишлар, коллегиал органларнинг йиғилишларини, илмий-амалий семинарлар, конференциялар, давра

суҳбатлари ва амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа тадбирлар ўтказиш.

Бунда ҳам қонунчилик юқоридаги умумий тусдаги тадбирларни қонунчиликка белгилаш билан чекланиб, уларнинг амалга ошириш тартиби ва тадбирларга нисбатан қўйиладиган талабларни ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи давлат органининг ўзига ҳавола қилиш билан чекланган.

II БОБ. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГИ ОБЪЕКТЛАРИ

2.1-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳуқуқий мониторингини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари

Конституция давлатнинг асосий қонуни сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Бунда жамият ҳаётидаги асосий қоидаларни белгилаш орқали Асосий қонун муайян давлатдаги энг муҳим устувор масалаларни ўзида акс эттиради.

2023 йилнинг 30 апрель куни умумхалқ референдуми орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрирда қабул қилиниши мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этди.

Хусусан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (бундан буён матнда Конституция деб юритилади) давлатнинг биргина ижтимоий соҳадаги мажбуриятларига тааллуқли нормалар 3 баробар кўпайди[1]. Бунда давлатнинг ўз зиммасига олган мажбуриятлари ошгани уларни қанчалик даражада самарали бажарилаётганлигини аниқлаш, мавжуд бўшлиқларни тўлдириш ва қонунчиликдаги зиддиятларни бартараф этиш заруратини тақозо этади.

Айнан Конституция нормалари ҳуқуқий мониторингини амалга ошириш орқали ушбу нормаларнинг ижтимоий ҳаётда қанчалик даражада самарали қўлланилаётганлиги, конституциявий нормаларни такомиллаштиришга зарурат борлиги ёки қўшимча конституциявий ислоҳотлар ўтказиш мақсадга мувофиқлигига баҳо бериш мумкин бўлади. Зеро, вақт ўтиши ва ижтимоий муносабатлар ривожланиши билан нафақат ҳар қандай қонун балки, давлатнинг асосий қонуни ҳисобланган Конституцияга ҳам қўшимча ва ўзгартиришлар киритиб бориш, ушбу йўналишда ислоҳотлар ўтказиш объектив ҳолат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан *“Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат”* деган ғояни Конституция ва қонунларга ҳам, кундалик ҳаётимизга ҳам чуқур сингдириш керак деган ғоя асосида конституциявий ислоҳотларнинг

[1] А.Саидов Янги таҳрирдаги Конституция — инсон шаъни, қадр-қиммати ва ҳуқуқларининг мустаҳкам кафолати. https://constitution.uz/uz/pages/Konstitutsiya_mustahkam_kafolat

амалга оширилиши ҳам ана шу объектив заруратга яна бир ҳаққоний мисол бўла олади[1]. Конституциямизга қўшимча ва ўзгартиришларни киритиш тенденциясини кузатадиган бўлсак, бу борадаги асосий ташаббус қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳиссасига тўғри келаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Бу ўз навбатида, Конституция нормалари ижроси юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш ваколатига эга бўлган бошқа субъектлар фаолиятини такомиллаштириш, улар масъулиятини кучайтириш, шунингдек амалдаги қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартириш киритишни тақозо этади. Шу билан бирга, илмий тадқиқотчилар ва олимлар ҳамжамияти олдига Конституция нормалари ижроси юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш билан боғлиқ масалалар бўйича тадқиқотлар олиб бориш, мониторингни ушбу турини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш вазифасини ҳам қўймоқда.

Шу ўринда Конституция ҳар қандай давлатнинг асосий қонуни ҳисобланар экан, унинг қоидалари ижроси сўзсиз таъминланиши лозим деган ёндошувдан келиб чиқиб, қанчалик даражада Конституция нормалари ижроси бўйича ҳуқуқий мониторинг ўтказиш мақсадга мувофиқ деган ҳақли савол пайдо бўлади. Бу саволга жавоб бериш учун дастлаб амалдаги қонунчиликка мурожаат қилсак. Миллий қонунчилигимизга мувофиқ тартибга солиш таъсирини баҳолаш доирасига тушадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси мажбурий равишда улар кучга киргандан сўнг ҳар йили мониторингдан ўтказилади. Бунда қонунчиликда Конституция ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тури сифатида белгиланган бўлсада, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартиби бевосита Конституцияга мониторинг объекти сифатида қарамайди. Жумладан, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда ҳуқуқий мониторинг тартибга солиш таъсири доирасига тушадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг ижроси бўйича ўтказилиши қайд этилган.

Бунда қайд этилган низомда тартибга солиш таъсири доирасига тушадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида тадбиркорлик

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 20.12.2022 й. https://president.uz/uz/lists/view/5774

фаолиятига, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига ҳамда атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат келтирилган.Гувоҳ бўлганимиздек, амалдаги қонунчиликда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғридан-тўғри ҳуқуқий мониторинг объекти сифатида кўрсатилмаган бўлсада унинг нормалари юзасидан мониторинг ўтказишни таъқиқловчи бирорта қоида ҳам белгиланмаган.

Шу ўринда Конституциянинг ҳуқуқий мониторинг объекти бўла олиши ҳақида ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турлича ёндошув мавжудлигини таъкидлаш жоиз.

Жумладан, юридик фанлар доктори Н.Н.Черногор ўз тадқиқотида Конституциянинг ҳуқуқий мониторинг объекти бўлиши масаласига ўз муносабатини билдирар экан, Россия Федерацияси парламентининг юқори палатаси томонидан илгари сурилаётган концепцияда Конституция ҳуқуқий мониторинг объектлари жумласига кирмаслиги ҳақидаги ғоя илгари сурилганлигини, Асосий қонун нормалари мониторингини ўтказиш, конституциявий принциплар ва нормаларни амалга ошириш самарадорлигини аниқлаш зарурати тўғрисидаги масала қўйилмаганлигини танқид қилади.

Шу билан бирга Н.Н.Черногор Конституциянинг ҳуқуқий мониторинг объектлари жумласидан чиқариб ташланишига услубий хато сифатида баҳо беради. Бундан ташқари, ушбу олим ўзининг фикрига асос сифатида ҳокимиятлар бўлиниши принципи, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва принципларининг миллий қонунчилик ҳужжатларидан устунлиги каби Конституцияда белгиланган нормалар қанчалик даражада самарали эканлигига фақатгина тизимли ва босқичма-босқич кузатувлар ҳамда норма ижодкорлиги фаолияти натижаларини, қонунлар ва муайян давлат органи томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти сифатини таҳлил қилиш орқали баҳо бериш мумкинлигини келтириб ўтади[1].

Яна бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар конституциявий мониторинг тушунчасини илгари сурар эканлар, ушбу тушунчага

[1] Н.Н. Черногор Мониторинг Конституции РФ и его инструментальная роль. Юридическая наука и правоохранительная практика. 3 (6) 2008 г. – С. 22. https://cyberleninka.ru/article/n/monitoring-konstitutsii-rf-i-ego-instrumentalnaya-rol

Конституцияни унинг ҳарфлари ва руҳиятидан келиб чиққан ҳолда уни қўллаш амалиётидан бурилиш даражасини баҳолаш мақсадида экспертлар сўрови усулини доимий равишда татбиқ этилишини тушуниш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайдилар[1].

Бизнингча, фақатгина экспертлар сўрови усули орқали конституция нормаларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги барқарорлик даражасини аниқлаб бўлмайди. Чунки, жамиятдаги асосий қоидаларни белгилаб берувчи Конституциянинг айрим нормалари амалиётда қандай қўлланилаётганлигини аниқлаш учун фақат экспертлар сўровига таяниб бўлмайди.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда конституциянинг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш зарурати ва аҳамиятига ҳуқуқшунос олимлар томонидан алоҳида аҳамият берилаётганлигини қайд этиш жоиз.

Таниқли ҳуқуқшунос олима Т.Я.Хабриева конституция ҳуқуқий мониторингини амалга оширишнинг аҳамияти ҳақида фикр юритар экан ушбу ғояни амалга оширишда биринчи навбатда мониторинг ўтказишнинг илмий асосларни такомиллаштириш зарурати тақозо этилишини, бунинг натижасида эса янги илмий йўналиш – конституция мониторинги назарияси пайдо бўлишини алоҳида қайд этади. Шу муносабат билан, конституция мониторингини ўтказишнинг услубиётини ишлаб чиқиш, унинг нормаларини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини белгилаш, конституция мониторинги натижаларини бошқа мониторинг турлари (экологик, молиявий ва б.) натижалари билан мувофиқлаштириш вазифалари долзарб бўлаётганлигини таъкидлайди[2].

Ҳуқуқшунос Т.Я.Хабриеванинг юқоридаги фикрларини тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда конституция нормалари ҳуқуқий мониторингини амалга ошириш амалиётини давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этиш, ушбу жараёнга фуқаролик жамияти институтлари ва кенг жамоатчиликни жалб қилиш нафақат Асосий Қомусимиз нормаларини баҳолашга бўлган ёндошувларни қайта кўриб чиқиш, балки Ўзбекистон Конституциясининг чинакам

[1] Конституционный мониторинг: Концепция, методика и итоги экспертного опроса в России в марте 2013 года / Под ред. А.Н.Медушевского. — М.: Институт права и публичной политики, 2014. – 11 с. – (Серия «Современные конституционные исследования»). https://publications.hse.ru/pubs/share/folder/heo6fq541y/144886556.pdf

[2] Т.Я.Хабриева Конституция Российской Федерации в фокусе современной конституционно-правовой доктрины (к 25-летию Основного Закона России). Журнал российского права № 12 — 2018 г. – 10 С. https://jrpnorma.ru/articles/article-2498.pdf?1553004535

халқчил, ҳеч қандай истисноларсиз тўғридан-тўғри амал қиладиган қонун бўлишини таъминлаш имконини беришини алоҳида қайд этиш жоиз.

Бошқа қонун ҳужжатларидан фарқли равишда ҳуқуқий мониторинг ўтказишда Конституция бир қатор ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Амалдаги қонунчиликда Конституция ҳуқуқий мониторинг объектлари жумласига киритилган бўлса-да, уни ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари ажратиб кўрсатилмаган. Шу сабабли, қонунчиликдан келиб чиқиладиган бўлса Конституция ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир хил тартибда ҳуқуқий мониторингини ўтказиш қанчалик мақсадга мувофиқ деган ҳақли савол пайдо бўлади.

Бу саволга жавоб бериш бошқа қонунчилик ҳужжатлари ҳуқуқий мониторингидан ажралиб турадиган Конституция ҳуқуқий мониторингини амалга оширишнинг бир қатор ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқишни талаб қилади. Бизнингча, Конституция нормалари ҳуқуқий мониторингини амалга ошириш қуйидаги ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради:

а) Конституция нормаларининг ҳуқуқий мониторинги махсус субъект томонидан амалга оширилади.

Амалдаги қонунчиликда Конституция ҳуқуқий мониторинг объектига киритилган бўлсада, уни нормаларининг ҳуқуқий мониторинги қайси давлат органи ёки ташкилот томонидан амалга оширилиши масаласига аниқлик киритилмаган. Жумладан, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 53-моддасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ва бошқа ташкилотлар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси билан боғлиқ масалалар бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторингини амалга оширади.

Бунда Конституцияни қабул қилувчи орган парламент эканлигини инобатга оладиган бўлсак, уни нормаларининг ҳуқуқий мониторинги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан ўтказиладими деган ҳақли савол пайдо бўлади.

Шу билан бирга, бугунги кунда амалда бўлган янги таҳрирдаги Конституция ҳам умумхалқ референдуми орқали қабул қилинишида парламент иштироки талаб этилмайди.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ референдумда қабул қилинган

қонун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан референдум якунлари расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши, бунда референдумда қабул қилинган қонун шаклида қабул қилинган қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан референдум якунлари расмий эълон қилинган куннинг ўзида унинг ижросини ташкил этиш учун Олий Мажлис палаталарига ва Президентга юборилиши ҳақидаги қоида мустаҳкамланган.

Ўз навбатида 2024 йил 16 августдаги ПФ–111-сон Фармони 3-бандида 2025 йилдан норматив-ҳуқуқий ҳужжатни мониторинги ҳар йили масъул давлат органи томонидан олиб борилишини, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатда унинг мониторинги ўтказилишига масъул бўлган давлат органи кўрсатилишини назарда тутувчи янги тартиб жорий этилган.

Юқорида қайд этилган тартиб, 2025 йилдан жорий этилганлигини инобатга оладиган бўлсак, Конституция нормаларининг ҳуқуқий мониторинги қайси масъул давлат органи томонидан амалга оширилиши ҳалигача қонунчиликдаги бўшлиқлардан бирини ташкил этмоқда. Шу ўринда Конституциянинг ҳуқуқий мониторинги қайси давлат органи томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деган ҳақли савол пайдо бўлади. Зеро, ушбу саволнинг аниқ жавоби асослантирилиб, қонунчилик ҳужжатларида қатъий белгиланмас экан бирор-бир давлат органи томонидан Конституциянинг ҳуқуқий мониторинги амалга оширилмасдан қолишига олиб келади. Бу эса, Конституция нормаларининг ижроси амалиётда қанчалик самарали ва тўғри қўлланилаётганлигига баҳо бериш имконини бермасдан қолаверади.

Шу мақсадда Конституция нормалари ҳуқуқий мониторингини амалга ошириш билан боғлиқ давлат органларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларига мурожаат қилсак.

Мантиқан олиб қараганда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун 53-моддасида белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ва бошқа ташкилотлар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторингини амалга ошириши ҳақидаги талабдан келиб чиқилса, Конституция нормалари ҳуқуқий мониторинги Олий Мажлис палаталари томонидан амалга оширилиши лозим.

Шу билан бирга, Конституция нормалари ҳуқуқий мониторинги қуйидаги асосларга кўра Олий Мажлис палаталари томонидан ўтказилиши мақсадга мувофиқ:

биринчидан, парламент бетараф орган ҳисобланиб, у Конституция ҳуқуқий мониторингини амалга оширишда ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги камчиликлар ёки хатоларни беркитишга ҳаракат қилмайди. Чунки, парламентда ўзи ўтказган ҳуқуқий мониторинг натижасидан идоравий манфатдорлик мавжуд эмас;

иккинчидан, парламент давлат ҳокимиятининг алоҳида тармоғи ҳисобланганлиги сабабли, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқларидан ўзининг мустақиллиги билан ажралиб туради. Шу сабабли, Конституция ҳуқуқий мониторингини парламент томонидан ўтказилиши ушбу жараённинг холислигини тўлақонли таъминлашга хизмат қилади;

учинчидан, парламент аъзолари Конституция ҳуқуқий мониторингини ўтказиш учун тегишли ресурслар билан таъминланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 октябрдаги ЎРҚ-722-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ҳар бир депутатга ёрдамчига эга бўлиш ҳуқуқи берилган бўлиб, уларнинг фаолиятини молиялаштириш сиёсий партия маблағлари ҳисобидан амалга оширилади[1].

Шундай экан депутатлар ўзларининг ёрдамчилари орқали Конституциянинг ҳуқуқий мониторингини ўтказишда жойлардаги ҳаққоний ҳолатни аниқлаш имкониятига эга бўладилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарорини қабул қилиш ва унда қуйидагиларни назарда тутиш таклиф этилади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари ижроси ҳуқуқий мониторингини амалга оширувчи орган сифатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатини белгилаш;

2) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий мониторинг бўйича Конституция

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 октябрдаги ЎРҚ-722-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. https://lex.uz/acts/5678735?ONDATE=15.10.2021%2000#5678974

моддалари тақсимотини мустаҳкамлаш. Бунда Конституция моддалари бўйича ҳуқуқий мониторингни Қонунчилик палатаси ва Сенати қўмиталарига бириктириш амалиётини жорий этиш;

3) Қонунчилик палатаси ва Сенат томонидан Конституция нормалари ҳуқуқий мониторингини амалга оширишда бошқа давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилишга оид нормаларни мустаҳкамлаш.

б) Конституция нормаларининг ҳуқуқий мониторинги унинг асосий ижодкори ҳисобланган халқ томонидан ўтказилиши мумкин.

Конституциянинг халққа тегишли эканлигини унинг 2023 йил 30 апрель куни умумхалқ референдум орқали қабул қилинганлиги ҳам юридик тасдиғи ҳисобланади. Қолаверса, Конституциянинг муқаддимасида ҳам Ўзбекистоннинг ягона халқи номидан устувор йўналишлар эълон қилинган.

Юқоридагиларга асосан, сўзсиз Конституция нормаларининг ҳуқуқий мониторинги халқ томонидан ўтказилади деган хулосага келамиз. Бунда халқ томонидан Конституция нормалари мониторинги амалга оширишнинг ягона механизми ва услубиёти мавжуд эмаслигини таъкидлаш жоиз. Ўз навбатида Конституция нормаларининг ҳуқуқий мониторинги фуқаролар томонидан ижтимоий сўровнома, mening fikrim ижтимоий платформаси орқали муайян ташаббусларни илгари суриш, Асосий Қомус нормаларининг амалиётда қўлланилиши юзасидан ўз эътирозларини баён этган ҳолда давлат органларига жамоавий мурожаат қилиш ва бошқа шаклларда амалга оширилиши мумкин.

в) Конституциянинг ҳуқуқий мониторинги илмий-тадқиқот ташкилотлар ташаббуси билан ва улар томонидан ҳам амалга оширилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда Конституциянинг ҳуқуқий мониторингини ўтказишга илмий-тадқиқот ташкилотларини жалб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бунда давлат томонидан ташкил этилган илмий-тадқиқот ташкилотлари зиммасига Конституция нормалари ҳуқуқий мониторингини ўтказиш вазифаси ҳам бевосита юклатилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари

фаолиятини Ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1808-III-сон қўшма қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ташкил этилган бўлиб, ушбу қарорда қабул қилинаётган қонунлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлиги масалаларини ўрганиб бориш институтнинг асосий вазифаларидан бири сифатида назарда тутилган[1]. Ҳозирги кунда мазкур институт қайта ташкил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институти номи билан фаолиятини давом эттирмоқда.

Демак, мазкур Парламент тадқиқотлари институти ўз ташаббуси билан қонунларнинг шу жумладан, Конституциянинг нормалари бўйича ҳуқуқий мониторингини ҳам амалга ошириши мумкин.

Конституциянинг ҳуқуқий мониторингини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–462-сон қарори муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобдор бўлган, давлат экспертлик илмий-тадқиқот муассасаси шаклидаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти ташкил этилди. Ушбу Институтнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларидан бири этиб, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш самарадорлиги устидан тизимли сиёсий-ҳуқуқий мониторинг юритиш белгиланган. Бунда Конституция ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иерархиясида энг юқори турувчи қонунчилик ҳужжати тури ҳисобланар экан, қайд этилган Институт ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шунингдек Асосий Қомус нормаларининг ижро этиш самарадорлиги устидан тизимли равишда ҳуқуқий мониторинг ўтказишга ваколатли ташкилот бўлиб қолмоқда.

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1808-III/ҚҚ-375-III-сонли Қўшма қарори. https://lex.uz/docs/5379227

Гувоҳ бўлганимиздек, Конституция нормалари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказишда давлат томонидан давлат органлари билан биргаликда илмий-тадқиқот ташкилотлари фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

г) Конституциянинг муқаддимасида белгиланган масалалар юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилмайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, деярли барча хорижий давлатлар Конституцияларида бўлганидек, Ўзбекистон Республикаси Асосий Қомусида ҳам муқаддима мавжуд.

Муқаддима ҳақида сўз кетганда "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонун билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиётида лойиҳада уни қабул қилиш сабаблари ва мақсадларини тушунтиришдан иборат бўлган, лойиҳанинг бошланишида жойлаштириладиган муқаддимага эга бўлиши мумкинлиги назарда тутилганлигини қайд этиш жоиз.

Демак, Конституциянинг муқаддимасида ҳам уни қабул қилиш сабаблари ва мақсадлари тушунтириш билан чекланилган бўлиб, бирор-бир қатъий норма ўрнатаётгани йўқ. Айнан шу сабабли ҳам Конституция муқаддимасида назарда тутилган қоидаларнинг ижроси бўйича ҳуқуқий мониторинг ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас.

Шу сабабли ҳам, Конституция нормалари ижросини ҳуқуқий мониторингини ўтказишда фақатгина унинг муайян масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи моддаларга асосий эътибор қаратилади.

д) Конституция нормалари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказишда илмий билишнинг комплекс таҳлил усулидан фойдаланиш талаб этилади.

Маълумки, илмий билишнинг муайян усулларидан фойдаланиш орқали муайян соҳадаги қонунлар ижроси ҳуқуқий мониторинги амалга оширилади. Бундай усулларга кузатув, баҳолаш ва бошқа усулларни киритиш мумкин.

Шу ўринда айрим ҳуқуқшунос олимлар қонунлар ижроси бўйича ҳуқуқий мониторинг ўтказишда анъанавий равишда қўлланилиб келаётган кузатув, маълумотлар тўплаш ва баҳолаш усуллари орқали ҳуқуқий мониторингнинг тўла моҳиятини англаш

мумкин эмаслигини таъкидланишини қайд этиш жоиз. Масалан, А.Тлупова, Т.Цолоев ва К.Мамбетовалар ҳуқуқий мониторинг мураккаб кўп қиррали ҳодиса эканлигини таъкидлар эканлар у кузатув, маълумотларни тўплаш, баҳолаш ва прогнозлаш каби турли ҳаракатлар тизимини ўз ичига олади деган хулосага келадилар[1]. Шу билан бирга, ушбу олимлар ҳуқуқий мониторинг ўтказишда таҳлил усули билан биргаликда синтез усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини қайд этадилар.

Бунда ушбу олимларнинг фикрича, таҳлил усулида тадқиқот ўтказилаётган объект ҳақида яхлит ҳолат ўрганилиб, муайян хулосага келинса, синтез усулида эса бунга қарама-қарши равишда объект бир нечта қисмларга ажратилиб, ўрганилади. Синтез усули орқали эса, қисмларга ажратилган объектлар ҳақида маълумотлар тўплангандан сўнг, қисмдан умумийликка ўтилади ва мониторинг ўтказилаётган объект ҳақида тадқиқотчида тўлақонли тасаввур ҳосил бўлади.

Юқорида қайд этилган олимларнинг ҳуқуқий мониторинг усуллари ҳақидаги қарашларига қўшилган ҳолда ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказишда фойдаланиладиган усулларни сонини кўпайтириш ҳам ижобий ҳам ўзига хос салбий хусусиятларга эгалигини инобатга олиш лозим.

Бунда ҳуқуқий мониторинг ўтказишда қўлланиладиган илмий билишнинг усулларини кўпайтириш бир тарафдан мониторингда юқори натижага эришишни, қўлга киритилган натижалар ишончлилигини таъминлашга хизмат қилса, иккинчи тарафдан мониторинг ўтказаётган тегишли субъектнинг кўплаб ресурс ва вақти сарфланишига олиб келади. Шу нуқтаи-назардан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сони йилдан-йилга шиддат билан ўсиб бораётган бугунги шароитда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш усулларини кўпайтириш қанчалик мақсадга мувофиқ деган ҳақли савол туғилади.

Бизнингча, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш асосий усулларини қонунчилик ҳужжатларида белгилаш ва уларни давлат органлари учун қўллаш мажбурийлигини таъминланиши етарлидир. Шу билан бирга, анъанавий ҳуқуқий мониторингда қўлланиладиган усуллар

[1] А.Тлупова, Т.Цолоев, К.Мамбетова Роль методологических основ в процессе проведения правового мониторинга законодательства. Право и управление. №8, 2022 г. – 40 с. https://cyberleninka.ru/article/n/rol-metodologicheskih-osnov-v-protsesse-provedeniya-pravovogo-monitoringa-zakonodatelstva

орқали Конституция нормалари ҳуқуқий мониторингини ўтказиш билан ҳаққоний ҳолатга баҳо бериб бўлмаслигини ҳам инобатга олиш жоиз. Бунда Конституция нормалари ҳуқуқий мониторингини амалга оширишда илмий билишнинг кузатув, баҳолаш усулларидан ташқари қиёсий-ҳуқуқий, статистик, ҳуқуқий моделлаштириш, прогнозлаш, синтез каби усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

е) Конституция нормалари ижроси ҳуқуқий мониторингини ўтказишда муайян соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни комплекс ўрганилиши лозим.

Маълумки, Конституциянинг аксарият нормалари тегишли соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси билан чамбарчас боғлиқдир. Бунда Конституция нормалари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказишда муайян соҳадаги қонунчилик ҳужжатлари тизимини комплекс ўрганиш талаб этилади. Масалан, Асосий Қомусимизнинг 16-моддаси иккинчи қисмида бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қатъий норма белгиланган.

Ўз навбатида ушбу норманинг ижроси юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун дастлаб муайян соҳа танлаб олиниши, сўнг эса ушбу соҳани тартибга солувчи барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларнинг Конституция нормаларига зид эмаслиги нуқтаи-назаридан таҳлил қилинади. Ушбу ҳолатни биргина божхона имтиёзлари мисолида кўриб чиқишимиз мумкин. Конституциямизнинг 18-моддаси иккинчи қисмида имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилиши ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шартлиги ҳақидаги қоида қатъий белгиланган.

Конституциянинг юқоридаги талабига риоя этадиган бўлсак, ҳар қандай божхона имтиёзи фақатгина Божхона кодексида белгиланган бўлиши талаб қилинади. Тўғри, Божхона кодексининг 43-бобида божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар, 57-бобида чет давлатларнинг ваколатхоналари ва уларнинг ходимлари учун божхона имтиёзлари, 58-бобида чет эллик бошқа шахслар учун божхона имтиёзлари ҳамда 59-бобида Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳамда уларнинг ходимлари учун божхона имтиёзлари билан боғлиқ масалалар назарда тутилган.

Бироқ, Конституциянинг юқоридаги нормаси ҳуқуқий мониторинги бўйича фақат Божхона кодекси нормалари билан чеклансак соҳага оид бўлган барча имтиёзларни ҳам қамраб ололмаслигимиз мумкин. Бу ўз навбатида қонуности ҳужжатларда божхона имтиёзлари назарда тутилганлиги масаласини ўрганиш талаб этилади. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларини ўрганар эканмиз, кўплаб қонуности ҳужжатларида божхона имтиёзлари белгиланганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 декабрдаги "Самарқанд вилоятининг туризм ва транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, вилоятни "Самарқанд-Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси" концепцияси асосида ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–455-сон қарори 3-бандида Самарқанд туристик маркази ҳудудида объектларни қуриш учун "вақтинча олиб кириш" божхона режимига олиб кириладиган махсус техникалар, механизмлар ва технологик ускуналар учун даврий божхона тўловларини тўлашдан озод этилиши белгиланган. Бироқ, Божхона кодексида назарда тутилган божхона имтиёзларида ушбу имтиёзлар учрамайди[1].

Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 декабрдаги "Электромобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–443-сон қарори 5-бандида белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича хориждан олиб келинадиган электромобилларни қувватлантириш станциялари, уларнинг компонентлари ва сервис инфратузилмаси учун технологик асбоб-ускуналар божхона божидан озод қилиниши ҳақида қоида киритилган[2]. Ўз навбатида мазкур имтиёз ҳам Божхона кодексида ўз аксини топмаган.

Юқоридаги мисоллар орқали биз Президент қарорлари билан божхона имтиёзлари ноўрин берилган демоқчи эмасмиз. Шунчаки, мазкур имтиёзлар Конституциянинг 18-моддаси иккинчи қисмида имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилиши ҳақидаги талабга риоя этилмаганлиги, бунда божхона имтиёзлари Божхона

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.12.2022 йилдаги "Самарқанд вилоятининг туризм ва транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, вилоятни «Самарқанд-Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси» концепцияси асосида ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–455-сон қарори. https://lex.uz/docs/6325919

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.12.2022 йилдаги "Электромобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–443-сон қарори. https://lex.uz/docs/6316592

кодексига киритилиши таъминланмаганлигига эътибор қаратмоқчимиз.

ж) амалдаги қонунчилик нормалари ижросининг ҳуқуқий мониторинги натижалари ҳам Конституция нормаларини такомиллаштириш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқилиши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Конституциямизнинг янги таҳрирда қабул қилиниши уни жаҳон конституцияшунослиги соҳасидаги барча илғор тажриба ва ютуқларни ўзида акс этган ноёб ҳужжат сифатида шаклланишига хизмат қилди. Бироқ, нафақат ижтимоий муносабатлар, балки янги Ўзбекистон шароитида давлат бошқаруви, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ҳам йилдан-йилга ривожланиб, такомиллашиб бориши муайян вақтдан сўнг Конституция нормаларини янада такомиллаштириш эҳтиёжини тақозо этишини табиий жараён сифатида эътироф этиш жоиз.

Шундай экан, ҳуқуқий мониторинг натижасида кейинчалик янги таҳрирда қабул қилинган Конституцияга ҳам қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Биргина мисол. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 133-моддасида Конституциявий суд конституцияйлигини аниқлайдиган ҳужжатлар тоифаси санаб ўтилган. Бунда мазкур ҳужжатлар тоифасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши ҳам киритиб ўтилган бўлсада, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинадиган фармойиш киритилмасдан қолган. Ваҳоланки, 2024 йилнинг 25 октябрида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги конституциявий Қонуннинг 36-моддасида Вазирлар Маҳкамаси барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқариши ҳақидаги норма белгиланган бўлсада[1], унинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш билан шуғулланувчи орган амалдаги қонунчиликда назарда тутилмаган.

Биз бу ўринда юқорида қайд этилган ҳолатни камчилик ёки амалиётда Конституцияга мувофиқ бўлмаган Ҳукумат фармойишлари мавжуд деган хулосани илгари сурмоқчи эмасмиз.

Шу билан бирга, муайян даврдан сўнг ҳуқуқий мониторинг натижалари Вазирлар Маҳкамаси фармойишларининг Консти-

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги 25.10.2024 йилдаги ЎРҚ-982-сон конституциявий Қонуни. https://lex.uz/docs/7172667

туцияга мувофиқлиги масаласини аниқлаш ваколатини Конституциявий судга бериш зарурати пайдо бўлишини, шу муносабат билан Конституцияга қўшимча киритилиши мумкинлигини инкор ҳам қилиш ниятимиз ҳам йўқ.

з) Конституция нормалари ижросининг ҳуқуқий мониторинги натижаси муайян соҳанинг ислоҳ қилинишига олиб келиши мумкин.

Жумладан, Конституциянинг муайян нормаси ижроси ҳуқуқий мониторинги ўтказилиши натижасида тегишли соҳанинг ислоҳ қилишга сабаб бўлади. Бунда Конституциянинг муайян нормаси ижроси юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилганда тегишли соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти комплекс таҳлил қилинади.

Таҳлил жараёнида илмий билишнинг бир қатор усуллари қўлланилиши натижасида мониторинг якуни бўйича соҳани такомиллаштириш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Одатда бундай тавсиялар норматив-ҳуқуқий ҳужжат шаклида расмийлаштирилиши сабабли уларнинг амалга оширилиши келгусида тегишли соҳани ислоҳ қилинишига сабаб бўлади. Масалан, Конституциянинг 48-моддасида белгиланган ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги ҳақидаги норманинг ижроси юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилганда, ушбу соҳани комплекс такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиши таъминланган бўлар эди. Бунда сўнгги йилларда кўплаб ислоҳотлар амалга оширилаётган тиббий суғурта, соғлиқни сақлашнинг давлат, хусусий ва бошқа тизимларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар Конституцияда акс эттириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиши билан бирга[1], мазкур таклифларни амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилишига хизмат қилади.

Қайд этилганлардан кўриб ўтганимиздек, Конституция нормалари ижросининг ҳуқуқий мониторинги ўзига хос хусусиятларга эгалиги билан бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингидан ажралиб туради. Конституция ҳуқуқий мониторингини ўтказишни ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этиш нафақат Асосий қонун нормалари мазмуни ва улар

[1] “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси. https://meningkonstitutsiyam.uz/qonunloyihasi.pdf

таъсирини баҳолашга бўлган қарашларнинг ўзгаришига хизмат қилади, балки мамлакатимиз Қомусининг ҳаққоний салоҳиятини янада тўлиқроқ намоён қилишнинг қўшимча имкониятларини ҳам яратишга хизмат қилади.

Фикримизча, Конституция ижросининг ҳуқуқий мониторинги қуйидагиларни амалга оширишга хизмат қилади:

биринчидан, ҳуқуқий мониторинг технологиясини тубдан такомиллаштириш, хусусан қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторингини ўтказиш жараёнида амалга ошириладиган объектлар ўртасидаги бузилган мантиқий кетма-кетликни тиклашга;

иккинчидан, ҳуқуқий мониторинг олдига қўйилган мақсад ва вазифаларга, яъни Конституция нормалари билан бошқа қонунчилик ҳужжатлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлик кўрсаткичларини оширишга;

учинчидан, ҳуқуқий мониторинг ўтказишдаги мантиқий ёндошувларни ўзгартиришга, яъни қонунлар ижросини эмас, балки муайян конституциявий принциплар ва институтларнинг ҳуқуқий мониторинги ўтказилишига, бу ўз навбатида қонун чиқарувчининг хоҳиши чегарасини, Конституция нормалари доирасидаги муайян ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солишда иродасидаги ўзгаришлар динамикасини аниқлаш имкониятини яратади. Масалан, Конституциянинг 105-моддасидаги норма илгари Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи тарзида белгиланган. 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)”ги қонуни билан киритилган тузатишларга Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаши назарда тутилган;

тўртинчидан, қонунчиликни тармоқлар бўйича қатъий тизимлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришга доир ишларни мақбуллаштириш имконини беради;

бешинчидан, “Конституция нормаси – қонун – қонуности ҳужжат” кетма-кетликдаги схема бўйича давлат ҳокимиятининг барча даражаларида норма ижодкорлиги фаолиятини

режалаштиришни мақбуллаштириш орқали ушбу занжирдаги узилишларнинг олдини олишга шароит яратади;

олтинчидан, фуқаролар ўртасида Конституциянинг обрўсини ошириш, унинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш борасида аҳоли ишончини орттириш, давлатнинг Асосий қонуни ижроси ҳуқуқий мониторинги натижалари тўғрисидаги маълумотларни очиқ ва оммавийлигини таъминлаш йўли билан унинг алоҳида ҳуқуқий ҳимояси таъминланишига хизмат қилади;

еттинчидан, Конституцияга ўзгартириш киритиш ҳақидаги фуқароларнинг ҳар қандай таклифлари кўриб чиқилишини, улар бўйича экспертлик хулосаларини тайёрланишини ва таҳлилий маълумотлар тайёрланишини таъминлаш орқали Асосий қонуннинг ҳуқуқий ҳимояси механизмларини кучайтиришга имкон беради.

2.2-§. Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунлари ва қонунлари ижросининг ҳуқуқий мониторинги

Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунлари ва қонунлар ижросининг ҳуқуқий мониторинги ҳақида тўхталишдан аввал ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини қисқача ёритиб ўтсак.

Амалдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунда “конституциявий қонун”нинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилмаган. Эътиборли жиҳати, мазкур қонуннинг 6-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари санаб ўтилган бўлиб, бунда конституциявий қонун мазкур рўйхатда алоҳида келтириб ўтилмаган. Мазкур қонуннинг 9-моддасида қонун тушунчасига энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат тури сифатида таъриф берилади.

Конституциявий қонун тушунчасига эса, қайд этилган қонунда ҳеч қандай таъриф келтирилмасдан, фақатгина Ўзбекистон Республикасининг қонунлари конституциявий қонунлар тарзида қабул қилиниши мумкинлиги назарда тутиш билан чекланилган холос. Шу ўринда амалдаги қонунчиликда конституциявий қонун билан қонун ўртасидаги нисбат қанақа, улар ўртасида зиддият вужудга келса қайси бирининг нормалари қўлланилади деган бир қатор саволлар пайдо бўлиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликда конституциявий қонун билан қонуннинг яққол нисбати хусусида бирорта қоида келтирилмаганлигини инобатга оладиган бўлсак, улар ўртасида ҳеч қандай номутаносиблик мавжуд эмас, яъни конституциявий қонун билан қонун нормалари юридик жиҳатдан тенг деган хулосага келиш мумкин. Шу билан бирга, башарти конституциявий қонун билан қонун нормалари ўртасида зиддият юзага келадиган бўлса, амалдаги қонундан келиб чиққан ҳолда "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасида белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади деган қоидани қўллаб бўлмайди.

Бундай ҳолатда тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда, кейинроқ қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қоидалари амал қилиши ҳақидаги қоидани қўллаш тўғри бўлади.

Демак, амалдаги миллий қонунчиликдан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: а) миллий қонунчиликда конституциявий қонун деган алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат тури назарда тутилмаган; б) амалдаги қонунчиликка мувофиқ конституциявий қонун қонуннинг шакли ҳисобланади; в) миллий қонунчиликда конституциявий қонун тушунчасига таъриф берилмаган; г) амалдаги қонунчиликда фақат қонун тушунчасига таъриф келтирилган; д) миллий қонунчиликка биноан конституциявий қонун билан қонун тенг юридик кучга эга ҳисобланади; е) амалдаги қонунчиликка мувофиқ конституциявий қонун билан қонун нормалари ўртасида тафовут юзага келса, кейинроқ қабул қилинган қонун ҳужжати қоидалари амал қилиши ҳақидаги қоида қўлланади.

Конституциявий қонун билан қонунларнинг нисбати тўғрисидаги миллий қонунчиликдаги мавжуд ёндошув билан ҳуқуқшунос олимлар ўртасидаги назарий қарашлар ҳам бир хилми деган ҳақли савол пайдо бўлади. Ушбу саволга жавоб бериш учун миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг конституциявий қонун билан қонун ҳақидаги назарий ёндошувларини қисқача таҳлил қиламиз.

Таъкидлаш жоизки, конституциявий қонун билан қонун тўғрисидаги ёндошувлар ҳақида олимлар ўртасидаги ёндошувлар хилма-хиллиги билан бир-биридан ажралиб туради. Жумладан,

ҳуқуқшунос олим С.В.Безуглов ва Е.С.Бутурлиналар ўзларининг махсус тадқиқотларида конституциявий қонунлар Конституцияда назарда тутилган масалалар юзасидан қабул қилинишини ва оддий қонунларга нисбатан юқорироқ юридик кучга эгалигини қайд этар эканлар, конституциявий қонунларга хос бўлган қуйидаги алоҳида хусусиятларни санаб ўтадилар: 1) конституциявий қонунлар Конституцияда назарда тутилган масалалар юзасидан қабул қилинади; 2) конституциявий қонунлар бутун давлат миқиёсида амал қилади; 3) бевосита Конституцияда назарда тутилган конституциявий қонунларни қабул қилиш қонун чиқарувчининг ҳуқуқи эмас, балки мажбурияти ҳисобланади; 4) конституциявий қонунлар алоҳида мураккаблаштирилган тартибда қабул қилинади; 5) Президент 14 кунлик муддат ичида парламент томонидан қабул қилинган конституциявий қонунни имзолашга ва эълон қилишга мажбур ҳисобланади; 6) конституциявий қонунлар бошқа қонунлардан юқори юридик кучга эга ҳисобланади; 7) конституциявий қонунлар Конституцияда белгиланган қоидаларни янада ривожлантиради; 8) барча конституциявий қонунлар конституциявий ҳуқуқнинг манбалари ҳисобланади[1].

Ҳуқуқшунос олим А.В. Колыбин конституциявий қонунлар устувор равишда ижтимоий-сиёсий йўналишдаги муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солади деган фикрни илгари суради[2]. Шу билан бирга, А.В. Колыбин конституциявий қонунларнинг яна бир ўзига хос жиҳати сифатида Конституцияда назарда тутилган индивидуал масалалар юзасидан қабул қилинишини қайд этади.

Конституциявий қонун бўйича махсус тадқиқот олиб борган ҳуқуқшунос олим И.Б.Шеголевнинг фикрича, конституциявий қонун деганда Конституция қоидаларни ривожлантириш мақсадида Асосий қонунда белгиланган масалалар юзасидан ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат тури тушунилади. Бунда ушбу олим конституциявий қонуннинг ўзини тартибга соладиган масалалар доирасидан келиб чиқиб қуйидаги 3 та турга бўлиш ғоясини илгари суради:

[1] Безуглов С. В., Бутурлина Е. С. Особенности федеральных конституционных законов как источников права. Власть закона. Научно-практический журнал, № 4 (32) 2017 г. – 53-66 с. https://anoniiapsp.ru/storage/pdf/02365cd653b3960d332401346c33c9a3.pdf#page=53

[2] А.В. Колыбин Особенности федеральных конституционных законов. Правовая политика и правовая жизнь. №3, 2022 г. – 305 с. https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-federalnyh-konstitutsionnyh-zakonov

а) статут қонунлар – муҳим давлат институтлари ва органлари тўғрисидаги (Ҳукумат, Президент, парламент, Олий суд, Конституциявий суд, давлат рамзлари ва б.) қонунлар;

б) турли давлат-ҳуқуқий ҳолатларни белгиловчи қонунлар (фавқулодда ҳолатлар, ҳарбий ҳолат ва б);

в) парламент таркибини ўзгартиришни назарда тутувчи конституциявий қонунлар[1].

Миллий ҳуқуқий манбаларда ҳам конституциявий қонун борасида ягона ёндошув мавжуд эмаслигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, энциклопедик манбаларда конституциявий қонун тушунчаси бир қанча мамлакатларда конституциявий ҳуқуқнинг асосий манбаларидан бири сифатида изоҳланади. Бунда баъзи мамлакатлар (аҳолиси француз тилида сўзлашувчи мамлакатлар, шунингдек, Руминия ва б.)да конституциявий қонунга конституцияга ўзгартириш киритувчи қонун, бошқа мамлакатлар (масалан, Россия Федерацияси, Ўзбекистон ва Қозоғистон)да Конституциявий қонун конституцияда кўзда тутилган масалалар бўйича қабул қилинадиган қонун сифатида таъриф берилган[2].

Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликда мавжуд бўлган конституциявий қонунларни таҳлил қилар эканмиз бу борада қуйидагича ҳолатга дуч келамиз. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикасида 6 та конституциявий қонунлар амалда бўлиб, булар 2002 йил 4 апрелдаги “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги[3], 2002 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги[4] ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги[5], 2007 йил 11 апрелдаги “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш

[1] Щеголев И. Б. Место и роль федеральных конституционных законов в системе российского законодательства тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.02. 2007 г. https://www.dissercat.com/content/mesto-i-rol-federalnykh-konstitutsionnykh-zakonov-v-sisteme-rossiiskogo-zakonodatelstva

[2] Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Конституциявий қонун. https://qomus.info/ encyclopedia/ cat-k/konstitutsiyaviy-qonun-uz/

[3] Ўзбекистон Республикасининг “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги 04.04.2002 йилдаги конституциявий қонуни. https://lex.uz/docs/51255

[4] Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги 12.12.2002 йилдаги конституциявий қонуни. https://lex.uz/docs/51961

[5] Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги 12.12.2002 йилдаги конституциявий қонуни. https://lex.uz/docs/51799

тўғрисида”ги[1], 2021 йил 27 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги[2] ҳамда 2021 йил 15 декабрдаги “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги[3] конституциявий қонунлардир.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасида 2002 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунлари қабул қилингунга қадар бошқа конституциявий қонунлар мавжуд бўлмаганми деган ҳақли савол пайдо бўлади.

Бу саволга жавоб бериш учун миллий қонунчилик нормаларини таҳлил қилар эканмиз қизиқ ҳолатга дуч келамиз. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 220-II-сон Қонуни VII бўлимида Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни 17-моддаси биринчи қисмидаги 6.1-бандини янги таҳрирда баён этиш назарда тутилган[4].

Гувоҳ бўлганимиздек, юқоридаги қонун VII бўлимида 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида”ги Қонуннинг Конституциявий қонун эканлиги эътироф этилмоқда. Бироқ, Lex.uzда 1994 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида”ги Қонунни конституциявий қонун сифатида келтирмаган. Ваҳоланки, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 39-моддасига биноан “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси” ҳисобланган lex.uz сайти норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба ҳисобланади[5].

1994 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида”ги Қонунининг ҳуқуқий мақомига аниқлик

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги 11.04.2007 йилдаги конституциявий қонуни. https://lex.uz/docs/1164590

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги 27.04.2021 йилдаги конституциявий қонуни. https://lex.uz/docs/5391934

[3] Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги 15.12.2021 йилдаги конституциявий қонуни. https://lex.uz/docs/5774840

[4] Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни. https://lex.uz/docs/160213

[5] Ўзбекистон Республикасининг 20.04.2021 йилдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/5378966

киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 2002 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунини амалга киритиш ҳақида”ги 435-II-сон қарорини ўрганганимизда, унинг 3-бандида Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни ўз кучини йўқотган деб топиши белгиланган[1].

Демак, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг юқоридаги қарорига асосланадиган бўлсак, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида”ги қонун конституциявий қонун мақомига эга бўлган.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда мустақил Ўзбекистоннинг биринчи конституциявий қонуни 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида”ги қонун ҳисобланган деган қатъий хулосага келишимиз мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд конституциявий қонунлар ҳақида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: а) Ўзбекистон Республикасида конституциявий қонун қабул қилиш анъанасини илк маротаба 1994 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида”ги конституциявий қонун бошлаб берган; б) амалдаги барча конституциявий қонунлар асосан Конституцияда назарда тутилган давлат ҳокимиятининг тармоқлари фаолиятини тартибга солишга ва уларни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган; в) вақт ўтиши билан қонунчилик амалиётида қонунларнинг конституциявий қонун мақомида қабул қилиш ҳолатлари учрайди. Жумладан, референдум ўтказиш билан боғлиқ муносабатлар 1991 йил 18 ноябрга қадар “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинган бўлса, мазкур қонун 2002 йил 4 апрелда “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конситутциявий Қонуни тарзида қабул қилинган.

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 12.12.2002 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунини амалга киритиш ҳақида”ги 435-II-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 216-модда

Яна бир мисол. 1993 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонун 2017 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни тарзида қабул қилинган.

г) сўнгги йилларда мамлакатимизда конституциявий қонунлар шаклидаги қонунларни қабул қилиш анъанаси кенгаяётган бўлиб, бу ҳолатни 2021 йилда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги[1], “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги[2] конституциявий қонунларнинг қабул қилинганлиги, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига қўшимча ва ўзгартишлар киритишни назарда тутувчи “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси[3] ишлаб чиқилганлиги кабилар билан асослаш мумкин.

д) конституциявий қонунларга ҳам конституциявий бўлмаган оддий қонунлар билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-683-сон Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги 350-II-сонли ва Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги 432-II-сонли Конституциявий Қонунига қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритилганлиги ҳам ушбу фикрга яққол мисол бўла олади[4].

е) ҳуқуқий мақоми ва юридик кучи жиҳатдан конституциявий қонунлар билан бошқа қонунлар ҳам ҳеч қандай фарқ қилмайди, уларнинг барчаси бўйича ҳуқуқий мониторинг амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказилади.

Айнан шу сабабли ҳам Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш услубиётининг 1-бандида

---

[1] 27.04.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-687-сон Конституциявий Қонуни. http://old.lex.uz/docs/5391934

[2] 15.12.2021 йилдаги “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-737-сон Конституциявий Қонуни

[3] https://meningkonstitutsiyam.uz/uzc

[4] Ўзбекистон Республикасининг 21.04.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-683-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/5388561

ҳуқуқий мониторинг тушунчасига ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ижроси ва натижаларини мунтазам ҳамда тизимли равишда кузатиб бориш билан боғлиқ жараён сифатида таъриф бериш билан чекланилган.

Бунда ҳуқуқий мониторинг ўтказиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар алоҳида турларга, шу жумладан конституциявий қонунларга ҳам мониторинг объекти сифатида ажратиб кўрсатилмаган. Шундай экан, конституциявий қонунлар ва қонунлар ижросининг ҳуқуқий мониторинги ҳам бир хил тартибда ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунлари ва қонунлари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби амалдаги бир қатор қонунчилик ҳужжатларида шу жумладан, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунлар ва Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш услубиёти билан тартибга солинади.

Бироқ, конституциявий қонун ва қонунлар нормалари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш бўйича юқоридаги қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган нормаларнинг амалиётдаги аҳволи ўрганилганда қуйидаги бир қатор муаммоли ҳолатлар аниқланди:

а) давлат органларида конституциявий қонун ва қонунлар нормалари ижроси ҳуқуқий мониторингини ташкил этиш ҳамда ўтказишни таъминловчи алоҳида орган ёки ташкилот мавжуд эмас.

Амалдаги қонунчиликда мониторинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатда унинг мониторинги ўтказилишига бевосита масъул этиб белгиланган давлат органи томонидан, масъул орган белгиланмаган ҳолларда эса, тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга оширувчи вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилиши қатъий белгиланган.

Маълумки, ҳуқуқий мониторинг ўтказишда жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ бир қатор материалларни ўрганиш ва таҳлил қилиш талаб этилади. Бундай маълумотлар жумласига мурожаатлар сони ва мазмуни (таклифлар, аризалар, шикоятлар), норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллашнинг ягона амалиёти мавжудлиги (йўқлиги), норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллашда унинг маъноси бузилиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллашда

ноқонуний ёки асоссиз қарорлар, ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг мавжудлиги кабиларни киритиш мумкин.

Юқоридаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти материалларини ўрганишда нафақат республика ёки вилоят даражасидаги бўғинлар балки, тегишли давлат органининг туман (шаҳар) даражасидаги бўғини фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Бунда барча ҳолатларда ҳам масъул давлат органининг туман (шаҳар) даражасидаги бўғини мавжуд бўлиши ва мазкур бўлимлар томонидан қайд этилган маълумотларни таҳлил қилиши орқали ҳуқуқий мониторинг реаллигини таъминлашга хизмат қилади. Бироқ, ҳар доим ҳам ҳуқуқий мониторинг ўтказишга масъул давлат органи туман (шаҳар) даражасида бўлинмаларининг ҳам мавжуд эмаслиги нафақат конституциявий қонун ва оддий қонунлар, балки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ҳуқуқий мониторингини тўлақонли ўтказиш имконини бермайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПҚ–4761-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг тузилмасига қарайдиган бўлсак, унда ушбу агентлик бошқарув ходимларининг умумий сони 50 нафардан иборат бўлгани ҳолда фақат республика даражасида фаолият юритишига, унинг нафақат туман ва шаҳарлар, балки вилоят даражасида ҳам ҳудудий бўлинмалари мавжуд эмаслигига гувоҳ бўламиз[1].

Бундай ҳолатда коррупцияга қарши курашиш соҳасига масъул давлат органи сифатида қандай қилиб Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ушбу соҳада бирор-бир самарадорликка эришишни кутиб бўлмайди.

Ваҳоланки, коррупцияга қарши курашишда айнан туман ва шаҳарларда соҳага оид қонунчилик ҳужжатларининг мониторингини олиб бориш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

б) қонун нормалари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш механизми амалда айрим давлат органларида таъминланмасдан қолмоқда.

Амалдаги қонунчиликда қонун нормалари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш занжири аниқ белгиланмаган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–4761-сон Қарори. https://lex.uz/docs/4875782

августдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–111-сонли Фармони 8-бандида қонунчилик ҳужжатлари ижроси мониторингини ўтказиш, шу жумладан, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, таҳлил қилиш, унинг барқарорлигини таъминлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси вазирлик ва идоралар марказий аппаратларида тузилган стратегик режалаштириш ва методология бўйича таркибий бўлинмалар зиммасига юклатилган[1].

Бироқ, вазирлик ва идоралар марказий аппаратининг таркибий тузилмалари таҳлили айни пайтда қатор вазирлик ва идораларда стратегик режалаштириш ва методология бўйича таркибий бўлинмалар мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2025 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра Иқтисодиёт ва молия вазирлиги аппаратида стратегик режалаштириш ва методология бўйича таркибий бўлинма ташкил этилмаганлиги аниқланди[2].

Шу билан бирга, марказий аппаратида стратегик режалаштириш ва методология бўйича таркибий бўлинма ташкил этилмаган вазирликлар жумласига Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги[3], Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги[4], Қишлоқ хўжалиги вазирлиги[5] ва бошқа вазирликларни киритиш мумкин.

Ундан ташқари, бир қатор идораларнинг марказий аппарати тузилмасида ҳам стратегик режалаштириш ва методология бўйича таркибий бўлинма мавжуд эмас. Масалан, Марказий банк[6], Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси[7] марказий аппарати тузилмасида стратегик режалаштириш ва методология бўйича таркибий бўлинма мавжуд эмас. Ўз навбатида бундай идораларга мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.08.2024 йилдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–111-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/7069968

[2] Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Марказий аппарати. https://gov.uz/uz/imv/departments/staff?active=2635

[3] Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг Марказий аппарати. https://gov.uz/oz/mingeo/departments/staff?active=2223

[4] Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги. Марказий аппарати. https://gov.uz/oz/eco/departments/staff?active=1055

[5] Қишлоқ хўжалиги вазирлиги. Марказий аппарати. https://gov.uz/oz/agro/departments/staff?active=1595

[6] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. https://cbu.uz/oz/about/central-office/divisions/

[7] Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси. Марказий аппарати. https://agroinspeksiya.uz/uz/departments

Гувоҳ бўлганимиздек, қонунлар ижроси ҳуқуқий мониторингини ўтказиш борасида вазирлик ва идоралар зиммасига қатор вазифалар юклатилган бўлсада, уларда бу вазифани бажариш учун масъул бўлган орган ташкил этилмас экан, ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар ижроси таъминланмасдан қолаверади.

Хўш, қонунлар ижроси ҳуқуқий мониторингини ўтказилиши учун масъул орган ҳисобланган Адлия вазирлигида ушбу фаолиятни амалга ошириш учун штат бирлиги мавжудми деган ўринли савол пайдо бўлади. Ушбу саволга жавоб бериш учун Адлия вазирлигининг тузилмасига назар ташлаймиз.

Адлия вазирининг 2024 йил 29 июндаги 242-сонли буйруғи билан тасдиқланган Адлия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида 16 нафар штат бирлигидан иборат таркибда Стратегик режалаштириш ва ижро назорати бошқармаси ташкил этилган[1]. Айнан ушбу бошқармага ПФ–111-сонли Фармон билан қонунчилик ҳужжатлари ижроси мониторингини ўтказиш, шу жумладан, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, таҳлил қилиш вазифаси юклатилган.

Албатта ушбу бошқарманинг 16 нафар штат бирлигидан иборатлиги кўпдай туюлиши мумкин. Бироқ, республиканинг барча маъмурий-ҳудудий бирлигида биргина қонун ҳужжатлари ижроси мониторинги, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш вазифасини бажариш учун 16 нафар вазирлик ходимларининг сони етарли бўлмайди. Бу ўз навбатида республиканинг барча ҳудудларида тўлақонли ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва қонун ҳужжатлари мониторингинини ўтказиш имкониятини бермайди.

Демак, гувоҳ бўлганимиздек нафақат Адлия вазирлигининг ҳудудий бошқармаларида бевосита ҳуқуқий мониторингни амалга оширишга имкон берадиган таркибий тузилмалар шакллантирилмаган.

2.3-§. Олий Мажлис палаталари қарорлари ижросининг ҳуқуқий мониторинги

Миллий парламентаризмнинг ривожланиши мамлакатимизда нафақат қонун ижодкорлиги жараёнида балки, парламент назоратини амалга оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Парламент палаталари томонидан қабул қилинаётган қарорлар

[1] Адлия вазирлиги марказий аппарати тузилмаси. https://adliya.uz/inner-page/tashkiliy-tuzilma

ижросининг тўлақонли таъминланаётганлиги, бундай қарорларнинг сифатли бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Амалдаги қонунчиликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир тури сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари мустаҳкамланган. Қонунчиликда парламент палаталари қарор чиқаришининг асослари сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари ҳамда уларни ижро этилиши келтирилган[1].

Демак, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларини ижро этиш учун қарорлар чиқарар экан, улар ўз навбатида мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади. Айнан шу сабабли ҳам, парламент палаталарининг қарорлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда парламент палаталарининг қарорлари ижроси ҳуқуқий мониторингини ўтказишга зарурат борми, агар зарурат бўлса бундай мониторинг қайси субъект томонидан ўтказилиши лозим деган бир қатор ўринли саволлар пайдо бўлади.

Назарияда парламент палаталарининг қарорлари ижроси ҳуқуқий мониторингини ўтказиш зарурати борлиги илмий қарашлар мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Масалан, миллий ҳуқуқшунос олим Ш.Х.Зулфиқаров ўз тадқиқотида парламентда Ҳукуматга нисбатан ўзини мухолифат деб эълон қилган партия фракцияларига Вазирлар Маҳкамаси, ижро ҳокимияти органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслар фаолиятининг доимий мониторингини олиб бориш ҳуқуқини назарда тутиш лозим деган ғояни илгари суради[2].

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг регламентларида қарор қабул қилинадиган ҳолат аниқ белгиланган. Хусусан, 2003 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 15-моддасида Сенат қонунлар қабул қилиниши талаб этилмайдиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиши белгиланган.

Худди шундай қоида 2003 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни. https://lex.uz/docs/5378966

[2] Ш.Х.Зулфиқоров Мамлакатимизда сиёсий партия фракциялари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари. Sotsiologiya va huquq, Социология и право, Sociology and law. Ilmiy jurnal, 1 Jild, 1 Son. 2024 й. https://new.nuu.uz/wp-content/uploads/2024/09/1-son-07_removed_merged-1_removed_organized-2.pdf

тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасида ҳам назарда тутилган бўлиб, унда Қонунчилик палатаси қонунлар қабул қилиниши талаб этилмайдиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиши ҳақидаги қоида назарда тутилган.

Шу билан бирга, иккала палатанинг ҳам регламентларида қарор қабул қилиниши талаб этиладиган масалалар доираси аниқ баён этилган. Ўз навбатида бундай қарорлар орасида ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган қарорлар ҳам назарда тутилганлигига эътибор қаратиш лозим. Масалан, 2003 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги Қонунда Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш кераклиги тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиб референдум тайинлаш ва уни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор, Қонунчилик палатаси депутатини жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик бериш ҳақидаги, Давлат бюджетининг йилнинг ҳар чорагидаги ижросининг бориши аҳволи ҳақидаги, Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини кўриб чиқиш якунлари тўғрисидаги, “Ҳукумат соати” якунлари ҳақидаги, парламент текшируви тўғрисидаги ва бошқа қарорларни ана шундай ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим қарорлар жумласига киритиш мумкин.

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қарорлар қабул қилиш ваколати парламентнинг юқори палатаси бўлган Сенатга ҳам берилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, халқ вакиллари иродасини ўзида мужассам этган парламент томонидан қонунга мувофиқ чиқарилган ҳар қандай қарор ҳам ижроси сўзсиз таъминланиши лозим. Демак, гувоҳ бўлганимиздек парламент палаталари томонидан чиқариладиган қарорлар ижроси ҳуқуқий мониторинги ўтказиш эҳтиёжи мавжуд.

Парламент палаталари қарорлари ижросининг ҳуқуқий мониторингига оид миллий қонунчилик нормалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили ушбу соҳада қуйидаги муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда:

а) миллий қонунчиликда парламент томонидан ўтказиладиган қонун ҳужжатлари, шу жумладан парламент палаталари қарорлари ижроси мониторингини ўтказувчи субъект масаласида турлича ёндошув мавжуд.

Хусусан, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 53-моддасида белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар уларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторингини амалга ошириши ҳақидаги норма Олий Мажлис палаталари қарорлари мониторингини бевосита ўзлари амалга оширишлари лозимлигига тўғридан-тўғри ишора қилмоқда.

Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелдаги “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуни 17-моддаси қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари томонидан ўрганиш ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан улар томонидан мониторингни амалга оширишига бағишланган.

Ушбу моддада Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга ошириши мумкинлиги назарда тутилган[1].

Ўз навбатида, парламент палаталарининг амалдаги регламентларини ўрганганимизда ҳам ўхшаш ҳолатга гувоҳ бўламиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги 523-II-сон Қонуни билан тасдиқланган Регламентнинг 32^6-моддасида Сенатнинг қўмиталари янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга ошириши, мониторингни амалга ошириш якунлари Сенат қўмиталарининг мажлисларида кўриб чиқилиши мумкинлиги ҳақидаги қоида назарда тутилган холос[2].

Айнан ўхшаш нормани Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги 522-II-сон Қонуни билан тасдиқланган Регламентнинг 33^5-моддасида ҳам учратамиз[3].

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг 11.04.2016 йилдаги “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуни

[2] Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2003 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги 523-II-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/60232

[3] Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2003 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги 522-II-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/39573

Шу билан бирга, юқоридаги нормаларни Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни 18-моддасида, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни 18-моддасида ҳам учратамиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Олий Мажлис палаталари ўзи қабул қилган қарорлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказадими ёки фақат янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширадими деган ҳақли савол пайдо бўлади.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, “Парламент назорати тўғрисида”ги ва палаталарнинг регламентлари ўртасидаги бундай тафовутлар парламент томонидан қабул қилинган қарорлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш ваколатини шубҳа остига қўймоқда.

Бунда гап фақат қонун ҳужжатларидаги турли ўзаро номутаносибликда эмас. Зеро, юқоридаги саволга жавобни “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун 18-моддасида белгиланган тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда, кейинроқ қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қоидалари амал қилади деган норма орқали ҳам ҳал этиш мумкин.

Бироқ, гап фақат тафовутларни ҳал этишда эмас, балки Олий Мажлис палаталари ўзи қабул қилган қарорлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказадиган бўлса қандай тартибда ўтказади деган масалага аниқлик киритишда кетмоқда.

Зеро, амалдаги қонунчилик парламент эмас, балки давлат бошқарув органларининг ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартибини назарда тутади. Шундай экан, Олий Мажлис палаталари ҳуқуқий мониторинг ўтказадиган бўлса уни амалга ошириш тартиби қандай бўлади деган савол очиқ қолмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни 18-моддаси биринчи қисми ўн учинчи бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш лозим:

“**18-модда. Қонунчилик палатаси қўмиталарининг ваколатлари**

Қонунчилик палатаси қўмиталари:

...

13) Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижроси юзасидан ҳуқуқий мониторингни амалга оширади.”

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни 18-моддаси биринчи қисми 10-бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“18-модда. Сенат қўмиталарининг ваколатлари

Сенат қўмиталари:

...

10) Сенат томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси юзасидан ҳуқуқий мониторингни амалга оширади.”

Ўз навбатида юқорида таклиф этилаётган ўзгартиришларни Олий Мажлис палаталарининг регламентларига ва “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунга ҳам киритиш талаб этилади.

б) Олий Мажлис палаталари томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий мониторингда жамоатчилик вакилларининг иштирок этиш имконияти чекланган.

Миллий ҳуқуқшунос олим Ш.Шаякубов ўз тадқиқотида Олий Мажлис палаталарининг қарорлари ижроси устидан ҳуқуқий мониторинг ўтказишдаги асосий муаммоларни таҳлил қилар экан, бунда жамоатчиликнинг ҳуқуқий мониторингдаги иштирокига эътибор қаратади.

Бунда ушбу олим тадқиқот ишида Олий Мажлис палаталарининг бирортаси регламентларида бевосита палаталар қарорлари ижросига бағишланган йиғилишларда жамоатчилик вакиллари иштироки билан боғлиқ нормалар назарда тутилмаганлигини, механизми мавжуд эмаслигини алоҳида қайд этади[1]. Бизнингча, юқоридаги муаммога икки жиҳатдан ёндошиш мақсадга мувофиқ.

[1] Ш.Ш. Шаякубов Правовые аспекты регулирования осуществления общественного контроля в Узбекистане. Правовые и нравственные аспекты функционирования гражданского общества: сб. материалов Междунар. науч.-практ. конф., посв. памяти засл. деятеля науки Российской Федерации, д-ра юрид. наук, проф. В.П. Малкова. Чебоксары, 2–3 октября 2020 г.: в 2 ч. – Чебоксары: Изд-во Чуваш. ун-та, 2020. – Ч. 2. – 377-380 с.

Биринчидан, Олий Мажлис палаталарида бўлиб ўтадиган аксарият йиғилишлар бевосита интернетдаги расмий веб-сайтда жойлаштириб бориш амалиёти йўлга қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6247-сон Фармони 13-бандига мувофиқ Олий Мажлис палаталарига ўз расмий веб-сайтларида қуйидаги маълумотларни жойлаштириш тавсия этилган:

парламент назорати объектларининг ҳисоботларини эшитиш натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар;

Қонунчилик палатасида депутатнинг ҳар бир қонун (қарор) лойиҳасини қабул қилиш ёки рад этишдаги, сенаторнинг ҳар бир қонунни (қарорни) маъқуллаш ёки рад этишдаги иштироки тўғрисидаги маълумотлар;

Олий Мажлис Сенати аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, сайлов округлари ҳамда уларнинг электрон почта манзиллари ҳақидаги маълумотлар.

Демак, гувоҳ бўлганимиздек Олий Мажлис палаталарида бўлиб ўтаётган бир қатор муҳим масалалар юзасидан жамоатчиликда расмий интернет сайтлар орқали маълумот олиш имконияти яратилган.

Албатта, бу ўринда карантин каби эпидемиялар шароитида очиқликни таъминлаш борасида Олий Мажлис палаталари амалга оширилган бундай чора-тадбирлар таҳсинга сазовордир.

Иккинчидан, Олий Мажлис палаталарида юқорида санаб ўтилган ҳолатлардан ташқари бошқа ҳолатлар бўйича ўтадиган йиғилишларда аҳолининг иштирок этиш ҳуқуқи назарда тутилмаганлиги улар ҳуқуқларини чекланишига олиб келиши мумкин. Зеро, қонун ҳужжатида муайян тадбирда иштирок этиш ҳуқуқи қатъий мустаҳкамланмаган ҳар қандай ҳолатда ҳуқуқни қўлловчи ҳолатни ўз фойдасига буриши мумкин. Айнан шу жиҳатдан қараганда, тадқиқотчи Ш.Шаякубовнинг хавотири ўринли эканлигини таъкидлаш жоиз. Лекин, регламентларга бундай ўзгартиришлар киритилиши билан муаммо тўлалигича ҳал бўлмайди. Зеро, Олий Мажлис палаталари айниқса, Қонунчилик

палатасининг ҳозирги биноси жамоатчиликнинг кенг қатламини қабул қилишга тайёр эмас.

Қонунчилик палатасининг фақат ялпи мажлислар зали чекланган сонли жамоатчилик вакилларини ўзида сиғдириши мумкин. Бироқ, кўп сонли аҳоли вакилларини қабул қилишга ялпи мажлислар залида ҳам етарлича имконият мавжуд эмас.

Албатта жамоатчилик вакилларининг Олий Мажлис палаталари йиғилишларида иштирок этишлари учун Қонунчилик палатаси ва Сенатга янги бино қуриш мақсадга мувофиқ деган таклиф ҳам келгусида амалга ошириш қийин бўлган, халқнинг кўплаб маблағлари сарфланишини талаб қиладиган таклиф ҳисобланади.

Бизнингча, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш муаммони самарали ҳал этишнинг энг мақбул йўли ҳисобланади.

Бунда Олий Мажлис палаталарининг регламентларида нафақат 2021 йил 16 июндаги ПФ–6247-сон Фармони 13-бандида назарда тутилган ҳолатлар, балки палаталар томонидан ўтказиладиган ҳар қандай расмий тадбирларни интернетдаги дастурлар (масалан, zoom дастури) орқали мунтазам равишда ёритиб бориш имкониятини қатъий назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

Шу муносабат билан, Олий Мажлис палаталарининг регламентларига бир қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш таклиф этилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуни 10-моддасини қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдириш таклиф этилади:

“**10-модда. Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби**

Қонунчилик палатаси мажлисида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар уларни кўриб чиқиш навбати, палатанинг ҳар бир масалани кўриб чиқишга тайёрлаш учун масъул бўлган қўмиталари, маърузачилар (қўшимча маърузачилар), **интернетдаги расмий веб-сайт орқали жамоатчилик иштирок этиши учун реал вақт режимида мажлис ўтказиладиган ҳавола**, шунингдек бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда мажлис кун тартиби лойиҳасига киритилади.

Қонунчилик палатаси мажлиси кун тартибининг лойиҳаси Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тузилади.

Қонунчилик палатасининг депутатлари Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритилган масалалар тўғрисида камида **бир иш куни, интернетдаги расмий веб-сайт орқали жамоатчилик иштирок этиши учун реал вақт режимида ўтказиладиган ҳавола эса аҳолига камида уч иш куни** олдиндан хабардор қилинадилар.

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби палата қарори билан тасдиқланади".

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги Қонуни 9-моддасини қуйидаги таҳрирда ифодалаш таклиф этилади:

"**9-модда. Сенат мажлисининг кун тартиби**

Сенат мажлисида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар уларни кўриб чиқиш навбати, палатанинг ҳар бир масалани кўриб чиқишга тайёрлаш учун масъул бўлган қўмиталари, маърузачилар (қўшимча маърузачилар), **интернетдаги расмий веб-сайт орқали жамоатчилик иштирок этиши учун реал вақт режимида мажлис ўтказиладиган ҳавола**, шунингдек бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда мажлис кун тартиби лойиҳасига киритилади.

Сенат мажлиси кун тартибининг лойиҳаси Сенат Кенгаши томонидан тузилади.

Сенаторлар Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритилган масалалар тўғрисида **бир иш куни, интернетдаги расмий веб-сайт орқали жамоатчилик иштирок этиши учун реал вақт режимида ўтказиладиган ҳавола эса аҳолига камида уч иш куни** олдиндан хабардор қилинадилар.

Сенат мажлисининг кун тартиби палата қарори билан тасдиқланади"

в) Олий Мажлис палаталарида ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун ресурслар етарли эмас.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда Олий Мажлис палаталарининг ваколатларини янада кенгайтириш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шунга қарамасдан, палаталар томонидан қабул қилинаётган қарорлар ижросининг ҳуқуқий мониторинги ўтказиш имконини берадиган штат бирликлари мавжуд эмас.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтини (https://parliament.gov.uz/department) кузатар эканмиз ҳуқуқий мониторинг ўтказиш билан шуғулланувчи алоҳида таркибий тузилма мавжуд эмаслигига гувоҳ бўламиз.

Худди шундай ҳолатни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг расмий веб-сайтида (https://senat.uz/) жойлаштирилган Сенат тузилмасида ҳам кузатиш мумкин. Бунда Сенат девонининг тузилмасида Юридик бошқарма, Назорат-таҳлил бошқармаси, Давлат бюджети ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини таҳлил қилиш бошқармаси, Ахборот хизмати, Халқаро алоқалар бўлими, Ташкилий ишлар бўлими, Сенат Раиси котибияти, Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими, Бухгалтерия хизмати кабилар фаолият юритади[1].

г) Олий Мажлис палаталари қарорлари ҳуқуқий мониторингини ўтказишнинг илмий-методологик тартибини назарда тутувчи алоҳида услубиёт мавжуд эмас.

Бунда Олий Мажлис палаталари қарорлари ижроси ҳуқуқий мониторингини ўтказишнинг вазифалари, мониторинг режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби, мониторинг ўтказиш тартиби, мониторинг ўтказишда қўлланиладиган усуллар, мониторинг ўтказилишини назорат қилиш, мониторинг якуний натижаларини ишлаб чиқиш ва улардан ҳуқуқни қўллаш амалиётида фойдаланиш тартиби, мониторинг ўтказишда жамоатчилик вакиллари ва илмий экспертларни жалб этиш тартиби, шунингдек ҳуқуқий мониторинг ўтказиш схемаси билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни назарда тутувчи илмий-услубий қўлланма ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

[1] https://senat.uz/senate-office/departments

III БОБ. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГИ СУБЪЕКТЛАРИ

3.1-§. Ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби ва босқичлари

Қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингини сифатли, комплекс ва холис ўтказилишида уни ўтказувчи субъектлар мақоми муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлаш жоиз. Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари таҳлили ҳуқуқий мониторинг субъектлари борасида ягона ёндошув мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Бундай ҳолатни эса, қонунчилик ҳужжатларида мониторингни ўзига нисбатан хилма-хил ёндошув белгиланганлиги билан асослаш мумкин. Мониторингга оид амалдаги қонун ҳужжатларини қуйидаги икки босқичга ажратган ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ:

Биринчи босқичга 1991 – 2016 йилларни ўз ичига олган қонун ҳужжатларини киритамиз. Ушбу даврда қабул қилинган қонун ҳужжатлари таҳлили уларга хос бўлган қуйидаги хусусиятларга эгалигини гувоҳ бўламиз:

Биринчидан, ушбу босқичда қабул қилинган қонун ҳужжатларида мониторинг асосан муайян фаолиятга нисбатан қўлланилган. Жумладан, 1998 йил 30 апрелга қадар бўлган даврда амалда бўлган “Ер тўғрисида”ги Қонуннинг 57-моддасида фаолиятга нисбатан амалга ошириладиган “ер мониторинги”[1], 2004 йил 3 декабрга қадар амалда бўлган “Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонунда “экологик мувозанатни ва биосфера мониторинги”, “табиий жараёнлар ва ҳодисалар ўзгариши устидан мониторинги”[2], 2002 йил 13 декабрга қадар амалда бўлган “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонунда “ер қаъри мониторинги”[3] сўзлари қўлланилиб, бевосита фаолиятга нисбатан қаратилган.

Иккинчидан, биринчи босқичда қабул қилинган қонун ҳужжатларида мониторинг ўтказиш бевосита муайян субъектларга

[1] Ўзбекистон Республикасининг 20.06.1990 йилдаги “Ер тўғрисида”ги 97-XII-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/147456

[2] Ўзбекистон Республикасининг 07.05.1993 йилдаги “Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги 871-XII-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/2718

[3] Ўзбекистон Республикасининг 23.09.1994 йилдаги “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги 2018-XII-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/1238578

нисбатан ҳам қаратилган. Масалан, 1999 йил 19 августда қабул қилинган “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонун 4[4]-моддасида “баҳоловчиларнинг мониторинги”[1], 2010 йил 22 декабрда қабул қилинган “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунда “риэлторларнинг профессионал халқ-атвор кодексига риоя этилиши устидан мониторинг”[2] каби мониторинг турлари ҳам белгиланган.

Учинчидан, ушбу босқичда қабул қилинган айрим қонун ҳужжатларида давлат органлари томонидан муайян йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини мониторинг қилиш назарда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни 20-моддасида Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия зиммасига ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чораларни мониторинг қилиш, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги ЎРҚ–369-сон Қонунида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ваколатларига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган тадбирлар мониторинг қилиш ваколати назарда тутилган[3].

Тўртинчидан, биринчи босқичда қабул қилинган баъзи қонун ҳужжатларида ҳуқуқий мониторинг назарда тутилганлиги ҳолатлари ҳам учрайди. Масалан, 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасида Вазирлар Маҳкамасига 2014 ва 2015 йиллар мобайнида Бюджет кодекси нормаларининг амал қилиши ва самарадорлиги мунтазам равишда ҳамда ҳар томонлама мониторингни таъминлаш вазифаси юклатилган[4].

Биринчи босқичда қабул қилинган қонун ҳужжатларидаги муҳим жиҳат шундаки, уларда мониторинг билан боғлиқ турли

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг 19.08.1999 йилдаги “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги 811-I-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/24703

[2] Ўзбекистон Республикасининг 22.12.2010 йилдаги “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-269-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/1714042

[3] Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/2387357

[4] Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни. https://lex.uz/docs/2302187

масалалар назарда тутилган бўлсада, мониторингни ўтказиш механизмлари назарда тутилмаган. Жумладан, биргина юқорида келтириб ўтилган “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунда “риэлторларнинг профессионал халқ-атвор кодексига риоя этилиши устидан мониторинг”да ушбу мониторингни амалга ошириш тартиби ва механизмлари белгиланмаган бўлиб, бу ўз навбатида риэлторларнинг устидан ўтказиладиган мониторинг даврийлиги, унда қўлланиладиган усуллар, мониторингни ўтказадиган органнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича кўплаб саволларни келтириб чиқаради.

Мониторингга оид амалдаги қонун ҳужжатларининг **иккинчи босқичи 2017 йилдан бошланади ва 2024 йил 31 декабрга** қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Ушбу даврда мониторинг билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатлари қуйидаги хусусиятлар билан ажралиб туради:

биринчи, айнан иккинчи босқичда мониторингдан фойдаланилган қонун ҳужжатлари сони қарийб 2 бараварга ортди. Хусусан, 1991-2016 йиллар, яъни 15 йил мобайнида қабул қилинган 39 та[1] қонун ҳужжатида бевосита мониторинг билан боғлиқ нормалар акс этган бўлса, 2017 – 2024 йиллар, яъни 7 йиллик даврда қабул қилинган 73[2] та қонун ҳужжатларида мониторинг билан боғлиқ нормалар назарда тутилди.

иккинчи, мазкур босқичда қабул қилинган қонун ҳужжатларида мониторингнинг турлари доираси кенгайиши тенденцияси кузатилди. Хусусан, мазкур босқичда электрон рейтинг дастури орқали мониторинг қилиш[3], мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг[4], ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ривожланиш тенденциялари мониторинги[5], тегишли ҳудудда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши мониторинги[6] ва бошқа

---

[1] https://lex.uz/search/nat?form_id=3968&lang=3&query=%D0%BC%D0%BE%D0%BD%D0%B8%D1%82%D0%BE%D1%80%D0%B8%D0%BD%D0%B3&exact=1&fyear=2017

[2] https://lex.uz/search/nat?lang=3&form_id=3968&from=01.01.2017&to=31.12.2024&query=%D0%BC%D0%BE%D0%BD%D0%B8%D1%82%D0%BE%D1%80%D0%B8%D0%BD%D0%B3&exact=1

[3] Ўзбекистон Республикасининг 06.04.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги ЎРҚ-427-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/3153668

[4] Ўзбекистон Республикасининг 11.09.2017 йилдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-445-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/3336169

[5] Ўзбекистон Республикасининг 09.01.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги ЎРҚ-458-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/3495885

[6] Ўзбекистон Республикасининг 15.11.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги ЎРҚ-1002-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/7223219

мониторинг турлари ушбу даврда қабул қилинган қонун ҳужжатларида назарда тутилди.

учинчи, иккинчи босқичда қабул қилинган қонун ҳужжатларида мониторинг ўтказувчи субъектлар доираси кенгайди, улар жумласига ижро органларига мансуб бўлмаган органлар ва ташкилотлар ҳам киритилди. Чунончи, ушбу босқичда қабул қилинган қонун ҳужжатлари билан Марказий банкка[1], нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланган Нотариал палата[2] ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотига[3] мониторинг олиб бориш ваколати берилган.

тўртинчи, мазкур босқичда қабул қилинган қонун ҳужжатларида ҳуқуқий мониторингни амалга ошириш билан боғлиқ нормалар назарда тутилди. Масалан, 2023 йил 30 августдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида"ги ЎРҚ-860-сон Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги Адлия вазирлиги ва юридик хизматлар томонидан ўтказилиши белгиланди[4].

Ўз навбатида иккинчи босқичда қонун ҳужжатларида мониторингга оид нормалар ривожланиш динамикаси кузатилсада, ушбу босқичда ҳам биринчи босқичга хос бўлган мониторингни амалга ошириш механизмларини қонун ҳужжатларида тўлиқ акс этмаслик хусусияти сақланиб қолди. Хусусан, Нотариал палатасининг вазифасига киритилган касб этикаси қоидалари ва касбий мажбуриятларга хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш тартиб-таомиллари нафақат "Нотариат тўғрисида"ги Қонунда балки, амалдаги бошқа бирорта қонунчилик ҳужжатида ҳам назарда тутилмаган.

Амалдаги қонунчиликда ҳуқуқий мониторингни амалга оширувчи субъект сифатида ижро этувчи органлар назарда тутилган. Шу ўринда ҳуқуқий мониторингни субъекти сифатида мазкур

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг 11.11.2019 йилдаги "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ЎРҚ-582-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/4590452

[2] Ўзбекистон Республикасининг 14.01.2020 йилдаги "Нотариат тизими тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-602-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/4697587

[3] Ўзбекистон Республикасининг "Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида"ги 04.08.2022 йилдаги ЎРҚ-787-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/6141486

[4] 2023 йил 30 августдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида"ги ЎРҚ-860-сон Қонун. https://lex.uz/docs/6561894

органлар фаолиятини таҳлил қилишдан аввал амалдаги қонунчиликда ҳуқуқий мониторингни қандай субъектлари назарда тутилган деган масалани таҳлил қилсак.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи кўплаб субъектлар доираси назарда тутилган бўлиб, уларни қуйидаги 6 гуруҳга ажратиш мумкин:

1) Қонун чиқарувчи ҳокимият органлари;
2) Ижро этувчи ҳокимият органлари;
3) Суд ҳокимияти органлари;
4) Махсус субъектлар;
5) Илмий-тадқиқот муассасалари;
6) Фуқаролик жамияти институтлари.

Амалдаги қонунчиликда қонун чиқарувчи ҳокимият органлари ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи субъект бўлиши мумкинлиги белгиланган. Ўз навбатида ҳуқуқий мониторингни амалга оширувчи қонун чиқарувчи ҳокимият органларининг ўзини шартли равишда қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

а) парламент палаталарининг органлари. Бундай органларга парламентнинг ҳар бир палатасида тузилган органлар тушунилади. Жумладан, “Парлмент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари томонидан ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан улар томонидан мониторингни амалга ошириш шакли назарда тутилган[1]. Бу ўз навбатида фақатгина Қонунчилик палатаси ва Сенат қўмиталарига ҳуқуқий мониторинг ўтказиш ваколати тақдим этилганлигини англатади.

б) парламент ҳузуридаги ташкилотлар. Қонунчиликка мувофиқ парламент палаталарининг органларидан ташқари бир қатор парламент томонидан шакллантириладиган органлар томонидан ҳам ҳуқуқий мониторинг ўтказилади. Ана шундай органлардан бирини Омбудсман ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 15 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонуни 47-моддасида Омбудсман, унинг ўринбосари ва минтақавий вакиллари ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга

[1] Ўзбекистон Республикасининг 11.04.2016 йилдаги “Парламент назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-403-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/51961

исталган вақтда, монеликсиз ва дастлаб хабар бермасдан мониторинг ташрифларини амалга ошириши мустаҳкамланган[1]. Ҳуқуқшунос олим М.Ҳ.Рустамбаев Омбудсман, унинг ўринбосари ва минтақавий вакилларига мониторинг олиб бориш ҳуқуқини беришнинг аҳамиятини изоҳлар экан қонунчиликда назарда тутилган бундай имкониятлар натижасида давлат жиноят-ижроия тизимида янги устувор йўналишлар пайдо бўлишига хизмат қилганлигини таъкидлайди[2]. Ўз навбатида ушбу мониторинг турини ҳуқуқий мониторинг деб номлаш мумкинми деган саволга жавоб берсак.

Фикримизча, Омбудсман томонидан амалга ошириладиган мониторингни ҳуқуқий мониторинг деб айтиш мумкин. Бунинг асосий сабаби сифатида Омбудсманга қонунчиликка мувофиқ мониторингни амалга ошириш вақтида тегишли ташкилотларга уларнинг қийноққа солиш ҳолатларининг олдини олишга доир фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва таклифлар киритиш ҳуқуқининг мустаҳкамланганлигини келтириб ўтиш жоиз.

Парламент ҳузуридаги ҳуқуқий мониторингни амалга оширувчи яна бир субъектга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакилини киритиш мумкин. Хусусан, 2024 йил 29 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасида давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар фаолиятида бола ҳуқуқларининг таъминланиши ҳамда ҳимоя қилиниши мониторинги айнан Болалар омбудсмани зиммасига юклатилган.

Амалдаги қонунчилик ҳуқуқий мониторингни амалга ошириш вазифасини асосан ижро этувчи ҳокимият органлари зиммасига юклашни назарда тутади. Хусусан, қонунчиликка мувофиқ 2025 йилдан бошлаб, ҳар йили масъул давлат органи томонидан мониторинг олиб борилиши, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатда унинг мониторинги ўтказилишига масъул бўлган давлат органи кўрсатилиши белгиланган. Шу билан бирга, вазирлик ва идоралар марказий аппаратларида тузилган стратегик режалаштириш ва методология бўйича таркибий бўлинмалар

[1] Ўзбекистон Республикасининг 15.11.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги ЎРҚ-1002-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/7223219

[2] М.Ҳ. Рустамбаев Узбекистан: новые реформы по совершенствованию уголовно-исполнительного законодательства и их практические результаты. https://www.uzbekistan.org.ua/ru/news/7125

зиммасига қонунчилик ҳужжатлари ижроси мониторингини ўтказиш бўйича қўшимча вазифалар юклатилган[1].

Шу ўринда вазирлик ва идораларнинг бутун тизими ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг субъекти бўлиб ҳисобланадими деган масалага аниқлик киритиб ўтсак. Амалдаги қонунчилик фақатгина вазирлик ва идоралар марказий аппаратларида тузилган стратегик режалаштириш ва методология бўйича таркибий бўлинмалари зиммасига ҳуқуқий мониторинг ўтказиш вазифасини юклаган. Шу билан бирга, вазирлик ва идораларнинг таркибий тузилмаларини ўрганар эканмиз фақатгина улар марказий аппаратида ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун масъул бўлган таркибий бўлинмалар ташкил этилганлигига гувоҳ бўламиз.

Шундай экан, фақатгина вазирлик ва идораларнинг марказий аппарати ҳуқуқий мониторинг ўтказиш субъекти ҳисобланишини англатади.

Суд органларидан бири ҳисобланган Судьялар олий кенгаши ҳам ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи субъектлар ҳисобланади. Жумладан, қонунчиликда Судьялар олий кенгаши аъзоларига судьялар фаолиятини мониторинг қилиш ҳуқуқи назарда тутилган[2].

Ҳуқуқий мониторинг давлат ҳокимиятининг бирорта тармоғига мансуб бўлмаган махсус субъектлар томонидан ўтказилиши мумкин. Шу билан бирга, уларнинг махсус субъектлиги алоҳида ҳуқуқий мақомга эгалиги билан белгиланади. Ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи махсус субъектга мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги махсус ваколатли давлат органини келтириб ўтиш мумкин. Ушбу ташкилотнинг махсус субъектлиги қуйидаги жиҳатларда намоён бўлади:

а) Агентликнинг алоҳида ҳуқуқий мақомга эгалиги. Амалдаги қонунчиликда Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига бевосита бўйсуниши ва унга ҳисоб бериши мустаҳкамланган[3]. Бу ўз навбатида Агентликнинг бошқа

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.08.2024 йилдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-111-сон Фармони. https://lex.uz/docs/7069968

[2] Ўзбекистон Республикасининг 06.04.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги ЎРҚ-427-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/3153668

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.10.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5843-сон Фармони. https://lex.uz/uz/docs/4549998

органлардан фарқли равишда бирорта давлат ҳокимият тармоғи таркибига кирмайдиган махсус ваколатли давлат органи эканлигини англатади.

б) Агентлик давлат сиёсатини амалга оширувчи орган ҳисобланиши. Хусусан, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ Агентликнинг асосий ваколатларидан бирини давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ташкил қилади. Бунда Агентлик ижро этувчи ҳокимият органлари таркибига кирмасада, давлат хизмати соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш вазифасини бажариши билан ажралиб туради[1].

Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бир қатор илмий-тадқиқот ташкилотларига ҳуқуқий мониторинг олиб бориш ваколати берилган. Бу ўз навбатида илмий-тадқиқот ташкилотларининг ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи субъектлар ҳисобланишини англатади. Жумладан, қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти зиммасига давлат органлари, айниқса, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида янги таҳрирдаги Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри қўлланиши ҳолатини мониторинг қилиб бориш вазифаси юкланган[2].

Ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи яна бир субъект сифатида илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланган Адлия вазирлиги ҳузуридаги Қонунчиликни таҳлил қилиш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтини кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Фуқаролик жамияти институтларига ҳам ҳуқуқий мониторинг ўтказиш борасида муҳим ҳуқуқлар қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган. Хусусан, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун билан жамоатчилик назоратининг шаклларидан бири сифатида жамоатчилик мониторинги назарда тутилган бўлиб, у жамоатчилик назорати субъектлари (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари) томонидан ўтказилади[3].

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг 08.08.2022 йилдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ–788-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/6145972

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.05.2023 йилдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–67-сон Фармони. https://lex.uz/docs/6461609

[3] Ўзбекистон Республикасининг 12.04.2018 йилдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-474-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/3679092#3679412

Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан бевосита ҳуқуқий мониторингни амалга ошириш вазифаси ижро этувчи ҳокимият органлари зиммасига юклатилган. Шу муносабат билан ушбу органларни ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи алоҳида субъект сифатида батафсил таҳлил қиламиз.

Илмий манбаларда ҳуқуқий мониторингни давлат ҳокимиятининг ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ўтказилиши борасида турлича ёндашув учрайди. Жумладан, айрим илмий манбаларда илмий ташкилотлар жалб этилишидан қатъий назар ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг ягона субъекти бўлиб давлат органлари ҳисобланишига урғу берилади. Бунда ҳуқуқий мониторингга жамоат ташкилотлари, илмий муассасалар ва фуқаролар жалб этилган ҳолларда ҳам мониторинг якуний натижасининг сифати учун масъулият давлат органига юклатилиши таъкидланади[1].

Ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи субъектлар орасида ижро этувчи ҳокимият тармоғига кирувчи органлар ўзлари масъул бўлган қонунчилик ҳужжатларининг самарали ижроси таъминланиши, зиммасига юклатилган вазифалар билан алоҳида ажралиб туришини таъкидлаш жоиз.

Ҳуқуқий мониторинг ўтказишга бағишланган бошқа қўлланмаларда давлат ҳокимиятининг ижро этувчи тармоғига кирувчи органларга мониторинг ўтказувчи субъект сифатида қаралмайди. Жумладан, Россия Федерацияси Ҳукумати ҳузуридаги Қонунчилик ва қиёсий ҳуқуқшунослик институтининг Ҳуқуқий мониторингни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий тавсияларда ҳуқуқий мониторинг қонун чиқарувчи орган, депутатлар ва депутатлик бирлашмалари (фракциялар, гуруҳлар), қонун чиқарувчи органнинг доимий ва вақтинчалик органлари (комиссиялар, қўмиталар), қонун чиқарувчи орган девонининг таркибий тузилмалари, қонун чиқарувчи орган ҳузуридаги ҳуқуқий мониторинг бўйича махсус тузилмалар томонидан ўтказилиши мумкинлиги белгиланган[2].

Бунда ижро этувчи ҳокимият таркибига кирувчи бирорта давлат органи томонидан ҳуқуқий мониторинг амалга оширилиши

[1] «Мониторинг законов Республики Казахстан: проблемы теории и практики»: научн.-аналит.отчет по теме фундаментального и прикладного научного исследования. – Астана: ГУ «Институт законодательства Республики Казахстан», 2018. - 18 с. https://www.zqai.kz/sites/default/files/cpm_fpni_2017_final1.pdf

[2] Тихомиров Ю.А., Павлушкин А.В., Горохов Д.Б., Чеснокова М.Д., Черепанова Е.В., Глазкова М.Е. Об организации и проведении правового мониторинга // Журнал российского права. –2010. –125-136

мумкинлиги назарда тутилмаган. Демак, Россия Федерациясида ҳуқуқий мониторинг субъекти сифатида ижро этувчи ҳокимият органлари намоён бўлмайди.

Бошқа бир илмий манбаларда эса, ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи субъектлар давлат ҳокимиятининг қайси органларига мансублиги масаласига аниқлик киритилмаган бўлсада, уларни қуйидаги икки тоифага ажратиш таклиф этилади: 1) доимий равишда ҳуқуқий мониторинг ўтказишга масъул бўлган субъектлар, яъни ихтисослашган органлар, муассаса ва ташкилотлар; 2) вақти-вақти билан муайян соҳада, яъни ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини ёки тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқни қўллаш амалиётида амалга ошириш сифатини баҳолаш зарурати юзага келганда ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи субъектлар.

Юқоридаги манбада ҳам давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органларига мансуб органлари ҳуқуқий мониторингни амалга оширишлари тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлсада бевосита ижро органларига ишора қилинмоқда[1]. Шу билан бирга, юқоридаги фикрга асос сифатида Қозоғистон тажрибаси келтириб ўтилиб, ушбу давлатда ҳуқуқий мониторинг давлат органлари, шу жумладан вазирликлар томонидан ҳам амалга оширилиши қайд этилмоқда. Хусусан, Қозоғистоннинг “Ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 50-моддаси 2-бандида давлат органлари ўзлари ишлаб чиққан ёки қабул қилган ёхуд улар ваколат доирасига кирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мониторингини амалга оширишлари, уларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишлари ёки ўз кучини йўқотган деб топишлари белгиланган[2].

Ҳуқуқий мониторинг бевосита давлат ҳокимиятининг ижроия ҳокимияти тармоғига кирувчи органлар томонидан ўтказилишига оид тажрибани Қирғизистон мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, Қирғизистоннинг 2009 йил 20 июлда қабул қилинган “Қирғизистоннинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 33-1-моддаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳаракатининг мониторинги ва самарадорлигини баҳолашга бағишланган.

Ушбу моддага биноан норма ижодкорлиги органлар (мансабдор шахслар) доимий равишда ўзлари қабул қилган

[1] «Мониторинг законов Республики Казахстан: проблемы теории и практики»: научн.-аналит.отчет по теме фундаментального и прикладного научного исследования. – Астана: ГУ «Институт законодательства Республики Казахстан», 2018. - 22 с. https://www.zqai.kz/sites/default/files/cpm_fpni_2017_final1.pdf

[2] Закон Республики Казахстан “О правовых актах”. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=37312788

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳаракатининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мақсадида мониторинг ўтказадилар[1].

Ўз навбатида эса, юқорида кўриб ўтган Қирғизистон қонунчилик тажрибасида ҳуқуқий мониторинг ўтказиш вазифаси бевосита давлат ҳокимиятининг ижро этувчи тармоғи органлари зиммасига юклатилмоқда.

Юқоридагига ўхшаш тажрибани Беларусь Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунига киритиш мумкин. Хусусан, ушбу қонуннинг 75-моддасида белгиланган нормада норма ижодкор органлар (мансабдор шахслар), шунингдек бошқа ваколатли давлат органлари ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқий мониторингни амалга оширишлари қайд этилган.

Эътиборли жиҳати, мониторинг натижаси бўйича қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар тайёрланиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни лозим даражада амалга оширишга қаратилган тегишли чоралар кўрилиши белгилаб берилган[2].

Аксарият Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг қонунчилигини таҳлил қилар эканмиз, уларда ҳуқуқий мониторингни амалга оширувчи органлар сифатида ижро этувчи органлар назарда тутилганлигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, Тожикистоннинг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуни 81-моддасида белгиланган нормага мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллашнинг мониторинги муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёни тўғрисидаги маълумотни таҳлил қилиш ва умумлаштириш мақсадида ҳуқуқ ижодкорлиги органлари томонидан амалга оширилади[3]. Бунда ҳуқуқ ижодкорлиги субъектлари деганда қайси органлар тушунилади деган саволнинг жавоби ҳам юқорида қайд этилган қонунда аниқ белгиланган. Хусусан, қонуннинг 2-моддасида ҳуқуқ ижодкорлиги субъектлари тушунчаси сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга давлат органлари келтириб ўтилган.

---

[1] Закон Кыргызской Республики от 20 июля 2009 года № 241 "О нормативных правовых актах Кыргызской Республики". https://cbd.minjust.gov.kg/202591/edition/1086595/ru

[2] Закон Республики Беларусь от 17 июля 2018 г. № 130-З "О нормативных правовых актах" Источник: https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=H11800130 – Национальный правовой Интернет-портал Республики Беларусь

[3] Закон Республики Таджикистан "О нормативных правовых актах" http://ncz.tj/content/

Гувоҳ бўлганимиздек, Тожикистон қонунчилигида ҳуқуқий мониторинг давлат ҳокимиятининг ижро этувчи тармоғига мансуб органлари томонидан ўтказилиши аниқ белгиланмаган бўлсада, мазмунан ҳар қандай давлат органи шу жумладан ижро органлари ҳам назарда тутилмоқда.

Молдова қонунчилигида норматив ҳужжатлар қоидаларини амалга ошириш мониторингини амалга оширувчи субъектлар доираси аниқ белгиланган. Хусусан, Молдованинг 2017 йил 22 декабрдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуни 75-моддасида норматив ҳужжат қоидаларини амалга ошириш мониторинги тегишли норматив ҳужжат кучга кирган кундан бошлаб икки йилдан кам бўлмаган муддатда уни амалга ошириш учун масъул бўлган муассаса томонидан ўтказилиши қатъий белгиланган[1].

Демак, Молдова қонунчилиги бўйича "норматив ҳужжатни амалга ошириш учун масъул бўлган муассаса" деганда тўғридан-тўғри тегишли қонунчилик ҳужжати ижросини таъминловчи, яъни давлат ҳокимиятининг ижро этувчи ҳокимиятига мансуб бўлган органи тушунилмоқда.

Юқоридагиларга ўхшаш ёндошувни Туркманистон қонунчилигида ҳам учратиш мумкин. Жумладан, Туркманистонннинг 2017 йил 8 сентябрдаги "Ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуни 50-моддаси "ҳуқуқий мониторинг"га бағишланган. Унда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқишга масъул бўлган ваколатли органлар ҳуқуқий мониторингни амалга оширишлари ва ўз вақтида уларга қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритишлари ёки ўз кучини йўқотган деб топиш чораларини кўришлари назарда тутилган[2].

Эътиборли жиҳати, мазкур давлат қонунида "ваколатли орган" тушунчасига Туркманистон Конституциясида белгиланган ваколатларга мувофиқ ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар сифатида таъриф берилган.

Гувоҳ бўлганимиздек, Туркманистон қонунчилигида ҳуқуқий мониторингни амалга оширувчи органлар давлат ҳокимиятининг қайси тармоғига кириши масаласига аниқлик киритилмаган бўлсада,

---

[1] Республика Молдова парламент. Закон № 100 от 22-12-2017 г. "О нормативных актах". https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=134916&lang=ru

[2] Закон Туркменистана "О правовых актах". https://turkmenistan.gov.tm/index.php/ru/post/29564/zakon-turkmenistana-%3Cbr%3Eo-pravovykh-aktakh

юқорида таҳлил қилинган бошқа давлатлар сингари ижро этувчи органлар назарда тутилмоқда деган хулосага келиш мумкин.

Зеро, Туркманистоннинг “Ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қиладиган субъектлар сифатида парламентдан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, тармоқ бошқарув органлари, ҳокимлар ҳам назарда тутилган.

Европа ва Америка давлатларида давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органлари ҳуқуқий мониторинг ўтказиши МДҲ, шу жумладан Ўзбекистондаги ҳуқуқий мониторингдан тубдан фарқ қилишини қайд этиш жоиз. Чунончи, бундай асосий фарқ бевосита Европа давлатлари қонунчилиги ва тажрибасида ҳуқуқий мониторинг деган институтнинг йўқлигида намоён бўлади. Бунда Европа ва Америка давлатларида ҳуқуқий мониторинг институти ўрнига моҳиятан ҳуқуқий мониторинг билан ўзаро ўхшаш бўлган “тартибга солиш таъсирини баҳолаш” институтидан фойдаланилади. Европа ва Америка давлатларида тартибга солиш таъсирини баҳолашни амалга оширувчи субъектларга аниқлик киритиш бевосита мазкур институтни ташкил этиш усуллари билан боғлиқдир. Бунда тартибга солиш таъсирини баҳолашни амалга оширишни ташкил этиш усулларини шартли равишда марказлашган, марказлашмаган ва аралаш усулларга ажратиш мумкин.

Тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг марказлашган усулида баҳолаш махсус ваколатли орган ёки алоҳида тузилма томонидан амалга оширилади. Марказлашмаган усулда эса тартибга солиш таъсирини баҳолаш бирор-бир субъектнинг вазифаси ҳисобланмасдан ҳар қандай манфаатдор субъект (давлат органлари ва идоралар, илмий ҳамжамият, ихтисослашган институтлар ва б.) ўз ташаббуси билан исталган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаши мумкин. Тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг аралаш усулида муайян субъектларга баҳолаш ўтказиш ваколати берилганлиги билан бирга бошқа ташкилотлар, муассалар ёки комиссияларга ҳам бундай ҳуқуққа эгалигида намоён бўлади[1].

Ўз навбатида Европа ва Америка давлатларининг ҳар бирида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини

[1] Арзамасов Ю.Г., Наконечный Я.Е. Концепция мониторинга нормативных правовых актов. – М.: Юрлитинформ, 2011. – 200 с.

баҳолашнинг турли усулларидан фойдаланилади. Шундай экан, Европа ва Америка давлатларида тартибга солиш таъсирини баҳолашни амалга оширувчи давлат органлари тизимида бевосита давлат ҳокимиятининг ижро этувчи тизимига мансуб бўлган давлатлар ҳам учрайди. Хусусан, Италия, Германия ва Испанияда миллий қонунчилик самарадорлиги масалалари билан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган, шу жумладан ижро этувчи ҳокимиятнинг таркибий қисми бўлган ҳукуматлар, вазирликлар, минтақавий органлар шуғулланадилар[1].

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги амалга оширилиши борасида юқорида санаб ўтилган давлатлар қонунчилигига ўхшаш ёндошув кўзга ташланади. Хусусан, 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 53-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ва бошқа ташкилотлар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси билан боғлиқ масалалар бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторингини амалга ошириши белгиланган[2].

Бунда юқорида келтирилган қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар сифатида айнан давлат ҳокимиятининг ижро этувчи ҳокимияти тармоғига мансуб бўлган Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, қўмиталар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари санаб ўтилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–111-сонли Фармони 3-бандида норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш мақсадларига эришилишини таҳлил қилиш, унинг ижросини таъминлаш ҳамда баҳолаш учун статистик маълумотларни йиғиш мақсадида ҳар йили масъул давлат органи томонидан мониторинг олиб борилиши ҳақидаги тартиб ўрнатилган.

Эътибор берадиган бўлсак, ҳуқуқий мониторингни олиб бориш тартиби масъул давлат органига юклатилаётган бўлсада, бу

---

[1] Арзамасов Ю.Г. Оценка регулирующего воздействия: понятие, функции, проблемы институализации// https://pravo.hse.ru/.../2013_Арзамасов_ЮГ_Оценка%20регулирующего%20возде

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни. https://lex.uz/docs/5378966#5380951

органнинг қайси давлат ҳокимияти таркибига кириши ҳақида аниқлик киритилмаган.

Қайд этилган Фармон билан тасдиқланган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш масалалари алоҳида бобда баён этилган.

Мазкур низомнинг 43-бандида масъул давлат органи тушунчасига аниқлик киритишга ҳаракат қилинган бўлиб, унда мониторинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатда унинг мониторинги ўтказилишига бевосита масъул этиб белгиланган давлат органи томонидан, масъул орган белгиланмаган ҳолларда тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга оширувчи вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилиши ҳақидаги қоида назарда тутилган[1]. Гувоҳ бўлганимиздек, масъул давлат органи тушунчаси орқали давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органлари назарда тутилмоқда.

Демак, юқорида гувоҳ бўлганимиздек, мамлакатимизда ҳуқуқий мониторинг бевосита ижро этувчи ҳокимият тармоғига кирувчи давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Ҳуқуқий мониторингни ижро этувчи органлар томонидан амалга оширилишига ўз муносабатини билдирар экан ҳуқуқшунос Р.Сайидов норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторинги самарали ташкил этилиши кўп жиҳатдан ҳукумат фаолияти билан боғлиқ деган хулосани илгари суради[2].

Юқоридагилардан ташқари, Р.Сайидов ўзининг тадқиқот ишида ҳуқуқий мониторингни амалга оширувчи давлат бошқаруви органларини ваколат доирасига кўра, умумий ва махсус ваколатли органларга ажратиш мумкинлигини, ҳуқуқий мониторингни ўзининг юридик хизматлари орқали амалга оширувчи органлар умумий ваколатли органлар ҳисобланса, давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқий мониторингни ўтказиш соҳасидаги

[1] Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом. https://lex.uz/docs/7069968

[2] Р.Сайидов Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари 12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. маъмурий ҳуқуқ. молия ва божхона ҳуқуқи. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент, 2023 й. – 66 б.

фаолиятини мувофиқлаштирувчи давлат органи махсус ваколатли орган сифатида баҳоланишини таъкидлайди[1].

Шу ўринда ижро органи томонидан ҳуқуқий мониторингни амалга ошириш зарурати борми, агар бўлса бундай зарурат нималарда намоён бўлади деган ўринли саволни таҳлил қилсак.

Фикримизча, айнан давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органларида мунтазам равишда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш объектив зарурати мавжуд бўлиб, бу қуйидагиларда намоён бўлади:

а) ижро этувчи органларининг ҳуқуқий мониторинг ўтказишдан бевосита манфаатдорлиги.

Хусусан, 2023 йил 1 майда кучга кирган Конституциянинг 115-моддасида ижро органларининг энг юқори бўғини ҳисобланган Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Бунда Вазирлар Маҳкамаси учун унинг таркибига кирувчи қуйи ташкилотларда қайд этилган вазифанинг ижроси қанчалик даражада таъминланаётганлигини аниқлаш ва баҳолаб бориш долзарб аҳамият касб этади.

Айнан шу сабабли ҳам, Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимият тармоғи сифатида ҳуқуқий мониторинг ўтказишдан манфаатдор субъект бўлиб ҳисобланади.

б) ижро этувчи органларда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун зарур бўлган барча ташкилий асосларнинг мавжудлиги.

Хусусан, амалдаги қонунчиликда қонунчилик ҳужжатлари ижроси мониторингини ўтказиш вазирлик ва идоралар марказий аппаратларида тузилган стратегик режалаштириш ва методология бўйича таркибий бўлинмалар зиммасига юклатилган.

Бугунги кунда аксарият вазирлик ва идораларда стратегик режалаштириш ва методология бўйича таркибий бўлинмалар ташкил этилган бўлиб, бу ўз навбатида ҳуқуқий мониторингни ўтказишда зарур бўлган кадрларга бўлган эҳтиёжни таъминлашга хизмат қилади.

в) ҳуқуқий мониторинг ўтказишда ижро органларининг фаолияти мувофиқлаштирилиши.

---

[1] Р.Сайидов Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари 12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. маъмурий ҳуқуқ. молия ва божхона ҳуқуқи. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент, 2023 й. – 74 б.

Амалдаги қонунчилик билан Адлия вазирлигига ҳуқуқий мониторингни ўтказиш бўйича масъул вазирлик ва идораларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиб бориш вазифаси юклатилган[1].

г) ижро этувчи органлар ҳуқуқий мониторинг натижаларини бевосита амалга оширишлари учун ҳуқуқий механизмлар яратилганлиги.

Таъкидлаш жоизки, ижро этувчи органларда ҳуқуқий мониторинг натижасида қўлга киритилган хулосаларни реализация қилиш имкониятини берувчи ҳуқуқий механизмлар мавжуд. Жумладан, амалдаги Конституциянинг 98-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга ҳисобланади[2]. Шу билан бирга, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар эканлиги белгиланган[3].

Демак, ҳуқуқий мониторинг натижасида амалдаги қонунчиликка қўшимча ва ўзгартириш киритиш зарурати пайдо бўлса, ижро этувчи органлар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиш орқали бундай эҳтиёжни таъминлайдилар.

Шу билан бирга, ҳуқуқий мониторинг натижасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш зарурати вужудга келса ижро этувчи органлар ушбу йўналишдаги таклифларни ҳам ўзлари амалга ошира оладилар.

д) ижро этувчи органлар томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш вазифалари ва тартибининг белгиланганлиги.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон қарори билан “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланган бўлиб, унда ҳуқуқий

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.08.2024 йилдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-111-сон Фармони. https://lex.uz/docs/7069968

[2] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. https://lex.uz/docs/6445145

[3] Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни. https://lex.uz/docs/5378966

мониторингнинг асосий вазифалари, мониторинг натижаларининг эълон қилиб бориш тартибига оид масалалар ўз ифодасини топган[1].

Шунингдек, адлия вазирининг 2025 йил 31 январдаги 2-мҳ-сон буйруғи билан Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш услубиёти тасдиқланган бўлиб, ушбу ҳужжатда мониторинг режасини ишлаб чиқиш тартиби, мониторингни ташкил этиш, натижаларини қайд этиш билан боғлиқ масалалар акс этган[2].

Манбаларда ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби ва босқичлари борасида турлича қарашлар илгари сурилади. Хусусан, ҳуқуқий мониторинг бўйича махсус тадқиқот олиб борган ҳуқуқшунос Р.Сайидов илмий ишида икки хил ёндошувни учаратамиз. Жумладан, биринчи ёндошувда тадқиқотчи ижро этувчи ҳокимият сифатида Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартибида айнан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторинги муҳим ўрин эгаллашини таъкидлайди. Яна бир ўринда эса, Вазирлар Маҳкамасининг қонунлар лойиҳалари ва қонунларнинг кўриб чиқилишини мониторинг қилиб бориш масаласини қонунчиликда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ деган хулосага келади. Бошқа бир илмий манбаларда эса, ижро этувчи давлат органлари томонидан ҳуқуқий мониторингни амалга ошириш тартибидаги ўзига хос камчиликлардан бири сифатида унинг фақат амалдаги қонун ҳужжатлари бўйича ўтказилиши мумкинлиги қайд этилади[3].

Ўз навбатида мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органлари томонидан ҳуқуқий мониторингни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон қарори билан “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом ҳамда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон қарори билан “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом. https://lex.uz/docs/5331912#7081702

[2] Адлия вазирининг 2025 йил 31 январдаги 2-мҳ-сон буйруғи билан Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш услубиёти. https://lex.uz/docs/7370767

[3] Аналитический отчет по теме фундаментального и научно-прикладного исследования: “Проблемы и пути совершенствования правового мониторинга в Республике Казахстан». – Астана, 2015 г. – С. 38. https://www.zqai.kz/sites/default/files/2015_1.pdf

ижросини мониторингдан ўтказиш услубиётда батафсил тартибга солинган.

Юқоридаги ҳужжатлардаги қоидаларни таҳлил қилар эканмиз унда ижро этувчи органлар томонидан ҳуқуқий мониторингни амалга оширишнинг қуйидаги 6 та босқичлари назарда тутилган:

1) Ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режаси лойиҳасини шакллантириш;

2) Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг индикаторларини ишлаб чиқиш;

3) Мониторинг ўтказиш;

4) Ҳуқуқий мониторинг натижаларини қайд этиш;

5) Ҳуқуқий мониторинг натижаларини эълон қилиш;

6) Ҳуқуқий мониторинг натижаларидан келиб чиқиб, чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.

Ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартиби ва уни ўтказиш босқичларига оид нормаларни таҳлил қилиш жараёнида уларда бир қатор қуйидаги камчиликлар мавжудлиги кўзга ташланади:

амалдаги қонунчиликда ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг асосий шарти муайян соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мавжуд бўлиши ҳисобланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон қарори ва адлия вазири тасдиқлаган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш услубиёти нормаларини таҳлил қиладиган бўлсак, уларда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш бевосита муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан боғланганлигига гувоҳ бўламиз.

Шунингдек, адлия вазири тасдиқлаган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш услубиёти 9-бандида ҳам мониторинг режасини шакллантирилиши ва ўлчанишининг мезонлари сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишдан кўзланган мақсадлар назарда тутилган.

Демак, ҳар қандай ижро этувчи орган ҳуқуқий мониторингни фақатгина муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси юзасидан ишлаб чиқади. Бирор-бир соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги тегишли соҳа юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш имконини бермайди.

Ваҳоланки, ижтимоий муносабатлар шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунда барча соҳаларни ҳуқуқий

жиҳатдан тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган деб айта олмаймиз. Масалан, 2023 йил 30 апрелда қабул қилинган янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизнинг 1-моддасида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий давлат эканлиги ҳақидаги янги норма белгиланди. Табиийки, Конституциядаги ҳуқуқий давлат тамойилига амал қилинишши аҳволи юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилаадиган бўлса, асос сифатида қайси қонун нормалари олиниши мавҳум бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, бугунги кунга қадар ҳуқуқий давлатнинг мазмун-моҳиятини очиб берадиган бирорта қонун ҳужжати мавжуд эмас. Бу ўз навбатида ҳар қандай масала юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказишда фақатгина амалдаги қонун ҳужжати қабул қилинган бўлиши лозимлиги, унинг мақсадларига эришилганлиги ҳақидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келмайди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–111-сонли Фармони билан тасдиқланган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомда мониторинг режасида акс этиши лозим бўлган маълумотлар сифатида ижтимоий муносабатларни алоҳида кўрсатиш мақсадга мувофиқ;

ҳуқуқий мониторинг ўтказишни режалаштириш фақат ижро этувчи ҳокимият тизимига кирувчи давлат органлари зиммасига юклатилганлиги.

Хусусан, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш услубиётига мувофиқ ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режаси фақат масъул вазирлик ва идора томонидан ишлаб чиқилиб, унинг биринчи раҳбари томонидан тасдиқланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги ПФ–111-сон Фармонига мувофиқ ҳар йили норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш мақсадларига эришилиши бўйича масъул давлат органи томонидан ҳуқуқий мониторинг олиб борилиши белгиланган. Бу ўз навбатида бошқа субъектлар масалан, турли илмий-тадқиқот муассасалари ёки суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳуқуқий мониторинг режасига таклифлар бериш ҳуқуқи истисно этилишига олиб келмоқда.

Ваҳоланки, айнан ушбу субъектлар ижро органлар таклиф этаётганига нисбатан жамиятдаги жуда долзарб бўлган турли масалалар юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш бўйича асослантирилган таклифларни ишлаб чиқиш бўйича етарлича ҳуқуқни қўллаш амалиёти тажрибасига ва ресурсларга эгалиги билан ажралиб туради. Масалан, илмий-тадқиқот муассасида бирор-бир қонунчилик ҳужжатининг амалиётда қўлланилиши бўйича тадқиқотлар олиб борилади ва натижаси бўйича таклифлар ишлаб чиқилади. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жумладан прокуратура органларида ҳам ўтказилган прокурор назорати тадбирлари натижаси бўйича қўшимча ўрганиш ўтказиш ва зудлик билан бартараф этиш лозим бўлган қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган бўлади. Айнан юқорида санаб ўтилган субъектларга ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режасига таклифларнинг бериш имкониятининг назарда тутилмаганлиги режалаштирилаётган ҳуқуқий мониторингни объектив ва жамиятдаги долзарб масалаларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари юзасидан ўтказилмай қолишига олиб келади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги “Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5025-сон Қарори билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 3-бобини қуйидаги хатбоши билан тўлдириш таклиф этилади.

“Илмий-тадқиқот муассасалари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул вазирлик ва идораларнинг мониторинг режасига ҳар йили 1 декабрга қадар асослантирилган таклифларни тақдим этадилар”;

ҳуқуқий мониторингни режалаштиришда ижро органлари зиммасига улар манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган айрим кўрсаткичларни таҳлил қилиш вазифасининг юклатилганлиги.

Амалдаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш услубиётида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар самарадорлигини баҳолаш индикаторлари назарда тутилган.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида ушбу индикаторлар билан боғлиқ маълумотларнинг ошкор қилиниши ҳуқуқий мониторингни

ўтказаётган ижро органининг манфаатига мос келмайди. Масалан, ҳуқуқий мониторинг ўтказишда ресурс кўрсаткичлари ва амалиёт кўрсаткичларига оид маълумотлар кўрсатилиши лозимлиги назарда тутилган бўлиб, бунда айрим мониторингни ўтказувчи давлат органи томонидан амалиёт кўрсаткичларига оид айрим маълумотларнинг ошкор қилиниши давлат бошқаруви органларининг ноқонуний ёки асоссиз қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) мавжудлигининг ошкор бўлишига олиб келиши мумкин. Бу ўз навбатида, ижро органининг манфаатларига зид ҳисобланади.

Шу сабабли, ҳуқуқни қўллаш амалиётида бирорта ижро органи ҳуқуқий мониторинг ўтказишда ва унинг натижаларини эълон қилишда ўзининг тизимида қонунчилик ҳужжатларини қўллашда ноқонуний ёки асоссиз қарорлар қабул қилинганлиги билан боғлиқ маълумотларни келтириб ўтмайди. Яна бир мисол. Юқорида қайд этилган услубиётда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг таҳлили мониторинг режасини шакллантириш ва мониторингдан ўтказиш учун ахборот манбаси ҳисобланиши белгиланган белгиланган.

Демак, муайян ижро органи жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг таҳлили асосида ҳуқуқий мониторинг режасига таклиф берадиган бўлса, ўзининг тизимига кирувчи ёки қуйи турувчи ташкилотлари томонидан тегишли қонунчилик ҳужжатини қўллашда уни нормаларини нотўғри талқин этилиши, бунинг натижасида қаноатлантирилган мурожаатларни батафсил ёритиб бериши талаб этилади.

Бу ўз навбатида тегишли ижро органи тизимида қонунчилик ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ амалиётнинг тўғри йўлга қўйилмаганлигини англатади. Юқоридаги таҳлилларни тақдим этилиши нафақат қонунчилик ҳужжатларини нотўғри қўллаган масъул шахсларнинг жавобгарлигига сабаб бўлиши, балки тегишли ижро органи раҳбариятининг ўз вақтида зарур чораларни кўрмаган деган важ билан лавозимга нолойиқ деган хулоса чиқаришга ҳам етарлича асос бўлиши мумкин. Айнан шу сабабли ҳам ижро этувчи органлар ҳуқуқий мониторинг режасини ишлаб чиқишда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг таҳлилини тақдим этмайдилар.

Ҳуқуқий мониторингни ўтказишга оид амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибдаги яна бир муҳим масала мониторинг ташкил

этиш ва ўтказиш жараёнида холислик ва етарлилик принципларига риоя этилишини таъминлаш ҳисобланади. Бунда амалдаги тартибга ҳуқуқий мониторинг ижро органи ҳисобланган масъул давлат органи томонидан амалга оширилишини инобатга олсак, тегишли орган томонидан ижроси ўзига бириктирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўйича ўтказилган мониторингда холислик ва етарлилик принципларига риоя этилганлигини аниқлаш механизмлари назарда тутилмаган. Масалан, амалдаги қонунчилик ҳужжатларининг бирортасида тегишли давлат органи томонидан ўтказилган мониторингда ишончли маълумотлардан фойдаланилганлигини текшириш мумкинлигига оид бирорта қоида белгиланмаган.

Бу ўз навбатида масъул давлат органи томонидан ўзига тегишли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ижроси бўйича ўтказилган ҳуқуқий мониторинг натижаларидан манфаатдорлигини келтириб чиқишига сабаб бўлади. Зеро, ўз йўналишида ҳуқуқий мониторингни ўтказаётган давлат органи мониторинг натижалари қайта текширилмаслигини олдиндан билар экан, албатта қонунчиликдаги ўз манфаатига хизмат қилувчи бўшлиқларни кўрсатмасликка, қарама-қаршиликларни фош қилмасликка ҳаракат қилади.

Бу ҳолатда ҳуқуқий мониторинг устидан назоратни амалга ошириш ҳам мониторинг натижалари ишончлилигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда ижро органлари томонидан амалга оширилган ҳуқуқий мониторинг устидан назорат қайси давлат органи ёки ташкилот томонидан амалга оширилиши лозим деган ҳақли савол пайдо бўлади.

Бизнингча, ижро органлари томонидан ҳуқуқий мониторингни амалга оширилиши устидан назорат қилиш ваколатини бериш учун қуйидаги принципларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ:

а) **бетарафлик.** Бунда бошқа давлат органи томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилиши устидан назоратни амалга оширувчи орган мониторинг натижаларидан манфаатдор бўлмаслиги назарда тутилади.

б) **мустақиллик.** Ушбу принцип орқали ҳуқуқий мониторинг устидан назоратни амалга оширадиган субъектнинг бошқа органлардан айниқса, ижро этувчи органлардан чинакам мустақил бўлиши назарда тутилади.

в) **зарур ваколатларга эгалик.** Ушбу принципнинг моҳияти шундаки, у орқали назоратни амалга оширувчи субъект ҳуқуқий

мониторингда келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириш, зарур маълумотларни тегишли давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан сўраб олиш бўйича зарур ваколатларга эга бўлиши лозим.

Зеро, ҳуқуқий мониторингда келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириш ваколатига эга бўлмаган субъект сохта маълумотлар қўлланганлигини исботлаб бера олмайди.

Фикримизча, юқоридаги принципларга тўлақонли жавоб берадиган ташкилот сифатида Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтини кўрсатиш мумкин. Ушбу институт Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-462-сон қарори асосида ташкил этилган.

Қайд этилган қарорга биноан институт Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобдор бўлган, давлат экспертлик илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ҳуқуқий мониторинг ўтказилишини назорат қилиш вазифасини Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти зиммасига юклашни назарда тутувчи тегишли ўзгартиришлар киритиш таклиф этилади.

3.2-§. Суд ҳокимиятининг қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингида иштироки

Ҳуқуқий мониторингни амалга оширишда ижро этувчи давлат органлари билан бир қаторда бошқа давлат органларининг иштироки ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда суд органларини ушбу жараёнга жалб қилиш ва уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти материалларидан фойдаланиш режалаштирилган ҳуқуқий мониторингнинг комплекслигини, қонунчилик ҳужжатларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан уйғунлигини таъминлашга, мониторинг натижасида ишлаб чиқилган таклифларни асослантиришга хизмат қилади.

Адабиётларда суд органларининг ҳуқуқий мониторингда иштироки ва унинг аҳамияти борасида хилма-хил ёндошувлар мавжуд. Жумладан, айрим манбаларда суд органлари ҳуқуқий мониторингни амалга оширувчи муҳим субъект эканлиги таъкидланар экан, уларни мазкур жараёнга жалб қилиш ҳуқуқий мониторинг самарадорлигини тубдан оширишга хизмат қилиши алоҳида қайд этилади[1]. Яна бир ҳуқуқшунос Д.В.Якимов қонун ҳужжатлари ҳуқуқий мониторингини ўтказишда судларнинг роли ва ўрнига деярли аҳамият берилмаганлигини алоҳида таъкидлар экан, суд органларини ҳуқуқий мониторинг ўтказиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга субъектлар сифатида қонунчиликда белгилаш керак деган фикрни илгари суради[2]. Дарҳақиқат, ҳуқуқий мониторинг самарадорлигини белгилашда суд органларининг роли беқиёсдир. Зеро, ушбу ўринда судларнинг роли ҳақида сўз кетганда ҳуқуқшунос олим О.И.Туинованинг айнан суд органлари қонуннинг қанчалик даражада мукаммал эканлигини белгилаб бера олади[3] деган фикрини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Бунда судларнинг амалиёти ҳуқуқий мониторинг ўтказишда муҳим манба бўлиб хизмат қилишига асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ.

Яна бир гуруҳ олимлар субъект сифатида судларнинг ҳуқуқий мониторинг ўтказиш мажбуриятига эга эмасликларини таҳлил қилар эканлар бунда улар ўз ташаббуслари билан махсус ваколатли давлат органига ҳар йиллик ҳуқуқий мониторинг режасини тузишда иштирок этиш ҳуқуқига эга деган хулосага келадилар[4]. Бунда мазкур олимлар ўз хулосаларини олий суд органлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгалиги билан асослашга уринадилар. Уларнинг фикрича, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъект ўз ташаббуси билан ҳуқуқдаги бўшлиқларни тўлдиришга қаратилган таклифларни илгари суриш ваколатига эга экан бу ваколат нафақат муайян

---

[1] «Мониторинг законов Республики Казахстан: проблемы теории и практики»: научн-аналит.отчет по теме фундаментального и прикладного научного исследования. – Астана: ГУ «Институт законодательства Республики Казахстан», 2018. - 22 с. https://www.zqai.kz/sites/default/files/cpm_fpni_2017_final1.pdf

[2] Якимов Д.В. Правовой мониторинг как одна из форм реализации права: проблемы и перспективы развития. Научный электронный журнал «Академическая публицистика». №4-2\2023. – С. 265. https://aeterna-ufa.ru/sbornik/AP-2023-04-2.pdf#page=263

[3] Артамонов, А.Н. Пределы совершенствования законодательства и некоторые его современные недостатки // Российская юстиция. – 2020. – № 11. – С. 47-48

[4] А.Павлушкин, М.Глазкова, Е.Черепанова. Судебная практика в механизме правового мониторинга. Журнал российского права № 8 — 2014. – С. 57-60. https://cyberleninka.ru/article/n/sudebnaya-praktika-v-mehanizme-pravovogo-monitoringa

қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишни, балки бундай лойиҳалар билан боғлиқ ҳар қандай, шу жумладан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш ҳақидаги таклифни ҳам ўз ичига олади.

Яна бир ҳуқуқшунос олим М.Глазкова айнан судларда муайян тоифадаги ишларни кундалик кўриш жараёнида қонунчилик ҳужжатларида мавжуд бўлган бўшлиқлар намоён бўлишини ҳақли равишда таъкидлаб ўтади. Шу билан бирга ушбу олима судларнинг ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи субъектлар тоифасига киритилмаганлигини изоҳлар экан суд ҳокимиятининг олий органлари ҳуқуқий мониторинг ўтказиш ҳақидги ташаббус билан махсус ваколатли органга мурожаат қилишлари мумкин деган ғояни илгари суради[1]. Гувоҳ бўлганимиздек, юқорида келтирилган олимлар ҳуқуқий мониторинг ўтказишда ва уни натижаларининг самарадорлигида суд органларининг аҳамияти беқиёслигини қайд этиб ўтадилар. Ўз навбатида М.Глазкованинг судлар ҳуқуқий мониторингда ўзларининг ташаббуслари билан иштирок этишлари мумкин деган хулосаси тўғри бўлсада, амалиётда бундай ёндошув судларга ҳеч қачон қонунда белгиланган вазифаларидан четга чиққан ҳолда ўз ташаббуслари билан ҳуқуқий мониторинг ўтказмасликларини, қолаверса бирор-бир даражадаги давлат органи судлардан ҳуқуқий мониторинг ўтказишни таклиф қилганда ҳам бундай таклиф туфайли судлар ҳуқуқий мониторинг ўтказишларига олиб келмаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунончи, юқоридаги вазиятда суд органларига ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун масъул бўлган давлат органи фақатгина асослантирилган таклифлар тақдим этиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин. Ушбу ҳолатда эса, суд органининг мансабдор шахси катта эҳтимол билан бундай хатга жавоб бермасдан уни маълумот учун қабул қилиш билан чекланади.

Фикримизни ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ҳолат билан асослашга ҳаракат қиламиз. Амалдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 37, 41, 52 ва 56-моддалари билан турли даражадаги судлар зиммасига суднинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни амалга оширишга доир фаолияти тўғрисида маҳаллий Кенгашларга бир

[1] М.Глазкова Органы судебной власти в механизме мониторинга правоприменения и мониторинга процессуальных норм. Журнал российского права № 9 — 2012. – С. 97-107. https://cyberleninka.ru/article/n/organy-sudebnoy-vlasti-v-mehanizme-monitoringa-pravoprimeneniya-i-monitoringa-protsessualnyh-norm

йилда камида бир марта ахборот тақдим этиш мажбурияти юклатилган.

Амалиётда эса, маҳаллий Кенгашлар турли даражадаги судлар раисларига уларнинг Қонунда белгиланган ахборот тақдим этиш мажбуриятидан фойдаланган ҳолда турли вазифалар юклаш ҳолатлари кузатилмоқда. Ана шундай вазифалардан бирини бевосита ҳуқуқий мониторинг ўтказиш вазифаси ташкил этади. Жумладан, халқ депутатлари Қумқўрғон тумани Кенгашининг 2022 йил 20 январдаги қарори 2-банди билан Фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро суди ва Қумқўрғон туманлараро иқтисодий суди раислари зиммасига суд ҳужжатларининг ижроси юзасидан мониторинг ўрнатиш, аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари ҳақида прокуратурага маълумот бериб бориш вазифаларини юклаган[1]. Бунда ўрганишларнинг кўрсатишича, Фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро суди ва Қумқўрғон туманлараро иқтисодий суди раислари томонидан суд ҳужжатларининг ижроси юзасидан мониторинг ўтказилмаган.

Яна бир юқоридагига ўхшаш ҳолатни халқ депутатлари Бўстонлиқ туман Кенгашининг 2022 йил 16 февралдаги қарорининг 2-бандида ҳам учратиш мумкин. Мазкур қарор билан Бўстонлиқ туманидаги судларга “аёллар, вояга етмаганлар, ёшлар” жиноятчилигини доимий равишда таҳлил қилиб бориш вазифаси юклатилган[2]. Ўз навбатида амалдаги қонунчиликка мувофиқ муайян соҳани таҳлил қилиш ҳам ҳуқуқий мониторингнинг бир босқичи ҳисобланишини инобатга олсак, қарордаги вазифа ҳам судларга ҳуқуқий мониторинг ўтказишни назарда тутаётганлигини англаш мумкин.

Юқоридаги сингари мисолларни маҳаллий Кенгашлар томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётида чиқарилаётган яна кўплаб қарорларда келтириш мумкин. Шу билан бирга, халқ депутатлари Бўстонлиқ ва Қумқўрғон тумани Кенгашларининг юқорида келтирилган қарорлари билан судлар раисларига юклатилган мониторинг ўтказиш билан боғлиқ вазифани таҳлил қилар эканмиз, ушбу қарорлар бир тарафдан Кенгаш ўз ваколат доирасидан четга чиққаётганини кўрсатса, иккинчи тарафдан жамиятда судлар

[1] Qumqo‘rg‘on tumanlararo iqtisodiy sudi hamda fuqarolik ishlari bo‘yicha Qumqo‘rg‘on tumanlararo sudlari tomonidan 2021-yil davomida amalga oshirilgan ishlar yuzasidan axborotlari to‘g‘risida. https://e-qaror.gov.uz/doc/404919

[2] Халқ депутатлари Бўстонлиқ туман Кенгашининг 2022 йил 16 февралдаги қарори. https://e-qaror.gov.uz

томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий мониторингга эҳтиёж борлигини кўрсатмоқда.

Шундай бўлсада, биз вакиллик органлари ҳисобланган халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан судлар раисларига ҳуқуқий мониторинг ўтказиш билан боғлиқ вазифалар юкланишини қуйидагиларга кўра асоссиз деб ҳисоблаймиз:

маҳаллий Кенгашлар томонидан судлар зиммасига “Судлар тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилмаган қўшимча вазифаларнинг юклатилиши суд ҳокимиятининг фаолиятига аралашиш ҳисобланади Конституцияда белгиланган суд ҳокимиятининг кафолатларининг таъминланмаслигига олиб келади;

маҳаллий Кенгашлар томонидан суд органларига нисбатан босим ўтказилишига шароит яратади;

вилоят ва туман даражасидаги судлар томонидан муайян масала юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш ва тегишли хулосаларга келиш мазкур масала бўйича бутун республика ҳудудидаги ҳаққоний аҳволни тўлақонли акс этмаслигига олиб келади;

вилоят ва туман даражасидаги судларда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун талаб этиладиган кадрлар ва бошқа ресурсларнинг етарли эмаслиги сабабли қуйи тизимдаги судларга мониторинг ўтказиш вазифасини юклаш мақсадга мувофиқ эмас.

Судларнинг маҳаллий кенгашларга ахборот беришларига оид халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда судларнинг давлат ҳокимияти бошқа тармоқларидан мустақил бўлишларини таъминлашга асосий эътибор қаратилганлиги аниқланди. Хусусан, АҚШ, Франция, Польша, Англия, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Туркманистон, Молдова, Қозоғистон, Тожикистон, Украина каби давлатларнинг маҳаллий давлат органлари тўғрисидаги қонунчилиги таҳлили ушбу мамлакатларда судлар маҳаллий вакиллик органларига ўз фаолияти тўғрисида ахборот беришлари назарда тутилмаган.

Шу билан бирга, ИҲТТнинг 2019 йил 21 мартда тасдиқланган Истамбул ҳаракатлар режасининг 4-босқич мониторинги натижасига оид ҳисоботда судлар раисларининг маҳаллий

Кенгашларга ахборот тақдим этиши судлар мустақиллигини чеклаши қайд этилган[1].

Сўнгги йилларда судлар фаолиятида очиқликни таъминлаш мақсадида суд қарорларини расмий веб-сайтда эълон қилиш тартибининг жорий этилаётганлиги, ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш йўлга қўйилганлигини инобатга олиб, судлар мустақиллиги кафолатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида "Судлар тўғрисида"ги, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунларга судлар раисларининг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни амалга оширишга доир фаолияти тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашига бир йилда камида бир марта ахборот тақдим этиши ҳақидаги қоидани бекор қилишни назарда тутувчи ўзгартишлар киритиш таклиф этилади.

Айрим илмий манбаларда ҳуқуқий мониторинг натижалари таҳлил қилинган ҳолда ҳуқуқий мониторингни амалга оширувчи давлат органлари суд амалиёти натижаларидан етарлича фойдаланмаётганликлари, суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини амалга ошириш ўтказилаётган ҳар бир мониторингнинг объекти бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади[2].

Шу ўринда амалдаги миллий қонунчиликда ҳам суд органлари ҳуқуқий мониторинг ўтказишда иштирок этувчи субъектлар сифатида белгиланмаганлигига ҳам эътибор қаратиш жоиз. Бизнингча, суд органларининг ҳуқуқий мониторинг ўтказишда иштирок этувчи субъект сифатидаги ролини тадқиқ қилишдан аввал қуйидаги бир қатор саволларга жавоб бериш мақсадга мувофиқ.

Суд органларини ҳуқуқий мониторинг ўтказишда роли қандай бўлиши лозим? Судларга ҳуқуқий мониторинг ўтказиш вазифасининг юклатилиши суд ҳокимияти тўғрисидаги халқаро стандартларга қанчалик мос келади? Суд органлари ҳуқуқий

[1] Антикоррупционные реформы в Узбекистане 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией. https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf

[2] «Мониторинг законов республики казахстан: проблемы теории и практики»: научн.-аналит.отчет по теме фундаментального и прикладного научного исследования. – Астана: ГУ «Институт законодательства Республики Казахстан», 2018. - 117 с.

мониторинг ўтказишда қандай шаклда иштирок этиши мақсадга мувофиқ?

Дарҳақиқат, юқорида қайд этилган ҳуқуқшунос олимлар таъкидлаганларидек ҳуқуқий мониторинг ўтказишда суд амалиёти материаллари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Амалдаги қонунчилик судларни ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи субъектлар қаторига киритмайди. Жумладан, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуннинг 53-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ва бошқа ташкилотлар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан назоратни, шунингдек уларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторингини ҳамда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг таҳлилини амалга ошириши белгиланган.Шу билан бирга, мазкур қонунда суд органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилувчи органлар қаторига киритилмаган. Ундан ташқари, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартибини белгилаб берувчи асосий қонунчилик ҳужжати ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги ПФ–111-сон Фармони билан тасдиқланган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомда ҳам ҳуқуқий мониторинг фақат вазирлик ва идоралар томонидан ўтказилиши белгиланган. Шу билан бирга, мазкур низомда ҳуқуқий мониторинг режасини шакллантириш ва ўтказиш учун ахборот манбаси ҳисобланадиган манбаларга суд қарорлари, шу жумладан суд амалиёти таҳлиллари келтириб ўтилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, суд органлари бевосита ҳуқуқий мониторингни ўтказувчи субъект тоифасига киритилмаган бўлсада унинг қонуний кучга кирган ҳужжатларидан ҳуқуқий мониторинг ўтказишда фойдаланиши лозим эканлиги қатъий белгиланган.

Яъни гувоҳ бўлганимиздек, суд органлари ҳуқуқий мониторинг ўтказишда бевосита эмас балки, билвосита субъектга айланиб қолмоқда. Шу нуқтаи-назардан келиб чиққан ҳолда судларнинг ҳуқуқий мониторинг ўтказишдаги роли қандай бўлиши лозимлигига аниқлик киритиб ўтсак. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг амалдаги тартибига кўра ҳуқуқий мониторинг объектига оид маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш

киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мониторингни муҳим жараёнларини ташкил қилади.

Демак, ҳуқуқий мониторинг ўтказишда амалга ошириладиган усуллар сифатида тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил усулларини кўрсатиш мумкин. Ўз навбатида амалдаги қонунчиликда ҳам суд органлари зиммасига суд материалларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ вазифалар юклатилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ваколатларидан бири сифатида суд амалиёти ва суд статистикасининг тизимли таҳлилини амалга ошириш белгиланган.

Шу билан бирга, юқорида қайд этилган қонуннинг 29-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатларининг ваколатлари сифатида суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш кабилар мустаҳкамланган. “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 33-моддаси билан суд амалиёти ва суд статистикасини умумлаштириш, уларнинг тизимли таҳлилини амалга ошириш ваколатлари Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар судига берилган. “Судлар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини таҳлил қилиш юқорида санаб ўтилган суд органлари тизимидан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят ва Тошкент шаҳар суди раёсати, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар судининг судлов ҳайъатлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий суди, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий суди раёсати ва уларнинг судлов ҳайъатлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, унинг раёсати ва судлов ҳайъати зиммасига ҳам юклатилган.

Гувоҳ бўлганимиздек, амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг асосий босқичлари ҳисобланган мониторинг объектига оид маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш суд органларининг деярли барча тизими томонидан амалга оширилиб келинади. Шу билан бирга, ушбу йўналишдаги вазифаларни бажариш мажбурияти амалдаги қонунчилик билан суд органлари тизими зиммасига юклатилган.

Шу жиҳатдан олиб қаралса, суд органлари ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи бевосита субъектга айланиб қолмоқдалар. Бошқача айтганда, амалдаги қонунчилик суд органларига ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи субъект сифатида қарамаса ҳам ушбу органлар мониторинг ўтказишнинг барча босқичларини амалиётда бажариб келмоқдалар. Шу ўринда судларга ҳуқуқий мониторинг ўтказиш вазифасининг юклатилиши суд ҳокимияти тўғрисидаги халқаро стандартларга қанчалик мос келади деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилсак.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, суд органларига бевосита ҳуқуқий мониторингни босқичлари ҳисобланган таҳлил қилиш ва умумлаштириш каби вазифалар қонун билан юклатилган. Шу билан бирга судлар фаолиятига оид халқаро стандартларни таҳлил қилар эканмиз, уларда ҳам судлар зиммасига ҳуқуқий мониторингда қўлланиладиган тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш каби вазифаларни юклашга бирор-бир таъқиқ назарда тутилмаган.

Шу билан бирга, қуйидаги халқаро стандартларга асосан ҳуқуқий мониторингни ўтказиш вазифасини тўлақонли ва холис амалга оширувчи асосий субъект суд органлари бўла олади.

Биринчидан, судлар билан боғлиқ ҳар қандай фаолият, шу жумладан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш фақат судларнинг мутлақ ваколати ҳисобланади. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 13 декабрдаги резолюцияси билан тасдиқланган “Суд органларининг асосий принциплари”нинг 3-бандида суд органлари суд хусусиятига эга бўлган барча масалаларга нисбатан мутлақ ваколатларга эгадирлар[1]. Демак, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш давомида мониторинг объекти билан боғлиқ бўлган суд амалиётини таҳлил қилиш зарурати юзага келса, фақатгина қонунда ваколат берилган суд органлари тизими муайян масала юзасидан кўрилган суд амалиётини кўриб чиқиши ва таҳлил қилишга ваколатли ҳисобланади.

Шу ўринда ўринли савол юзага чиқади суд органлари судлар фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай масала бўйича ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи ягона субъект ҳисобланадими? Суд органлари ваколатидаги масалалар юзасидан бошқа субъектлар томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилмайдими?

---

[1] Основные принципы независимости судебных органов. Приняты седьмым Конгрессом ООН по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями, состоявшимся в Милане с 26 августа по 6 сентября 1985 года, и одобрены резолюцией Генеральной Ассамблеи ООН 40/32 от 29 ноября 1985 года. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/indep.shtml

Қуйидагиларга асосан судлар фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳуқуқий мониторинг суд органларидан ташқари бошқа субъектлар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин:

а) суд ҳужжатларининг очиқ манбаларда чоп этиш амалиётининг йўлга қўйилганлиги.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ошкоралик сиёсати натижасида судлар фаолияти билан маълумотларни очиқ эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилган. Чунончи, амалдаги процессуал қонун ҳужжатларида суд қарорларини расмий веб-сайтларга жойлаштирилиши ҳақида алоҳида нормалар белгиланган. Масалан, Фуқаролик процессуал кодексининг 12-моддасида қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари тарафларнинг розилиги билан ёки шахсини кўрсатмаган тарзда суднинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши мумкинлиги ҳақида қоида белгиланган[1]. Ўхшаш қоидани Иқтисодий процессуал кодекснинг 11-моддаси[2] ва бошқа процессуал қонун ҳужжатларида ҳам учратамиз.

Айни вақтда Интернет тармоғида эълон қилинган суд қарорлари расмий сайти (https://public.sud.uz) фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ушбу сайтда 01.05.2025 йил ҳолатида иқтисодий судларнинг 814 583 та, маъмурий судларнинг 112 156, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг 1 609 482, жиноят ишлари бўйича судларнинг 366 065, маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ишларнинг 3 286 737 та қарорлари жойлаштирилган[3].

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 мартдаги ПФ-89-сон Фармони билан “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолияти самарадорлигини янада ошириш ҳамда рақамлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланган бўлиб, унинг 31-бандида Адлия вазирлигига Олий суд билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик, маъмурий, жиноят ва иқтисодий ишлар бўйича судлари қарорларини умумлаштириб, тоифа (классификатор)лар бўйича қонунчилик маълумотлари миллий базасига босқичма-босқич киритиш вазифаси юклатилган[4].

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. https://lex.uz/docs/3517337

[2] Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. https://lex.uz/docs/3523891

[3] Интернет тармоғида эълон қилинган суд қарорлари. https://public.sud.uz/report

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 мартдаги ПФ-89-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолияти самарадорлигини янада ошириш ҳамда рақамлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури. https://lex.uz/docs/5914998

Юқоридаги топшириқнинг бажарилиши натижасида суд қарорларини нафақат суд органларининг интернетдаги расмий веб-сайтларидан балки, қонунчилик маълумотлари миллий базасидан (lex.uz) олиш ва улардан фойдаланиш имкониятини яратади.

Бу эса, нафақат суд органлари балки, бошқа давлат органлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотларга ҳам муайян қонунчилик ҳужжати бўйича судлар томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётини мониторингини амалга ошириш имкониятини яратади.

б) амалдаги қонунчиликда нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва илмий-тадқиқот муассасаларига судлар фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш бўйича чеклов ёки таъқиқнинг назарда тутилмаганлиги.

Жумладан, амалдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 52-моддасида бошқа ташкилотларнинг ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторингини амалга оширишлари мумкинлиги белгиланган бўлиб, ушбу норма ҳар қандай давлат ёки нодавлат ташкилотини ҳам ҳуқуқий мониторингни амалга оширишга ҳақли эканлигини англатади.

Гувоҳ бўлганимиздек, ҳар қандай шу жумладан, суд органлари фаолияти билан боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан ҳуқуқий мониторингни нафақат суд органлари балки, исталган ташкилот ҳам амалга ошириши мумкин.

Иккинчидан, ҳеч қайси давлат органининг ҳуқуқий мониторинг ўтказилиши муносабати билан суд органларининг фаолиятига бевосита ёки билвосита аралашишига йўл қўйилмайди.

Хусусан, Халқаро судьялар ассоциацияси томонидан 1999 йил 17 ноябрда қабул қилинган Судьялар бутунжаҳон хартиясининг 3.2-бандида ҳар қандай ҳокимият органининг бевосита ёки билвосита суд органларига таъсир кўрсатиши, босим ўтказиши ёки улар фаолиятига аралашувига йўл қўйилмаслиги мустаҳкамланган.

Ушбу халқаро стандартнинг мазмуни эса, ҳар қандай давлат органига ҳуқуқий мониторинг ўтказилаётганлиги муносабати билан суд органларининг фаолиятини ўрганиш, улардан турли тоифадаги ишларни сўраб олиш ва мазкур ишларни ўрганиш, уларга баҳо бериш ҳам мумкин эмаслигида намоён бўлади.

Учинчидан, суд ҳокимиятининг асосий мақсади билан ҳуқуқий мониторингнинг мақсади ўзаро уйғун ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, айрим халқаро ҳужжатларда суд ҳокимиятининг асосий мақсади ҳам баён этилган. Жумладан, 2010 йилнинг 17-ноябрь куни Европа судяларининг маслаҳат кенгаши томонидан Страсбургда қабул қилинган Судларнинг буюк хартиясининг 1-бандида суд ҳокимиятининг асосий миссияси қонун устуворлиги мавжудлигини кафолатлаш, бу орқали қонуннинг лозим даражада, холис, адолатли ва самарали шаклда қўлланилишини таъминлашдан иборатлиги мустаҳкамланган[1].

Суд ҳокимиятининг юқорида назарда тутилган мақсади амалдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунда белгиланган ҳуқуқий мониторингдан кўзланган мақсадга тўлақонли мос келади.

Хусусан, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва таъминлашга бағишланган 7-бобида ҳуқуқий мониторинг институти келтириб ўтилган. Демак, ҳуқуқий мониторингдан кўзланган асосий мақсад норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдан иборат.

Гувоҳ бўлганимиздек, суд ҳокимияти фаолияти билан ҳуқуқий мониторингнинг мақсадидаги умумийлик қонун устуворлигини таъминлашга қаратилганлигида намоён бўлади.

Тўртинчидан, халқаро стандартларда судлар фаолиятига нисбатан қўйилган айрим талаблар ҳуқуқий мониторингда ҳам назарда тутилган.

Халқаро стандартларда суд ҳокимиятига нисбатан бир қатор талаблар белгиланган бўлиб, уларнинг айримлари амалдаги қонунчиликда ҳуқуқий мониторинг учун ҳам назарда тутилган. Жумладан, 2010 йилнинг 17 ноябрь куни Страсбургда қабул қилинган Судларнинг буюк хартиясининг 14-бандида суд тизимининг фаолияти тўғрисидаги маълумот ошкора бўлиши ва чоп этилиши лозимлиги ҳақидаги талаб белгиланган[2].

Ўз навбатида ўхшаш талабни амалдаги қонунчиликда ҳуқуқий мониторингга нисбатан ҳам назарда тутилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги ПФ–111-сон қабул қилинган "Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини

---

[1] Консультативный Совет Европейских Судей Великая хартия судей (Базовые принципы). https://rm.coe.int/16807482c6

[2] Консультативный Совет Европейских Судей Великая хартия судей (Базовые принципы). https://rm.coe.int/16807482c6

таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонда норматив-ҳуқуқий ҳужжат мониторинги ва баҳолаш натижалари мажбурий равишда Адлия вазирлигига тақдим этилади ҳамда масъул давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилиши ҳақидаги қатъий талаб белгиланган. Гувоҳ бўлганимиздек, суд органлари фаолиятига нисбатан қўйилган айрим талаблар бир вақтнинг ўзида ҳуқуқий мониторингга нисбатан ҳам қўлланилади.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, халқаро станлартларда суд органлари зиммасига ҳуқуқий мониторинг ўтказиши вазифасининг юклатилишига оид бирорта таъқиқловчи норма мавжуд эмас. Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликда ҳуқуқий мониторинг ўтказишда қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари сони ва уларни қабул қилиш учун асослар албатта таҳлил қилиниши ҳақидаги талабнинг мавжудлиги ҳам суд органларини ҳуқуқий мониторинг субъекти сифатида қонун даражасида белгилашни тақозо этмоқда. Шу билан бирга, 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган Конституциянинг 98-моддасида белгиланган Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди ўз ваколатлари жумласига киритилган масалалар бўйича қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишда ҳуқуқий мониторинг институти ўзига хос инструмент вазифасини ўтайди[1]. Зеро, судлар ваколати билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш фақатгина қонун лойиҳаларининг пухта ва сифатли ишлаб чиқилишини таъминлайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунингдек 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган Конституциянинг 98-моддаси ижросини тўлақонли таъминлаш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси учинчи қисми бешинчи хатбошисини қуйидаги мазмундаги янги хатбоши билан тўлдириш таклиф этилади:

“ўз ваколатлари жумласига киритилган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторингини амалга оширади”.

Таъкидлаш жоизки, суд органларини ҳуқуқий мониторингни амалга оширувчи субъект сифатида белгиланиши билан бир қаторда

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. https://lex.uz/docs/6445145

кўплаб ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор масалалар юзага чиқади.

Шу билан бирга, судларнинг ҳуқуқий мониторингни амалга оширувчи субъект сифатида иштирок этишига тўсқинлик қилаётган яна бир ҳолат сифатида қуйидагиларни назарда тутувчи ягона услубий қўлланманинг мавжуд эмаслигида намоён бўлади:

суд амалиёти мониторингининг объектлари ва субъектлари доираси;

турли тизим ва даражадаги судлар ўртасида мувофиқлаштириш вазифасини амалга оширувчи тузилмани белгилаш;

суд амалиёти мониторингини амалга оширишнинг тартиб-таомили;

судлар томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш талаб этиладиган мезонлар ёки кўрсаткичларнинг қатъий рўйхати;

суд амалиёти мониторинги натижаларини жорий этишнинг усуллари.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, суд органлари томонидан ҳуқуқий мониторингни амалга ошириш тартиби бўйича услубий қўлланмани ишлаб чиқиш ва Олий суд томонидан тасдиқлаши таклиф этилади.

Ўз навбатида суд органлари ҳуқуқий мониторинг ўтказишда қандай шаклда иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масалани ёритиб берсак.

Бунда суд органлари томонидан амалга ошириладиган қуйидаги икки турдаги ҳуқуқий мониторинг турларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

1) суд ишларини юритишда амалдаги процессуал қонун ҳужжатларига риоя этилиши мониторинги (масалан, жиноят процессида айбланувчи ҳуқуқларининг кафолатланиши, гумон қилинувчи ёки айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонун ҳужжатлари мониторинги ва б);

2) судлар томонидан кўриб чиқиладиган муайян соҳани тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг ҳуқуқий мониторинги (масалан, мерос тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, низоларни судга қадар ҳал этишга оид қонунчилик ҳужжатларининг ҳуқуқий мониторинги ва б).

Бунда миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқни ёки адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ амалга ошириш кафолатларининг ҳуқуқни қўллаш

амалиётида таъминланиш даражаси юқорида кўрсатилган ҳуқуқий мониторингни биринчи туринининг мақсади ҳисобланади.

Ўз навбатида ҳуқуқий мониторингни юқорида кўрсатилган биринчи турида қайд этилган мақсадидан келиб чиққан ҳолда ишларнинг суд органлари томонидан тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилиши ҳамда ҳал этилишига эътибор қаратилади.

Юқорида келтирилган мониторинг туринининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

амалдаги процессуал қонун нормаларининг сифатини аниқлаш;

суд ишларини юритиш соҳасини ҳуқуқий тартибга солишда мавжуд бўшлиқлар, зиддиятларни аниқлаш;

процессуал нормаларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида барча суд процесси иштирокчилари томонидан тўлақонли риоя этилишига объектив баҳо бериш;

илғор хорижий давлатлар судларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва тажрибасидан келиб чиқиб, суд ҳимоясини самарали таъминлашга қаратилган янги механизм ҳамда институтларни жорий этиш заруратини ўрганиш;

одил судлов ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Судлар томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий мониторингнинг суд ишларини юритишда амалдаги процессуал қонун ҳужжатларига риоя этилиши мониторинги ўзига хос объектга эга бўлиб ҳисобланади. Бунда процессуал қонун ҳужжатлари нормалари, судлар, суд процесси иштирокчиларининг фаолияти, қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган суд ҳимоясига оид ижтимоий муносабатлар суд ишларини юритишда амалдаги процессуал қонун ҳужжатларига риоя этилиши мониторингининг объекти бўлиб ҳисобланади. Шу ўринда суд ишларини юритишда амалдаги процессуал қонун ҳужжатларига риоя этилиши мониторингини қайси давлат органи амалга ошириши лозим деган ҳақли савол туғилади. Бунда М.Глазкованинг суд ишларини юритишда амалдаги процессуал қонун ҳужжатларига риоя этилиши мониторингини Олий суд томонидан амалга ошириш мақсадга мувофиқ деган хулосасини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз[1]:

[1] М.Глазкова Органы судебной власти в механизме мониторинга правоприменения и мониторинга процессуальных норм. Журнал российского права № 9 — 2012. – 98-105 С. https://cyberleninka.ru/article/n/organy-sudebnoy-vlasti-v-mehanizme-monitoringa-pravoprimeneniya-i-monitoringa-protsessualnyh-norm

Суд органлари томонидан амалга ошириладиган мониторингнинг иккинчи тури судлар томонидан кўриб чиқиладиган муайян соҳани тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг ҳуқуқий мониторинги ҳам ўзининг мақсад ва вазифалари билан ажралиб туради.

Ҳуқуқий мониторингни мазкур турининг асосий мақсади ижтимоий муносабатларни қонун нормалари орқали тартибга солинишини таъминлаш орқали қонун устуворлигига эришиш, қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш, зиддиятларни бартараф этиш, барча суд органлари томонидан ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантиришдан иборат.

Ҳуқуқий мониторингни ушбу турининг асосий вазифалари ҳисобланади:

суд ва бошқа давлат органлари томонидан қонунчилик ҳужжатлари ижросининг ягона амалиётини жорий этишга эришиш;

ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи янги қонунчилик ҳужжатлари қабул қилишга бўлган заруратни аниқлаш;

хорижий давлатларнинг илғор қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти тажрибасини ўрганган ҳолда миллий қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

қонунчилик ҳужжатларидаги қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, коррупцияга оид омиллар, бир-бирини такрорловчи ва коллизион нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш.

Бунда судлар томонидан ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда фойдаланиладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи моддий қонунчилик нормлари, қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган ижтимоий муносабатлар, моддий қонунчилик нормаларини суд органлари томонидан қўлланиши судлар томонидан кўриб чиқиладиган муайян соҳани тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг ҳуқуқий мониторингининг объектини ташкил қилади.

Бизнингча, суд органлари кўриб чиқиладиган муайян соҳани тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг ҳуқуқий мониторингини амалга оширишда статистик маълумотлар таҳлили ва сўровнома ўтказиш усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

3.3-§. Прокуратура органлари томонидан қонун ҳужжатлари ижроси ҳуқуқий мониторингини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари

Қонун ҳужжатлари ижроси ҳуқуқий мониторингини ўтказишда прокуратура органларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчиликда прокуратура органлари суд органлари сингари қонун ҳужжатлари ижроси ҳуқуқий мониторингини ўтказувчи субъект сифатида назарда тутилмаган.

Шу муносабат билан прокуратура органлари ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи субъект бўла оладиларми деган ўринли савол туғилади. Бу борада назарий жиҳатдан хилма-хил қарашлар мавжудлигини эътироф этиш жоиз. Аксарият олимларнинг ушбу масала юзасидан назарий қарашлари таҳлилининг кўрсатишича, прокуратура органлари ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи давлат органи ҳисобланади. Жумладан, ҳуқуқшунос олимлар ўртасида прокуратура органлари ҳуқуқий мониторинг ўтказиши борасида бир-бирига яқин қарашлар ва ёндошувлар мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, қозоғистонлик ҳуқуқшунос олим Е.Шалтайули прокуратура органлари ҳуқуқий мониторингни амалга оширишдан кўзлаган асосий мақсад ижтимоий муносабатларнинг ривожланиш эҳтиёжлари Конституция ва амалдаги қонунлар асосида ўзаро уйғунлигини кузатишдан иборат деган хулосага келади. Бунда у прокуратура органлари томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилиши ушбу органлар зиммасидаги вазифа ва функцияларни амалга ошириш жараёнида бажарилиши муҳим бўлган асосий масала эканлигини таъкидлайди[1].

Яна бир ҳуқуқшунос Н.Титова бошқа органлардан фарқли равишда прокурор назорати қонунчиликни тизимли таҳлил қилиш билан чамбарчас боғлиқлигини қайд этар экан деярли барча соҳалардаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда прокуратура органлари бутун мамлакат бўйича ҳуқуқий базанинг аҳволини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги қарама-қаршиликни, улар ижтимоий муносабатларни тўлиқ қамраб

[1] Е.Шалтайули Роль прокуратуры в осуществлении правового мониторинга законодательства. №4 (20) 2010. Вестник Института законодательства Республики Казахстан. https://cyberleninka.ru/article/n/rol-prokuratury-v-osuschestvlenii-pravovogo-monitoringa-zakonodatelstva

олганлигини ва бошқа камчиликларини билиб туради деган хулосага келади. Унинг фикрича, прокуратура органлари томонидан амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторинги ўтказилишида ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқлар аниқланади, фуқароларнинг чинакам ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи ҳуқуқий нормаларга ўзгартириш киритиш заруратига қонунчилик ташаббуси субъектлари ва бошқа субъектларнинг эътибори қаратилади[1].

Гувоҳ бўлганимиздек, ушбу олим ҳам прокуратура органлари ҳуқуқий мониторинг ўтказади деган ғояни илгари сурмоқда.

Яна бир гуруҳ олимлар прокуратура органларига берилган ваколатлар туфайли улар мамлакатда Конституция ва қонунлар бузилишини аниқлаш борасида етарли имкониятларга эгалигини, ушбу органлар ўз фаолиятларини амалга ошириш жараёнида бошқа органларга нисбатан биринчилардан бўлиб фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари билан тўқнаш келадилар ва айнан шу сабабли ҳуқуқий мониторингни мазкур органлар томонидан ўтказилиши прокуратуранинг асосий фаолият йўналиши ҳисобланади деган хулосани илгари сурадилар.

Бунда мазкур олимлар амалдаги қонунчиликда ҳуқуқий мониторинг атамаси қўлланилмаган бўлсада, улар томонидан ўтказиладиган мониторинг мазмунини очиб берувчи мақсадлари белгиланганлигини таъкидлайдилар[2].

Бошқа бир гуруҳ олимлар прокурорлар асосан ташқи расмий мониторингни амалга оширишларини, тегишли идоравий ҳужжатларни яратиш учун ички мониторинг ҳам ўтказилишини, илмий ва амалий мақсадларда прокуратура органларида ретроспектив мониторинг тадқиқотлари олиб борилади деган фикрни таъкидлайдилар[3].

---

[1] Н.Титова Органы прокуратуры в системе мониторинга правоприменения. Информационный ежемесячник «Верное решение» выпуск № 8 (178) дата выхода от 21.08.2017. https://consultantkhv.ru/periodika/gazeta-vernoe-reshenie/vypusk-08-21-08-17/organy-prokuratury-v-sisteme-monitoringa-pravoprimeneniya/

[2] Осуществление правового мониторинга как одно из приоритетных направлений участия прокуратуры в правотворческой деятельности: лекция по дисциплине «Прокурорский надзор» / О.В. Янчуркин, А.А. Жидких, Т.Э. Зульфугарзаде // ФГБОУ ВО «РЭУ имени Г.В. Плеханова», кафедра уголовного права и процесса. – М., 2015. – 34 с.

[3] Осуществление правового мониторинга как одно из приоритетных направлений участия прокуратуры в правотворческой деятельности: лекция по дисциплине «Прокурорский надзор» / О.В. Янчуркин, А.А. Жидких, Т.Э. Зульфугарзаде // ФГБОУ ВО «РЭУ имени Г.В. Плеханова», кафедра уголовного права и процесса. – М., 2015. – 34 с.

Бунда мазкур олимларнинг фикрича, прокуратуранинг ҳуқуқий мониторинг ўтказишдаги асосий роли ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти аҳволининг мониторингини юритишда намоён бўлади.

Эътиборли жиҳати юқоридаги олимлар прокуратура органлари томонидан ҳуқуқий мониторинг турлари мақсадини таъкидласаларда улар ўртасидаги фарқ нималарда намоён бўлишини, мониторинг турларидаги объектлар фарқли жиҳатларини ёритиб бермайдилар. Амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда ва ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартибига оид қонунчилик ҳужжатларида ҳам прокуратура органлари томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий мониторинг ҳақида бирорта норма учрамайди.

Прокуратура органлари томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2023 йил 26 майда қабул қилинган “Ёқилғи-энергетика соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш ва “рақамли энергоназорат” тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Ушбу Фармон билан Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба ҳуқуқий мониторингни ўзига хос шакли бўлган прокурор мониторинги институти қонунчиликка кириб келди. Жумладан, юқоридаги Фармоннинг 5-банди билан ўрнатилган янги тартибга кўра кузатувлар, сўровлар ўтказиш, прокурор назорати объектини кўздан кечириш, статистик ахборотларни ва бошқа маълумотларни ўзаро таққослаш орқали қонунлар ижросини тизимли равишда ўрганиш орқали прокурор мониторинги амалга оширилиши белгиланди[1].

Демак, қайд этилган Фармонда прокурор мониторинги ўтказиш усуллари сифатида кузатувлар, сўровлар ўтказиш, прокурор назорати объектини кўздан кечириш, статистик ахборотларни ва бошқа маълумотларни ўзаро таққослаш усуллари кўзда тутилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий мониторинг ўтказишда бошқа давлат органлари ва ташкилотларига нисбатан прокуратура органлари ўзига хос ўрнига эга бўлиб, бу қуйидагиларда намоён бўлади:

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.05.2023 йилдаги “Ёқилғи-энергетика соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш ва “рақамли энергоназорат” тизимини жорий этиш тўғрисидаги ПФ-77-сон Фармони. https://lex.uz/docs/6472925#6473446

а) прокуратура органларининг ҳуқуқий мониторинг билан боғлиқ бўлган вазифалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган.

Жумладан, Асосий Қомусимизнинг 25-боби айнан прокуратура органларига бағишланган бўлиб, унинг 143-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширилиши қатъий мустаҳкамланган. Ушбу нормада акс этган қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши ҳуқуқий мониторинг олдига қўйилган вазифалардан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ягона амалиётини жорий этиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш мақсадларига мувофиқлигини ўрганиш каби вазифалари билан ўзаро уйғун ҳисобланади.

Шу билан бирга, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш борасида ваколатли бўлган бирорта давлат органининг ҳуқуқий мақоми Конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйилмаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

б) ҳуқуқий мониторинг ўтказиш вазифаси юклатилган ижро этувчи ҳокимият тизимига кирувчи давлат органларидан фарқли равишда прокуратура органлари давлат ҳокимиятининг бирорта тармоғига кирмаслиги билан ҳам ажралиб туради.

Қайд этиш жоизки, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартиби белгиланган ҳужжатда мониторингнинг ижро этувчи орган ҳисобланган давлат бошқарув органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган. Прокуратура органлари эса, ушбу органлардан фарқли равишда бирорта давлат ҳокимияти таркибига киритилмаган бўлиб, бу ўз навбатида ушбу органларнинг холислигини таъминлаб, ҳуқуқий мониторинг ўтказиладиган масала юзасидан идоравий манфаатдорликка йўл қўйиш эҳтимолини истисно этади.

в) прокуратура органларининг нафақат ўз фаолият йўналишларини амалга оширишда балки, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш жараёнида ҳам бошқа давлат органлари ва мансабдор шахслардан тўлақонли мустақилликлари кафолатланган.

Жумладан, Конституциянинг 145-моддасида прокуратура органларининг мустақиллик кафолатлари белгиланган бўлиб, унга биноан Ўзбекистон Республикасининг прокуратура органлари ўз

ваколатларини бошқа давлат органларидан, ўзга ташкилотлардан, мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига бўйсунган ҳолда амалга оширади.

г) прокуратура органлари ҳуқуқий мониторинг ўтказиш жараёнида аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш учун зарур бўлган барча ресурс ва ваколатларга эгадирлар. Хусусан, прокуратура органлари ҳуқуқий мониторинг ўтказиш жараёнида муайян қонун бузилиши ҳолатларига дуч келсалар улар ушбу ҳолатга барҳам бериш билан бирга уни юз беришига имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни тўлақонли ўрганган ҳолда келгусида бундай тоифадаги қонун бузилиши юз бермаслигини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни кўра оладилар.

Бунда прокуратура органлари томонидан ўтказиладиган мониторинг ҳам прокурор назоратининг бир тури эканлиги, бунда прокуратура органларининг назорат вазифасини бажаришини миллий ҳуқуқшунос олим Д.Миразов таъкидлаганидек, назорат давлат контроль функциясини амалга ошириш механизмининг бир қисми бўлган, махсус давлат органлари томонидан ўз бўйсунувида бўлмаган органлар фаолиятининг соҳаси ёки йўналишида муайян қоидалар ижросини горизонтал миқёсда мунтазам кузатишдан иборат фаолият эканлиги билан изоҳланади[1].

Албатта, ушбу ўринда қонун бузилишига имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар деганда прокуратура органлари томонидан қўлланиладиган прокурор назорати тадбирлари эмас балки, Бош прокурорнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари назарда тутилмоқда.

Шу ўринда прокуратура органлари томонидан ўтказиладиган прокурор мониторинги билан прокурор назорати ўртасида қандай фарқ бор деган ўринли савол пайдо бўлади. Ушбу савол бўйича ҳуқуқшунослар ўртасида турлича назарий қарашлар мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, бир гуруҳ олимлар прокуратура органлари учун мониторинг фаолияти қўшимча эканлигини

[1] Д.М.Миразов Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари. 12.00.09 – Жиноят процесси. криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси (юридик фанлар) ихтисослиги бўйича докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент – 2016 й. – 34 б.

таъкидлар эканлар ушбу фаолиятни прокуратуранинг назорат ва бошқа функционал фаолияти билан чалкаштирмасликни, прокурор назорати билан мониторингни фарқлаш лозим деган ғояни илгари сурадилар.

Бунда уларнинг фикрича, прокурор назоратининг асосий фарқи бўлиб қонун бузилиши аниқланган ҳолларда прокурор томонидан тегишли назорат чораси қўлланилишини, прокурор назорати прокуратура органларининг расмий фаолияти ҳисобланишини қайд этадилар.

Шу билан бирга, прокурор мониторингига эса прокурорларнинг назорат ва бошқа функционал фаолияти сифатини оширишга қаратилган ахборот-таҳлилий воситаси сифатида таъриф берадилар. Бунда прокурор мониторинги янада кўпроқ асослантирилган прокурор таъсир чорасини қўллаш ва прокуратура функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарурлигини таъкидлайдилар[1].

Юқоридаги олимларнинг прокурор мониторинги прокурор назорати тадбири эмас деган фикри билан келишиб бўлмайди. Чунки, прокуратура органлари қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширар эканлар бунда ҳар қандай фаолиятни шу жумладан, прокурор мониторингини амалга ошириш жараёнида ҳам бирор-бир қонун бузилиши ҳолатини аниқласалар уни юзага келтирган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш билан бирга аниқланган ҳуқуқбузарлик фактига нисбатан ҳам тегишли таъсир чорасини қўллашлари лозим.

Бошқача айтганда, прокуратура органлари томонидан аниқланган ҳар қандай қонун бузилиши у қандай тадбир давомида аниқланганлигидан қатъий назар тегишли таъсир чорасини қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Прокуратура органлари томонидан аниқланган қонун бузилиши ҳолатига нисбатан тегишли таъсир чорасининг қўлланилиши орқали эса, жамиятда қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминланади. Шу билан бирга, ҳар қандай вазиятда ҳам прокуратура органларига прокурор мониторингини ўтказиш жараёнида аниқланган қонун бузилишига

[1] Осуществление правового мониторинга как одно из приоритетных направлений участия прокуратуры в правотворческой деятельности: лекция по дисциплине «Прокурорский надзор» / О.В. Янчуркин, А.А. Жидких, Т.Э. Зульфугарзаде // ФГБОУ ВО «РЭУ имени Г.В. Плеханова», кафедра уголовного права и процесса. – М., 2015. – 11 с. https://www.researchgate.net/publication/284155569_Osusestvlenie_pravovogo_monitoringa_kak_odno_iz_prioritetnyh_napravlenij_ucastia_prokuratury_v_pravotvorceskoj_deatelnosti_lekcia_po_discipline_Prokurorskij_nadzor/link/564c71b908ae020ae9fa32cc/download

нисбатан таъсир чораси кўрилмайди деган қоида бирорта қонунчилик ҳужжатида белгиланмаган ва бундай норманинг белгиланиши прокуратура органлари қонуний фаолиятини амалга оширишда тўсиқ бўлиб ҳисобланади.

Бошқа бир ҳуқуқшунос олимлар эса, прокуратура органлари фақатгина қонуний кучга кирган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан мониторингни ўтказади деган фикрни илгари суриш билан бирга прокурор мониторинги ўтказиш натижаси қўшимча прокурор назорати тадбирлари ўтказиш учун хизмат қилиши мумкинлигини ҳам таъкидлайдилар[1].

Юқоридаги қарашлари билан эса, прокурор мониторинги прокурор назоратидан фарқ қилмаслигига урғу қаратадилар.

Бизнингча, олимларнинг прокурор мониторинги билан прокурор назорати борасида турлича қарашга эгаликларини муайян давлатдаги қонунчилик ва прокуратура органлари зиммасига юклатилган вазифалар билан боғлиқ.

Прокуратура органлари томонидан ўтказиладиган прокурор мониторинги бир қатор ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, бундай ўзига хослик қуйидагиларда намоён бўлади:

1) прокурор мониторинги бевосита қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш жараёнида қўлланилади.

Бунда прокуратура органлари ўз фаолиятларини қандай шаклда амалга оширишларидан қатъий назар бундай фаолият энг аввало, қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлашга қаратилган бўлади. Зеро, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида белгиланганидек, прокуратура органларининг бутун фаолиятлари қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишга қаратилган бўлади.

2) прокурор мониторинги бир қанча усулларни қўллаш орқали ўтказилади.

Амалдаги қонунчиликда прокурор назорати тадбири сифатида фақатгина қонунлар ижросини текшириш назарда тутилган. Бунда текшириш объекти, предмети ва прокурорнинг ваколатлари белгиланган бўлиб, текшириш ўтказишнинг ягона тартибига амал қилинади.

---

[1] Тихомиров Ю.А. Рекомендации по проведению мониторинга действия закона //Законодательство и экономика. 2008. № 6., Справочно-правовая система «КонсультантПлюс» (далее - СПС КонсультнтПлюс), Горохов Д.Б., Спектор Е.И., Глазкова М.Е. Правовой мониторинг: концепция иорганизация // Журнал российского нрава. 2007. № 5. С. 29 - 30.

Прокурор мониторингини ўтказишда эса, прокуратура органлари бир қатор усуллардан фойдаланишлари мумкин бўлиб, улар жумласига кузатувлар, сўровлар ўтказиш, прокурор назорати объектини кўздан кечириш, статистик ахборотларни ва бошқа маълумотларни ўзаро таққослаш орқали қонунлар ижросини тизимли равишда ўрганиш усулларини киритиш мумкин. Ўз навбатида прокурор мониторингини ўтказишда бир вақтнинг ўзида битта ёки бир нечта усулдан ҳам фойдаланиш мумкин бўлиб, бу фақатгина ўтказилган мониторинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

3) прокурор мониторинги натижаси бўйича қонун бузилишига олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилади.

Бунда қўлланилган бир ёки бир нечта усулдан қатъий назар қонун бузилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича ҳар қандай таклиф назарда тутилади. Ушбу таклифлар ташкилий чора-тадбирлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ёки бошқа тарзда бўлиши мумкин. Бу жиҳатдан прокурор мониторинги прокурор назорати ҳужжати ҳисобланган тақдимномага ўхшаш бўлиб кўриниши мумкин. Чунки, амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 40-моддасида белгиланган нормага мувофиқ қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома прокурор томонидан қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритилади. Бироқ, тақдимнома прокурор назорати тадбирларини, шу жумладан прокурор мониторингини амалга ошириш жараёнида қўлланиладиган ҳужжат эканлигига эътибор қаратиш лозим. Бунда прокурор мониторинги ўтказилиши натижасида ҳам прокурор томонидан тақдимнома қўлланилади.

4) прокурор мониторинги прокуратура органлари тизимига кирувчи барча прокуратура органлари ва муассасалари томонидан ўтказилиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ прокуратура органлари тизмига Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари, туманлар ва шаҳарлар прокуратуралари, вилоят прокуратураларига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси, туман

прокуратураларига тенглаштирилган, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар, шунингдек Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси киритилган. Ўз навбатида юқорида санаб ўтилган органлардан Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси аксарият прокурор назорати тадбирларини амалга ошириш ваколатига эга эмаслигини таъкидлаш жоиз.

Бунда амалдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунда Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси прокуратура органлари тизимига киритилгани билан ушбу органлар прокуратура органларининг назорат тадбирларини амалга ошириши борасидаги ваколатини назарда тутмайди. Жумладан, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасида Департамент ва унинг жойлардаги бўлинмаларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолияти тартиби қонунчиликда белгиланиши қайд этилган. Худди шундай норма "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 18[1]-моддасида ҳам Бюро учун назарда тутилган бўлиб, унга биноан Бюро ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби қонунчиликда белгиланади.

Ўз навбатида эса, Департамент ва Бюро фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари нормаларини таҳлил қиладиган бўлсак, уларда Департамент ва Бюро томонидан прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган прокурор назорати тадбирлари учрамайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги ПҚ–3016-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тўғрисидаги низом"нинг 11-бандида Бюронинг ҳуқуқлари белгиланган бўлиб, унда бирорта ҳам прокурор назорати тадбирларини амалга ошириши билан боғлиқ ҳуқуқи қайд этилмаган[1]. Ўхшаш ҳолат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ–5446-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тўғрисидаги низомда учрайди. Унинг 12-бандида Департаментнинг

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги ПҚ–3016-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тўғрисидаги низом". https://lex.uz/docs/3220004

асосий ҳуқуқлари назарда тутилган бўлиб, уларда ҳам ушбу орган томонидан прокурор назоратини амалга ошириш борасидаги ҳуқуқи мустаҳкамлаган[1].

Юқоридаги қонунчилик ҳужжатларининг таҳлили эса, Департамент ва Бюрода прокурор назорати тадбирларини амалга ошириш ваколати берилмаган деган хулосага келишга асос бўла олади. Шундай бўлсада, Департамент ва Бюро прокурор мониторингини ўтказишга ваколатли деган хулосага келиш учун барча ҳуқуқий асослар етарли. Жумладан, ушбу органлар барчасининг вазифаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасида белгиланган қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборатдир.

Юқоридаги вазифани таъминлаш мақсадида прокуратура органлари тизимига кирувчи барча органлар прокурор мониторингини ўтказишлари мумкин.

Бундан ташқари, Департамент ва Бюро фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари таҳлилининг кўрсатишича, мазкур органларга прокурор мониторингини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш ҳуқуқлар берилган. Масалан, Мажбурий ижро бюроси тўғрисидаги низомнинг 11-бандида Бюрога прокурор мониторингини ўтказиш имкониятини берувчи давлат органлари ва мансабдор шахслардан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни олиш, бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, текширишлар ўтказиш, ижро ҳаракатларини амалга оширишда кўздан кечириш каби ҳуқуқлар берилган. Шунингдек, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тўғрисидаги низомнинг 12-бандида ҳам Департаментга давлат органлари ва мансабдор шахслардан зарур ахборот, маълумотлар, материаллар ва ҳужжатларни белгиланган тартибда сўраш ва бепул олиш, юклатилган вазифаларни бажаришда молия, солиқ, божхона ва бошқа давлат органлари ва ташкилотларнинг ходимларини амалий эксперт кўмаги кўрсатиш учун жалб этиш, тадбиркорлик

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тўғрисидаги низом. https://lex.uz/docs/3743214

субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан қисқа муддатли текширувлар ўтказиш каби ҳуқуқлар берилган. Ушбу ҳуқуқлар ҳам Департамент органларига прокурор мониторингини самарали ташкил этиш ва ўтказиш имкониятини беради.

Юқоридагиларга кўра, Департамент ва Бюро органлари прокурор мониторингини ташкил этиш ва ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар.

Прокурор мониторинги институтининг қонунчиликка кириб келиши амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга ҳам бир қатор қўшимчалар киритишни тақозо этади. Бунда биринчи навбатда “прокурор назорати тадбири” тушунчасига таъриф бериш, прокурор мониторинги ҳам прокурор назорати тадбирининг бир тури эканлигига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 56-моддасини қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдириш таклиф этилади:

“прокурор назорати тадбири – прокурор мониторинги, қонунлар ижросини текшириш, ахборот-таҳлил фаолияти, назорат қилувчи органларнинг қонун бузилиши тўғрисидаги материалларини кўриб чиқишдан иборат прокурор назоратини амалга ошириш шакллари;”

Шунингдек, амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунни қуйидаги мазмундаги модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“48-модда. Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати тадбирлари шакллари

Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати тадбирлари прокурор мониторинги ўтказиш, қонунлар ижросини текшириш, ахборот-таҳлил фаолиятини юритиш, назорат қилувчи органларнинг қонун бузилиши тўғрисидаги материалларини кўриб чиқиш шаклларидан иборат.

Кузатувлар, сўровлар ўтказиш, прокурор назорати объектини кўздан кечириш, статистик ахборотларни ва бошқа маълумотларни ўзаро таққослаш орқали қонунлар ижросини тизимли равишда ўрганиш прокурор мониторинги ҳисобланади.

Прокурор назорати объектига бевосита бориб, қонун ҳужжатлари ижросига оид ҳужжатларни олиш, улардаги маълумотларни солиштириш, ҳужжатли тафтиш ўтказиш, прокурор назорати объектини кўздан кечириш, кузатув ва сўровлар ўтказиш

орқали қонунларнинг ижросини бир маротаба ўрганиш қонунлар ижросини текшириш ҳисобланади. Бунда прокуратура органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

Муайян соҳада (тармоқда) қонунийлик аҳволи ва жиноятчилик ҳолати ҳақидаги статистик ва бошқа ахборотлар, давлат бошқарув органлари, назорат қилувчи органлар ва бошқа давлат органларининг маълумотларини жамлаш, таққослаш ва таҳлил қилиш орқали қонунлар ижросини ўрганиш ахборот-таҳлил фаолияти ҳисобланади.

Назорат қилувчи органларнинг қонун бузилиши тўғрисидаги материалларини кўриб чиқиш деганда назорат қилувчи органлар томонидан прокуратура органларининг ваколатига кирадиган қонун бузилиши тўғрисидаги тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш ва баҳо бериш тушунилади.

Прокуратура органларининг ваколатига кирадиган қонун бузилиши тўғрисидаги назорат қилувчи органлар томонидан тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш ва баҳо бериш назорат қилувчи органларнинг қонун бузилиши тўғрисидаги материалларини кўриб чиқиш ҳисобланади.

Назорат қилувчи органларнинг қонун бузилиши ҳолати тўғрисидаги материаллари, агарда уларда қайд этилган қонун бузилиши ҳолатларига ҳуқуқий баҳо бериш прокуратура органлари ваколатига киритилган бўлса, прокуратура органларида қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Қонунчиликда прокурор назорати тадбирларининг бошқа шакллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати тадбирлари шаклларини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан белгиланади**.”**

Прокуратура органлари прокурор мониторингини олиб боришда қайси соҳадаги қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширадилар деган ҳақли савол пайдо бўлиши мумкин.

Асосий Қомусимизнинг 143-моддасида прокуратура органлари зиммасига қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилар экан бунда муайян соҳани тартибга солувчи қонунлар эмас балки, парламент томонидан қабул қилинган исталган қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширилиши назарда тутилади.

Шундай экан, прокуратура органлари парламент томонидан қабул қилинган ҳар қандай қонунлар бўйича прокурор мониторингини амалга оширишга ваколатлидирлар.

Прокурор мониторингини прокуратура органлари томонидан амалга ошириш айни вақтда мамлакатимизда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги “Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5025-сон қарори, Адлия вазирининг 2025 йил 7 февралда рўйхатдан ўтган 3605-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш услубиёти”да белгиланган ҳуқуқий мониторинг билан қуйидаги ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради:

а) прокурор мониторингини ўтказиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари билан боғлиқдир.

Бошқача айтганда прокурор мониторинги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари доирасида амалга оширилади.

б) қонунчилик ҳужжатлари билан прокуратура органлари зиммасига юклатилган қўшимча вазифалар юзасидан ҳам прокурор мониторинги ўтказилиши мумкин.

Сўнгги йилларда қонунчилик ҳужжатлари билан прокуратура органлари зиммасига алоҳида қўшимча вазифалар юклатилиб келинмоқда. Шу сабабли прокуратура органларининг ўзида ҳам турли йўналишларга ихтисослашиш анъанаси кузатилмоқда.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сон Фармони билан Бош прокуратуранинг ташкилий-штат тузилмасида қўшимча 6 та штат бирлигидан иборат бўлган Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ташкил этилган[1].

Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги “Ёқилғи-энергетика соҳасида давлат назорати

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.05.2023 йилдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сон Фармони. https://lex.uz/docs/6479180

механизмларини такомиллаштириш ва “рақамли энергоназорат” тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ–77-сон Фармонига асосан Бош прокуратуранинг ташкилий-штат тузилмасида Ёқилғи-энергетика соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ташкил этилган[1]. Ўз навбатида прокуратура органлари юқорида келтирилган Фармонлар билан ташкил этилган бошқармалар зиммасидаги вазифалардан келиб чиқиб ҳолда прокурор мониторинги ўтказишлари ҳам мумкин.

в) прокурор мониторинги амалдаги ҳуқуқий мониторингдан фарқли равишда ижро органлари таркибига кирувчи масъул вазирлик ва идораларнинг мониторинг режасига киритилмасдан ўтказилади.

Маълумки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ масъул вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ҳуқуқий мониторинг ўтказишда ҳар йили мониторинг режасини ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар. Прокурор мониторинги прокуратура органларининг кундалик фаолияти бўлганлиги сабабли уни ўтказиш қуйидаги икки хил шаклда амалга оширилиши мумкин:

1) режали. Бунда прокурор мониторинги ўтказиш режаси Бош прокурор томонидан тасдиқланиши мумкин.

2) топшириққа асосан. Прокурор мониторингининг мазкур турида юқори турувчи прокурор, Президент Администрациясининг топшириғи ёки қонунчилик ҳужжатлари асосида ҳам прокурор мониторинги ўтказилади.

г) прокурор мониторинги ўтказишни мувофиқлаштириш бевосита Бош прокурор ёки прокуратура органларининг раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ **Адлия вазирлиги** ҳуқуқий мониторингни ўтказиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган этиб белгиланган. Бироқ, Адлия вазирлиги фақатгина давлат бошқарув органларининг ҳуқуқий мониторинг ўтказиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради. Прокуратура органларининг прокурор мониторинги борасидаги фаолиятини ташкил этиш ва ўтказишга Адлия вазирлиги аралаша олмайди. Бунда прокурор мониторингини ўтказишда прокуратура

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.05.2023 йилдаги “Ёқилғи-энергетика соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш ва «рақамли энергоназорат» тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-77-сон Фармони. https://lex.uz/docs/6472925#6475723

органларининг фаолияти Бош прокуратура ёки тегишли прокуратура органлари раҳбарлари томонидан мувофиқлаштирилиб борилади.

д) прокурор мониторинги натижасида прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиши мумкин.

Прокуратура органлари томонидан прокурор мониторингини ўтказиш чоғида мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонун бузилиш ҳолатлари аниқланадиган бўлса, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув прокурор назорати ҳужжатларини қўллаши мумкин. Шу билан бирга, прокуратура органлари прокурор мониторинги натижаси бўйича қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқиб, давлат органлари билан келишиш мумкин.

Ҳуқуқий мониторингнинг амалдаги тартибида эса, ижро этувчи органлар мониторинг натижаси бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиши лозимлиги, чора-тадбирлар режасида қонунчилик ҳужжати ижросида аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлар кўрсатилиши назарда тутилган.

е) Прокуратура органлари томонидан ўтказилган прокурор мониторинги ҳақидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис Сенатига тақдим этилади.

Ҳуқуқий мониторингни амалдаги тартибига мувофиқ ижро этувчи органлар томонидан амалга оширилган мониторинг натижалари тўғрисидаги ҳисобот Адлия вазирлигига тақдим этилади. Мазкур ҳисоботни Адлия вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Администрациясига кўриб чиқиш учун киритади. Прокурор мониторингида эса бошқача тартиб амал қилади. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати олдида ҳисобдор эканлиги белгиланган.

Шунга кўра, Бош прокурор прокуратура органлари томонидан муайян даврда амалга оширилган фаолият натижалари, шу жумладан прокурор мониторинги тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Сенатига тақдим этиб боради.

4-БОБ. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГИНИ ЎТКАЗИШ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

4.1-§. Қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингида фуқаролик жамияти институтлари иштироки

Сўнгги йилларда юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли ошиб бормоқда. Жумладан, биргина 2020 йилда фуқаролик жамияти институтлари 61 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 75 та Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 139 та қарорлари, вазирликлар, қўмиталарнинг 1 930 та фармойишлари, маҳаллий Кенгашлар 18 та қарорлари, ҳокимларнинг 838 та қарорларини ишлаб чиқишда иштирок этганлар. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари ўз ваколатлари доирасида юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат органларига келиб тушган 22 284 та мурожаатларини кўриб чиққанлар, давлат органларидаги 1 245 нафар ходимларнинг маиший шароитларини ўрганганлар[1].

Фуқаролик жамияти институтларининг жамият ҳаётида янада фаоллашувида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Мазкур Стратегияда айнан фуқаролик жамияти институтларининг қонунлар ижроси устидан ҳуқуқий мониторингида иштирокини кучайтиришга қаратилган бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, Стратегиянинг 8-мақсадида қонун ижодкорлиги жараёнида фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш амалиётини такомиллаштириш вазифасининг белгиланиши ушбу институтларнинг қонун ижодкорлиги жараёнида фаоллигини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, Стратегиянинг 12-мақсадида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, жамоавий мурожаатлар асосида ҳудудий, тармоқ ва давлат

[1] Методическое пособие для общественных советов по проведению общественного мониторинга. Подготовлен в рамках проекта «Прозрачное и инклюзивное управление через инновации и сотрудничество между гражданским обществом и местными органами власти». https://yumh.uz/images/news/metodics.pdf

дастурлари ижро сифатини текшириш амалиётини жорий этиш вазифасининг белгиланганлиги ҳуқуқий мониторингда бевосита фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг янги шаклларини жорий этиш заруратини тақозо этади

Стратегиядаги юқорида қайд этилган мақсадда айрим давлат функцияларини амалга ошириш жараёнига жамоатчилик назорати субъектларини кенг жалб қилиш, давлат органлари фаолиятини ўрганишда ижтимоий сўровлар ўтказиш ҳамда аниқланган камчиликларни очиқ муҳокама қилиш амалиётини йўлга қўйиш вазифаси ҳам белгиланган бўлиб, уни амалга ошириш олимлар олдига фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий мониторинг жараёнига янада кенг жалб этишни янги механизмларини жорий этиш масалалари устидан изланишлар олиб боришни талаб қилади[1].

Шу ўринда фуқаролик жамияти институтлари томонидан ўтказиладиган “жамоатчилик мониторинги” институти билан фуқаролик жамияти институтлари иштирок этадиган “ҳуқуқий мониторинг” институтларининг умумий ва ўзига хос жиҳатлари мавжудлигини таъкидлаш жоиз.

Олимлар томонидан жамоатчилик мониторингини аҳамияти ҳақида фикр билдирилганда жамоатчилик мониторинги жамоатчилик фаоллигининг янги шакли бўлиб, муайян тизимлар тўғрисида мунтазам ва илгарилаб борувчи ахборот олиш имконини бериши, бунда олинган ахборотларда тизимнинг ҳолати мониторинг кўрсаткичлари ёрдамида ифодаланиши, мониторинг кўрсаткичлари комплекслик ва интегративлик мезонлари асосида шаклланиши таъкидланади[2].

Бунда жамоатчилик мониторинги билан ҳуқуқий мониторинг институтларидаги асосий умумийлик иккала институтнинг ҳам мониторинг билан боғлиқлигида намоён бўлади.

Ўз навбатида қайд этилган институтларнинг ҳар бири бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бундай хусусиятлар қуйидагиларда намоён бўлади:

1) мақсадларнинг хилма-хиллигида.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”. https://lex.uz/docs/5841063#5843873

[2] Мамасиддиқов М.М., Отажонов А.А. ва бошқ. Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш / Монография. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. -Тошкент. “Lesson press”. 2020. –278 б., Ш.Якубов. Жамоатчилик назоратининг конституциявий-ҳуқуқий асослари. –Тошкент: Ўқув қўлланма, ТДЮУ, 2021. – 85 бет.

Жамоатчилик мониторингининг мақсади “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунда белгилаб берилган. Ушбу қонуннинг 6-моддасига кўра жамоатчилик мониторинги жамоатчилик назоратининг шаклларидан бири ҳисобланади. Бунда мазкур Қонуннинг 11-моддасида жамоатчилик мониторингига давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятини кузатиш сифатида таъриф берилган[1].

Жамоатчилик мониторинги жамоатчилик назоратининг шаклларидан бири ҳисобланар экан ундан кўзланган асосий мақсад давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятини кузатиш орқали жамоатчилик назоратини амалга оширишдан иборат деган хулосага келиш мумкин.

Ҳуқуқий мониторингнинг мақсади қамров жиҳатдан жамоатчилик мониторинги мақсадидан кенгроқ эканлигини қайд этиш жоиз. Чунончи, тадқиқот ишининг биринчи бобида таъкидлаб ўтилганидек, ҳуқуқий мониторингдан кўзланган асосий мақсад амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, қонунчилик ҳужжатлари талаблари ҳуқуқни қўллаш амалиётида тўлиқ татбиқ этилишини таъминлаш, маънан эскирган, амалиётда қўлланилмаётган нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш, ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишига эришиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўлланилиши, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича аҳолининг фикрини ўрганишдан иборатдир.

2) мониторинг объектларининг турлича эканлигида.

Жамоатчилик мониторингининг объектлари жамоатчилик назоратининг объекти билан бир-биридан фарқ қилишини қайд этиш жоиз. Бунда жамоатчилик мониторингини объекти давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг муайян ҳаракатлар билан боғлиқ фаолиятини ифода этади.

Бундай ҳаракатлар сифатида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш; фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларининг ижро этилишини таъминлаш; ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни, 12.04.2018 йилдаги ЎРҚ-474-сон. https://lex.uz/docs/3679092

ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажариш; давлат хизматларини кўрсатиш; ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажариш ҳаракатларини кўрсатиш мумкин.

Ҳуқуқий мониторинг объекти бевосита норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади ва айнан шу жиҳати билан жамоатчилик мониторинги объектидан ажралиб туради.

3) мониторингни амалга ошириш учун масъул бўлган субъектлар таркибининг хилма-хиллигида.

Жамоатчилик мониторингини амалга оширувчи субъектлар сифатида фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари намоён бўлади. Шу билан бирга, жамоатчилик мониторингини амалга оширувчи субъектлар томонидан бундай фаолият тури билан шуғулланиш мазкур субъектларнинг ҳуқуқлари ҳисобланади ва ушбу ҳуқуқдан фойдаланмаслик ҳеч қандай жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Ҳуқуқий мониторингнинг субъектлари сифатида фақат ижро этувчи органлар назарда тутилади. Шу билан бирга, ижро этувчи органлар томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш уларнинг асосий вазифаларидан бирини ташкил қилади. Бундай вазифани бажармаслик ҳуқуқий мониторингни мувофиқлаштириш учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи томонидан ижро органи раҳбарига нисбатан тақдимнома киритилишига ва тегишли жавобгарликнинг келиб чиқишига асос бўлиши мумкин.

Бу ўз навбатида фуқаролик жамияти институтлари ҳуқуқий мониторинг ўтказишда иштирок эта олмасликларини англатмайди. Бунда фуқаролик жамияти ҳуқуқий мониторингда қуйидаги икки хил шаклда субъект сифатида иштирок этишлари мумкин:

биринчи, шартнома асосида тегишли давлат органи томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш жараёнига иштирокчи сифатида жалб қилинадилар. Хусусан, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш услубиётида мониторинг ўтказиш учун зарур бўлган ахборот ва маълумотлар мониторинг режасида кўрсатилган масъул вазирлик ва идоралардан, шунингдек соҳага

масъул бўлган бошқа давлат ва нодавлат ташкилотларидан сўров асосида олиниши назарда тутилган. Шу билан бирга, ҳуқуқий мониторингни режалаштиришда индикаторларнинг нисбий аҳамиятини аниқлашда соҳада фаолият юритаётган мутахассислар, илмий доира вакиллари ҳамда амалиётчи мутахассисларнинг хулосалари асосида баҳолаш усули қўлланилиши мумкинлиги қайд этилган[1].

Юқоридаги нормалар ўз навбатида масъул давлат органларига фуқаролик жамияти институтлари билан шартнома асосида ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятини ҳам назарда тутмоқда.

иккинчи, ўз ташаббуслари билан ҳуқуқий мониторинг ўтказадилар.

Ўз навбатида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш услубиёти фуқаролик жамияти институтларига мониторингни амалга оширувчи асосий субъект сифатида қарамайди. Шу билан бирга, амалдаги миллий қонунчиликда бирорта фуқаролик жамияти институтига мустақил равишда исталган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ижроси юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш чекланмаган ёки таъқиқланмаган.

Бу эса, ўз навбатида фуқаролик жамияти институтлари ўз ташаббуслари билан ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи субъект сифатида намоён бўлишларига асос бўлиб хизмат қилади.

4) жамоатчилик мониторинги ўтказиш босқичлари ва тартибининг қатъий белгиланмаганлигида.

Амалдаги қонунчиликда жамоатчилик мониторингига оид умумий талаблар белгиланган. Ушбу талаблар жамоатчилик мониторингининг оммавий ва очиқ ўтказилиши ҳамда жамоатчилик мониторинги объекти, уни ўтказиш муддати тўғрисидаги ахборотнинг олдиндан эълон қилинишини ўз ичига олади.

Эътибор берадиган бўлсак, амалдаги қонунчилик жамоатчилик мониторингини ўтказиш тартибига оид алоҳида қатъий талаб назарда тутилмаган. Бу эса, жамоатчилик мониторингини амалга оширувчи субъектларнинг ўзларига уни ўтказишда эркинлик бериш билан бирга мониторинг ўтказиш масъулиятини ҳам юклайди.

Давлат органлари томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий мониторингнинг тартиби амалдаги қонунчиликда белгиланган.

[1] Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 07.02.2025 йилда рўйхатдан ўтган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш услубиётини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи, рўйхат рақами 3605. https://lex.uz/docs/7370767#7371571

Бунда ҳуқуқий мониторинг режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, уни ўтказиш тартиби, ҳуқуқий мониторинг ўтказилишини назорат қилиш, мониторинг натижалари бўйича якуний ҳисобот беришга оид қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.08.2024 йилдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–111-сон Фармони ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган.

Бунда ҳуқуқий мониторинг ўтказишга оид қоидалар қатъий бўлиб, уларга тўлиқ ёки лозим даражада риоя этмаслик махсус ваколатли давлат органи томонидан ҳуқуқий мониторингни ўтмаган деб топиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу ўринда бугунги кунда мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органлари, илмий тадқиқот институтлари ҳуқуқий мониторингга жалб этилган бир шароитда фуқаролик жамияти институтларини ҳам ушбу жараёнда иштирокига қанчалик эҳтиёж бор, уларнинг мониторингда иштирокидан давлат қанчалик манфаатдор деган ҳақли савол ҳақида тўхталиб ўтсак.

Ҳуқуқий мониторинг ўтказишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг зарурати қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчи, сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ўтказиладиган мониторинг натижаларидан келиб чиқиб, хорижий давлатлар ва инвесторларда муайян давлатга нисбатан ижобий ёки салбий муносабат шаклланмоқда. Бу эса, давлат органлари эмас, балки нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий мониторингга бўлган заруратнинг янада ошишига хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, давлатлардаги муайян вазиятни баҳолашда халқаро нодавлат ташкилотлар томонидан ўтказиладиган тадқиқот натижалари, шу жумладан ҳуқуқий мониторинг юзасидан эълон қилинадиган рейтинг кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Айнан шу сабабли сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан халқаро рейтинглардаги Ўзбекистон кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган 10 га яқин Фармон ва қарорлар қабул қилинган. Бундай Фармон ва қарорлар жумласига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг

рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4160-сон, 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4210-сон қарорларини, 2019 йил 7 мартдаги “Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида”ги ПФ–5687-сон, 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ–6003-сон Фармонларини киритиш мумкин.

Шу билан бирга, амалга оширилаётган ислоҳотларга қарамасдан халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг рейтинг кўрсаткичларида мамлакатимиз ўрни етарлича ижобий баҳоланмасдан келинмоқда. Масалан, World Justice Project халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан 2024 йилда ўтказилган Ҳуқуқ устуворлиги рейтингида Ўзбекистон Республикаси 142 та давлат орасидан 83-ўринни қўлга киритган[1]. Ундан ташқари, “Чегара билмас мухбирлар» (Reporters sans frontières) халқаро ноҳукумат ташкилоти 2024 йилда ўтказган Бутунжаҳон оммавий ахборот воситалари эркинлиги рейтингида Ўзбекистон Республикаси 180 мамлакат орасида 148-ўринга муносиб деб топилган[2]. Ўз навбатида бу кўрсаткич 2022 йилги рейтингга нисбатан 11 та поғона ёмонлашган бўлиб, ушбу ҳолат мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш борасида кўплаб ислоҳотлар амалга ошириш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Гувоҳ бўлганимиздек, бугунги кунда тегишли давлатдаги давлат органлари ҳуқуқий мониторинг натижасида қандай хулосага келишларидан қатъий назар муайян давлатнинг халқаро ҳамжамият олдидаги имижи асосан нодавлат ташкилотлар томонидан шакллантирилмоқда. Айнан шу сабабли ҳам, нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий мониторингга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда.

Иккинчи, фуқаролик жамияти институтлари ҳуқуқий мониторинг ўтказиш орқали жамиятда Конституция ва қонун устуворлиги даражасига объектив баҳо беради.

---

[1] Узбекистан впервые с 2016 года снизился в мировом индексе верховенства закона. https://uz24.uz/ru/articles/qonun-10-24

[2] Узбекистан опустился на 11 позиций в рейтинге свободы прессы. https://www.gazeta.uz/ru/2024/05/03/press-freedom/

Бунда ҳуқуқий мониторинг олдиндан огоҳлантириш концепциясига асосланган ижтимоий-ўлчов воситаси бўлиб, у орқали мамлакатдаги ижтимоий муносабатларда Конституция ва қонунларнинг роли қанчалик даражада эканлиги қиёсий жиҳатдан доимий равишда таҳлил қилиниб, баҳоланади ҳамда давлат томонидан қарор қабул қилиш йўли билан тартибга солинадиган мавжуд ёки эҳтимолий зиддиятлар ва таҳдидлар аниқланади[1]. Фуқаролик жамияти институтлари эса, амалдаги қонунчиликка мувофиқ нодавлат нотижорат ҳисобланганликлари сабабли мазкур жараёнда иштирок этиш орқали ўзлари ўтказган ҳуқуқий мониторинг натижалари ҳақида мустақил ва холис позицияларини баён этадилар.

***Учинчи*,** фуқаролик жамияти институтлари томонидан мунтазам равишда ҳуқуқий мониторинг ўтказилиши фуқароларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий кайфиятини, амалга оширилаётган ислоҳотларга бўлган ишонч даражасини ўлчаш имконини беради. Масалан, Ижтимоий фикр жамоатчилик маркази томонидан 2021 йилда ўтказилган сўров натижаларига кўра, мамлакатимиздаги аҳолининг 82 фоизи коррупцияни ўзи учун долзарб муаммо сифатида қабул қилади[2].

Бунда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш орқали фуқаролар фуқаролик жамияти институтларига ихтиёрий равишда бирлашган ҳолда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ижросининг таъминланишига, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқароларга нисбатан қабул қилаётган қарорларига бўлган муносабатларини ифодалайдилар.

***Тўртинчи*,** фуқаролик жамияти институтлари ўтказадиган ҳуқуқий мониторингда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўллашда жамоатчилик назорати доирасининг янада кенгайишига хизмат қилади.

Хусусан, фуқаролик жамияти институтлари ҳуқуқий мониторинг ўтказиш жараёнида жамоатчилик назорати ўрнатилмаган соҳаларни аниқлашлари ва бундай соҳалар устидан мазкур назорат доирасини янада кенгайтириш ёки назоратнинг янги шаклларини жорий этилишига эришишлари мумкин. Масалан, амалдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуннинг 4-

[1] Тишков В.А., Степанов В.В. Измерение конфликта. Методика и результаты этноконфессионального мониторинга сети EAWARN в 2003 году. М., 2004. 321 с.

[2] Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза. https://anticorruption.uz/upload/document/62531b2c70caea71636061f6cdbc720b0203.pdf

моддасида жамоатчилик назоратининг объектлари санаб ўтилган. Унга мувофиқ давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришга; давлат хизматларини кўрсатишга ва бошқаларга қаратилган фаолияти жамоатчилик назоратининг объектини ташкил қилади.

Фуқаролик жамияти институтлари томонидан "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунда белгиланган жамоатчилик назоратининг объектлари юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилиши ва унинг натижасида мазкур объектларни кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиши ҳамда объектлар доирасининг кенгайишига эришилиши мумкин.

Бешинчи, фуқаролик жамияти институтларида қонун билан таъқиқланмаган ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатининг ижроси юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш эркинлигининг мавжудлиги.

Давлат органлари томонидан ўтказиладиган мониторингда дастлаб ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши талаб этилади. Фуқаролик жамияти институтларига нисбатан амалдаги қонунчиликда бундай талаб назарда тутилмаган бўлиб, улар ҳуқуқий мониторинг ўтказиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўз ихтиёрларига мувофиқ танлашлари ва ўтказишлари мумкин. Шу билан бирга, ҳуқуқий мониторинг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда бошқа давлат органлари аниқлай олмаган муаммоли масалаларни топишга ёрдам беради, мамлакатдаги амалдаги қонунчилик тизимининг самарадорлиги ва истиқболини баҳолаш имконини беради.

Олтинчи, фуқаролик жамияти институтлари томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий мониторинг давлат ва нодавлат сектори ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлашга хизмат қилади.

Давлат томонидан фуқаролик жамияти институтларига ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун зарур бўлган барча шароитларнинг яратилиши нафақат ушбу институтларнинг янада фаоллашувига балки, давлат ва нодавлат сектори ўртасида маълумотлар алмашинуви, самарали ҳамкорликнинг йўлга қўйилишига сабаб бўлади.

Гувоҳ бўлганимиздек, ҳар қандай жамиятда фуқаролик жамияти институтлари томонидан ҳуқуқий мониторинг

ўтказилишидан биринчи навбатда давлатнинг ўзи манфаатдор бўлиб ҳисобланади. Айни пайтда бугунги кунда мамлакатимиздаги фуқаролик жамияти институтлари ҳуқуқий мониторингда қанчалик даражада фаол иштирок этмоқдалар, юртимиздаги ҳуқуқий ислоҳотларда улар томонидан ўтказилаётган мониторингнинг роли қандай, ушбу йўналишда ҳуқуқий тартибга солишда қандай муаммолар деган бир қатор масалаларни тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Фуқаролик жамияти институтлари томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилиши бевосита ушбу институтларнинг жамиятда ривожланганлик даражаси билан боғлиқ ҳисобланади. 2023 йилда Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси таҳлили натижаларининг кўрсатишича, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг ривожланганлигига оид шакллантирилган рейтингга мувофиқ ўртача кўрсаткич 100 баллдан 42 баллни ташкил этган.

Фуқаролик жамияти институтларининг ривожланганлиги бўйича ҳудудлар РЕЙТИНГИ

2022 йилда	2023 йилда

Ўрни	Ҳудуд	Балл	Ўрни	Ҳудуд	Балл
1	Тошкент ш.	57 балл	1	Фарғона в.	77 балл
2	Фарғона в.	56 балл	2	Навоий в.	58 балл
3	Бухоро в.	50 балл	3	Сирдарё в.	47 балл
4	Тошкент в.	41 балл	4	Жиззах в.	44 балл
5	Навоий в.	36 балл	5	Тошкент ш.	43 балл
6	Жиззах в.	33 балл	6	Хоразм в.	42 балл
7	Хоразм в.	32 балл	7	Қашқадарё в.	41 балл
	Қашқадарё в.	32 балл	8	Андижон в.	40 балл
	Сирдарё в.	32 балл	9	Бухоро в.	38 балл
	Наманган в.	32 балл	10	Наманган в.	37 балл
	Самарқанд в.	32 балл	11	Тошкент в.	35 балл
8	Андижон в.	31 балл	12	Сурхондарё в.	34 балл
	Сурхондарё в.	31 балл	13	Самарқанд в	31 балл
9	Қорақалпоғистон Р.	24 балл	14	Қорақалпоғистон Р.	26 балл

Эътиборлиси, Тошкент, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида фуқаролик жамияти институтларининг ривожланганлиги бўйича ҳудудлар рейтинги энг паст кўрсаткични ташкил этмоқда[1].

[1] Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси 2023. – Тошкент, - 32 б.

Ўз навбатида Тошкент шаҳрида ҳам 43 баллни қўлга киритганлиги ҳам пойтахтда фуқаролик жамияти институтларининг ривожланганлик даражаси аҳволи қониқарли эмаслигини англатади.Интернетдаги фуқаролик жамияти институтларининг очиқ маълумотлари ўрганилганда бирорта нодавлат ташкилот томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилганлиги ва мониторинг натижаларига бағишланган маълумотлар учрамайди.Бу ўз навбатида мамлакатимизда фаолият юритаётган фуқаролик жамияти институтлари ҳуқуқий мониторингда қанчалик даражада иштирок этаётганликларини кўрсатиб беради.


Бизнингча, юртимизда фуқаролик жамияти институтлари томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилмаслигига бир қатор омиллар мавжуд бўлиб, улардан асосийлари қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчи, аҳолининг фуқаролик жамияти институтлари, улар фаолияти ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслиги.

Адлия вазирлиги томонидан 2023 йилда ўтказилган тадқиқотнинг кўрсатишича, ўз ҳудудида фаолият юритувчи жамоат ташкилотлари, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларининг мавжудлиги ва улар томонидан ўтказиб бориладиган тадбирлар ҳақида хабардорлигини аниқлаш бўйича фуқаролар орасида олиб борилган сўровлар натижаларига кўра, **20,5 минг** респондентдан **11,6 минг** нафари ёки **56,7 фоизи** ўзи истиқомат қилувчи ҳудудда жамоат ташкилотлари, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва улар томонидан ўтказиладиган тадбирлар ҳақида хабардорлиги ҳамда уларда шахсан иштирок этишини маълум қилган. **8,9 минг** нафар фуқаро ёки респондентларнинг **43,2 фоизи** ўзи истиқомат қилувчи ҳудудда бу каби **ташкилотларнинг мавжудлигини эшитмаган**, айримлари эса нодавлат нотижорат ташкилотлари аслида қандай ташкилот эканлиги бўйича маълумотга эга эмаслигини билдирган.

Иккинчи, мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат ташкилотларнинг аҳоли сонига нисбатан камлиги.

Хусусан, 2023 йил якунларига кўра Ўзбекистонда адлия органларида рўйхатдан ўтган ва фаолиятини юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар сони **4681** тани ташкил этган. Бунда умумий ҳисобда ҳар **1000** нафар аҳолига нисбатан фаолият юритаётган жамоат ташкилотларининг сони эса ўртача **12 та**ни ташкил этган.



Албатта, юртимизда нодавлат ташкилотлар сонининг камлиги ҳам уларнинг нафақат ҳуқуқий мониторинг, балки жамоатчилик назоратини олиб боришлари борасидаги ташаббусларига салбий таъсир кўрсатади.

Учинчи, давлат томонидан нодавлат ташкилотларни рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг етарли эмаслиги.

Ҳар қандай давлат нодавлат ташкилотларнинг фаолият юритишлари, уларнинг ривожланиши учун моддий ва бошқа жиҳатдан қўллаб-қувватлаши, уларни рағбатлантириши ушбу ташкилотларнинг самарали фаолият кўрсатишида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда 2023 йил якунларига кўра нодавлат нотижорат ташкилотларига ажратилган давлат гранти, субсидия ва ижтимоий буюртма шаклидаги давлат молиявий ёрдами миқдори 3,4 млрд. сўмни, ҳар бир ННТга ўртача 733 497 сўмни ташкил этган.

Бу миқдор етарлими деган ўринли савол пайдо бўлади. Адлия вазирлиги томонидан 2023 йилда ўтказилган сўров натижаларига кўра, 12,2 минг нафар респондентларнинг 24,2 фоизи кўрсатиладиган кўмак етарли эмаслигини билдирган бўлса, 8,6 фоизи кўмак умуман кўрсатилмаслигини маълум қилган.

Масалан, фуқаролик жамияти институтларига давлат томонидан кўмак кўрсатилмаслиги бўйича энг кўп фикр Навоий вилоятидан жами иштирок этган фуқароларнинг 24 фоизи томонидан билдирилган[1].

[1] Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси 2023. – Тошкент, - 33 б.

Тўртинчи, амалда фаолият юритаётган нодавлат ташкилотлар томонидан давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўтказиш борасидаги фаолиятларининг сустлиги.

Таъкидлаш жоизки, интернетдаги расмий веб-сайтларда мамлакатимизда амалда фаолият юритаётган бирорта нодавлат ташкилотлар томонидан қонунларнинг ижроси устидан ҳуқуқий мониторинги ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар учрамайди. Шу билан бирга, фуқаролик жамияти институтларининг расмий веб-сайтларини таҳлил қилар эканмиз, уларда ҳуқуқий мониторингга бағишланган алоҳида бўлим ҳам мавжуд эмас. Шу ўринда қайд этиш жоизки, 2019 йил 24 январ куни Адлия вазирлигидан нодавлат ташкилот сифатида рўйхатдан ўтган “Юксалиш” умумиллий ҳаракатининг расмий веб-сайтида жамоатчилик мониторинги бўлими назарда тутилган. Бироқ, ушбу бўлимни ўрганар эканмиз ундаги энг сўнгги маълумот 2019 йилнинг 6 апрел куни жойлаштирилган бўлиб, унда ҳам Сурхондарё вилоятининг мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар қурилиши молиялаштирилганлиги масаласи ўрганилганлиги билан боғлиқ ҳолат баён этиш билан чекланилган[1].

Бешинчи, республиканинг барча ҳудудлари бўйича аҳолининг турли қатламларини бирлаштира оладиган, ягона умумиллий ҳаракатнинг мавжуд эмаслиги.

Хорижий давлатлар тажрибасининг кўрсатишича, сўнгги йилларда бир қатор мамлакатларда бутун мамлакат бўйлаб аҳолининг турли қатламларини бирлаштирган давлат раҳбари бошчилигида нодавлат ташкилотлар ташкил этилган бўлиб, ушбу ташкилотлар барча зарур ресурс ва ваколатлар билан таъминланган. Жумладан, Қозоғистон Президентининг 2022 йил 14 июндаги 930-сонли Фармони билан Президент ҳузурида Миллий қурултой ташкил этилган бўлиб, мазкур фармон билан унинг Низоми ва таркиби ҳам тасдиқланган. Миллий қурултойнинг низомида ушбу ташкилотнинг Президент ҳузуридаги маслаҳат органи эканлиги белгиланган. Шу билан бирга, мазкур низомда Миллий қурултойнинг ишчи органи ҳисобланган **Қозоғистон** Республикасининг Ахборот ва ижтимоий ривожланиш вазирлигига ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун зарур бўлган бир қатор ваколатлар жумладан, давлат органи ва ташкилотлардан ҳужжатлар

[1] Surxondaryo viloyatida o‘tkazilgan jamoatchilik monitoringi: maktabgacha ta’lim muassasalari va maktablar qurilishi moliyalashtirilgan, jihozlar esa yo‘q. 2019-06-04 13:45:34. https://yumh.uz/uz/news_detail/59

ва материалларни сўраш ҳамда олиш, Миллий қурултой томонидан берилган тавсиялар бажарилишининг мониторингини амалга ошириш ваколатлари тақдим этилган. Эътиборли жиҳати шундаки, Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий қурултойнинг раиси Президент ҳисобланиб, раис ўринбосари сифатида эса, Қозоғистон Республикасининг Давлат маслаҳатчиси фаолият юритади. Гарчи Миллий қурултой низомида унинг йилида бир маротаба мажлис ўтказиши мумкинлиги белгиланган бўлсада, унинг ишчи органи қурултой номидан йил бўйи тўлақонли фаолият юритишини таъминлайди[1].

Қозоғистон тажрибасида муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир фуқаролик жамияти институтини Қозоғистон халқининг Ассамблеяси ташкил қилади. 2008 йил 20 октябрда қабул қилинган "Қозоғистон халқининг Ассамблеяси тўғрисида"ги Қонуни Қозоғистон халқининг Ассамблеяси ҳуқуқи асосини ташкил этади. Ушбу муассасада ҳам эътиборли жиҳати унинг Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан ташкил этилишида бўлиб ҳисобланади. Ўз навбатида Ассамблея Қозоғистоннинг бутун ҳудудидаги вилоятлар, республика аҳамиятидаги шаҳарлар, пойтахтда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритади[2]. Қозоғистон халқининг Ассамблеясига ҳам жуда кенг ваколатлар берилган бўлиб, ҳар қандай соҳага оид ҳуқуқий мониторингни амалга ошириши ҳуқуқига эга.

"Қозоғистон халқининг Ассамблеяси тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ мониторингни амалга ошириш, қонун лойиҳаларининг ижтимоий-сиёсий экспертизасида иштирок этиш, давлат органлари, ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш Ассамблея фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Қирғизистонда ҳам ўхшаш ташкилот фаолияти йўлга қўйилган. Жумладан, 2023 йил 25 июлда "Халқ қурултойи тўғрисида"ги Конституциявий қонун билан Қирғизистон Халқ қурултойининг фаолияти тартибга солинган.

[1] Указ Президента Республики Казахстан "О создании Национального курултая при Президенте Республики Казахстан и признании утратившими силу некоторых указов Президента Республики Казахстан" от 15.06.2022 года. https://akorda.kz/ru/o-sozdanii-nacionalnogo-kurultaya-pri-prezidente-respubliki-kazahstan-i-priznanii-utrativshimi-silu-nekotoryh-ukazov-prezidenta-respubliki-kazahstan-145619

[2] 2008 йил 20 октябрда қабул қилинган "Қозоғистон халқининг Ассамблеяси тўғрисида"ги Қонуни. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30352401&pos=44;-38#pos=44;-38

Ушбу Қонуннинг муқаддимасида Халқ қурултойининг кузатув, маслаҳат, ижтимоий-вакиллик йиғини эканлиги, ижтимоий тараққиётнинг йўналишлари, жамият ва давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим масалалари, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси, фуқаролик жамиятининг ривожланиши ҳамда маънавий-ғоявий масалалар бўйича тавсиялар бериши мустаҳкамланган[1]. Ўз навбатида мазкур қонунда Халқ қурултойи томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилиши тўғридан-тўғри белгиланмаган бўлсада, қонун билан Халқ қурултойига кўплаб ваколатлар берилганлиги унга исталган қонуннинг ижроси бўйича ҳуқуқий мониторинг ўтказиш имкониятини тақдим этади. Хусусан, Қонуннинг 6-моддаси билан Қирғизистон Халқ қурултойига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш, Ҳукумат раиси, унинг ўринбосарлари, бошқа давлат органлари раҳбарларининг ушбу ташкилотлар ҳамда улар фаолияти тўғрисидаги ахборотларини эшитиш ваколати берилган.

Халқ йиғини билан боғлиқ хорижий давлатлар тажрибасида Беларусь Республикасида ташкил этилган орган ажралиб туришини қайд этиш жоиз. Беларусь Республикасида Умумбеларус халқ йиғини фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, унинг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, ваколатлари, шаклланиш тартиби, фаолиятининг асосий принциплари, шунингдек делегатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари 2023 йил 7 февралда қабул қилинган “Умумбеларус халқ йиғини тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади.

Умумбеларусь халқ йиғинининг давлат ҳаётидаги роли муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унга халқ номидан турли тадбирлар, шу жумладан ҳуқуқий мониторингни амалга ошириш борасида кенг ваколатлар берилганлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, “Умумбеларус халқ йиғини тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасида халқ ййиғинининг ваколатлари мустаҳкамланган бўлиб, ушбу моддада унга ҳуқуқий мониторинг билан боғлиқ бир қатор ваколатлар назарда тутилган. Хусусан, Умумбеларус халқ йиғинининг ваколатларига ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини тасдиқлаш, Беларусь Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини тасдиқлаш, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлиш, сайловларнинг қонунийлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш каби ваколатлар белгиланган. Ўз

[1] Конституционный Закон Кыргызской Республики от 24 июля 2023 года № 146 "О Народном Курултае". http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112626

навбатида юқорида қайд этилган қонун билан Умумбеларусь халқ йиғинининг юқоридаги ваколатларига қўшимча равишда ҳуқуқий монтиоринг ўтказилишини таъминлайдиган бир қатор ваколатлар Президиумга ҳам берилганлигини кўриш мумкин. Хусусан, қонуннинг 35-моддасига мувофиқ Умумбеларус халқ йиғинининг Президиумига давлат органлари ва мансабдор шахсларга бажарилиши мажбурий бўлган топшириқлар бериш, ҳужжатлар ва материалларни талаб қилиб олиш каби ваколатлар берилган. Бу эса ўз навбатида Умумбеларусь халқ йиғини ва унинг Президиумига ўз ваколатларига киритилган масалаларни кўриб чиқиш вақтида ҳуқуқий мониторинг ўтказиш орқали амалдаги қонунчилик ҳужжатларининг ижроси қанчалик таъминланаётганлигини аниқлаш имконини беради.

Демак, хорижий давлатларда қонунлар ижросининг қанчалик даражада ижроси таъминланаётганлигини аниқлашга қаратилган ҳуқуқий мониторинг ўтказилишида маслаҳат органи ҳисобланган умумхалқ қурултойлари муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юртимизда ҳам хорижий давлатларда бўлгани сингари ўхшаш тузилма ташкил этилган эди. Жумладан,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги ПФ–5980-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ташкил этилиб, унга кўплаб ваколатлар тақдим этилган эди. Бироқ, ушбу Жамоатчилик палатаси бугунги кунга қадар ўз фаолиятини йўлга қўймади. Бунда Жамоатчилик палатаси аъзоларининг умумий сони 50 нафар этиб белгиланган бўлиб, бу ўз навбатида бутун республика бўйлаб умумхалқ ҳаракати сифатида фаолият юритадиган ташкилот учун жуда кам сонни ташкил этган. Шу билан бирга, Жамоатчилик палатасининг 18 нафар аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жамият ривожи, ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятни ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон илм-фани, спорти, маданияти ва иқтисодиёти ривожи, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга катта ҳисса қўшган, эл-юрт иззат-ҳурматига сазовор бўлган фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари орасидан тайинланиши қайд этилган. Бундан ташқари, Жамоатчилик палатасининг ваколатлари,

фаолиятининг асосий принциплари ва зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш тартиби билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий жиҳаатдан тартибга солишни назарда тутувчи “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши таъминланмади. Бу эса, Жамоатчилик палатасига ўз фаолиятини тўлақонли амалга ошириш шу жумладан, қонунлар ижроси устидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш имконини бермасдан келган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидагилар таклиф этилади:

а) мамлакатимиз бутун ҳудуди бўйлаб аъзоларни ўз ичига олувчи Халқ қурултойини ташкил этиш;

б) Халқ қурултойи зиммасига қонунлар ижроси устидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш вазифасини юклаш;

в) Халқ қурултойига ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун зарур бўлган барча ваколатларни бериш;

г) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини тугатиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.04.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ–5980-сон Фармонини ўз кучини йўқотган деб топиш;

д) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Халқ қурултойини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонини ишлаб чиқиш таклиф этилади.

4.2-§. Қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказишга таъсир кўрсатувчи қонун ижодкорлиги ва қонунни қўллаш амалиётидаги омиллар

Режалаштирилган ҳуқуқий мониторингни самарадорлиги, ундан кутилган натижага эришиш мониторингни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида вужудга келадиган турли омиллар билан боғлиқ эканлигини таъкидлаш жоиз.

Адабиётларда олимлар томонидан ҳуқуқий мониторингни ўтказишга таъсир кўрсатувчи омиллар борасида турлича ёндашувлар мавжуд[1]. Уларни таҳлил қилар эканмиз олимлар

[1] Орлова Е. Е. Мониторинг правоприменения как средство объективной оценки деятельности органов публичной власти. Юридические науки. – 2021. – Т. 7 (73). № 3. Ч. 3. – С. 223-230. https://sn-law.cfuv.ru/wp-content/uploads/2022/05/26.-Orlova-E.-E..pdf, Д.Б.Горохов Современное нормативное обеспечение мониторинга в сфере права и статус его результатов. Журнал российского права № 9 – 2012.

томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказишга таъсир кўрсатувчи омиллар борасида билдирилган назарий ва амалий қарашлар бевосита муайян давлатдаги ҳуқуқ ижодкорлиги ёки ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ўзига хосликлар билан боғлиқ эканлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Шу сабабли, ҳуқуқий мониторингга таъсир кўрсатувчи омиллар борасида муайян давлат олимлари томонидан билдирилган қарашлар Ўзбекистон шароитига хос бўлмаслиги ҳам мумкин. Шундай бўлсада, олимларнинг ҳуқуқий мониторинг ўтказишга таъсир кўрсатувчи омиллар борасидаги қарашларини таҳлил қилиш келгусида ушбу йўналишда пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олишга, умуман олганда ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг назарий ва амалий жиҳатларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказишга таъсир кўрсатувчи кўплаб омиллар мавжудлиги таъкидлаб ўтилади. Жумладан, россиялик ҳуқуқшунос олимлар О.А.Короткова ва Т.А.Шавенковалар ҳуқуқий мониторингни ўтказишга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилар экан бунда улар ҳуқуқий мониторингни режалаштирилиши ва комплекслилигига қарамасдан ҳуқуқий мониторингни амалга оширувчи субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳалигача қонун ҳужжатларида аниқ белгиланмаганлигини таъкидлайдилар. Шу билан бирга, ушбу олимларнинг тадқиқот ишида қайд этилган муаммони бартараф этишнинг ечими сифатида “Россия Федерациясида ҳуқуқий мониторинг тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш зарур деган хулосага келадилар[1].

Бунда фикримизча, ҳуқуқий мониторингни амалга оширувчи субъектлар ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид қоидаларнинг қонун ҳужжатларида аниқ белгиланмаганлиги мониторинг ўтказишга қайсидир даражада салбий таъсир кўрсатиши мумкиндир. Бироқ, биргина ана шу омилнинг ўзини ҳуқуқий мониторингга салбий таъсир кўрсатувчи ягона омил сифатида баҳолаш ноўриндир. Чунончи, ҳуқуқий мониторинг натижасидан манфаатдор бўлган ҳар қандай субъект уни ўтказаётган субъект билан исталган шаклда ҳамкорлик қилиши мумкин. Шу сабабли, бундай ҳамкорликни айнан

https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennoe-normativnoe-obespechenie-monitoringa-v-sfere-prava-i-status-ego-rezultatov/viewer

[1] О.А.Короткова, Т.А.Шавенкова. Антикоррупционная экспертиза в системе правового мониторинга. Журнал Теория государства и права. 2020 г. №19. – 126 С.

қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйишга улкан эҳтиёж мавжуд эмас.

Ҳуқуқий мониторингни ўтказувчи органлар ўзаро ҳамкорлигининг долзарблиги ғоясини бошқа олимларнинг тадқиқотларида ҳам учратамиз. Жумладан, ҳуқуқий мониторинг борасида алоҳида тадқиқот олиб борган яна бир ҳуқуқшунос олим Н.А.Поляшук ҳам ҳуқуқий мониторингни самарадорлиги кўп жиҳатдан уни амалга оширувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлигига боғлиқ деган ғояни илгари суради[1].

Бу ўринда яна бир масалага эътибор қаратсак. Ҳуқуқий мониторингни амалга оширувчи давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги бир жиҳатдан мониторинг самарадорлигини таъминласа, бошқа тарафдан ушбу давлат органлари мониторинг натижасида тегишли ўз фаолиятларида аниқланган камчиликларни жамоатчиликка ошкор бўлишидан ҳам манфаатдор бўлмайдилар ва ўзларининг зарарларига ишлайдиган маълумотларни яширишга ҳаракат қиладилар.

Ҳуқуқий мониторингга таъсир кўрсатувчи яна бир муҳим омил сифатида олимлар томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун зарур бўлган маълумотларнинг очиқ эмаслиги омили келтириб ўтилади. Бунда айрим олимлар ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар ёпиқлигининг аҳамияти ҳақида сўз юритар эканлар ушбу ҳолат мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг беқарорлигига олиб келиши мумкин деган хулосага келадилар[2].

Дарҳақиқат, ҳуқуқий мониторинг ўтказишда маълумотларнинг очиқ бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар жумласига қандай маълумотлар кириши масаласига ҳам аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ. Амалдаги қонунчиликда хусусан, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш услубиётида ҳам фақатгина “ҳуқуқий мониторинг объекти” тушунчаси қўлланилмаган.

Бизнингча, бунда ҳуқуқий мониторингга оид ахборот деганда қонун билан таъқиқланмаган ва ҳуқуқий мониторингга тегишли

---

[1] Н.А.Поляшук. Правовой мониторинг в нормотворческой деятельности государственных органов Республики Беларусь. Право.by № 3(59) 2019. – 32 С. https://elibrary.ru/download/elibrary_39183478_31557595.pdf

[2] О.А.Короткова, Т.А.Шавенкова. Антикоррупционная экспертиза в системе правового мониторинга. Журнал Теория государства и права. 2020 г. №19. – 127 С.

бўлган ҳар қандай маълумотни тушуниш мақсадга мувофиқ. Бундай маълумотлар жумласига давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига оид ҳар қандай маълумотлар, Шу билан бирга, суд амалиёти материаллари ва бошқа қонун билан таъқиқланмаган ҳар қандай ахборотларни тушуниш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти билан боғлиқ маълумотларнинг ошкоралигини таъминлаш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги "Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–4273-сон, 2018 йил 22 августдаги "Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–3917-сон қарорларини маълумотлар ошкоралигини таъминлашга қаратилган муҳим ислоҳотлар сифатида баҳолаш мумкин. Шу билан бирга, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотларнинг очиқлиги билан боғлиқ айрим топшириқларнинг ижроси бугунги кунга қадар таъминланмасдан келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги "Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ–5505-сон Фармони билан тасдиқланган Концепцияда қонун лойиҳалари матнларини ва уларга доир таҳлилий материалларни ҳар бир ўқишдан кейин парламентнинг веб-ресурсларида тезкор эълон қилиб бориш вазифаси кўзда тутилган эди[1].

Бироқ, бугунги кунга қадар ушбу вазифалар тўлақонли ижроси таъминланмаганлиги сабабли ҳуқуқий мониторингга ўзининг салбий таъсирини кўрсатувчи омиллардан бири бўлиб келмоқда.

Айрим ҳуқуқшунос олимлар аҳоли ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиш жараёнининг назарда тутилмаганлигига ҳуқуқий мониторинг ўтказишда таъсир кўрсатувчи омил сифатида алоҳида эътибор қаратадилар. Жумладан, О.В.Крилова аҳоли ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиш ҳуқуқий мониторингнинг асосий

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.08.2018 йилдаги "Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5505-сон Фармони. https://lex.uz/docs/3858817

таркибий қисмларидан бири ҳисобланишини таъкидлаб ўтади[1]. Дарҳақиқат, аҳоли ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиш ҳуқуқий мониторингнинг объективлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу сабабли ҳам, амалдаги қонунчиликда мониторинг ўтказишда сўровлар ўтказиш талаби назарда тутилганлигини қайд этиш жоиз.

Ҳуқуқий мониторинг ўтказишга таъсир кўрсатувчи салбий омиллар ҳақида сўз кетганда ҳуқуқшунос Э.Р.Чернова ўзининг тадқиқотида қонунчилик ҳужжатлари мониторинги ривожланишининг бугунги замонавий босқичи мамлакатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар самарадорлиги тўғрисида тўлиқ ва объектив маълумотга эга бўлиш имконини бермайди деган хулосага келади[2]. Бунда мазкур олим ўзининг бундай хулосага келишининг асоси сифатида фақатгина қонунчилик ҳужжатларининг самарадорлиги ва тўлиқлиги тўғрисида маълумот олиш имконини берадиган маълумотлар базасининг йўқлигини келтириб ўтади. Шу билан бирга, ушбу олим қонунчилик ҳужжатларининг самарадорлиги ва тўлиқлиги тўғрисида маълумот олиш имконини берадиган маълумотлар базаси ўзида қандай маълумотларни акс этиши кераклигига аниқлик киритмайди. Шунингдек, бундай маълумотлар базаси қайси давлат органи томонидан юритилиши ҳақида ҳам маълумот бермайди.

Бизнингча, ушбу ўринда қонунчилик ҳужжатларининг самарадорлиги ва тўлиқлиги ҳақида маълумот олиш имконини берадиган маълумотлар базаси тушунчасининг ўзини аниқлаштириш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, бундай маълумотлар базаси қайси давлат органи томонидан юритилиши, унда қандай маълумотлар акс этиши, базадаги маълумотларни қонунчилик ҳужжатлари самарадор ва тўлиқ деб топиш кўрсаткичлари нималардан иборат бўлиши каби масалаларга ҳам аниқлик киритиш талаб этилади.

Шу билан бирга, фақатгина маълумотлар базаси йўқ деган важ билан ҳуқуқий мониторинг самарасиз деган хулосага келиш ноўрин эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Чунончи, ҳуқуқий мониторинг самарадорлигини фақатгина маълумотлар базасининг мавжудлигига

---

[1] О.В.Крилова Правовой мониторинг в социальной сфере республики Марий эл. Государственное и муниципальное управление в XXI веке. Межрегиональный открытый социальный институт, г. Йошкар-Ола. 2017. – 19-21 с. https://elibrary.ru/item.asp?id=29023653

[2] Э.Р. Чернова Мониторинг законодательства и правоприменительной практики: понятие, значение, функции. Общество, право, государственность: ретроспектива и перспектива. 2023, № 1 (13). https://cyberleninka.ru/article/n/monitoring-zakonodatelstva-i-pravoprimenitelnoy-praktiki-ponyatie-znachenie-funktsii

қараб баҳолаш бир томонлама баҳо беришга олиб келади ва ҳуқуқий мониторингни моҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди.

Баъзи олимлар ҳуқуқий мониторинг ўтказишга таъсир кўрсатувчи омилларни мониторинг ўтказиш ваколатига эга бўлган субъектлар билан боғлайдилар. Хусусан, ҳуқуқий мониторинг бўйича алоҳида тадқиқотлар олиб борган ҳуқуқшунос олима В.С.Елисеева Россияда мониторинг ўтказиш амалиётида учраётган асосий муаммолар сифатида муҳим ҳуқуқни қўлловчи давлат органи бўлган судларнинг ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи субъектлар доирасидан чиқарилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади[1]. Бунда В.С.Елисееванинг юқоридаги фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда айнан суд органлари ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи асосий субъект ҳисобланишини, ушбу органда бир вақтнинг ўзида қонун ҳужжати нормаси амалиётда қўлланилишини ва бу орқали қонун ҳужжатининг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш самарадорлигига баҳо бериш имкони мавжудлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Шу билан бирга, суд органлари ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи бошқа субъектлардан фарқли равишда алоҳида ҳокимият тармоғи ҳисобланишига, ижро этувчи ҳокимиятларга буйсунмаслигига, амалда чинакам мустақил ҳокимият тармоғи эканлигига ҳам эътибор қаратиш жоиз. Буларнинг барчаси суд органлари томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий мониторингни объективлиги ва комплекслигини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, В.С.Елисеева ҳуқуқий мониторингга таъсир кўрсатувчи қўшимча омиллар сифатида ҳуқуқни қўллаш мониторинги режаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича мониторинг ўтказиш ташаббуси билан чиқаётган субъектлар тўғрисидаги маълумотларнинг мавжуд эмаслигини, мониторинг режаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторинги ҳисоботига таклифларни танлаб олиш мезонларининг шаффоф эмаслигини, ҳуқуқни қўллаш мониторинги кўрсаткичларини (индикаторлари, коэфицентлари) сифат ва миқдор жиҳатдан ўлчашнинг тушунарсизлиги кабиларни ҳам келтириб ўтади[2].

---

[1] Елисеева В. С. Мониторинг правоприменения и оценка регулирующего воздействия в системе правового мониторинга. Государство и право в изменяющемся мире: материалы международной научно-практической конференции, Н. Новгород, 5 марта 2015 г. — Н. Новгород: ПФ ФГБОУВО «РГУП», 2016. — 165 с. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://vrb.rgup.ru/

[2] Елисеева В. С. Мониторинг правоприменения и оценка регулирующего воздействия в системе правового мониторинга. Государство и право в изменяющемся мире: материалы международной научно-практической конференции, Н. Новгород, 5 марта 2015 г. — Н. Новгород: ПФ ФГБОУВО «РГУП», 2016. — 165 с. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://vrb.rgup.ru/

Бизнингча, юқорида санаб ўтилган омилларнинг барчасига ҳам ҳуқуқий мониторингга жиддий салбий таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида қараш мақсадга мувофиқ эмас. Хусусан, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш ташаббуси билан чиқаётган субъектлар ҳақидаги маълумотларнинг мавжуд эмаслигини мониторингга жиддий салбий таъсир кўрсатувчи омил сифатида баҳолаб бўлмайди.

Ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳуқуқий мониторинг натижаларининг ошкор этилмаслиги ҳам юридик адабиётларда мониторингга салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири сифатида баҳоланиб келинади. Жумладан, айрим ҳуқуқшунос олимларнинг тадқиқотларида ҳуқуқий мониторинг натижалари мажбурий равишда очиқ манбаларда чоп этилиши лозимлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилувчи субъектлар бундай маълумотларни ўрганиб боришлари ва таҳлил қилишлари, бу орқали эса, қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари сифатини ошириш чораларини кўриш зарурлиги таъкидланади[1].

Дарҳақиқат, нафақат ҳуқуқий мониторинг балки, қонунчилик ҳужжатларининг самарадорлиги бўйича давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар томонидан ўтказилган ҳар қандай тадқиқотлар натижалари оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка ошкор қилиниши лозим. Бу ўз навбатида бир тарафдан аҳолининг жамиятдаги қонунийликка бўлган ишончини мустаҳкамласа, иккинчи тарафдан фуқаролар ҳуқуқий онги ва маданиятининг ўсишига, қолаверса жамоатчилик назорати самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

Баъзи юридик адабиётларда ҳуқуқий мониторингга салбий таъсир кўрсатувчи омил сифатида мониторинг ўтказиш жараёнида фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат ташкилотлар фикри олинмаганлиги келтириб ўтилади[2]. Бу ҳақда сўз кетганда айрим олимлар фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг ҳуқуқий мониторингда иштирокини таъминлаш давлат ва жамиятнинг асосий вазифаларидан бири эканлигини таъкидлаб келадилар. Бунда ушбу олимлар томонидан фуқаролик

[1] О.А.Короткова, Т.А.Шавенкова. Антикоррупционная экспертиза в системе правового мониторинга. Журнал Теория государства и права. 2020 г. №19. – 127 С.

[2] Бекбаев Е.З., Дюсенов Е.А., Каракожаев О.С. Участие граждан, общественных и научных организаций в проведении правового мониторинга. Аналитический отчет по теме фундаментального и научно-прикладного исследования: “Проблемы и пути совершенствования правового мониторинга в Республике Казахстан”. Центр правового мониторинга ГУ “Институт законодательства Республики Казахстан”. – Астана, 2015. – С. 55.

жамияти институтлари ва фуқароларни мониторинг ўтказиш жараёнига жалб қилиш мониторингни асосий мақсадига эришиш йўлида давлат ва ваколатли давлат органлар олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланиши ҳам қайд этилиб келинмоқда. Шу билан бирга, мазкур манбаларда ҳуқуқий мониторинг ўтказишда фуқаролар ва нодавлат ташкилотлар фикри олинишига юридик мажбурият сифатида қаралиши лозим деган қараш илгари сурилади[1].

Фикримизча, ўтказиладиган ҳар қандай ҳуқуқий мониторингда уни ўтказувчиларга фуқаролар ёки фуқаролик жамияти институтлари фикрини олишни юридик мажбурият сифатида қонунчилик ҳужжатларида белгилашга зарурат йўқ. Зеро, жамиятдаги ҳар бир жараёндан, хусусан ўтказилаётган ҳуқуқий мониторинг натижаларидан энг аввало, фуқаролар ва жамоат ташкилотлари манфаатдор бўлишлари ҳамда ўз ихтиёрлари билан мазкур жараёнда иштирок этишлари лозим.

Қонунчилик ҳужжатларида фуқаролар ва жамоат ташкилотлари фикрини олиш бўйича юридик мажбуриятнинг ҳуқуқий мониторинг ташкилотчиларига нисбатан белгиланиши келгусида бундай маълумотларнинг сохталаштирилишига ёки бундай талабнинг умуман бажарилмай қолиб кетишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, ҳуқуқий монитринг ўтказувчи субъектлар зиммасига бирор-бир мажбурият юкланаёттганда уни қанчалик даражада бажаришнинг имкони борлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Гувоҳ бўлганимиздек, олимлар томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказишга таъсир кўрсатувчи омиллар борасида муайян тадқиқотлар олиб борилган. Бунда тадқиқотлар натижасида ҳуқуқий мониторингга салбий таъсир кўрсатувчи аниқланган омилларнинг барчаси ҳақли эътироф этилиши билан бирга, тегишли давлат ҳуқуқ тизимига хос бўлган жиҳатларни ҳам ўзида акс эттиради. Қайд этиш жоизки, мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган 30 йилдан ортиқ даври мобайнида бошқа давлат ҳуқуқ тизимидан алоҳида жиҳатлари ажралиб турадиган миллий қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти институтлари шаклланди. Шубҳасиз, миллий ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ижобий жиҳатлар

[1] Бекбаев Е.З., Дюсенов Е.А., Каракожаев О.С. Участие граждан, общественных и научных организаций в проведении правового мониторинга. Аналитический отчет по теме фундаментального и научно-прикладного исследования: “Проблемы и пути совершенствования правового мониторинга в Республике Казахстан”. Центр правового мониторинга ГУ “Институт законодательства Республики Казахстан”. – Астана, 2015. – С. 55.

мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашда ва ҳуқуқий демократик давлат қуришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шу билан бирга, миллий ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги айрим жиҳатлар ҳуқуқий мониторинг ўтказиш самарадорлигига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Умуман олганда мамлакатимизда ҳуқуқий мониторинг жорий этилган пайтдан бошлаб, ўтган бугунги кунга қадар мониторинг ўтказишга таъсир кўрсатувчи бир қатор омиллар мавжуд бўлиб, биз уларни шартли равишда қуйидаги икки гуруҳга ажратамиз:

а) ҳуқуқий мониторинг ўтказишга салбий таъсир кўрсатаётган ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги омиллар;

б) ҳуқуқий мониторинг ўтказишга салбий таъсир кўрсатаётган ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги омиллар.

Қуйида иккала гуруҳга хос бўлган ҳар бир омилни алоҳида кўриб чиқамиз. Ҳуқуқий мониторинг ўтказишга салбий таъсир кўрсатаётган омиллар тизимида ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда қонун ҳужжатлари ижросининг мониторинги одатда амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси юзасидан ўтказилишини инобатга олсак ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги омиллар мониторинг ўтказишга бирор-бир таъсир ўтказиши мумкинми деган ҳақли савол туғилади. Ушбу саволнинг жавоби қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган белгиланган тартиб-таомилларга риоя этишлари билан боғлиқ ҳисобланади.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш тартиб-таомиллари амалдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда ва бошқа бир қатор қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланган. Хўш бунда қонун ижодкорлиги жараёнидаги қандай омиллар ҳуқуқий мониторинг ўтказишга салбий таъсир кўрсатаётганлиги ҳақидаги масалани батафсил кўриб чиқсак.

Ҳуқуқий мониторинг ўтказишга таъсир кўрсатувчи қонун ижодкорлигидаги асосий салбий омиллар қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчи, маъмурий ислоҳотларнинг давом этаётганлиги қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари бўлган давлат

органларига муайян қонун ҳужжати ижроси юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш имконини бермасдан келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2016 йилдан сўнг мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида шиддатли ислоҳотлар амалга оширилди. Бундай ислоҳотлар орасида ҳуқуқий мониторинг ўтказишга маъмурий ислоҳотлар таъсири юқори бўлди. Бунда маъмурий ислоҳотларнинг қайта-қайта ўтказилганлиги нафақат давлат бошқарув органларининг балки, бутун давлат органлари тизимига ўзининг таъсирини кўрсатмай қолмади. Жумладан, дастлаб 2017 йил 8 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–5185-сон "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниб, у билан Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси тасдиқланди[1]. Мазкур Концепция асосида давлат бошқаруви соҳасида кўплаб ислоҳотлар амалга оширилди.

Маъмурий ислоҳотларнинг навбатдаги босқичини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги "Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–269-сон Фармони қабул қилиниши бошлаб берди. Олдинги босқичдаги маъмурий ислоҳотлардан фарқли ўлароқ қайд этилган Фармон билан 2023 йил 1 январдан бошлаб мустақил фаолият юритувчи республика ижро этувчи ҳокимият органларининг сони 61 тадан 28 тагача, шу жумладан вазирликлар сони 25 тадан 21 тагача қисқартирилди[2].

Бундай маъмурий ислоҳотларнинг амалга оширилиши қайта ташкил этилаётган, тугатилаётган давлат органлари масъул бўлган вазифаларни ҳам ўзгаришига сабаб бўлди. Ўз навбатида эса, амалга оширилаётган бундай маъмурий ислоҳотлар натижасида кўплаб ресурслар қайта тақсимланиб, уларнинг иш ҳажми ўзгаришига сабаб бўлди. Шу билан бирга, маъмурий ислоҳотлар ҳалигача ўзининг мазмунан ва мантиқан давом этаётганлиги ҳам вазирлик ва идоралар томонидан масъул бўлган қонунлар ижроси бўйича тўлақонли ҳуқуқий мониторинг ўтказишларига имкон бермасдан келмоқда.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.09.2017 йилдаги "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ–5185-сон Фармони. https://lex.uz/docs/3331174

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2022 йилдаги "Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-269-сон Фармони. https://lex.uz/docs/6324756

Бу эса, ҳуқуқий мониторинг ўтказилишига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Бундай салбий таъсир қуйидагиларда намоён бўлади:

ҳуқуқий мониторинг ўтказиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар учун қайси ташкилот масъуллиги борасида турлича тушунмовчиликлар юзага келиб, бу ўз вақтида мониторингни режалаштириш имконини бермайди;

қайта ташкил этилган давлат органи ва унинг раҳбарияти олдида вазифалар тақсимотини қайта кўриб чиқиш, улар қайта ташкил этилиши муносабати билан янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан келишиш каби биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган вазифаларни зудлик билан ҳал этиш зарурати вужудга келади ҳамда буларнинг барчаси давлат органлари учун ҳуқуқий мониторинг ўтказишни бир неча ойлар ҳатто бир неча йил кечиктиришга сабаб бўлади;

давлат органларининг бир неча маротаба қайта ташкил этилиши тегишли органдаги штат бирликларининг қисқаришига олиб келиб, бу давлат органи зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилишини хавф остига қолдиради, кадрлар қўнимсизлигига олиб келади.

иккинчи, ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини лойиҳа босқичидан тортиб, давлат органлари билан келишиш, коррупцияга қарши экспертиза ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳамда охирги инстанцияга тақдим этишга қадар бўлган барча жараёнларда етарлича шаффофлиги таъминланмаётганлиги.

Шу ўринда қонунчилик ташаббусига эга давлат органлари томонидан ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий мониторинг ўтказишга қандай алоқаси бор деган масалага аниқлик киритиб ўтсак. Маълумки, муайян қонунчилик ҳужжати ижроси юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилганда унга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларга ҳам мурожаат қилиш зарурати вужудга келади. Хусусан, амалдаги ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 13-бандида ҳуқуқий мониторингни амалга оширишда таҳлил қилинадиган маълумотлар жумласига турли даврларда қабул қилинган бир хил муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда зиддиятларнинг мавжудлиги кўрсаткичи ҳам киритилган. Бу ўз навбатида, муайян қонунчилик ҳужжати ижроси

юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилганда унга турли даврларда киритилган қўшимча ва ўзгартиришларни ҳам таҳлил қилишни тақозо этади. Бунда мониторинг ўтказилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга у қабул қилингандан сўнг неча маротаба қўшимча ва ўзгартириш киритилганлиги, уларнинг қанчаси бевосита мониторинг объектига дахлдорлиги, мониторинг объектига дахлдор қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ташаббускорлари, уларни киритиш сабаблари, бошқа давлат органлари томонидан билдирилган таклиф ва эътирозларни ҳам ўрганиш зарур бўлади.

Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомил-лаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5505-сон Фармонига мувофиқ 2019 йил 1 январга қадар Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимини ишлаб чиқиш ва синов тариқасида ишга тушириш вазифаси Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган эди[1]. Бугунги кунда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz) ишлаб чиқиб, амалиётга тўлиқ жорий этилган[2]. Ушбу тизимнинг жорий этилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳолда унинг жамоатчилик учун очиқ эмаслигини энг асосий ва жиддий камчиликларидан бир сифатида сақланиб қолаётганлигини эътироф этиш жоиз.

Бугунги кунга келиб, ушбу тизимда кўплаб давлат органлари жумладан, вазирликлар, қўмиталар ва марказлар, марказий муассасалар, жамғармалар, қўмиталар, агентликлар, банклар, инспекциялар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бирлашма ва бошқармалар, компаниялар билан интеграция қилинган бўлиб, ишлаб чиқилаётган аксарият норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимга жойлаштирилиб, мазкур ташкилотлар билан келишилиб келинмоқда. Бироқ, мазкур тизим ёпиқ бўлиб, барча учун тизимга киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш имконияти яратилмаган. Бу эса, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларга нафақат қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.08.2018 йилдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5505-сон Фармони. https://lex.uz/docs/3858817

[2] Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими. https://project.gov.uz/uz

ҳуқуқларининг чекланишига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, ягона тизимга фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг кириш имкониятини йўқлиги улар ҳуқуқий онги ва маднияти ошишига тўсқинлик қилаётган асосий тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда. Тўғри, фуқаролар қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси (lex.uz) орқали нафақат маълумот олишлари балки, уларнинг давлат тили, рус ва инглиз тилидаги матнлари билан ҳам танишишлари учун имконият яратилган.

Бироқ, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимига (project.gov.uz) ҳар қандай фуқароларнинг кириш имконияти яратилганда фуқаролар нафақат жамиятда амалга оширилиши режалаштирилаётган ислоҳотлар ҳақида маълумотга эга бўлишлари, ҳаттоки ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижтимоий тармоқларда муҳокама қилишлари бу орқали ўз ижтимоий фаолликларини янада оширишлари, шунингдек уларни такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини ташаббускор давлат органига юборишлари мумкин бўлар эди.

учинчи, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда бир вақтнинг ўзида унинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ чораларнинг амалга оширилмаслиги.

Маълумки, қабул қилинаётган ҳар бир қонуннинг ижросини таъминлаш давлат органларидан кўплаб ташкилий ва бошқа аҳамиятга эга бўлган чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда “пакет принципи”ни назарда тутувчи бундай чора-тадбирлар жумласига қонуности ҳужжатларнинг қабул қилинган қонун ҳужжатига мувофиқлаштириш, қонун нормаларини ижросини таъминлаш давлат бюджети маблағларини талаб этса, бундай маблағларни ажратиш, қонун ижроси учун масъул бўлган давлат органларини белгилаш, қонун нормаларининг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш ва бошқаларни киритиш мумкин[1].

Қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда бир вақтнинг ўзида унинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ комплекс ташкилий чора-тадбирларнинг кўрилмаслиги амалиётда қонуннинг ижроси билан боғлиқ кўплаб қийинчиликларни келтириб чиқаришга

[1] Проекты законов будут готовить по «пакетному» принципуhttps://www.gazeta.uz/ru/2020/05/22/law-projects/.

сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатга ҳуқуқни қўллаш амалиётидан кўплаб мисолларни келтириб ўтишимиз мумкин. Масалан, 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўплаб янги нормалар киритилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияга кўплаб янги нормаларнинг киритилиш амалдаги кўплаб қонун ҳужжатлари нормаларини қайта кўриб чиқишни, бир қатор ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этган. Айнан шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги "Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ–67-сон Фармони қабул қилиншига, ушбу Фармон билан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устувор ғояларини рўёбга чиқариш ва нормаларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича Давлат комиссияси, экспертлик кенгаши тузилишига ва уларнинг таркиби тасдиқланишига сабаб бўлди.

Ундан ташқари, юқорида келтирилган Фармон билан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланиб, ушбу дастурда 6 та йўналиш бўйича 89 та тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилди. Энг қизиғи, ушбу дастурдаги тадбирларни амалга ошириш муддати сифатида турли муддатлар назарда тутилган. Масалан, дастурнинг 66-бандида етим болаларни ҳамда ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқишни, тарбиялашни, уларнинг таълим олишини, соғлом ва ҳар томонлама камол топишини таъминлаш борасидаги тадбирни амалга ошириш муддати этиб 2024 йилнинг 1 март куни белгиланган. Ваҳоланки, янги таҳрирдаги Конституция 2023 йилнинг 30 апрелида умумхалқ референдумида қабул қилиниб, шу куннинг ўзида юридик кучга кирган эди.

Янги таҳрирдаги Конституцияни тайёрлаш вақтида юқоридаги Фармон билан тасдиқланган тадбирлар, қонун ҳужжатлари бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқилганда эди, Асосий Қомуснинг тўлақонли ҳаётга татбиқ этилишига эришилар эди. Яна бир мисол. 2022 йилнинг 8 августида "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган. Қонуннинг 64-моддасида эса, мазкур қонуннинг 3 ойдан сўнг кучга кириши белгиланган. Демак, ушбу

қонун 2022 йилнинг 8 ноябридан кучга кирган. Қайд этилган қонуннинг 3-моддасида қонуннинг амал қилиши Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимлардаги давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолиятига нисбатан татбиқ этилиши белгиланган. Мазкур қонуннинг 22-моддасида эса, давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестри Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ҳамда махсус ваколатли давлат органи томонидан юритилиши қайд этилган.

Демак, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг ишлаши учун Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестри керак. Бундай реестрсиз мазкур қонун бирорта муносабатни тартибга сола олмайди. Бироқ, орадан бир мунча вақт ўтса ҳам 2025 йилнинг 1 май ҳолатига кўра ҳалигача Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестри тасдиқланмаган. Бу ўз навбатида бугунги кунга қадар “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонуннинг амалиётда ишламай келишига сабаб бўлмоқда. Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестри “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун билан бир вақтда ишлаб чиқилиб, тасдиқланганда эди бугунги кунга қадар давлат фуқаролик хизмати тўлақонли қонуний жиҳатдан тартибга солинар эди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6013-сон Фармонининг 16-бандида Коррупцияга қарши курашиш агентлигига икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифларни киритиш вазифаси юклатилган. Ваҳоланки, айнан юқоридаги Фармоннинг ўзи билан ундан келиб чиқадиган қўшимча ва ўзгартиришларни алоҳида илова сифатида тасдиқлашнинг имкони бор эди.

Амалдаги қонунчиликда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларига нисбатан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг “пакет принципи” асосида ишлаб чиқиш талабининг белгиланиши миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида юқоридаги каби муаммоларнинг бартараф этилишига имкон яратар эди. Шу ўринда 2021 йилга қадар амалдаги миллий қонунчилигимизда биз таклиф қилаётган қонун лойиҳаларини уларни амалга ошириш билан боғлиқ барча чора-тадбирлар билан биргаликда ишлаб чиқиш лозимлиги

ҳақидаги талаб мавжуд бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5505-сон Фармонининг 3-банди учинчи хатбошиси билан янги тартиб белгиланган.

Ушбу тартиб билан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритиш чоғида унга, қоида тариқасида, қонун ва қонуности ҳужжатларини такомиллаштириш, ташкилий-техник чораларни амалга ошириш, шунингдек, қонун лойиҳасини кенг кўламда тарқатиш ҳамда унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тарғиб қилиш бўйича масалаларни ўз ичига олган қонун лойиҳасини амалга оширишга доир тадбирлар режасини илова қилиши, бунда, тадбирлар режаси қонун Олий Мажлиснинг Сенати томонидан маъқуллаш билан бир вақтда Олий Мажлис палаталари томонидан унинг ижроси устидан таъсирчан назоратни таъминлаган ҳолда тасдиқланиши мустаҳкамланган. Бироқ, юқоридаги тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги “Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6218-сонли Фармони 2-иловаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар асосида бекор қилинган[1].

Эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги “Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6218-сонли Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилиб, идоралараро келишувга тақдим этилганда ҳам лойиҳанинг таққослаш жадвалида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5505-сон Фармонининг 3-банди учинчи хатбошисини чиқариб ташлаш зарурати асослантирилмаган[2].

Бу ўз навбатида қонун лойиҳаларини “пакет принципи” асосида ишлаб чиқиш заруратини тақозо этади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги “Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6218-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/5400414

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси. https://project.gov.uz/oz/inbox/view/29490?tab=4

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда қонун ва қонуности ҳужжатларини такомиллаштириш, ташкилий-техник чораларни амалга ошириш, шунингдек, қонун лойиҳасини кенг кўламда тарқатиш ҳамда унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тарғиб қилиш бўйича масалаларни ўз ичига олган қонун лойиҳасини амалга оширишга доир тадбирлар режасини илова қилиш талабини белгилаш таклиф этилади.

тўртинчи, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимида ҳуқуқий мониторинг ўтказиш билан боғлиқ жараёнларнинг амалга ошириш шаклларини яратилмаганлиги.

Таъкидлаш жоизки, 2019 йил 2 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланган ва 2024 йил 16 августга қадар амалда бўлган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандида ҳуқуқий мониторингни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимидаги махсус электрон майдончада Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шакллар асосида амалга оширилиши белгиланган эди.

Юқоридаги талаб эса, ҳуқуқий мониторингни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz) электрон платформада акс этиши кераклигини назарда тутган. Бироқ, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz) электрон платформада ҳуқуқий мониторинг ўтказиш билан боғлиқ кўплаб жараёнлар назарда тутилмаган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августда қабул қилинган “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–111-сон Фармонида ҳам ягона электрон тизимидаги махсус электрон майдончада ҳуқуқий мониторинг ўтказиш имконияти назарда тутилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими

(project.gov.uz) электрон платформада ҳуқуқий мониторинг ўтказиш билан боғлиқ барча жараёнларни акс эттириш лозим. Ўз навбатида юқорида таъкидлаб ўтилганидек, миллий ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам ҳуқуқий мониторинг ўтказишга салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор омиллар мавжуд.

Улар ўз навбатида амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказишга тўсқинлик қилиб келмоқда. Ҳуқуқий мониторинг ўтказишга салбий таъсир кўрсатаётган ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги асосий омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) амалдаги қонунчиликда ҳуқуқий мониторинг объектининг доираси тор этиб белгиланганлиги.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқий мониторинг объекти қуйидаги икки гуруҳга ажратилган:

а) Қонун ҳужжатлари. Бунда ушбу гуруҳга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари киритилган.

б) Қонуности ҳужжатлар. Ҳуқуқий мониторинг ўтказиладиган ушбу гуруҳдаги ҳужжатлар доирасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари киритилган.

Амалдаги қонунчиликда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳуқуқий мониторинг жараёнида ўрганиладиган масалалар доирасига киритилган. Ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳуқуқий мониторинг объекти доирасига кириши мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги таклиф ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳам илгари сурилган. Хусусан, ҳуқуқшунос олима Т.С.Сафарова ўзининг ҳуқуқий мониторингга бағишланган тадқиқотида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳуқуқий мониторингнинг асосий объектларидан бири сифатида қонунчиликда белгиланиши лозим деган хулосага келади[1].

2) амалиётда ваколатли давлат органлари томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилмаётганлиги.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режаси давлат бошқаруви органлари таклифлари ҳамда

[1] Сафарова Т.С. Правовой мониторинг как институт правовой политики Республики Казахстан. Аналитический отчет по теме фундаментального и научно-прикладного исследования: “Проблемы и пути совершенствования правового мониторинга в Республике Казахстан”. Центр правового мониторинга ГУ “Институт законодательства Республики Казахстан”. – Астана, 2015. – С. 25. https://www.zqai.kz/sites/default/files/2015_1.pdf

ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган кўрсаткичлар асосида ҳар йили масъул вазирлик ва идора томонидан ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши талаб этилади.

Айнан юқорида келтирилган тартиб Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2025 йил 7 февралдаги 3605-сонли рақам билан рўйхатдан ўтган буйруқ билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш услубиётида белгиланган. Бироқ, айни пайтда ҳали бирорта ҳам масъул вазирлик ва идора томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режаси тасдиқланмаган. Бу эса ўз навбатида масъул давлат органлари томонидан мониторинг режасига мувофиқ ҳуқуқий мониторинг ўтказилмаганлигини англатади.

Ҳуқуқий мониторинг институти мавжуд бўлган хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилар эканмиз уларда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ушбу институтдан қонунийликни таъминлаш ҳамда қонунчилик ҳужжатлари сифати ва самарадорлигини оширишда муваффақиятли фойдаланилиб келинаётганлигини кўрсатмоқда. Масалан, Россия Федерацияси Ҳукумати томонидан ҳар йили Россия Федерациясида ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторинги режаси тасдиқлаш амалиётидан тўлиқ фойдаланиб келинмоқда. Масалан, Россия Ҳукуматининг 2021 йил 28 августидаги Фармойиши билан Россия Федерациясида 2022 йил учун ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторинги тасдиқланган бўлиб, унда 5 та соҳадаги қонунчилик ҳужжатларининг амалиётда қўлланилиши мониторингини ўрганиш назарда тутилган[1].

2024 йил 23 августда Россия Ҳукуматининг 2274-сонли Фармойиши асосида тасдиқланган 2023 йил учун Россия Федерациясида ҳуқуқни қўллаш амалиётининг мониторинг режасида эса 6 та соҳанинг ваколатли давлат органлари томонидан мониторинг қилиниши белгиланган[2].

Ҳуқуқий мониторинг режасини тасдиқлаш ва ўтказиш билан боғлиқ ўхшаш ҳолатни бошқа хорижий давлатларда ҳам кузатиш мумкин. Гувоҳ бўлганимиздек, хорижий мамлакатларда ҳуқуқий мониторинг йиллик режалар асосида ўтказилиб келинаётган

[1] План мониторинга правоприменения в Российской Федерации на 2022 год. Утвержден распоряжением Правительства Российской Федерации от 28 августа 2021 г. № 2387-р. http://static.government.ru/media/files/Agp8tgYCIHtlnpDUgzmXLWgXaWz05ApM.pdf

[2] План мониторинга правоприменения в Российской Федерации на 2025 год. Утвержден распоряжением Правительства Российской Федерации от 23 августа 2024 г. № 2274-Р. https://minjust.gov.ru/uploaded/files/plan-na-2025-god.pdf

бўлсада, мамлакатимизда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш амалиёти ҳалигача йўлга қўйилмаган.

3) қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини баҳолашнинг мезонлари (индикаторлари) ишлаб чиқилмаган.

Муайян қонунчилик ҳужжатининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида қанчалик даражада самарадорлигини аниқлашда унинг самарадорлигини белгилаб берувчи махсус индикаторлар ва кўрсаткичлар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Зеро, ҳар тарафлама илмий жиҳатдан асосланган, объектив ва пухта ишлаб чиқилган мезонлар ҳамда индикаторлар билангина муайян қонунчилик ҳужжатининг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги самарадорлигига баҳо бериш мумкин. Бунда муайян қонунчилик ҳужжатининг самарадорлигига берилаётган баҳо бир гуруҳ мутахассисларнинг субъектив фикридан иборат бўлиб қолмаслигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самадорлиги нимада намоён бўлиши ҳақидаги масалага эътибор қаратсак. Бу борада профессор Н.Н.Черногоранинг қонунчилик ҳужжатларининг самарадорлиги деганда муайян қонунчилик ҳужжатлари нормаларининг реализация қилиниши натижасида жамиятдаги тегишли ижтимоий-ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишга қодирлиги тушунилиши ҳақидаги фикрига тўлиқ қўшиламиз[1].

Юридик адабиётларда замонавий шароитларда қонунчилик ҳужжатлари самарадорлигига таъсир кўрсатадиган асосий ҳуқуқий омиллар сифатида қуйидагилар келтириб ўтилади:

а) қонунчилик ҳужжатлари сифати;

б) ҳуқуқни қўллаш амалиёти сифати;

в) аҳолининг ҳуқуқий онги даражаси;

Қонунчилик ҳужжатлари сифати яхлит ҳуқуқ тизими ёки алоҳида қонунчилик ҳужжатлари даражасида баҳоланади. Қонунчилик ҳужжатлари сифати ушбу ҳужжатларнинг конституциявий-ҳуқуқий табиатини ўрганиш, улар ижтимоий мазмунидаги асосий нуқсонларни аниқлаш ва нормаларини формал-юридик жиҳатдан таҳлил қилиш босқичлари орқали ўрганилади. Шу билан бирга, қонунчилик ҳужжатлари ҳуқуқий сифатини таҳлил қилиш учун қуйидагиларни ўз ичига олган комплекс ҳуқуқий

[1] Правовой мониторинг: актуальные проблемы теории и практики / Под ред. Н.Н.Черногора. – М.: Международный юридический институт, 2010. – 232 С. – С. 118.

экспертиза талаб қилиниши мумкин: 1) идоравий экспертиза; 2) илмий экспертиза; 3) жамоатчилик экспертизаси.

Қонунчилик ҳужжатларининг амал қилиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омил сифатида ҳуқуқни қўллаш амалиётининг сифати ушбу ҳужжатларда мустаҳкамланган ижтимоий манфаатлар келишуви моделининг қанчалик даражада ҳуқуқни қўллаш амалиётида таъминланиши орқали аниқланади.

Бунда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг сифати қуйидагиларни баҳолаш орқали аниқланади:

а) ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳуқуқий таъминлаш сифати;

б) ҳуқуқни қўллаш амалиётини ташкилий, молиявий, моддий-техник ва бошқа жиҳатдан таъминланганлик сифати;

в) одил судлов сифати.

Аҳолининг ҳуқуқий онги даражаси ҳам қонунчилик ҳужжатлари сифатини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда инсонларнинг ҳуқуқ борасидаги билимлари ва унга риоя этишлари даражасини ифодалашда намоён бўлади. Аҳолининг ҳуқуқий онги даражасини тадқиқ этишда асосий эътибор нафақат тадқиқ этилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат талабларини одамларнинг билишларига, балки муайян вазиятда тегишли ҳужжатда белгиланган талабларнинг қанчалик даражада тушунарли баён этилганлигига ҳам қаратилади. Чунончи, башарти норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқувчи орган томонидан қонунчилик ҳужжатидаги норма лозим даражада содда, равон ва тушунарли тарзда баён этилса, ҳар қандай оддий фуқаро ҳам махсус юридик билимга эга бўлмаган ҳолда давлатдаги ҳуқуқий маконга суяна олиши мумкин бўлади. Шу сабабли, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳаракатининг самарадорлигини тадқиқ қилиш доирасида аҳоли ҳуқуқий онги даражасини ўрганиш натижалари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар фуқаролар ўртасида ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлиши ҳам мақсадга мувофиқ.

Миллий қонунчилигимизда қонунчилик ҳужжатлари самарадорлигини аниқлашга хизмат қилувчи мезонлар ва индикаторларнинг ишлаб чиқилмаганлиги ўз навбатида ҳуқуқий мониторингнинг натижасига ва сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қонунчилик ҳужжатлари самарадорлигини баҳоловчи мезонлар ва уларнинг индикторларини ишлаб чиқиш таклиф этилади.

4) ҳуқуқий мониторинг ўтказиш жараёнига фуқаролар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари жалб этилмаганлиги.

Ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг амалдаги тартибида мониторинг ўтказувчи давлат органларига ҳуқуқий мониторингни ўтказишда мониторинг индикаторларининг нисбий аҳамиятини аниқлашда соҳада фаолият юритаётган мутахассислар, илмий доира вакиллари ҳамда амалиётчи мутахассисларнинг хулосалари асосида баҳолаш усули қўлланилиши мумкинлиги белгиланган[1].

Бироқ, қонунчиликда белгиланган юқоридаги норма ҳуқуқий мониторинг ўтказишга масъул бўлган вазирлик ва идораларга фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш мажбуриятини юклашни назарда тутмасдан қолмоқда.

Бунда ваколатли давлат органининг ҳуқуқий мониторинг ўтказиш вақтида қанчалик даражада фуқароларни ёки бошқа нодавлат ташкилотларни жалб этишдан манфаатдор бўлиши мумкинлиги инобатга олинмаган. Бунда ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи давлат органининг манфаатдорлиги деганда қуйидаги икки манфаатдорлик назарда тутилмоқда:

а) умумий манфаатдорлик. Албатта умумий олганда ҳар қандай ҳуқуқий мониторинг ўтказаётган давлат органи мониторинг ўтказиш орқали қонунчилик ҳужжатлари сифати ва тартибга солиш самарадорлигини оширишдан манфаатдор ҳисобланади. Ўз навбатида ҳар бир давлат органи бундай умумий манфаатдорликка эга ҳисобланади.

б) идоравий манфаатдорлик. Бунда давлат органи муайян қонунчилик ҳужжатининг ижроси юзасидан ҳуқуқий мониторинг натижасида аниқланган ўзининг фаолиятидаги камчилик ва хатоларнинг учинчи шахсларга ёки жамоатчиликка маълум бўлмаслигига ҳаракат қилади. Масалан, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун ижросининг ҳуқуқий мониторинги натижасида аниқланган ҳар қандай камчиликлар жамоатчиликка ошкор бўлса Ички ишлар вазирлиги тизимига нисбатан аҳолида эътирозлар пайдо

[1] Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 07.02.2025 йилда 3605-сон билан рўйхатдан ўтган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш услубиётини тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи.

бўлиши ёки камчиликларга йўл қўйган ходимлар интизомий ёхуд бошқа жавобгарликка тортилиши мумкин.

Шунинг учун ҳам ҳар қандай давлат органи ўз фаолияти билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказишдан маълум маънода манфаатдор бўлади. Таъкидлаш жоизки, айрим тадқиқот ишларида қонунчилик ҳужжатларида ҳуқуқий мониторинг ўтказиш жараёнига фуқаролар, жамоат ташкилотлари ёки илмий ташкилотларнинг иштирок этиш борасидаги мажбуриятини мустаҳкамлаш таклифи илгари сурилмоқда[1].

Албатта бундай таклиф билан келишиб бўлмайди. Бунда оммавий равишда барча фуқаролар ёки жамоат ташкилотлари зиммасига бирор-бир мажбурият юклаш келгусида аҳолининг ҳақли норозилигига сабаб бўлиши ва бундай мажбуриятнинг умуман бажарилмаслигига, қолаверса давлат ҳокимиятига нисбатан асосли эътирозларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Бизнингча, мониторинг ўтказувчи давлат органларига қатъий талабларни белгилаш, мониторингнинг ташкилий механизмларни такомиллаштириш орқалигина ҳуқуқий мониторинг жараёнига фуқаролар ва нодавлат ташкилотларни жалб қилишга эришиш мумкин.

4.3-§. Қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторинги қонуний асосларини такомиллаштириш истиқболлари

Ҳуқуқий мониторинг институтининг самарадорлигини оширишда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан келиб чиққан ҳолда унинг қонуний асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқий мониторинг институти бошқа ҳуқуқ институтлари сингари доимий ривожланишда бўлиб, бу ўз навбатида унинг қонуний асосларини такомиллаштиришни талаб қилади.

Ҳуқуқий мониторинг қонуний асосларини такомиллаштириш қуйидагиларга кўра объектив эҳтиёж ҳисобланади:

[1] Бекбаев Е.З. Дюсенов Е.А, Каракожаев О.С. Участие граждан, общественных и научных организаций в проведении правового мониторинга. Аналитический отчет по теме фундаментального и научно-прикладного исследования: “Проблемы и пути совершенствования правового мониторинга в Республике Казахстан”. Центр правового мониторинга ГУ “Институт законодательства Республики Казахстан”. – Астана, 2015. – С. 25.

биринчидан, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар тизимида 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Бу ўз навбатида кўплаб ҳуқуқ институтлари шу жумладан, ҳуқуқий мониторингнинг мақсад ва вазифаларини янги таҳрирдаги Конституция асосида қайта кўриб чиқишни тақозо этади;

иккинчидан, ҳуқуқий мониторинг институти миллий қонунчиликка кириб келганига унчалик катта вақт ўтмаган бўлсада, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунга ҳуқуқий мониторингга оид алоҳида нормалар киритилди, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом қабул қилинди. Шу билан бирга, ҳуқуқий мониторинг ҳуқуқий асосларини бугунги кун ҳуқуқни қўллаш амалиёти нуқтаи-назаридан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш тақозо этмоқда;

учинчидан, хорижий давлатларда қонунлар ижросини таъминлашда ҳуқуқий мониторинг билан боғлиқ воситалардан кенг фойдаланилиб келинаётганлиги ушбу институтни уларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Ҳуқуқий мониторингнинг қонуний асосларини такомиллаштиришда бевосита унинг тамал тошини қўйиш учун муҳим аҳамият касб этган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–111-сон Фармонини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлаш жоиз.

Бунда қайд этилган Фармон билан белгиланган ҳуқуқий мониторингнинг вазифаларини қайта кўриб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниш ҳуқуқий мониторингнинг вазифаларига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмай қолмади. Хусусан,

янги таҳрирдаги Конституциянинг 15-моддасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилиши ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этиши ҳақидаги янги қоида киритилди. Ушбу норманинг киритилиши биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларининг ижросини таъминлашни тақозо этади. Шу билан бирга, Конституция нормалари ижросининг доимий ҳуқуқий мониторингини амалга ошириш заруратини юзага келтиради.

Ўз навбатида амалдаги қонунчиликда ҳуқуқий мониторингнинг бир қатор асосий вазифалари белгиланган. Хусусан, юқорида қайд этилган фармон билан тасдиқланган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидани низомнинг 42-бандида ҳуқуқий мониторингнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш мақсадларига эришилишини таҳлил қилиш, унинг ижроси ва натижаларини мунтазам ҳамда тизимли равишда кузатиб бориш;

ТСТБдан ўтказиш учун статистик маълумотларни тўплаш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш мақсадларига мувофиқлигини ўрганиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросига тўсқинлик қилувчи ҳолатларни аниқлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ижроси бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш[1].

Бироқ, юқорида санаб ўтилган вазифалар орасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларининг ижросини таъминлаш вазифаси назарда тутилмаган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–67-сон Фармони 7-бандида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.08.2024 йилдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-111-сон Фармони. https://lex.uz/docs/7069968

сиёсат институтига бир қатор янги вазифалар юклатилган[1]. Ана шундай вазифалардан бири сифатида давлат органлари, айниқса, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида янги таҳрирдаги Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри қўлланиши ҳолатини мониторинг қилиб бориш вазифаси белгиланган.

Ўз навбатида янги таҳрирдаги Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри қўлланиши ҳолатини мониторинг қилиб бориш фақатгина Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтининг вазифаси эмас, балки ҳар қандай давлат органининг ҳуқуқий мониторинг ўтказишдаги асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги
ПФ–67-сон Фармони 1-банди билан янги таҳрирдаги Конституцияни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи навбатдаги устувор вазифаси этиб белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-111-сон Фармон билан тасдиқланган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидани низомнинг 42-банди қуйидаги хатбоши билан тўлдириш таклиф этилади:

“давлат органлари фаолиятида янги таҳрирдаги Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри қўлланиши ҳолатини мониторинг қилиш;”

Амалдаги қонунчиликда ҳуқуқий мониторинг вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари томонидан тасдиқланадиган мониторинг ўтказиш режасига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган.

Шу ўринда бир масалага эътибор қаратсак. Ҳуқуқий мониторингни режалаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.05.2023 йилдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–67-сон Фармони. https://lex.uz/docs/6461609

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–111-сон Фармони қабул қилингунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 ноябрдаги “Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4505-сон қарори билан тартибга солиниб келинган.

Бунда ПҚ–4505-сонли Қарорда ҳуқуқий мониторинг режаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши назарда тутилган эди. Эътиборли жиҳати шундаки, ПҚ–4505-сонли Қарор қабул қилингандан сўнг ПФ–111-сонли Фармон қабул қилингандан буён ўтган 5 йил вақт ўтган бўлсада бирор маротаба ҳам ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланмаган.

Фикримизча, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режасининг тасдиқланмаслигининг асосий сабаблари қуйидагиларда намоён бўлади:

а) Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режаси тасдиқланиши ва унинг ижросини таъминлашда идоравий манфаатдор ҳисобланган.

Хусусан, ҳуқуқий мониторинг натижасида муайян давлат органи фаолиятида аниқланган камчиликлар натижасида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли таркибий бўлинмасига ёки Бош вазир ўринбосарига турли субъектлар (Президент, Олий Мажлис, нодавлат ташкилотлар ёки фуқаролар) томонидан эътироз билдирилиши мумкин. Бундай эътирозларнинг бир ёки икки маротаба билдирилиши унчалик аҳамиятга эга бўлмасада, доимий равишда билдириб борилиши тегишли мансабдор шахсларнинг лавозимдан озод этилишига, бора-бора Ҳукуматнинг фаолияти қониқарсиз деган хулосаларни илгари суриш учун асос бўлиши мумкин.

Айнан шу сабабли ҳам, Ҳукумат ўз таркибига кирувчи давлат органлари фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий мониторинг ўтказилишидан манфаатдор бўлмаган.

б) ҳуқуқий мониторинг натижаси аҳолида бевосита Вазирлар Маҳкамаси фаолияти тўғрисида ижобий ёки салбий фикр шаклланишига асос бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги ҳам ҳуқуқий мониторинг ўтказилмаслининг асосий сабабларидан бири бўлиб хизмат қилган.

Хусусан, Конституциянинг 115-моддасига биноан Вазирлар Маҳкамаси зиммасига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва

қонунлари, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Ҳуқуқий мониторинг натижасида муайян камчиликларнинг аниқланиши жамоатчиликда Ҳукумат юқорида санаб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлай олмаяпти деган ҳақли эътирознинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин эди.

в) Вазирлар Маҳкамасининг амалдаги ҳуқуқий мақоми идоравий мансублиги ва буйсунидан қатъий назар барча давлат органлари фаолияти билан боғлиқ бўлган қонунчилик ҳужжатлари ижроси бўйича ҳуқуқий мониторинг ўтказиш имконини бермаган.

Таъкидлаш жоизки, 2024 йил 25 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги конституциявий Қонуннинг 3-моддасида Ҳукуматнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилган бўлиб, унга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимиятнинг олий органи ҳисобланади ва ижро этувчи органларнинг ягона тизимига раҳбарлик қилади[1].

Демак, Вазирлар Маҳкамаси фақатгина ижро ҳокимиятининг олий органи ҳисобланган ижро этувчи органлар тизимига раҳбарлик қилар экан, ҳуқуқий мониторинг режасини тасдиқлаганда ҳам айнан ушбу органлар фаолияти билан боғлиқ бўлган қонунчилик ҳужжатлари мониторинги ўтказилишини ташки этиш ваколатига эга бўлган.

Шу билан бирга, миллий ҳуқуқ тизимда ижро этувчи органлар фаолиятига кирмайдиган давлат органлари фаолиятини тартибга солувчи кўплаб қонунчилик ҳужжатлари ҳам мавжуд бўлиб, Ҳукумат шунчаки уларнинг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш билан боғлиқ топшириқ бериш ваколатига эга бўлмаган. Масалан, Ҳукумат тўлақонли ҳуқуқий мониторинг ўтказиш бўйиича ҳуқуқий мониторинг режасига мустақил давлат ҳокимиятининг тармоғи бўлган судлар фаолияти билан боғлиқ “Судлар тўғрисида”ги Қонун ижроси ҳуқуқий мониторинги ўтказиш ташаббусини илгари сура олмаган. Чунки, ушбу қонуннинг ҳуқуқий мониторинг режасига киритилиши унинг ижросига масъул бўлган Олий суд ёки Судьялар

[1] Ўзбекистон Республикасининг 25.10.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги ЎРҚ-982-сон конституциявий Қонуни. https://lex.uz/docs/7172667

олий Кенгашига мониторинг ўтказиш муддати, ижрочилари ёки бошқа масалалар юзасидан топшириқ беришига сабаб бўлган.

Бу ўз навбатида суд ҳокимиятига ижро ҳокимиятининг аралашуви сифатида баҳоланиши, халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг Вазирлар Маҳкамаси фаолиятига нисбатан кескин эътироз билдирилишига сабаб бўлиши мумкин эди.Яна бир мисол. Вазирлар Маҳкамаси ўз таркибига кирувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланган Ички ишлар вазирлиги фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг ҳуқуқий мониторингини ўтказишни мониторинг режасига киритиш ваколатига эга ҳисобланган.Бироқ, Ҳукумат таркибига кирмайдиган давлат органлари фаолияти билан боғлиқ бўлган “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги, “Прокуратура тўғрисида”ги ва бошқа қонунларнинг ҳуқуқий мониторингини ташкил этиш ваколатига эга бўлмаган. Барча давлат органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунлар юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонун ҳужжатлари мониторинги ўтказиш ваколатига эга эмаслиги мазкур қонунлар бўйича ҳуқуқий мониторинг ўтказиш имкониятини йўққа чиқишига сабаб бўлган.

Юқоридагилардан ташқари, айни пайтда бевосита турли давлат органлари ҳузурида ташкил этилган органлар фаолиятини тартибга солувчи бир қатор қонун ҳужжатлари мавжуд бўлиб, Вазирлар Маҳкамаси улар ижроси юзасидан ҳуқуқий мониторингни ташкил этмаган. Бундай қонунларга биргина мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил фаолияти билан боғлиқ бўлган 2017 йил 29 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги Қонунни келтириш мумкин.

Айни пайтда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режасини тасдиқлаш ваколатини давлат ҳокимияти тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентига бериш мақсадга мувофиқ бўлиб, бундай заруратни қуйидагилар билан асослаш мумкин:

1) Президентда ҳуқуқий мониторинг натижасида камчиликлар аниқланишидан тўғридан-тўғри манфаатдорлик мавжуд эмас.

Хусусан, Конституциянинг 105-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғи эканлиги ва давлат

ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаши мустаҳкамланган. Бунда Президент давлат ҳокимиятининг учала тармоғига мансуб бўлган давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш орқали уларнинг келишилган фаолият юритишини таъминлайди. Шу билан бирга, Президентга давлат бошлиғи мақомининг берилганлиги ҳуқуқий мониторинг натижасида идоравий мансублиги ва буйсунувидан қатъий назар ҳар қандай давлат органи фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ваколатини беради. Бунда Президент ўз ташаббуси билан ёки бошқа давлат органларининг таклифларига асосан ёхуд фуқароларнинг таклифлари асосида ҳар қандай қонун ҳужжатининг ижроси юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тўғрисида топшириқ бера олади. Шу билан бирга, Президент ҳар қандай қонунчилик ҳужжатининг ҳуқуқий мониторинги натижасида аниқланган тизимли камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриши ва ҳатто камчиликларга йўл қўйган мансабдор шахсларни эгаллаб турган лавозимидан озод қилиши ҳам мумкин.

2) Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили сифатида ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ижросини таъминлашга қаратилган ҳар қандай чоралар кўриши шу жумладан, ҳуқуқий мониторинг ўтказишни талаб қилиш ваколатига эга. Жумладан, Конституциянинг 109-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили эканлиги мустаҳкамланган.

Шундай экан, Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари Конституция ва қонунларга риоя этишнинг кафили сифатида ҳар қандай давлат органи ёки давлат ташкилоти ҳисобланган илмий-тадқиқот институтларига ҳуқуқий мониторинг ўтказиш вазифасини юклаш ваколатига эга. Бундай вазифани юклашда эса, айнан Президент томонидан тасдиқланадиган ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режаси муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

3) ўтказилган ҳуқуқий мониторинг натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича Президент бир қатор норматив-ҳуқуқий ёки бошқа ҳужжатлар қабул қилиш ваколатига эга.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий мониторинг жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш унинг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ҳуқуқий мониторингда аниқланган камчиликларни бартараф этиш усулларидан бири норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳисобланади. Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибга биноан Адлия вазирлигига ҳар йили 20 февралга қадар давлат бошқаруви органлари томонидан ўтган йилда ўтказилган ҳуқуқий мониторинг натижалари тўғрисида ҳисоботни Вазирлар Маҳкамасига киритади. Бунда мазкур ҳисоботда ҳуқуқий мониторинг натижасида норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиши мумкинлиги белгиланган. Бироқ, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига биноан Вазирлар Маҳкамаси қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши белгиланган.Шундай экан, мониторинг натижасида Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига қўшимча ва ўзгартириш киритиш талаб этилса, Ҳукуматнинг ўзи ҳам қарор қабул қилиш орқали мониторингни мантиқан якунига етказиши мумкин. Бироқ, мониторинг натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ёки уларнинг янгиларини қабул қилиш тақозо этса, бундай вазиятда Ҳукумат ўтказилган мониторинг натижасини тўлақонли якунига етказа олмайди.

Мониторинг якуни бўйича ҳисобот тўғридан-тўғри Президентга тақдим этилганда эса, у норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш орқали ҳар қандай қонунчилик ҳужжати қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатига бевосита ўзгартириш киритиш ёки шундай ўзгартириш киритиш вазифасини юклаш ваколатига эга. Жумладан, Конституциянинг 110-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқариш ваколати . Бунда Президент фармон, қарор ёки фармойиш қабул қилиш ваколати орқали мониторинг натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни кўриши мумкин. Айнан ана шу ваколати билан ҳам Президент ҳуқуқий мониторингни ташкил этиш ва ўтказишда муҳим субъект бўлиб ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–111-сон қарорига қуйидаги ўзгартиришлар киритиш таклиф этилади:

а) 3-банди бешинчи хатбошисини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

“ҳуқуқий мониторинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режасига мувофиқ амалга оширилади;”

б) қуйидаги таҳрирдаги 3^1-банди билан тўлдириш:

“7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳар йили 20 февралга қадар:

а) давлат бошқаруви органларининг таклифлари асосида мониторинг режаси лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси **Президенти Администрациясига** киритсин;

б) давлат бошқаруви органлари томонидан ўтган йилда ўтказилган ҳуқуқий мониторинг натижалари тўғрисида қуйидагиларни назарда тутувчи ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси **Президенти Администрациясига** киритсин:

мониторинг режасининг бажарилиши натижалари;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уларни бекор қилиш зарурати;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, қонунчиликдаги бўшлиқ ва зиддиятлар, шунингдек, коррупцияга оид нормаларни бартараф этиш чораларини кучайтириш бўйича таклифлар;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳамда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул бўлган давлат бошқаруви органлари.”

Ҳуқуқий мониторингни амалга оширишда унинг принциплари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ҳуқуқий мониторинг принциплари ҳақида сўз кетганда ҳуқуқшунос О.Козловская ўзининг тадқиқотида принциплар ҳар қандай фаолиятни амалга оширишнинг фундаменти ҳисобланувчи асослар эканлигини ва бундай асосларнинг ҳуқуқий мониторинг субъектлари фаолиятини

тартибга солишга бағишланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда йўқлиги ҳуқуқий бўшлиқ ҳисобланишини алоҳида қайд этади[1]. Бунда у ҳуқуқий мониторингни асосий принциплари сифатида қонунийлик, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни баҳолаш мезонларини стандартлаштириш, ошкоралик, ҳуқуқий мониторинг натижаларининг ошкоралиги, комплекслик, мониторингни режа асосида аамалга оширилиши, тизимлилик, узлуксизлик, объективлик, профессионаллик принципларини киритиб ўтади.

Яна бир тадқиқотчи Е.М.Трехов ҳуқуқий мониторингни амалга оширишда принципларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлар экан, бунда уларни икки гуруҳга: умумий ва махсус принципларга ажратишни таклиф қилади. Умумий принципларга қонунийлик, режалилик, ошкоралик, тизимлилик, мажбурийлик кабиларни киритса, махсус принциплар сифатида суд органлари тушунтиришларининг бошқа органлар тушунтиришларига нисбатан устуворлиги, ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш зарурати, ҳуқуқ ижодкорлигини амалга оширишда ҳуқуқни шарҳлаш мониторинги натижаларини инобатга олиш мажбурийлиги принципларини келтириб ўтади[2].

Ҳуқуқий мониторинг бўйича махсус тадқиқот олиб борган миллий ҳуқуқшунос олим Р.Сайидов ўзининг тадқиқот ишида ҳуқуқий мониторинг принциплари ва уларнинг аҳамияти борасида алоҳида тўхталиб ўтмасада, диссертациянинг натижаси сифатида ишлаб чиқилган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказишнинг методикасида мониторингни принципларини санаб ўтади.

Бунда ушбу олим мониторинг принциплари сифатида режалаштириш; давомийлик; мақсадлилик, изчиллик ва комплекслилик; тўлиқлик, ҳар томонламалик ва холислик; ошкоралик принципларини келтириб ўтади[3]. Бироқ, юқорида санаб ўтилган принципларнинг таърифи ва мазмунини ёритиб бермайди. Бу ўз навбатида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган методикани ҳуқуқий мониторингни амалга оширувчи субъектлар томонидан

[1] Козловская, О.В. О необходимости законодательного закрепления принципов правового мониторинга / О.В. Козловская // Мониторинг правоприменения. - 2013. - № 2. - С. 44-48.

[2] Е.М.Терехов. Вестник Поволжского института управления 2017. Том 17. № 3. – С. https://cyberleninka.ru/article/n/printsipy-monitoringa-interpretatsionnyh-aktov/viewer

[3] Р.Сайидов. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари. 12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. маъмурий ҳуқуқ. молия ва божхона ҳуқуқи йўналиши бўйича юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент, 2023 й. – 146 Б.

қўллашда тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Шу билан бирга, методикани ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун амалий аҳамиятининг камайишига олиб келади.

Ўз навбатида ҳуқуқий мониторинг принципларининг турлари ва уларнинг аҳамияти борасида аввалги тадқиқотимизнинг 2-бобидаги ҳуқуқий мониторинг принциплари, объектлари ва субъектлари масалаларига бағишланган 2-параграфида батафсил тўхталиб ўтганимиз сабабли мониторинг принципларига мазкур тадқиқот доирасида алоҳида тўхталиб ўтирмаймиз[1].

Шубҳасиз, ҳуқуқий мониторинг ўтказишда мониторинг принциплари муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Зеро, айнан ҳуқуқий мониторинг принциплари уни амалга оширувчи субъектларга мониторинг жараёнда қандай талабларга қатъий риоя этишлари лозимлигини белгилаб беради. Шу билан бирга, ҳуқуқий мониторинг принципларига риоя этмасдан мониторинг ўтказиш келгусида уни ўтмаган деб топиш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликда ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг холислик, аниқлик, етарлилик, тизимлилик, долзарблик принциплари белгиланган.

Шу ўринда ҳуқуқий мониторинг принципларини миллий қонунчиликда белгилашда янги таҳрирдаги Конституцияга киритилган ўзгартиришлар муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлаш жоиз.

Мазкур ўзгартиришлар билан Конституцияга кўплаб янги нормалар киритилган бўлиб, ҳуқуқий мониторинг принципларини белгилашда улардан айримлари ўзига хос аҳамиятга эга ҳисобланади. Масалан, янги таҳрирдаги Конституциянинг 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги ҳақидаги қоида мустаҳкамланган.

Ўз навбатида юқорида белгиланган принцип моҳиятан инсон ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтиришга йўналтирилган бўлиб, инсон ҳуқуқлари давлат томонидан чекланишининг асослилигини

[1] Ғ.Машкуров Ҳуқуқий мониторингни таъминлаш механизмлари. 12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи йўналиши бўйича юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – 83-98 Б.

аниқловчи мезон ҳисобланади. Шу билан бирга, Конституциянинг 20-моддасида белгиланган қоида фуқароларнинг давлат органлари билан бўлаётган муносабатларида юзага келадиган қатор муаммоларни ҳал этиб, ўз вазифаларини инсон ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш имкониятини кенгайтиради[1]. Шундай экан, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун масъул бўлган субъектлар фаолиятида мониторинг ўтказишда Конституциянинг 20-моддасида белгиланган "мутаносиблик" принципига қатъий амал қилишлари лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунингдек янги таҳрирдаги Конституция билан киритилган нормаларнинг миллий қонунчилик ҳужжатлари билан ўзаро уйғунлигини таъминлаш мақсадида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш услубиётининг 22-бандида назарда тутилган ҳуқуқий мониторинг принципларида "мутаносиблик" принципини ҳам акс эттириш таклиф этилади. Ўз навбатида мамлакатимиз тарихида янги таҳрирда Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг қабул қилиниши муҳим сиёсий ва ҳуқуқий воқелик бўлди. Бу биринчи навбатда давлат органлари олдига энг аввало, янги таҳрирдаги Конституция нормаларини ҳуқуқни қўллаш амалиётида рўёбга чиқариш вазифасини юклади. Зеро, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Конституциянинг 15-моддасида унинг аввалги таҳриридан фарқли равишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эгалиги, тўғридан-тўғри амал қилиши ҳақидаги қоида мустаҳкамланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги "Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ–67-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтига давлат органлари фаолиятида янги таҳрирдаги Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри қўлланиши ҳолатини мониторинг қилиб бориш вазифаси юклатилди.

Бироқ, янги таҳрирдаги Конституция нормаларини ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўлланишини мониторинг қилиш қандай

[1] Янгиланаётган Конституция 100 саволга 100 жавоб. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти. – Тошкент. "Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази. 2023 йил. – 32 Б.

тартибда амалга оширилиши, бунда ҳуқуқни қўллаш амалиётида, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида Конституция нормалари тўғри-тўғри қўлланилаётганлигини қандай мезонлар асосида аниқланиши масаласи назария ва амалиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлигини илмий экспертизадан ўтказишнинг механизми яратилган бўлсада, бу механизмни тўлақонли деб айта олмаймиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги ПФ–67-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтига янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш вазифаси юклатилган.

Демак, янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг илмий экспертизаси билан боғлиқ масала ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида ўзининг ечимини топган бўлиб, экспертизанинг ушбу тури Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти томонидан ўтказилади. Бироқ, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлигини қайси ташкилот илмий экспертизадан ўтказиши масаласи ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида бўшлиқ бўлиб қолмоқда. Бу ўз навбатида ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда янги таҳрирдаги Конституцияга зид нормаларнинг киритилишига сабаб бўлмоқда. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 7 июлдаги 279-сон қарори билан тасдиқланган “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастури доирасида тадбиркорлик субъектларига солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференцияларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандида айрим тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзларини бериш кўзда тутилган. Унга биноан “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган фуқаролар камида бир йил давомида иш билан таъминланган ва улар жами ишчилар сонининг камида 20 фоизини ташкил этган тадбиркорлик субъектлари мол-мулк ва ер солиғи бўйича солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши, бунда 51 тадан 100 тагача янги иш ўринлари яратадиган тадбиркорлик субъектлари учун мол-мулк ва ер солиғининг амалдаги солиқ ставкаси 50 фоизга, 101 тадан 200 тагача

янги иш ўрни яратадиганлар учун 75 фоизга камайтирилиши, 200 тадан ортиқ иш ўринлари яратадиганлар мазкур солиқларни тўлашдан озод этилиши белгиланган.

Солиқ тўлашдан озод қилишни назарда тутувчи юқоридаги қоида эса янги таҳрирдаги Конституциянинг 19-моддасида белгиланган имтиёзларнинг фақат қонунга мувофиқ белгиланиши шартлиги ҳақидаги қоидага зид бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, юқоридаги ҳолатда солиқ имтиёзи қонуности ҳужжат ҳисобланган Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 7 июлдаги 279-сон қарори билан эмас, балки Солиқ кодекси билан тақдим этилиши керак эди.

Ўз навбатида юқоридаги каби янги таҳрирдаги Конституция нормаларига номувофиқ бўлган мисолларни кўплаб учратишимиз мумкин. Гувоҳ бўлганимиздек, янги таҳрирдаги Конституция қабул қилингандан сўнг ҳам ҳуқуқ ижодкорлиги амалиётида унинг нормаларига номувофиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни учратиш мумкин. Бу ўз навбатида ишлаб чиқилаётган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлигини илмий экспертизадан ўтказишни тақозо этмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтига ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлиги нуқтаи-назаридан илмий экспертизадан ўтказиш вазифасини юклашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги ПФ–67-сон Фармони 7-банди иккинчи хатбошисини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ илмий экспертизадан ўтказиш;”

Таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши келгусида ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда Конституцияга мувофиқ бўлмаган нормаларнинг бартараф этилишига хизмат қилади.

Ўз навбатида ҳуқуқни қўллаш амалиётида янги таҳрирдаги Конституция нормаларининг ижроси юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартибининг белгиланмаганлиги ҳам мамлакатимизда Асосий қонун нормаларига нисбатан аҳолининг, тадбиркорлик субъектларининг ҳақли эътирозларини келтириб чиқармоқда. Жумладан, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинган қуйидаги ҳолатни юқоридаги вазиятга

мисол сифатида келтириш мумкин. Жиззах шаҳридаги пахта мойи, шрот ва шелуха ишлаб чиқарувчи «Paxtakor sifat yog» МЧЖ электрон биржа савдолари орқали «Chiroqchi-klaster» ва «Kitob ip yigiruv» АЖ корхоналаридан жами 30 млрд сўм атрофидаги пахта чигити сотиб олган. Шундан сўнг, 2023 йилнинг 9 октябр куни «Paxtakor sifat yog» МЧЖ ўзига тегишли 60 тонна чигит ортилган юк машинасини барча ҳужжатлар – шартнома, товар-транспорт юк хати, маҳсулот сифат сертификати билан Қашқадарё вилоятининг «Умакай» ЙПХ масканида олиб ўтаётган вақтда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ҳеч қандай сабабларсиз тўхтатиб қолинган ва тадбиркорга тегишли юклар 5 кун мобайнида асоссиз равишда ушлаб турилган[1].

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг юқоридаги ҳаракатлари натижасида янги таҳрирдаги Конституциянинг 67-моддасидаги мамлакат ҳудудида иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатлари бузилишига йўл қўйилган. Конституцияга зид бўлган ушбу амалиёт тадбиркорнинг бир қатор ҳақли эътирозларига сабаб бўлиб, унга оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилиниши ва жамоатчилик билдирган эътирозлари туфайли бекор қилинишига эришилди[2].

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида учраётган янги таҳрирдаги Конституция талабларига зид бўлган яна бир ҳолат бўйича мисол. Конституциянинг 31-моддасига кўра, ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамланган бўлиб, ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

Бироқ, амалдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 64-моддасида судьянинг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортига кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, унинг телефондаги сўзлашувларини эшитиш, судьяни шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек унинг хат-хабарларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёхуд

[1] Қашқадарёда 60 тонна чигити тўхтатиб қолинган жиззахлик тадбиркор муаммоси ҳал этилди. https://m.kun.uz/news/2023/10/15/qashqadaryoda-60-tonna-chigiti-toxtatib-qolingan-jizzaxlik-tadbirkor-muammosi-hal-etildi

[2] Қашқадарёда 60 тонна чигити тўхтатиб қолинган жиззахлик тадбиркор муаммоси ҳал этилди. https://www.gazeta.uz/uz/2023/10/14/kashkadarya/

олиш фақат суднинг қарорига биноан ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг рухсати билан амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган.

Демак, Қонун Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг рухсати билан судьянинг телефондаги сўзлашувларини эшитишга рухсат бераётган бўлиб, ушбу норма Конституциянинг 31-моддасига тўғридан-тўғри зид бўлиб қолмоқда.

Тўғри, юқорида келтирилган ҳолат бўйича ушбу тадқиқот доирасида ҳуқуқни қўллаш амалиётида қанча судьяга нисбатан Бош прокурор томонидан телефон сўзлашувларини эшитиш учун рухсат берилганлигини аниқлаш имкони бўлмади. Бироқ, "Судлар тўғрисида"ги Қонунда юқоридаги норманинг сақланиб қолиши судьянинг телефон сўзлашувларини Бош прокурор рухсати асосида эшитиш билан боғлиқ Конституцияга зид бўлган амалиётнинг сақланиб қолишига шароит яратишини ҳам инкор қилиб бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунингдек Конституциянинг 31-моддасини мувофиқлаштириш мақсадида "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 64-моддаси ўнинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

"**64-модда. Судьянинг дахлсизлиги**

...

(ўнинчи қисм) Судьянинг хизмат хонасига ва фойдаланадиган транспортига кириш, уларни кўздан кечириш, улардан ашёни олиш, судьяни шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёхуд олиш фақат суднинг қарорига биноан ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг рухсати билан амалга оширилиши мумкин.

Судьянинг турар жойига кириш, унинг турар жойи ёки хизмат хонаси, фойдаланадиган транспортларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, унинг телефондаги сўзлашувларини эшитиш, шунингдек унинг хат-хабарларини кўздан кечириш, фақат суднинг қарорига биноан амалга оширилиши мумкин".

Ҳуқуқни қўллаш амалиётини янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштириш талаб этиладиган ҳолатга яна бир мисол жиноят содир қилган Ўзбекистон фуқароларини хорижий давлатга ушлаб бериш билан боғлиқ.

Жумладан, Конституциясининг 23-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистондан ташқарига мажбурий

чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга бериб юборилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги норма қатъий мустаҳкамланган.

Бироқ, Жиноят кодексининг 12-моддаси иккинчи қисмида Ўзбекистон фуқароси чет эл давлати ҳудудида содир этган жинояти учун, агар халқаро шартномалар ёки битимларда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ушлаб берилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоида белгиланган.

Демак, Жиноят кодексининг 12-моддаси халқаро шартномалар ёки битимларда жиноят содир қилган жинояти учун Ўзбекистон фуқаросини ушлаб бериш мумкинлиги ҳақидаги қоидани белгилашга имконият яратмоқда. Ўз навбатида Жиноят кодексида юқоридаги норманинг сақланиб қолиши халқаро шартнома ёки битимлар асосида содир этган жиноятлари учун Ўзбекистон фуқароларини бошқа давлатга ушлаб бериш билан боғлиқ Конституцияга зид амалиётнинг сақланишига олиб келади.

Шу муносабат билан, Жиноят кодексининг 12-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“12-модда. Кодекснинг Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида жиноят содир этган шахсларга нисбатан амал қилиши

...

(иккинчи қисм) Ўзбекистон фуқароси чет эл давлати ҳудудида содир этган жинояти учун ушлаб берилиши мумкин эмас.”

Юқорида келтирилган мисолларда гувоҳ бўлганимиздек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида Конституцияга зид бўлган ҳолатлар давом этаётган бўлиб, уларнинг барчасини тизимли равишда аниқлаш ва бартараф этиш энг аввало, давлат органлари, айниқса, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида янги таҳрирдаги Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри қўлланишини таъминлаш мақсадида Конституция нормаларини мониторинг қилиб бориш методикасини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Бунда ушбу методикага давлат органлари фаолиятида қўлланиладиган Конституция нормалари қўлланиладиган соҳаларни аниқлаш мезонлари, мониторинг ўтказиш принциплари, усуллари ва тартибини назарда тутувчи алоҳида методика ишлаб чиқиш таклиф этилади.

Ушбу методиканинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши:

янги таҳрирдаги Конституция нормаларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида тўғридан-тўғри қўлланилиши тўлақонли таъминланишига;

янги таҳрирдаги Конституцияда кафолатланган нормалар бўйича ягона ҳуқуқни қўллаш амалиёти шаклланишига;

ҳуқуқ устуворлиги бўйича халқаро ташкилотлар томонидан ўтказиладиган рейтингларда мамлакатимизнинг юқори позицияларни эгаллашига;

ва энг муҳими, юридик жиҳатдан ва мазмунан Конституция нормаларига зид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидаларининг бартараф этилишига хизмат қилади.

ХУЛОСА

I. Илмий-назарий таклиф ва хулосалар

1. Ҳуқуқий мониторингни моҳиятини тушунишга оид назарий қарашлар ўрганилиб, қуйидаги 5 та асосий доктринага ажратилди ва уларга хос асосий жиҳатлар ажратиб кўрсатилди:

а) ҳуқуқий ишончлилик доктринаси;

б) ижтимоий ҳуқуқ доктринаси;

в) ҳуқуқни қўллаш доктринаси;

г) ҳуқуқнинг иқтисодий доктринаси;

д) ҳуқуқ ва технологиялар доктринаси.

2. А.С.Фадеева, И.В.Жужгов, Ю.Г.Арзамасов ва Я.Е. Наконечный, О.М.Казакевич, Ш.Рўзиназаров, А.Ғофуров сингари олимларнинг ҳуқуқий мониторинг ўтказишда фойдаланиладиган усуллар борасидаги ёндашувлари таҳлил қилиниб, ҳуқуқий мониторинг ўтказишда унинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги таклиф этилди:

а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барқарорлигини баҳолаш, уларни қўллашнинг ягона амалиётини жорий этиш;

б) ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликларни, уларнинг сабабларини, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллаш жараёнида вужудга келган салбий оқибатларни аниқлаш ва таҳлил қилиш.

3. Н.Н.Черногор, М.В.Залоило, В.С.Елисеева, З.Казиев, А.Есимова, Ю.Г.Арзамасова ва Я.Е.Наконечно сингари олимларнинг назарий қарашлари таҳлил қилиниб, “ҳуқуқий мониторинг мақсади” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш таклиф этилди:

Ҳуқуқий мониторингнинг мақсади – Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқий давлат принципини тўлақонли рўёбга чиқариш, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, қонунчилик ҳужжатлари талаблари ҳуқуқни қўллаш амалиётида тўлиқ татбиқ этилишини таъминлаш, маънан эскирган, амалиётда қўлланилмаётган нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш, ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишига эришиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўлланилиши, ижтимоий

муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича аҳолининг фикрини ўрганишдан иборат.

4. Мамлакатимиз мустақиллик йилларида миллий қонунчиликда белгиланган ҳуқуқий мониторинг билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган мониторинг шакллари шартли равишда қуйидаги 3 гуруҳга ажратилди:

а) қонун ҳужжатлари ижроси билан чекланадиган ҳуқуқий мониторинг турлари;

б) қонун ҳужжатлари ижроси билан чекланмайдиган ҳуқуқий мониторинг турлари;

в) қонун ҳужжатлари ижроси билан боғлиқ бўлмаган мониторинг турлари.

5. Ҳуқуқшунос олимларнинг “ҳуқуқий мониторинг” борасидаги назарий қарашлари, шунингдек миллий қонун ҳужжатлари нормалари таҳлили асосида ҳуқуқий мониторинг тушунчасига қуйидагича таъриф ишлаб чиқилди:

“Ҳуқуқий мониторинг – давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар томонидан ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тўлиқлигини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция, қонунлар ва халқаро мажбуриятларга мувофиқлигини таъминлаш, қонунчилик ҳужжатларидаги зиддиятлар, бир-бирини такрорловчи нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида амалга ошириладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўзаро уйғунлигини баҳолашга қаратилган фаолиятдир”.

6. Ҳуқуқий мониторингга оид назарий қарашларни таҳлил қилиш жараёнида унга хос бўлган қуйидаги ўзига хос хусусиятлар ажратиб кўрсатилди:

ҳуқуқий мониторинг юридик прогнозлаш ва ҳуқуқ ижодкорлигини режалаштириш учун тегишли шарт-шароит яратиб, ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали механизмини жорий этишга, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўлловчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек яхлит ҳолда давлат ва жамият ўртасида тескари алоқани таъминлашга қаратилган бўлади;

ҳуқуқий мониторингнинг асосий моҳияти ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг самарадорлиги, яъни муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадга эришишлиши,

қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамланиши, ҳуқуқбузарликларнинг камайишига эришиш, коррупциявий, иқтисодий, молиявий ва бошқа турли хатарларни минималлаштириш ҳамда олдини олиш, аҳоли ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини, бутун жамият ҳуқуқий онгини юксалтиришдан иборатдир;

ҳуқуқий мониторингда асосий эътибор бутун ҳуқуқий жараёндаги барча, яъни муайян ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш зарурати пайдо бўлган вақтдан бошлаб, ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликларни ҳамда уни такомиллаштириш эҳтиёжини аниқлашгача бўлган даврда ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солувчиси сифатида ҳуқуқ амал қилишининг самарадорлигини таъминлашга қаратилади;

муайян соҳанинг ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлиги бўйича ҳуқуқий мониторинг ўтказишда баҳолашнинг коррупцияга қарши экспертиза, тартибга солиш таъсирини баҳолаш, кузатиш, ижтимоий тадқиқотлар каби усулларидан ҳам фойдаланилади.

7. Ҳуқуқшунос олимларнинг назарий ёндошувлари ва миллий қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қилган ҳолда ҳуқуқий мониторингни асосий мақсади қуйидагиларда намоён бўлади деган хулосага келинди:

а) янги таҳрирдаги Конституциянинг 1-моддасида мустаҳкамланган ҳуқуқий давлат принципини тўлақонли рўёбга чиқаришга қаратилиши лозимлигига;

б) амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомил-лаштириш мақсади назарда тутилишида;

в) қонунчилик ҳужжатлари талаблари ҳуқуқни қўллаш амалиётида тўлиқ татбиқ этилишини таъминлашга эришишда, шунингдек маънан эскирган, амалиётда қўлланилмаётган қонун ҳужжатлари нормаларини аниқлаш ва бартараф этишда;

г) ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солинишига эришишда;

д) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўлланилиши, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича аҳолининг фикрини ўрганишда.

8. Ҳуқуқшунос олимларнинг назарий ёндошувлари ва миллий қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қилган ҳолда ҳуқуқий мониторингни асосий мақсади қуйидагиларда намоён бўлади деган хулосага келинди:

а) янги таҳрирдаги Конституциянинг 1-моддасида мустаҳкамланган ҳуқуқий давлат принципини тўлақонли рўёбга чиқаришга қаратилиши лозимлигига;

б) амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш мақсади назарда тутилишида;

в) қонунчилик ҳужжатлари талаблари ҳуқуқни қўллаш амалиётида тўлиқ татбиқ этилишини таъминлашга эришишда, шунингдек маънан эскирган, амалиётда қўлланилмаётган қонун ҳужжатлари нормаларини аниқлаш ва бартараф этишда;

г) ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солинишига эришишда;

д) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўлланилиши, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича аҳолининг фикрини ўрганишда.

9. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқий мониторинг билан тартибга солиш таъсирини баҳолаш вазифалари таҳлил қилиниб, улардаги такрорийликнинг қуйидаги салбий оқибатлари белгилаб берилди:

биринчидан, субъектлар вазифаларининг чалкашиб кетишига;

иккинчидан, ҳуқуқий мониторингда фойдаланиладиган усулларнинг асоссиз равишда кенгайиб кетишига ва натижада мониторинг якунида хилма-хил натижаларнинг қўлга киритилишига;

учинчидан, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун кўплаб ресурс ва вақтнинг сарфланишига;

тўртинчидан, кутилган натижага ёки ҳуқуқий мониторингнинг асосий мақсадларига эришилмаслигига.

10. Беларусь, Қозоғистон, Россия каби хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили натижасида ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг қуйидаги умумий жиҳатлари очиб берилди:

1) ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш самарадорлигини асосан битта институтни қўллаш орқали баҳолайдиган хорижий давлатлар;

2) ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш самарадорлигини бир вақтнинг ўзида ҳуқуқий мониторинг ва бошқа институтлар орқали баҳолайдиган хорижий давлатлар.

11. Ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш самарадорлигини бир вақтнинг ўзида ҳуқуқий мониторинг ва бошқа институтлар қўлланиладиган хорижий давлатлар тажрибасини

таҳлил қилиш жараёнида улар учун хос бўлган қуйидаги умумий жиҳатлар аниқланди:

хорижий мамлакатларда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартиби муайян қонунчилик ҳужжати билан тасдиқланган бўлади;

хорижий мамлакатларда ҳуқуқий мониторинг ўтказиладиган объектлар доираси бир-бирига ўхшайди;

хорижий давлатларда ҳуқуқий мониторингдан асосан ўхшаш мақсадларни кўзлайди;

ҳуқуқий мониторинг асосан давлат органлари томонидан ўтказилиши қонунчиликда аниқ белгиланган;

хорижий давлатлар қонунчилигида ҳуқуқий мониторингни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар бевосита адлия органлари томонидан мувофиқлаштирилиши назарда тутилган;

хорижий давлатлар қонунчилигида ҳуқуқий мониторинг ўтказишга жамоатчиликни кенг жалб қилиш билан боғлиқ механизмлар қайд этилган.

12. Хорижий давлатларда ҳуқуқий мониторинг бўйича бир-биридан ажралиб турувчи қуйидаги ўзига хос хусусиятлари аниқланди:

биринчидан, айрим хорижий давлатларда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш жараёнига нодавлат ташкилотларни жалб қилишлари мумкинлиги назарда тутилган;

иккинчидан, хорижий давлатлар қонунчилиги ҳуқуқий мониторинг олдига турлича вазифалар қўйилганлиги билан бир-биридан ажралиб туради;

учинчидан, айрим хорижий давлатларда ҳуқуқий мониторинг ўтказилмайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доираси белгиланган;

тўртинчидан, баъзи хорижий давлатларда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш бўйича йиллик режалар ишлаб чиқилади ва тасдиқланади;

бешинчидан, айрим хорижий давлатларда ҳуқуқий мониторинг ўтказиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг алоҳида рўйхатини юритиш тартиби жорий этилган;

олтинчидан, баъзи хорижий давлатлар қонунчилигида ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг барча босқичлари назарда тутилган.

13. Конституция нормалари ҳуқуқий мониторингини амалга оширишнинг қуйидаги ўзига хос жиҳатлари ажратиб кўрсатилди:

а) Конституция нормаларининг ҳуқуқий мониторинги махсус субъект томонидан амалга оширилади;

б) Конституция нормаларининг ҳуқуқий мониторинги унинг асосий ижодкори ҳисобланган халқ томонидан ўтказилиши мумкин;

в) Конституциянинг ҳуқуқий мониторинги илмий-тадқиқот ташкилотлар ташаббуси билан ва улар томонидан ҳам амалга оширилади;

г) Конституциянинг муқаддимасида белгиланган масалалар юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилмайди;

д) Конституция нормалари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказишда илмий билишнинг комплекс таҳлил усулидан фойдаланиш талаб этилади;

е) Конституция нормалари ижроси ҳуқуқий мониторингини ўтказишда муайян соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни комплекс ўрганилиши лозим;

ж) амалдаги қонунчилик нормалари ижросининг ҳуқуқий мониторинги натижалари ҳам Конституция нормаларини такомиллаштириш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқишга хизмат қилиши мумкин;

з) Конституция нормалари ижросининг ҳуқуқий мониторинги натижаси муайян соҳанинг ислоҳ қилинишига олиб келиши мумкин.

14. Миллий қонун ҳужжатлари нормалари ва С.В.Безуглов, Е.С.Бутурлина, А.В. Колыбин, И.Б.Шеголев каби олимларнинг назарий қарашларини таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистондаги мавжуд конституциявий қонунлар ҳақида қуйидаги хулосалар ишлаб чиқилди:

а) Ўзбекистон Республикасида конституциявий қонун қабул қилиш анъанасини илк маротаба 22.09.1994 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида”ги конституциявий қонун бошлаб берган;

б) амалдаги барча конституциявий қонунлар асосан Конституцияда назарда тутилган давлат ҳокимиятининг тармоқлари фаолиятини ва уларни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган;

в) қонун ижодкорлиги амалиётида қонунларнинг конституциявий қонун мақомида қабул қилиш ҳолатлари учрайди;

г) сўнгги йилларда мамлакатимизда конституциявий қонунлар шаклидаги қонунларни қабул қилиш анъанаси кенгаймоқда;

д) конституциявий қонунларга ҳам конституциявий бўлмаган оддий қонунлар билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади;

е) ҳуқуқий мақоми ва юридик кучи жиҳатдан конституциявий қонунлар билан бошқа қонунлар ҳам ҳеч қандай фарқ қилмайди, уларнинг барчаси бўйича ҳуқуқий мониторинг амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказилади.

15. Конституциявий қонун ва қонунлар нормалари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш амалиётида қуйидаги муаммоли ҳолатлар аниқланди:

а) давлат органларида конституциявий қонун ва қонунлар нормалари ижроси ҳуқуқий мониторингини ташкил этиш ҳамда ўтказишни таъминловчи алоҳида орган ёки ташкилот мавжуд эмас;

б) қонун нормалари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш механизми амалда айрим давлат органларида таъминланмасдан қолмоқда.

16. Парламент палаталари қарорлари ижросининг ҳуқуқий мониторингига оид миллий қонунчилик нормалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили ушбу соҳада мавжуд бўлган қуйидаги муаммолар аниқланди:

а) миллий қонунчиликда парламент томонидан ўтказиладиган қонун ҳужжатлари, шу жумладан парламент палаталари қарорлари ижроси мониторингини ўтказувчи субъект масаласида турлича ёндошув мавжуд;

б) Олий Мажлис палаталари томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий мониторингда жамоатчилик вакилларининг иштирок этиш имконияти чекланган;

в) Олий Мажлис палаталарида ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун ресурслар етарли эмас;

г) Олий Мажлис палаталари қарорлари ҳуқуқий мониторингини ўтказишнинг илмий-методологик тартибини назарда тутувчи алоҳида услубиёт мавжуд эмас.

17. Мониторингга оид амалдаги қонун ҳужжатларини қуйидаги икки босқичга ажратган ҳолда таҳлил қилинди:

Биринчи босқичга 1991 – 2016 йилларни ўз ичига олган қонун ҳужжатлари киритилиб, унга хос бўлган қуйидаги асосий хусусиятлар асослантирилди:

биринчидан, ушбу босқичда қабул қилинган қонун ҳужжатларида мониторинг асосан муайян фаолиятга нисбатан қўлланилган;

иккинчидан, биринчи босқичда қабул қилинган қонун ҳужжатларида мониторинг ўтказиш бевосита муайян субъектларга нисбатан ҳам қаратилган;

учинчидан, ушбу босқичда қабул қилинган айрим қонун ҳужжатларида давлат органлари томонидан муайян йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини мониторинг қилиш назарда тутилган;

тўртинчидан, биринчи босқичда қабул қилинган баъзи қонун ҳужжатларида ҳуқуқий мониторинг назарда тутилганлиги ҳолатлари ҳам учрайди.

Иккинчи босқич 2017 – 2024 йилларни ўз ичига олиб, ушбу даврга хос жиҳатлар сифатида қуйилагилар асослантирилди:

биринчи, айнан иккинчи босқичда мониторингдан фойдаланилган қонун ҳужжатлари сони қарийб 2 бараварга ортди;

иккинчи, мазкур босқичда қабул қилинган қонун ҳужжатларида мониторингнинг турлари доираси кенгайиши тенденцияси кузатилди;

учинчи, иккинчи босқичда қабул қилинган қонун ҳужжатларида мониторинг ўтказувчи субъектлар доираси кенгайиб, улар жумласига ижро органларига мансуб бўлмаган органлар ва ташкилотлар ҳам киритилди;

тўртинчи, мазкур босқичда қабул қилинган қонун ҳужжатларида ҳуқуқий мониторингни амалга ошириш билан боғлиқ нормалар назарда тутилди.

18. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи субъектлар қуйидаги 6 гуруҳга ажратилган ҳолда таҳлил қилинди:

7) Қонун чиқарувчи ҳокимият органлари;
8) Ижро этувчи ҳокимият органлари;
9) Суд ҳокимияти органлари;
10) Махсус субъектлар;
11) Илмий-тадқиқот муассасалари;
12) Фуқаролик жамияти институтлари.

19. Давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органларида мунтазам равишда ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг зарурати қуйидагиларда намоён бўлиши асослантирилди:

а) ижро этувчи органларининг ҳуқуқий мониторинг ўтказишдан бевосита манфаатдорлиги;

б) ижро этувчи органларда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун зарур бўлган барча ташкилий асосларнинг мавжудлиги;

в) ҳуқуқий мониторинг ўтказишда ижро органларининг фаолияти мувофиқлаштирилиши;

г) ижро этувчи органлар ҳуқуқий мониторинг натижаларини бевосита амалга оширишлари учун ҳуқуқий механизмлар яратилганлиги;

д) ижро этувчи органлар томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш вазифалари ва тартибининг белгиланганлиги.

20. Ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартиби ва уни ўтказиш босқичларига оид қонун ҳужжатлари таҳлили жараёнида уларда қуйидаги бўшлиқлар мавжудлиги асослантириб берилди:

ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг асосий шарти муайян соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мавжуд бўлиши ҳақидаги талаб;

ҳуқуқий мониторинг ўтказишни режалаштириш фақат ижро этувчи ҳокимият тизимига кирувчи давлат органлари зиммасига юклатилган;

ҳуқуқий мониторингни режалаштиришда ижро органлари зиммасига улар манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган айрим кўрсаткичларни таҳлил қилиш вазифасининг юклатилган.

21. Ҳуқуқий мониторингни ўтказиш вазифасини тўлақонли ва холис амалга оширувчи асосий субъект суд органлари бўлиши мумкинлгининг қуйидаги асослари санаб ўтилди:

биринчидан, судлар билан боғлиқ ҳар қандай фаолият, шу жумладан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш фақат судларнинг мутлақ ваколати ҳисобланади;

иккинчидан, ҳеч қайси давлат органининг ҳуқуқий мониторинг ўтказилиши муносабати билан суд органлари фаолиятига бевосита ёки билвосита аралашишига йўл қўйилмаслиги;

учинчидан, суд ҳокимиятининг асосий мақсади билан ҳуқуқий мониторингнинг мақсади ўзаро уйғун ҳисобланиши.

22. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили асосида суд органлари томонидан амалга ошириладиган қуйидаги икки турдаги ҳуқуқий мониторинг турлари санаб ўтилди:

1) суд ишларини юритишда амалдаги процессуал қонун ҳужжатларига риоя этилиши мониторинги (масалан, жиноят процессида айбланувчи ҳуқуқларининг кафолатланиши, гумон қилинувчи ёки айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонун ҳужжатлари мониторинги ва б);

2) судлар томонидан кўриб чиқиладиган муайян соҳани тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг ҳуқуқий мониторинги (масалан, мерос тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, низоларни судга қадар ҳал этишга оид қонунчилик ҳужжатларининг ҳуқуқий мониторинги ва б).

23. Е.Шалтайули, Н.Титова, О.В. Янчуркин, А.А. Жидких, Т.Э. Зульфугарзаде ва бошқа олимларнинг назарий қарашлари таҳлили асосида прокуратура органларининг ҳуқуқий мониторингда ўзига хос ўринга эгалиги, қуйидагиларда намоён бўлиши асослантирилди:

а) прокуратура органларининг ҳуқуқий мониторинг билан боғлиқ бўлган вазифалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган;

б) прокуратура органлари давлат ҳокимиятининг бирорта тармоғига кирмайди;

в) прокуратура органларининг нафақат ўз фаолият йўналишларини амалга оширишда балки, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш жараёнида ҳам бошқа давлат органлари ва мансабдор шахслардан тўлақонли мустақилликлари кафолатланган;

г) прокуратура органлари ҳуқуқий мониторинг ўтказиш жараёнида аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш учун зарур бўлган барча ресурс ва ваколатларга эгадирлар.

24. Қонун ҳужжатлари таҳлили асосида прокуратура органлари томонидан ўтказиладиган прокурор мониторингига хос бўлган қуйидаги жиҳатлар санаб ўтилди:

1) прокурор мониторинги бевосита қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш жараёнида қўлланилади;

2) прокурор мониторинги бир қанча усулларни қўллаш орқали ўтказилади;

3) прокурор мониторинги натижаси бўйича қонун бузилишига олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилади;

4) прокурор мониторинги прокуратура органлари тизимига кирувчи барча прокуратура органлари ва муассасалари томонидан ўтказилиши мумкин.

25. Таҳлиллар асосида прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган прокурор мониторингини ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий мониторингдан қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туриши асослантирилди:

а) прокурор мониторингини ўтказиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари билан боғликдир;

б) қонунчилик ҳужжатлари билан прокуратура органлари зиммасига юклатилган қўшимча вазифалар юзасидан ҳам прокурор мониторинги ўтказилиши мумкин;

в) прокурор мониторинги амалдаги ҳуқуқий мониторингдан фарқли равишда ижро органлари таркибига кирувчи масъул вазирлик ва идораларнинг мониторинг режасига киритилмасдан ўтказилади;

г) прокурор мониторинги ўтказишни мувофиқлаштириш бевосита Бош прокурор ёки прокуратура органларининг раҳбарлари томонидан амалга оширилади;

д) прокурор мониторинги натижасида прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиши мумкин;

е) прокуратура органлари томонидан ўтказилган прокурор мониторинги ҳақидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис Сенатига тақдим этилади.

26. Қонунчилик ҳужжатлари нормалари таҳлили асосида фуқаролик жамияти институтлари томонидан ўтказиладиган "жамоатчилик мониторинги" институти билан фуқаролик жамияти институтлари иштирок этадиган "ҳуқуқий мониторинг" институтларига ўзаро хос бўлмаган қуйидаги жиҳатлар таҳлил қилинди:

1) мақсадларнинг хилма-хиллиги;

2) мониторинг объектларининг турлича эканлиги;

3) мониторингни амалга ошириш учун масъул бўлган субъектлар таркибининг хилма-хиллиги;

4) жамоатчилик мониторинги ўтказиш босқичлари ва тартибининг қатъий белгиланмаганлиги.

27. Ҳуқуқий мониторинг ўтказишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг зарурати намоён бўладиган қуйидаги ҳолатлар асослаб берилди:

биринчи, сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ўтказиладиган мониторинг натижаларидан келиб чиқиб, хорижий давлатлар ва инвесторларда муайян давлатга нисбатан ижобий ёки салбий муносабат шаклланиш анъанасининг пайдо бўлганлиги;

иккинчи, фуқаролик жамияти институтлари ҳуқуқий мониторинг ўтказиш орқали жамиятда Конституция ва қонун устуворлиги даражасига объектив баҳо беради;

учинчи, фуқаролик жамияти институтлари томонидан мунтазам равишда ҳуқуқий мониторинг ўтказилиши фуқароларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий кайфиятини, амалга оширилаётган ислоҳотларга бўлган ишонч даражасини ўлчаш имконини беради;

тўртинчи, фуқаролик жамияти институтлари ўтказадиган ҳуқуқий мониторинг амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўллашда жамоатчилик назорати доирасининг янада кенгайишига хизмат қилади;

бешинчи, фуқаролик жамияти институтларида қонун билан таъқиқланмаган ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ижроси юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш эркинлигининг мавжудлиги;

олтинчи, фуқаролик жамияти институтлари томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий мониторинг давлат ва нодавлат сектори ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлашга хизмат қилади.

28. Юртимизда фуқаролик жамияти институтлари томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилмаслигининг қуйидаги асосий омиллари таҳлил қилинди:

а) аҳолининг фуқаролик жамияти институтлари, улар фаолияти ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслиги;

б) мамлакатимизда фаолиият юритаётган нодавлат ташкилотларнинг аҳоли сонига нисбатан камлиги;

в) давлат томонидан нодавлат ташкилотларни рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг етарли эмаслиги;

г) амалда фаолият юритаётган нодавлат ташкилотлар томонидан давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўтказиш борасидаги фаолиятининг сустлиги;

д) республиканинг барча ҳудудлари бўйича аҳолининг турли қатламларини бирлаштира оладиган, ягона умумиллий ҳаракатнинг мавжуд эмаслиги.

29. О.А.Короткова, Т.А.Шавенкова, Н.А.Поляшук, О.В.Крилова, Э.Р.Чернова, В.С.Елисеева ва бошқа олимларнинг ҳуқуқий мониторингга жиддий салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақидаги назарий қарашларини, миллий қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилган ҳолда мониторинг ўтказишга таъсир кўрсатувчи омилларни қуйидаги икки гуруҳга ажратиш таклиф этилди:

а) ҳуқуқий мониторинг ўтказишга салбий таъсир кўрсатаётган ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги омиллар;

б) ҳуқуқий мониторинг ўтказишга салбий таъсир кўрсатаётган ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги омиллар.

30. Ҳуқуқ ижодкорлиги амалиёти таҳлили асосида ҳуқуқий мониторинг ўтказишга таъсир кўрсатувчи қонун ижодкорлигидаги қуйидаги асосий салбий омиллар санаб ўтилди:

биринчи, маъмурий ислоҳотларнинг давом этаётганлиги;

иккинчи, ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини лойиҳа босқичидан тортиб, давлат органлари билан келишиш, коррупцияга қарши экспертиза ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳамда

охирги инстанцияга тақдим этишга қадар бўлган барча жараёнларда шаффофлиги етарлича таъминланмаётганлиги;

учинчи, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда бир вақтнинг ўзида унинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ чораларнинг амалга оширилмаслиги;

тўртинчи, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимида ҳуқуқий мониторинг ўтказиш билан боғлиқ жараёнларнинг амалга ошириш шаклларини яратилмаганлиги.

31. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили асосида қуйидаги омилларнинг ҳуқуқий мониторинг ўтказишга салбий таъсир кўрсатаётганлиги асослантирилди:

1) амалдаги қонунчиликда ҳуқуқий мониторинг объектининг доираси тор этиб белгиланган;

2) амалиётда ваколатли давлат органлари томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилмасдан келинмоқда;

3) қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини баҳолашнинг мезонлари (индикаторлари) ишлаб чиқилмаган;

4) ҳуқуқий мониторинг ўтказиш жараёнига фуқаролар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари жалб этилмаган.

II. Амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар

1. Ҳуқуқий мониторингга оид қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–111-сон Фармони 3-бандининг “б” кичик бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилди:

“б) қонунчилик ҳужжатларининг ҳуқуқий мониторингини ҳар йили тасдиқланадиган режага мувофиқ ўтказилиши йўлга қўйилади;”

2. Қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида ҳуқуқий мониторингнинг вазифалари сифатида қуйидагиларни белгилаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги ПФ–111-сон Фармони билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби

тўғрисидаги низом 42-бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилди:

“2. Қуйидагилар ҳуқуқий мониторингнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барқарорлигини баҳолаш, уларни қўллашнинг ягона амалиётини жорий этиш;

ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликларни, уларнинг сабабларини, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллаш жараёнида вужудга келган салбий оқибатларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш”.

3. Ҳуқуқий мониторингни амалга оширишда қонун ҳужжатларидаги мавжуд бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни 18-моддаси биринчи қисми ўн учинчи бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклифи илгари сурилди:

“**18-модда. Қонунчилик палатаси қўмиталарининг ваколатлари**

Қонунчилик палатаси қўмиталари:

...

13) Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижроси юзасидан ҳуқуқий мониторингни амалга оширади.”

4. Ҳуқуқий мониторингни амалга оширишда қонун ҳужжатларидаги мавжуд бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни 18-моддаси биринчи қисми 10-бандини қуйидаги таҳирда баён этиш таклифи асослантирилди:

“18-модда. Сенат қўмиталарининг ваколатлари

Сенат қўмиталари:

...

10) Сенат томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси юзасидан ҳуқуқий мониторингни амалга оширади.”

5. Қонунчилик ҳужжатларидаги бўшлиқларни бартараф этишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик

палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуни 10-моддасини қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдириш таклифи асослантирилди:

“**10-модда. Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби**

Қонунчилик палатаси мажлисида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар уларни кўриб чиқиш навбати, палатанинг ҳар бир масалани кўриб чиқишга тайёрлаш учун масъул бўлган қўмиталари, маърузачилар (қўшимча маърузачилар), **интернетдаги расмий веб-сайт орқали жамоатчилик иштирок этиши учун реал вақт режимида мажлис ўтказиладиган ҳавола**, шунингдек бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда мажлис кун тартиби лойиҳасига киритилади.

Қонунчилик палатаси мажлиси кун тартибининг лойиҳаси Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тузилади.

Қонунчилик палатасининг депутатлари Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритилган масалалар тўғрисида камида **бир иш куни, интернетдаги расмий веб-сайт орқали жамоатчилик иштирок этиши учун реал вақт режимида ўтказиладиган ҳавола эса аҳолига камида уч иш куни** олдиндан хабардор қилинадилар.

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби палата қарори билан тасдиқланади”.

6. Қонунчилик ҳужжатларидаги бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуни 9-моддасини қуйидаги таҳрирда ифодалаш таклифи асослантирилди:

“**9-модда. Сенат мажлисининг кун тартиби**

Сенат мажлисида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар уларни кўриб чиқиш навбати, палатанинг ҳар бир масалани кўриб чиқишга тайёрлаш учун масъул бўлган қўмиталари, маърузачилар (қўшимча маърузачилар), **интернетдаги расмий веб-сайт орқали жамоатчилик иштирок этиши учун реал вақт режимида мажлис ўтказиладиган ҳавола**, шунингдек бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда мажлис кун тартиби лойиҳасига киритилади.

Сенат мажлиси кун тартибининг лойиҳаси Сенат Кенгаши томонидан тузилади.

Сенаторлар Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритилган масалалар тўғрисида **бир иш куни, интернетдаги расмий веб-сайт орқали жамоатчилик иштирок этиши учун реал вақт режимида ўтказиладиган ҳавола эса аҳолига камида уч иш куни** олдиндан хабардор қилинадилар.

Сенат мажлисининг кун тартиби палата қарори билан тасдиқланади".

7. Ҳуқуқий мониторинг билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатларидаги бўшлиқни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги "Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–5025-сон Қарори билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 3-бобини қуйидаги хатбоши билан тўлдириш таклиф этилди:

"Илмий-тадқиқот муассасалари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул вазирлик ва идораларнинг мониторинг режасига ҳар йили 1 декабрга қадар асослантирилган таклифларни тақдим этадилар".

8. Судлар фаолиятига оид халқаро стандартлар, миллий қонунчилик ҳужжатлари нормалари таҳлили асосида, шунингдек 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган Конституциянинг 98-моддаси ижросини тўлақонли таъминлаш мақсадида "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддаси 3-қисми бешинчи хатбошисини қуйидаги мазмундаги янги хатбоши билан тўлдириш таклифи асослантирилди:

"ўз ваколатлари жумласига киритилган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторингини амалга оширади".

9. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 56-моддасини қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдириш таклифи ишлаб чиқилди:

"прокурор назорати тадбири – прокурор мониторинги, қонунлар ижросини текшириш, ахборот-таҳлил фаолияти, назорат қилувчи органларнинг қонун бузилиши тўғрисидаги материалларини кўриб чиқишдан иборат прокурор назоратини амалга ошириш шакллари;".

10. Қонунчилик ҳужжатлари нормалари таҳлил асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги "Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг

барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-111-сон Фармон билан тасдиқланган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом”нинг 42-бандини қуйидаги хатбоши билан тўлдириш таклифи асослантирилди:

“давлат органлари фаолиятида янги таҳрирдаги Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри қўлланиши ҳолатини мониторинг қилиш;”.

11. Қонунчилик ҳужжатлари нормалари, шунингдек ҳуқуқ ижодкорлиги таҳлили асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтига ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлиги нуқтаи-назаридан илмий экспертизадан ўтказиш вазифасини юклашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.05.2023 йилдаги ПФ–67-сон Фармони 7-банди иккинчи хатбошисини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклифи илгари сурилди:

“норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ илмий экспертизадан ўтказиш;”

12. Янги таҳрирдаги Конституция нормалари билан қонун ҳужжатлари нормалари ўртасидаги номувофиқликни бартараф этиш, шунингдек Конституциянинг 31-моддасини мувофиқлаштириш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 64-моддаси ўнинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“**64-модда. Судьянинг дахлсизлиги**

...

(ўнинчи қисм) Судьянинг хизмат хонасига ва фойдаланадиган транспортига кириш, уларни кўздан кечириш, улардан ашёни олиш, судьяни шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёхуд олиш фақат суднинг қарорига биноан ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг рухсати билан амалга оширилиши мумкин.

Судьянинг турар жойига кириш, унинг турар жойи ёки хизмат хонаси, фойдаланадиган транспортларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, унинг телефондаги сўзлашувларини эшитиш,

шунингдек унинг хат-хабарларини кўздан кечириш, фақат суднинг қарорига биноан амалга оширилиши мумкин”.

13. Ҳуқуқий мониторингни амалга оширишда янги таҳрирдаги Конституция нормалари талабларини тўлақонли рўёбга чиқариш мақсадида Жиноят кодексининг 12-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклифи асослантирилди:

“12-модда. Кодекснинг Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида жиноят содир этган шахсларга нисбатан амал қилиши

...

(иккинчи қисм) Ўзбекистон фуқароси чет эл давлати ҳудудида содир этган жинояти учун ушлаб берилиши мумкин эмас.”

III. Тадқиқот иши доирасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган хулосалар

1. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ҳуқуқий мониторинг ўтказишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар барқарорлик даражасини баҳолашни назарда тутувчи қуйидаги мазмундаги 42^1-банд билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“42^1. Ҳуқуқий мониторинг ўтказишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барқарорлиги қуйидаги 3 та тоифа бўйича баҳоланади:

1) барқарор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

2) нисбатан барқарор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

3) барқарор бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Барқарор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар деганда мониторинг ўтказилаётган йилдан олдинги бир йил давомида бирорта ҳам қўшимча ва ўзгартириш киритилмаган ҳужжатларни тушуниш мумкин.

Нисбатан барқарор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар деганда мониторинг ўтказилаётган йилдан олдинги бир йил давомида 2 мартадан кўп бўлмаган, таҳририй тузатишлар, шунингдек юридик техника билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилган ҳужжатлар тушунилади.

Барқарор бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар деганда мониторинг ўтказилаётган йилдан олдинги бир йил давомида икки ёки ундан ортиқ маротаба қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган ҳужжатлар тушуниш мақсадга мувофиқ.”

2. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан

ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни қуйидаги мазмундаги 43^1-банд билан тўлдириш таклиф этилади:

“43^1. Ҳуқуқий мониторинг ўтказишда ҳуқуқни қўллаш амалиёти материаллари таҳлил қилиш усулида муайян даврдаги қуйидаги маълумотлар тўпланади ва ўрганилади:

а) суд амалиёти материаллари;

б) ваколатли давлат бошқаруви органлари фаолияти ва уларнинг ҳужжатлари;

в) прокуратура органлари, назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг маълумотлари;

г) жамоатчилик ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассалари, тегишли соҳа бўйича мутахассис ёки экспертлар маълумотлари ва умумлашмалари;

д) оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар маълумотлари;

е) фуқаролардан олинган маълумотлар;

ж) ижтимоий сўровлар натижасида олинган ёки илмий тадқиқотларда келтирилган маълумотлар;

з) бошқа манбалардан олинган материаллар.

3. Конституция нормалари ҳуқуқий мониторингни ташкил этишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарорини қабул қилиш ва унда қуйидагиларни назарда тутиш таклифи асослантирилди:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари ижроси ҳуқуқий мониторингини амалга оширувчи орган сифатида Олий Мажлис Қонунчилик палатси ва Сенатини белгилаш;

2) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий мониторинг бўйича Конституция моддалари тақсимотини мустаҳкамлаш. Бунда Конституция моддалари бўйича ҳуқуқий мониторингни Қонунчилик палатаси ва Сенати қўмиталарига бириктириш амалиётини жорий этиш;

3) Қонунчилик палатаси ва Сенат томонидан Конституция нормалари ҳуқуқий мониторингини амалга оширишда бошқа давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилишга оид нормаларни мустаҳкамлаш.

4. Ижро органлари томонидан ҳуқуқий мониторингни амалга оширишда қонун ҳужжатларида қуйидаги принципларни белгилаш мақсадга мувофиқлиги асослантириб берилди:

а) бетарафлик;

б) мустақиллик;

в) зарур ваколатларга эгалик

5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ҳуқуқий мониторинг ўтказилишини назорат қилиш вазифасини Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти зиммасига юклашни назарда тутувчи тегишли ўзгартиришлар киритиш таклиф этилди.

6. Д.В.Якимов, О.И.Туинова, М.Глазкова каби ҳуқуқшунос олимларнинг шунингдек, АҚШ, Франция, Польша, Англия, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Туркманистон, Молдова, Қозоғистон, Тожикистон, Украина давлатларининг тажрибасини таҳлил қилган ҳолда, шунингдек судлар мустақиллиги кафолатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунларга судлар раисларининг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни амалга оширишга доир фаолияти тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашига бир йилда камида бир марта ахборот тақдим этиши ҳақидаги қоидани бекор қилишни назарда тутувчи ўзгартишлар киритиш таклифи асослантирилди.

7. Судлар томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилишини тўлақонли йўлга қўйиш мақсадида қуйидагиларни ўз ичига олувчи суд органлари томонидан ҳуқуқий мониторингни амалга ошириш тартиби бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиш ва Олий суд томонидан тасдиқлаши таклиф этилди:

суд амалиёти мониторингининг объектлари ва субъектлари доираси;

турли тизим ва даражадаги судлар ўртасида мувофиқлаштириш вазифасини амалга оширувчи тузилмани белгилаш;

суд амалиёти мониторингини амалга оширишнинг тартиб-таомили;

судлар томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш талаб этиладиган мезонлар ёки кўрсаткичларнинг қатъий рўйхати;

суд амалиёти мониторинги натижаларини жорий этишнинг усуллари.

8. Прокурор мониторингига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги

Қонунни қуйидаги мазмундаги модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқлиги асослантирилди:

“48-модда. Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати тадбирлари шакллари

Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати тадбирлари прокурор мониторинги ўтказиш, қонунлар ижросини текшириш, ахборот-таҳлил фаолиятини юритиш, назорат қилувчи органларнинг қонун бузилиши тўғрисидаги материалларини кўриб чиқиш шаклларидан иборат.

Кузатувлар, сўровлар ўтказиш, прокурор назорати объектини кўздан кечириш, статистик ахборотларни ва бошқа маълумотларни ўзаро таққослаш орқали қонунлар ижросини тизимли равишда ўрганиш прокурор мониторинги ҳисобланади.

Прокурор назорати объектига бевосита бориб, қонун ҳужжатлари ижросига оид ҳужжатларни олиш, улардаги маълумотларни солиштириш, ҳужжатли тафтиш ўтказиш, прокурор назорати объектини кўздан кечириш, кузатув ва сўровлар ўтказиш орқали қонунларнинг ижросини бир маротаба ўрганиш қонунлар ижросини текшириш ҳисобланади. Бунда прокуратура органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

Муайян соҳада (тармоқда) қонунийлик аҳволи ва жиноятчилик ҳолати ҳақидаги статистик ва бошқа ахборотлар, давлат бошқарув органлари, назорат қилувчи органлар ва бошқа давлат органларининг маълумотларини жамлаш, таққослаш ва таҳлил қилиш орқали қонунлар ижросини ўрганиш ахборот-таҳлил фаолияти ҳисобланади.

Назорат қилувчи органларнинг қонун бузилиши тўғрисидаги материалларини кўриб чиқиш деганда назорат қилувчи органлар томонидан прокуратура органларининг ваколатига кирадиган қонун бузилиши тўғрисидаги тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш ва баҳо бериш тушунилади.

Прокуратура органларининг ваколатига кирадиган қонун бузилиши тўғрисидаги назорат қилувчи органлар томонидан тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш ва баҳо бериш назорат қилувчи органларнинг қонун бузилиши тўғрисидаги материалларини кўриб чиқиш ҳисобланади.

Назорат қилувчи органларнинг қонун бузилиши ҳолати тўғрисидаги материаллари, агарда уларда қайд этилган қонун бузилиши ҳолатларига ҳуқуқий баҳо бериш прокуратура органлари ваколатига

киритилган бўлса, прокуратура органларида қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Қонунчиликда прокурор назорати тадбирларининг бошқа шакллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати тадбирлари шаклларини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан белгиланади.”

9. Қозоғистон, Беларусь каби давлатларнинг тажрибаси, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили асосида фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий мониторингдаги ролини фаоллаштириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилди:

а) мамлакатимиз бутун ҳудуди бўйлаб аъзоларни ўз ичига олувчи Халқ қурултойини ташкил этиш;

б) Халқ қурултойи зиммасига қонунлар ижроси устидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш вазифасини юклаш;

в) Халқ қурултойига ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун зарур бўлган барча ваколатларни бериш;

г) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини тугатиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.04.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ–5980-сон Фармонини ўз кучини йўқотган деб топиш;

д) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Халқ қурултойини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонини ишлаб чиқиш.

10. Ҳуқуқий мониторингда режалаштириш жараёнини таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–111-сон қарорига қуйидаги ўзгартиришлар киритиш таклиф этилди:

а) 3-банди бешинчи хатбошисини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

“ҳуқуқий мониторинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режасига мувофиқ амалга оширилади;”

б) қуйидаги таҳрирдаги 3^1-банди билан тўлдириш:

“7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳар йили 20 февралга қадар:

а) давлат бошқаруви органларининг таклифлари асосида мониторинг режаси лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси **Президенти Администрациясига** киритсин;

б) давлат бошқаруви органлари томонидан ўтган йилда ўтказилган ҳуқуқий мониторинг натижалари тўғрисида қуйидагиларни назарда тутувчи ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси **Президенти Администрациясига** киритсин:

мониторинг режасининг бажарилиши натижалари;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уларни бекор қилиш зарурати;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, қонунчиликдаги бўшлиқ ва зиддиятлар, шунингдек, коррупцияга оид нормаларни бартараф этиш чораларини кучайтириш бўйича таклифлар;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳамда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул бўлган давлат бошқаруви органлари.”

11. Е.М.Трехов, Р.Сайидов каби олимларнинг ҳуқуқий мониторинг принциплари борасида билдирган назарий қарашларини инобатга олиб, шунингдек янги таҳрирдаги Конституция билан киритилган нормаларнинг миллий қонунчилик ҳужжатлари билан ўзаро уйғунлигини таъминлаш мақсадида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш услубиётининг 22-бандида назарда тутилган ҳуқуқий мониторинг принципларида “мутаносиблик” принципини акс эттириш таклифи асослантирилди.

12. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида Конституцияга зид бўлган ҳолатларнинг барчасини тизимли равишда аниқлаш ва бартараф этиш энг аввало, давлат органлари, айниқса, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида янги таҳрирдаги Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри қўлланиши ҳолати мониторинг қилинишини таъминлаш мақсадида Конституция нормаларини ҳуқуқий мониторинг қилиш методикасини ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 1 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги ЎРҚ-837-сон Конституциявий қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2023 йил 1 май. https://lex.uz/docs/6445145

2. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни, 20.04.2021 йилдаги ЎРҚ-682-сон. https://lex.uz/docs/5378966

3. Ўзбекистон Республикасининг 12.12.2002 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги 434-II-сон Конституциявий Қонуни. https://lex.uz/docs/51961

4. Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2004 йилдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги 660-II-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/283717

5. Ўзбекистон Республикасининг 04.09.2015 йилдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-394-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/2742233

6. Ўзбекистон Республикасининг 26.12.1996 йилдаги “Нотариат тўғрисида”ги 343-I-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/54458

7. Ўзбекистон Республикасининг 15.12.2000 йилдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги 167-II-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/29526

8. Ўзбекистон Республикасининг 31.08.2000 йилдаги “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги 120-II-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/26166

9. Ўзбекистон Республикасининг 05.04.2002 йилдаги “Чиқиндилар тўғрисида”ги 362-II-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/42423

10. Ўзбекистон Республикасининг 03.12.2004 йилдаги “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги 710-II-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/415135

11. Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2004 йилдаги “Экспорт назорати тўғрисида”ги 658-II-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/262949

12. Ўзбекистон Республикасининг 19.08.1999 йилдаги “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги 811-I-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/24703

13. Ўзбекистон Республикасининг 11.05.2001 йилдаги “Мудофаа тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 211-II-сон Қонуни

14. Ўзбекистон Республикасининг 29.12.2015 йилдаги “Ветеринария тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-397-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/2854720

15. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги 25.10.2024 йилдаги ЎРҚ-982-сон конституциявий Қонуни. https://lex.uz/docs/7172667

16. Ўзбекистон Республикасининг “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги 04.04.2002 йилдаги конституциявий қонуни. https://lex.uz/docs/51255

17. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги 12.12.2002 йилдаги конституциявий қонуни. https://lex.uz/docs/51961

18. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги 12.12.2002 йилдаги конституциявий қонуни. https://lex.uz/docs/51799

19. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги 11.04.2007 йилдаги конституциявий қонуни. https://lex.uz/docs/1164590

20. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги 27.04.2021 йилдаги конституциявий қонуни. https://lex.uz/docs/5391934

21. Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги 15.12.2021 йилдаги конституциявий қонуни. https://lex.uz/docs/5774840

22. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни. https://lex.uz/docs/160213

23. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 12.12.2002 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунини амалга киритиш ҳақида”ги 435-II-сон қарори. Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 216-модда

24. 15.12.2021 йилдаги “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-737-сон Конституциявий Қонуни

25. Ўзбекистон Республикасининг 21.04.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-683-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/5388561

26. Ўзбекистон Республикасининг 11.04.2016 йилдаги “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуни

27. Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2003 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги 523-II-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/60232

28. Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2003 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги 522-II-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/39573

29. Ўзбекистон Республикасининг 20.06.1990 йилдаги “Ер тўғрисида”ги 97-XII-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/147456

30. Ўзбекистон Республикасининг 23.09.1994 йилдаги “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги 2018-XII-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/1238578

31. Ўзбекистон Республикасининг 19.08.1999 йилдаги “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги 811-I-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/24703

32. Ўзбекистон Республикасининг 22.12.2010 йилдаги “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-269-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/1714042

33. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/2387357

34. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни. https://lex.uz/docs/2302187

35. Ўзбекистон Республикасининг 06.04.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги ЎРҚ-427-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/3153668

36. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-445-сон Қонуни. Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 509-модда.

37. Ўзбекистон Республикасининг 09.01.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги ЎРҚ-458-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/3495885

38. Ўзбекистон Республикасининг 15.11.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги ЎРҚ-1002-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/7223219

39. Ўзбекистон Республикасининг 11.11.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-582-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/4590452

40. Ўзбекистон Республикасининг 14.01.2020 йилдаги “Нотариат тизими тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-602-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/4697587

41. Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида”ги 04.08.2022 йилдаги ЎРҚ-787-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/6141486

42. 2023 йил 30 августдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги ЎРҚ-860-сон Қонун. https://lex.uz/docs/6561894

43. Ўзбекистон Республикасининг 08.08.2022 йилдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ–788-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/6145972

44. Ўзбекистон Республикасининг 12.04.2018 йилдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-474-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/3679092

45. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. https://lex.uz/docs/3517337

46. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. https://lex.uz/docs/3523891

47. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.08.2024 йилдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–111-сон Фармони. https://lex.uz/docs/7069968

48. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.11.2019 йилдаги “Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4505-сон қарори. https://lex.uz/docs/4577546

49. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги «Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5025-сон қарори. https://lex.uz/docs/5331912

50. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.04.2018 йилдаги ПФ-5395-сон “Амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. https://lex.uz/docs/3608660

51. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.05.2011 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4305-сон Фармони. https://lex.uz/docs/1792696

52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.10.2022 йилдаги “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–409-сон қарори. https://lex.uz/docs/6251478

53. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 08.06.2021 йилдаги ПФ-6243-сон Фармони. https://lex.uz/docs/5450176

54. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.05.2018 йилдаги “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5438-сон Фармони. https://lex.uz/docs/3727063

55. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4096-сон қарори. https://lex.uz/docs/4141425

56. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 октябрдаги ЎРҚ-722-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. https://lex.uz/acts/5678735? ONDATE=15.10.2021%2000#5678974

57. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1808-III/КҚ-375-III-сонли Қўшма қарори. https://lex.uz/docs/5379227

58. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.12.2022 йилдаги “Самарқанд вилоятининг туризм ва транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, вилоятни “Самарқанд-Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси” концепцияси асосида ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–455-сон қарори. https://lex.uz/docs/6325919

59. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.12.2022 йилдаги “Электромобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–443-сон қарори. https://lex.uz/docs/6316592

60. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–4761-сон Қарори. https://lex.uz/docs/4875782

61. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.10.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5843-сон Фармони. https://lex.uz/uz/docs/4549998

62. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.05.2023 йилдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–67-сон Фармони. https://lex.uz/docs/6461609

63. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 мартдаги ПФ-89-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолияти самарадорлигини янада ошириш ҳамда рақамлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури. https://lex.uz/docs/5914998

64. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.05.2023 йилдаги “Ёқилғи-энергетика соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш ва “рақамли энергоназорат” тизимини жорий этиш тўғрисидаги ПФ-77-сон Фармони. https://lex.uz/docs/6472925

65. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги ПҚ–3016-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тўғрисидаги низом”. https://lex.uz/docs/3220004

66. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тўғрисидаги низом. https://lex.uz/docs/3743214

67. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.05.2023 йилдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сон Фармони. https://lex.uz/docs/6479180

68. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.05.2023 йилдаги “Ёқилғи-энергетика соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш ва «рақамли энергоназорат» тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-77-сон Фармони. https://lex.uz/docs/6472925#6475723

69. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”. https://lex.uz/docs/5841063

70. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.08.2018 йилдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5505-сон Фармони. https://lex.uz/docs/3858817

71. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.09.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5185-сон Фармони. https://lex.uz/docs/3331174

72. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2022 йилдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон Фармони. https://lex.uz/docs/6324756

73. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги “Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6218-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/5400414

74. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси. https://project.gov.uz/oz/inbox/view/29490?tab=4

75. Адлия вазирининг 2025 йил 31 январдаги 2-мҳ-сон буйруғи билан Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш услубиёти. https://lex.uz/docs/7370767

76. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 07.02.2025 йилда рўйхатдан ўтган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш услубиётини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи, рўйхат рақами 3605. https://lex.uz/docs/7370767#7371571

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

77. Jean-Robert Tyran (University of St.Gallen, Department of Economics, Bodanstr. 1, CH-9000 St. Gallen, Jean-Robert) and Lars P. Feld (University of St.Gallen, Department of Economics, Dufourstr. 48, CH-9000 St. Gallen). Why People Obey the Law Experimental Evidence from the Provision of Public Goods., Princeton University Press, 2006, 299 P.

78. Roger Cotterrell. Law's Community: Legal Theory in Sociological Perspective. Oxford socio-legal studies, Clarendon Press, 1995, 381 P.

79. Donald J. Black. The Behavior of Law, Academic Press, 1976. 175 P.

80. A.R.Posner Economic analysis of law / 2nd ed., Boston: Little, Brown, [1977], 572 P.

81. Zarsky T.Z. Incompatible Goals? Privacy, Technology and National Security. The Yale Law Journal Forum, 2016.

82. Абдрахманова С.Ж., Сабиров К.К. Правовой статус и текущее состояние развития анализа регуляторного воздействия в Республике Казахстан. https://adilet.zan.kz/rus/wniobzor/text001

83. Айсин С., Казиев З. Опыт зарубежных стран по изучению эффективности законодательства. №4 (40) 2015 ж. Қазақстан Республикасы Заңнама институтының жаршысы.

https://cyberleninka.ru/article/n/opyt-zarubezhnyh-stran-po-izucheniyu-effektivnosti-zakonodatelstva/viewer

84. Алоев У.М. Коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш масаласи. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. 2-сон, - Тошкент, 2022 й. https://tadqiqot.uz/index.php/law/article/view/4948

85. Арзамасов Ю.Г. Оценка регулирующего воздействия: понятие, функции, проблемы институализации// https://pravo.hse.ru/.../2013 _Арзамасов_ЮГ_Оценка%20регулирующего%20возде

86. Арзамасов Ю.Г., Наконечный Я.Е. Концепция мониторинга нормативных правовых актов. М.: Юрлитинформ, 2011. С. 10.

87. Арзамасов Ю.Г., Наконечный Я.Е. Концепция мониторинга нормативных правовых актов. – М.: Юрлитинформ, 2011. – 200 с.

88. Арзамасов Ю.Г., Наконечный Я.Е. Техника правового мониторинга в нормотворческом процессе. https://www.hse.ru/data/2012/02/10/1263474219/2012.pdf

89. Артамонов А.Н. Пределы совершенствования законодательства и некоторые его современные недостатки // Российская юстиция. – 2020. – № 11. – С. 47-48

90. Безуглов С.В., Бутурлина Е.С. Особенности федеральных конституционных законов как источников права. Власть закона. Научно-практический журнал, № 4 (32) 2017 г. – 53-66 с. https://anoniiapsp.ru/storage/pdf/02365cd653b3960d332401346c33c9a3.pdf#page=53

91. Бекбаев Е.З., Дюсенов Е.А., Каракожаев О.С. Участие граждан, общественных и научных организаций в проведении правового мониторинга. Аналитический отчет по теме фундаментального и научно-прикладного исследования: “Проблемы и пути совершенствования правового мониторинга в Республике Казахстан”. Центр правового мониторинга ГУ “Институт законодательства Республики Казахстан”. – Астана, 2015. – С. 55.

92. Гафуров А. Мониторинг законодательства в контексте обеспечения прав человека. // Жамиятни демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш – Ўзбекистон тажрибаси. – Тошкент, Chashma Print, 2009. –Б. 196.

93. Глазкова М. Органы судебной власти в механизме мониторинга правоприменения и мониторинга процессуальных норм. Журнал российского права № 9 — 2012. – С. 97-107.

https://cyberleninka.ru/article/n/organy-sudebnoy-vlasti-v-mehanizme-monitoringa-pravoprimeneniya-i-monitoringa-protsessualnyh-norm

94. Глазкова М. Органы судебной власти в механизме мониторинга правоприменения и мониторинга процессуальных норм. Журнал российского права № 9 — 2012. – 98-105 С. https://cyberleninka.ru/article/n/organy-sudebnoy-vlasti-v-mehanizme-monitoringa-pravoprimeneniya-i-monitoringa-protsessualnyh-norm

95. Горохов Д.Б. Современное нормативное обеспечение мониторинга в сфере права и статус его результатов. Журнал российского права № 9 – 2012. https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennoe-normativnoe-obespechenie-monitoringa-v-sfere-prava-i-status-ego-rezultatov/viewer

96. Горохов Д.Б., Спектор Е.И., Глазкова М.Е. Правовой мониторинг: концепция и организация // Журнал российского права. 2007. №5. С. 30 – 34.

97. Горохов Д.Б., Спектор Е.И., Глазкова М.Е. Правовой мониторинг: концепция и организация // Журнал российского права. – 2007. – № 5. – С. 25–38.

98. Гунин А.И. Мониторинг правоприменения. URL: http://www.novodar.ru/index.php/crimes/214-lawlaw/4548- mpe-09-2011 (дата обращения: 22.04.15).

99. Елисеева В.С. Мониторинг правоприменения и оценка регулирующего воздействия в системе правового мониторинга. Государство и право в изменяющемся мире: материалы международной научно-практической конференции, Н. Новгород, 5 марта 2015 г. — Н. Новгород: ПФ ФГБОУВО «РГУП», 2016. — 165 с. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://vrb.rgup.ru/

100. Елисеева В.С.. Технологии правового мониторинга в современной России. Вестник Нижегородского университета им. Н.И.Лобачевского, 2017, № 6, с. 92–98. https://cyberleninka.ru/article/n/tehnologii-pravovogo-monitoringa-v-sovremennoy-rossii

101. Жужгов И.В. Мониторинг правового пространства Российской Федерации. Ставрополь. 2006. – С.53–56 ,66 – http://www.lib.ua-ru.net/diss/cont/199483.html

102. Зражевская Т.Д. Выступление на Межрегиональном научно-практическом семинаре «Мониторинг законодательства и правоприменительной практики в субъектах Российской Федерации: опыт и пути совершенствования» // Сборник материалов конференции. М., 2008. 101–107.

103. Зулфиқоров Ш.Х. Мамлакатимизда сиёсий партия фракциялари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари. Sotsiologiya va huquq, Социология и право, Sociology and law. Ilmiy jurnal, 1 Jild, 1 Son. 2024 й. https://new.nuu.uz/wp-content/uploads/2024/09/1-son-07_removed_merged-1_removed_organized-2.pdf

104. Иванова Л.А. Определение эффективности нормативных актов в процессе правового мониторинга: автореф. дис. … канд. юрид. наук. М., 2011. С. 8–9.

105. Иванова О.С., Чалих И.С. Правовой мониторинг в современной россии: подходы к интерпретации и перспективные направления реализации. Вестник КГУ им. Н.А. Некрасова № 6, 2015. – С. 145. https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoy-monitoring-v-sovremennoy-rossii-podhody-k-interpretatsii-i-perspektivnye-napravleniya-realizatsii/viewer

106. Казакевич О.М. Механизм реализации прогностической функции правового мониторинга. Актуальные проблемы российского права. 2015. № 9 (58) сентябрь. – С. 16. https://cyberleninka.ru/article/n/mehanizm-realizatsii-prognosticheskoy-funktsii-pravovogo-monitoringa

107. Казиев З., Есимова А. Отраслевой правовой мониторинг: общее понятие, задачи и возможности проведения. https://online.zakon.kz/ Document/ ?doc_id=38465077&pos=6;-106#pos=6;-106

108. Кенжаев Т. Антикоррупционная экспертиза проектов актов законодательства: сравнительно-правовой анализ 12.00.12 – Проблемы коррупции (юридические науки) автореферат диссертации доктора философии (PhD) по юридическим наукам. – Ташкент, 2022. – С. 12. https://proacademy.uz/uploads/tinymce/sodapdf-converted.pdf

109. Козловская О.В. О необходимости законодательного закрепления принципов правового мониторинга / О.В. Козловская // Мониторинг правоприменения. - 2013. - № 2. - С. 44-48.

110. Колесник И.В. Мониторинг в механизме правового регулирования. https://cyberleninka.ru/article/n/monitoring-v-mehanizme-pravovogo-regulirovaniya

111. Колыбин А.В. Особенности федеральных конституционных законов. Правовая политика и правовая жизнь. №3, 2022 г. – 305 с. https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-federalnyh-konstitutsionnyh-zakonov

112. Короткова О.А., Шавенкова Т.А. Антикоррупционная экспертиза в системе правового мониторинга. Журнал Теория государства и права. 2020 г. №19. – 127 С.

113. Короткова О.А., Шавенкова Т.А. Антикоррупционная экспертиза в системе правового мониторинга. Журнал Теория государства и права. 2020 г. №19. – 126 С.

114. Короткова О.А., Шавенкова Т.А. Антикоррупционная экспертиза в системе правового мониторинга. Журнал Теория государства и права. 2020 г. №19. – 127 С.

115. Крилова О.В. Правовой мониторинг в социальной сфере республики Марий эл. Государственное и муниципальное управление в XXI веке. Межрегиональный открытый социальный институт, г. Йошкар-Ола. 2017. – 19-21 с. https://elibrary.ru/item.asp?id=29023653

116. Малько А.В., Соломатин А.Ю. Социально правовой мониторинг как инструмент продвижения российской правовой реформы // «Черные дыры» в российском законодательстве. – 2007. – № 6. – С. 463–464.

117. Мамасиддиқов М.М., Отажонов А.А. ва бошқ. Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш / Монография. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. -Тошкент. “Lesson press”. 2020. –278 б.

118. Машкуров Ғ. Ҳуқуқий мониторингни таъминлаш механизмлари. 12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи йўналиши бўйича юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – 83-98 Б.

119. Миразов Д.М. Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари. 12.00.09 – Жиноят процесси. криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси (юридик фанлар) ихтисослиги бўйича докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент – 2016 й. – 34 б.

120. Наконечный Я.Е. Значение и роль мониторинга нормативных актов для систематизации российского законодательства // Государственная власть и местное самоуправление. – 2009. – № 9. – С. 14–17.

121. Никифорова Е.Н. Правовой мониторинг как комплексный механизм оперативной оценки действующего законодательства. Евразийская интеграция: Экономика, Право, Политика. 2013, № 13.

https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoy-monitoring-kak-kompleksnyy-mehanizm-operativnoy-otsenki-deystvuyuschego-zakonodatelstva

122. Орлова Е.Е. Мониторинг правоприменения как средство объективной оценки деятельности органов публичной власти. Юридические науки. – 2021. – Т. 7 (73). № 3. Ч. 3. – С. 223-230. https://sn-law.cfuv.ru/wp-content/uploads/2022/05/26.-Orlova-E.-E..pdf

123. Отахонов Ф.Х. Юридик хизмат фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мониторинги //“Қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари” мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2006. –Б. 101-106.

124. Отахонов Ф.Х. Юридик хизматнинг қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича фаолияти //“Қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. – Т.: “Консаудитинформ-Нашр”, 2005. – Б. 69-72

125. Отахонов Ф.Х. Парламент назоратининг ҳуқуқий давлатни барпо этишдаги роли. //“Парламент назорати: назария ва амалиёт масалалари” мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2005. –Б.6-12

126. Отахонов Ф.Х. Юридик хизматнинг назарий-ҳуқуқий муаммолари. Монография – Т.: Юристлар малакасини ошириш маркази, 2019 – 289 б.

127. Отахонов Ф., Файзиев Х. Давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятида қонунийликни таъминлашда юридик хизмат ролини ошириш механизмларини такомиллаштириш: монография – Т.: “Tafakkur” МЧЖ. 2020. –144 б.

128. Отахонов Ф.Х. Олий Мажлис палаталари фаолиятини илмий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлашнинг долзарб масалалари // Халқаро конференция материаллари (2021 йил 25 январь) – / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф.в.б. Ф.Отахонов. –Т.:“Baktria press”. 2021. Б – 5 –14.

129. Отахонов Ф.Х. Парламент назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомил-лаштириш // Мустақил Ўзбекистон давлатчилиги ва ҳуқуқий тизими: назарий асослар ва ривожланиш жараёнлари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Юристлар малакасини ошириш маркази, 2021. Б.15–23.

130. Отахонов Ф.Х. Ҳаракатлар стратегияси Янги Ўбекистоннинг мустаҳкам замини /Стратегия действий – прочная основа Нового

Узбекистана //Мақолалар тўплами – Т: Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти. 2022. –280 б.

131. Отахонов Ф.Х. Прокуратуранинг конституциявий мақоми ва қонунийликни таъминлашдаги роли // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси, 2022 – 1 (махсус сони) – Б.18–22.

132. Отахонов Ф.Х. Янги Ўзбекистон: инсон–жамият–давлат /Новый Узбекистан: человек–общество–государство //мақолалар тўплами, - Т.: 2023. – 370 б.

133. Павлушкин А., Глазкова М., Черепанова Е. Судебная практика в механизме правового мониторинга. Журнал российского права № 8 — 2014. – С. 57-60. https://cyberleninka.ru/article/n/sudebnaya-praktika-v-mehanizme-pravovogo-monitoringa

134. Поляшук Н.А. Правовой мониторинг в нормотворческой деятельности государственных органов Республики Беларусь. Право.by № 3(59) 2019. – 32 С. https://elibrary.ru/download/elibrary_39183478 _31557595.pdf

135. Прокопьева Н.В., Иванов И.В. Понятие и принципы мониторинга правоприменения: теоретико-правовой аспект. Актуальные проблемы экономики и права. 2015. № 2. https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-i-printsipy-monitoringa-pravoprimeneniya-teoretiko-pravovoy-aspekt

136. Рўзиназаров Ш.Н. Ҳуқуқий мониторинг ва хавфсизлик асослари. Масъул муҳаррир Раҳмонқулов Ҳ.Р. – Тошкент, 2007. – Б.153-154.

137. Рўзиназаров Ш.Н. Юридик фанларнинг ривожланиши ва замонавий муаммолари./ Масъул муҳаррир Раҳмонқулов Ҳ.Р. – Тошкент, 2007.– Б.263.

138. Русская А., Бутенко Т. Мониторинг законодательства и правоприменения как правовое средство в системе права. Вестник АмГУ Выпуск 98, 2022. https://cyberleninka.ru/article/n/monitoring-zakonodatelstva-i-pravoprimeneniya-kak-pravovoe-sredstvo-v-sisteme-prava/viewer

139. Рустамбаев М.Ҳ. Узбекистан: новые реформы по совершенствованию уголовно-исполнительного законодательства и их практические результаты. https://www.uzbekistan.org.ua/ru/news/7125

140. Саидов А. Янги таҳрирдаги Конституция — инсон шаъни, қадр-қиммати ва ҳуқуқларининг мустаҳкам кафолати. https://constitution.uz/uz /pages/Konstitutsiya_mustahkam_kafolat

141. Сайидов Р. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари 12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. маъмурий ҳуқуқ. молия ва божхона ҳуқуқи. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент, 2023 й. – 66 б.

142. Сайидов Р. Ҳуқуқий мониторинг институтининг назарий-ҳуқуқий асослари. “Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар” мавзусидаги республика 28-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 май 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 77 б.https://conferences.uz/plugins/themes/bootstrap3/pdf/conf_28_2021/ 1.Huquqiy _tadkikotlar_yunalishi_1_qism.pdf

143. Сайидов Р. Ҳуқуқий мониторинг: барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим бўлган институт. “Ўзбекистон ва БМТ: ўзаро ҳамкорлик ва барқарор тараққиёт”онлайн илмий-амалий конференция материаллари. https://lpri.uz/014391/

144. Сафарова Т.С. Правовой мониторинг как институт правовой политики Республики Казахстан. Аналитический отчет по теме фундаментального и научно-прикладного исследования: “Проблемы и пути совершенствования правового мониторинга в Республике Казахстан”. Центр правового мониторинга ГУ “Институт законодательства Республики Казахстан”. – Астана, 2015. – С. 25. https://www.zqai.kz/sites/ default/files/ 2015_1.pdf

145. Терехов Е.М. Вестник Поволжского института управления 2017. Том 17. № 3. – С. https://cyberleninka.ru/article/n/printsipy-monitoringa-interpretatsionnyh-aktov/viewer

146. Титова Н. Органы прокуратуры в системе мониторинга правоприменения. Информационный ежемесячник «Верное решение» выпуск № 8 (178) дата выхода от 21.08.2017. https://consultantkhv.ru /periodika/gazeta-vernoe-reshenie/vypusk-08-21-08-17/organy-prokuratury-v-sisteme-monitoringa-pravoprimeneniya/

147. Тихомиров Ю.А. Организация и проведение правового мониторинга // Право и экономика. – 2006. – № 10. – С. 11–15.

148. Тихомиров Ю.А. Рекомендации по проведению мониторинга действия закона //Законодательство и экономика. 2008. № 6., Справочно-правовая система «КонсультантПлюс» (далее - СПС КонсультнтПлюс), Горохов Д.Б., Спектор Е.И., Глазкова М.Е. Правовой мониторинг: концепция иорганизация // Журнал российского нрава. 2007. № 5. С. 29 - 30.

149. Тихомиров Ю.А., Павлушкин А.В., Горохов Д.Б., Чеснокова М.Д., Черепанова Е.В., Глазкова М.Е. Об организации и проведении правового мониторинга // Журнал российского права. –2010. –125-136

150. Тишков В.А., Степанов В.В. Измерение конфликта. Методика и результаты этноконфессионального мониторинга сети EAWARN в 2003 году. М., 2004. 321 с.

151. Тлупова А., Цолоев Т., Мамбетова К. Роль методологических основ в процессе проведения правового мониторинга законодательства. Право и управление. №8, 2022 г. – 40 с. https://cyberleninka.ru/article/n/rol-metodologicheskih-osnov-v-protsesse-provedeniya-pravovogo-monitoringa-zakonodatelstva

152. Фадеева А.С. Правовой мониторинг: средства, приемы и способы анализа. Социология власти. № 4. 2011, - с. 167. https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoy-monitoring-sredstva-priemy-i-sposoby-analiza

153. Хабриева Т.Я. Конституция Российской Федерации в фокусе современной конституционно-правовой доктрины (к 25-летию Основного Закона России). Журнал российского права № 12 — 2018 г. – 10 С. https://jrpnorma.ru/articles/article-2498.pdf?1553004535

154. Чернова Э.Р. Мониторинг законодательства и правоприменительной практики: понятие, значение, функции. Общество, право, государственность: ретроспектива и перспектива. 2023, № 1 (13). https://cyberleninka.ru/article/n/monitoring-zakonodatelstva-i-pravoprimenitelnoy-praktiki-ponyatie-znachenie-funktsii

155. Черногор Н.Н. Мониторинг Конституции РФ и его инструментальная роль. Юридическая наука и правоохранительная практика. 3 (6) 2008 г. – С. 22. https://cyberleninka.ru/article/n/monitoring-konstitutsii-rf-i-ego-instrumentalnaya-rol

156. Черногор Н.Н., Залоило М.В. Правовой мониторинг: инструментальная ценность и векторы развития. Вестник Московского государственного областного университета. Серия: Юриспруденция 2018 / № 3. – С. 10. https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-pravovom-monitoringe-mezhdunarodnyh-pravovyh-aktov-mezhgosudarstvennyh-obedineniy-1

157. Шалтайули Е. Роль прокуратуры в осуществлении правового мониторинга законодательства. №4 (20) 2010. Вестник Института законодательства Республики Казахстан.

https://cyberleninka.ru/article/n/rol-prokuratury-v-osuschestvlenii-pravovogo-monitoringa-zakonodatelstva

158. Шаякубов Ш.Ш. Правовые аспекты регулирования осуществления общественного контроля в Узбекистане. Правовые и нравственные аспекты функционирования гражданского общества: сб. материалов Междунар. науч.-практ. конф., посв. памяти засл. деятеля науки Российской Федерации, д-ра юрид. наук, проф. Малкова В.П. Чебоксары, 2–3 октября 2020 г.: в 2 ч. – Чебоксары: Изд-во Чуваш. ун-та, 2020. – Ч. 2. – 377-380 с.

159. Щеголев И.Б. Место и роль федеральных конституционных законов в системе российского законодательства тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.02. 2007 г. https://www.dissercat.com/content/ mesto-i-rol-federalnykh-konstitutsionnykh-zakonov-v-sisteme-rossiiskogo-zakonodatelstva

160. Якимов Д.В. Правовой мониторинг как одна из форм реализации права: проблемы и перспективы развития. Научный электронный журнал «Академическая публицистика». №4-2\2023. – С. 265. https://aeterna-ufa.ru/sbornik/AP-2023-04-2.pdf#page=263

161. Якубов Ш. Жамоатчилик назоратининг конституциявий-ҳуқуқий асослари. –Тошкент: Ўқув қўлланма, ТДЮУ, 2021. – 85 бет.

162. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси. https://meningkonstitutsiyam.uz/qonunloyihasi.pdf

163. “Мониторинг законов Республики Казахстан: проблемы теории и практики”: научн.-аналит.отчет по теме фундаментального и прикладного научного исследования. – Астана: ГУ «Институт законодательства Республики Казахстан», 2018. - 18 с. https://www.zqai.kz/sites/ default/files/cpm_fpni_2017_final1.pdf

164. Аналитический отчет по теме фундаментального и научно-прикладного исследования: “Проблемы и пути совершенствования правового мониторинга в Республике Казахстан». – Астана, 2015 г. – С. 38. https://www.zqai.kz/sites/default/files/2015_1.pdf

165. Антикоррупционные реформы в Узбекистане 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией. https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf

166. Конституционный мониторинг: Концепция, методика и итоги экспертного опроса в России в марте 2013 года / Под ред. А.Н.Медушевского. — М.: Институт права и публичной политики, 2014. – 11 с. – (Серия «Современные конституционные

исследования»).
https://publications.hse.ru/pubs/share/folder/heo6fq541y/144886556.pdf

167. Қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари / Илмий-амалий семинар материаллари. – Тошкент, 2006. – 376 б.

168. Методическое пособие для общественных советов по проведению общественного мониторинга. Подготовлен в рамках проекта «Прозрачное и инклюзивное управление через инновации и сотрудничество между гражданским обществом и местными органами власти». https://yumh.uz/images/news/metodics.pdf

169. Мониторинг правоприменения в судебной практике. https://pravoprim.spbu.ru/yurisprudentsiya/osnovy-pravovoj-sistemy/item/416-monitoring-pravoprimeneniya-v-sudebnoj-praktike.html

170. Основные принципы независимости судебных органов. Приняты седьмым Конгрессом ООН по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями, состоявшимся в Милане с 26 августа по 6 сентября 1985 года, и одобрены резолюцией Генеральной Ассамблеи ООН 40/32 от 29 ноября 1985 года. https://www.un.org/ru/documents/ decl_conv/conventions/ indep.shtml

171. Осуществление правового мониторинга как одно из приоритетных направлений участия прокуратуры в правотворческой деятельности: лекция по дисциплине «Прокурорский надзор» / Янчуркин О.В., Жидких А.А., Зульфугарзаде Т.Э. // ФГБОУ ВО «РЭУ имени Г.В.Плеханова», кафедра уголовного права и процесса. – М., 2015. – 34 с.

172. План мониторинга правоприменения в Российской Федерации на 2022 год. Утвержден распоряжением Правительства Российской Федерации от 28 августа 2021 г. № 2387-р. http://static.government.ru/media/files/
Agp8tgYCIHtlnpDUgzmXLWgXaWz05ApM.pdf

173. План мониторинга правоприменения в Российской Федерации на 2025 год. Утвержден распоряжением Правительства Российской Федерации от 23 августа 2024 г. № 2274-Р. https://minjust.gov.ru/uploaded/files/plan-na-2025-god.pdf

174. Правовой мониторинг. Научно-практическое пособие. – М.: ИД “Юриспруденция”, 2009. – С.406.

175. Правовой мониторинг. Научно-практическое пособие. Коллектив авторов. Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации, 2009 г, ИД «Юриспруденция», 2009. – С. 15.

176.Правовой мониторинг: актуальные проблемы теории и практики / Под ред. Черногора Н.Н.. – М.: Международный юридический институт, 2010. – 232 С. – С. 118.

177. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси 2023. – Тошкент, - 33 б.

178. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти 2005-2010 фаолияти асосий йўналишлари (2005-2010 йиллар) / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. Ш.Х.Файзиев. – Т.: 2010. – 56 бет.

179. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 20.12.2022 й. https://president.uz/uz/lists/view/5774

180. Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни мониторинги / Масъул муҳаррир Ш.Х.Файзиев. – Т.: 2009. – 17 б.

181. Янгиланаётган Конституция 100 саволга 100 жавоб. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти. – Тошкент. “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази. 2023 йил. – 32 Б.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

182. Консультативный Совет Европейских Судей Великая хартия судей (Базовые принципы). https://rm.coe.int/16807482c6

183. Консультативный Совет Европейских Судей Великая хартия судей (Базовые принципы). https://rm.coe.int/16807482c6

184. https://ru.wikipedia.org/wiki

185. https://lex.uz/search/nat?lang=3&form_id=3972&body_id=819&nature=1&from=01.01.2013&to=31.12.2013

186. https://lex.uz/search/nat?lang=3&form_id=3972&body_id=819&nature=1&from=01.01.2014&to=31.12.2014

187. https://lex.uz/search/nat?lang=3&from=01.01.2019&to=31.12.2019&body_id=819

188. https://lex.uz/search/nat?lang=3&from=01.01.2023&to=31.12.2023&body_id=819

189. https://lex.uz/search/nat?lang=3&from=01.01.2024&to=31.12.2024&body_id=819

190. Залоило М.В. Мониторинг законодательства о противодействии коррупции. Научно-практическое пособие. https://books.google.com/books

191. Постановление Совета Министров Республики Беларусь “О порядке проведения правового мониторинга” от 30 января 2019 г. № 65.
https://pravo.by/document/?guid=12551&p0=C21900065&p1=1&p5=0

192. Постановление Правительства Республики Казахстан от 29 августа 2016 года № 486 Об утверждении Правил проведения правового мониторинга. https://adilet.zan.kz/rus/docs/P1600000486

193. Указ Президента РФ от 20.05.2011 N 657 (ред. от 06.02.2023) "О мониторинге правоприменения в Российской Федерации". http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_114147/ed640895f0e782690391f2ea4905382b09a28189/

194. Закон Республики Беларусь от 17 июля 2018 г. № 130-З “О нормативных правовых актах”. Источник: https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=H11800130 – Национальный правовой Интернет-портал Республики Беларусь

195. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Конституциявий қонун. https://qomus.info/encyclopedia/cat-k/konstitutsiyaviy-qonun-uz/

196. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза. https://anticorruption.uz/upload/document/62531b2c70caea71636061f6cdbc720b0203.pdf

197. https://meningkonstitutsiyam.uz/uzc

198. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Марказий аппарати. https://gov.uz/uz/imv/departments/staff?active=2635

199. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг Марказий аппарати. https://gov.uz/oz/mingeo/departments/staff?active=2223

200. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги. Марказий аппарати. https://gov.uz/oz/eco/departments/ staff?active=1055

201. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги. Марказий аппарати. https://gov.uz/oz/ agro/departments/staff?active=1595

202. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. https://cbu.uz/oz/about/ central-office/divisions/

203. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси. Марказий аппарати. https://agroinspeksiya.uz /uz/departments

204. Адлия вазирлиги марказий аппарати тузилмаси. https://adliya.uz/inner-page/tashkiliy-tuzilma

205. https://senat.uz/senate-office/departments

206.https://lex.uz/search/nat?form_id=3968&lang=3&query=1&fyear=2017

207.https://lex.uz/search/nat?lang=3&form_id=3968&from=01.01.2017&to=31.12.2024&query

208.Закон Республики Казахстан “О правовых актах”. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=37312788

209.Закон Кыргызской Республики от 20 июля 2009 года № 241 “О нормативных правовых актах Кыргызской Республики”. https://cbd.minjust.gov.kg/202591/edition/1086595/ru

210.Закон Республики Беларусь от 17 июля 2018 г. № 130-З “О нормативных правовых актах” Источник: https://pravo.by/document/?guid=3871&p0= H11800130 – Национальный правовой Интернет-портал Республики Беларусь

211.Закон Республики Таджикистан “О нормативных правовых актах” http://ncz.tj/content/

212.Республика Молдова парламент. Закон № 100 от 22-12-2017 г. “О нормативных актах”. https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=134916 &lang=ru

213.Закон Туркменистана “О правовых актах”. https://turkmenistan. gov.tm/ index.php/ru/post/29564/zakon-turkmenistana-%3Cbr%3Eo-pravovykh-aktakh

214. Qumqo‘rg‘on tumanlararo iqtisodiy sudi hamda fuqarolik ishlari bo‘yicha Qumqo‘rg‘on tumanlararo sudlari tomonidan 2021-yil davomida amalga oshirilgan ishlar yuzasidan axborotlari to‘g‘risida. https://e-qaror.gov.uz/doc/404919

215.Халқ депутатлари Бўстонлиқ туман Кенгашининг 2022 йил 16 февралдаги қарори. https://e-qaror.gov.uz

216.Интернет тармоғида эълон қилинган суд қарорлари. https://public.sud.uz/report

217.Узбекистан впервые с 2016 года снизился в мировом индексе верховенства закона. https://uz24.uz/ru/articles/qonun-10-24

218.Узбекистан опустился на 11 позиций в рейтинге свободы прессы. https://www.gazeta.uz/ru/2024/05/03/press-freedom/

219. Surxondaryo viloyatida o‘tkazilgan jamoatchilik monitoringi: maktabgacha ta’lim muassasalari va maktablar qurilishi moliyalashtirilgan, jihozlar esa yo‘q. 2019-06-04 13:45:34. https://yumh.uz/uz/news_detail/59

220.Указ Президента Республики Казахстан “О создании Национального курултая при Президенте Республики Казахстан и признании утратившими силу некоторых указов Президента Республики Казахстан” от 15.06.2022 года. https://akorda.kz/ru/o-

sozdanii-nacionalnogo-kurultaya-pri-prezidente-respubliki-kazahstan-i-priznanii-utrativshimi-silu-nekotoryh-ukazov-prezidenta-respubliki-kazahstan-145619

221. 2008 йил 20 октябрда қабул қилинган “Қозоғистон халқининг Ассамблеяси тўғрисида”ги Қонуни. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30352401&pos=44;-38#pos=44;-38

222. Конституционный Закон Кыргызской Республики от 24 июля 2023 года № 146 "О Народном Курултае". http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112626

223. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими. https://project.gov.uz/uz

224. Проекты законов будут готовить по «пакетному» принципуhttps://www.gazeta.uz/ru/2020/05/22/law-projects/.

225. Қашқадарёда 60 тонна чигити тўхтатиб қолинган жиззахлик тадбиркор муаммоси ҳал этилди. https://m.kun.uz/news/2023/10/15/qashqadaryoda-60-tonna-chigiti-toxtatib-qolingan-jizzaxlik-tadbirkor-muammosi-hal-etildi

Машкуров Ғайрат Абдужалилович

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГИНИ ЎТКАЗИШ ТИЗИМИ

М о н о г р а ф и я

Муҳаррир: М.Талипова
Мусаҳҳиҳ: Н.Ниязова
Компютерда тайёрловчи: Б.Ибрагимова

Босишга рухсат этилди: 23.07.2025-йил
Бичими 60x84 1/16. «Times New Roman»
гарнитурада рақамли босма усулда чоп этилди.
Шартли босма табоғи 16.3. Нашр б.т. 11.7
Адади 50. Буюртма № 23-07/090
Тел: (99) 832 99 79; (77) 300 99 09

“Dimal” МЧЖ нашриёти, 100071,
Тошкент, Ҳувайдо кўчаси, 2А-25.

«IMPRESS MEDIA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шахри, Қушбеги кўчаси, 6-уй.